

84(543)
№ 24

ЎНГИ
ЎСР
ЎГАБИЁТИ



Барча оталарга
бағишланади

ОТА

У Л У Ф Б Е К Ҳ А М Д А М

84 (543)

2824

Янги
аср
дабиёти



Барча оталарга
бағишланади

ОТА

У Л У Ф Б Е К Х А М Д А М

4

Nizomiy nomli
T D P U
kutubxonasi

У 8962/5


ЯНГИ АСР АВЛОДИ
Тошкент
2022

УЎК: 159.9

КБК: 88.3

Ҳ – 24

Ҳамдам, Улуғбек

Ота: роман. / Улуғбек Ҳамдам. Сўзбоши муаллифи:
У.Норматов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2022. – 208 б.

ISBN 978-9943-20-691-5

Одатда бирор китобга аннотация ёзар эканмиз, ёзувчининг маҳоратини асарнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида тўхталармиз. Бу гал ёндашувни ўзгартириб, савол билан бошлармиз. Ҳўш, ўқувчи нега қимматли вақтини сарфлаб, ушбу китобни мутолаа қилиши керак? Бизнингча...

Биринчи сабаб – ёзувчининг машҳурлиги, муаллифнинг бундан аввалги китоблари нафақат ўқувчилар, балки адабий танқидчилар томонидан ҳам жуда илиқ кутиб олинган. Тили, услуби, замон ва макон тушунчалари ўқувчини, сўзсиз, «асир олади».

Иккинчи сабаб – мавзунинг оригиналлиги. Ижтимоий энгил-елпиликдан узоқлиги асар номидан ҳам билиниб турибди: «Ота», «барча оталарга бағишланади». Демак, оталик ҳисси, оталик бурчи, оталик ҳукми, оталик сўзи...

Учинчи сабаб – романнинг ҳажми. Асар катта эмас, аммо воқеалар бир инсон умрига тенг. Дастлаб уруш ўчоғида тириклик учун кураш тасвирланса, ниҳоятда осуда осмон остида омонатни топширишга тайёрлик манзараси юз очади. Туғилиш ва ўлим – бу оралиқда инсон эмас, ота – ким?

Мутолаадан кейин меҳрибон, жонкуяр, аммо гуноҳкор ота ҳақидаги ушбу романи яқинларингизга тавсия этар экансиз, тўртинчи сабаб, сизда, албатта, бўлади.

Сўзбоши муаллифи

Умарали НОРМАТОВ,

филология фанлари доктори, профессор,

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби

ISBN 978-9943-20-691-5

© Улуғбек Ҳамдам, «Ота». «Янги аср авлоди», 2022 йил.

«ОТА»ГА ТАЪЗИМ

Муҳтарам китобхон, қадрли инимиз Улуғбек Ҳамдам салкам ўттиз йилдирки, ҳам шеърятда, ҳам насрда — ҳикоя, қисса, роман жанрларида бетиним қалам тебратиб келади. У моҳир таржимон сифатида ҳам танилган. Қатор асарлари, хусусан, «Мувозанат» романининг довуғи хорижий мамлакатлар, жумладан, Америкагача етиб борган. Улуғбек, айни пайтда, адабиётшунос олим, фан доктори даражасига ҳам эришган.

Тиним билмас бу укамизнинг «Ота» номли янги романи қўлёзмаси билан танишиб қувониб кетдим. Мавзу-мундарижа, тасвир, талқин жиҳатидан аввалги асарларининг бирортасини такрорламайдиган бу романдаги иккинчи жаҳон уруши воқеаларидан тортиб бугунги кунимизга қадар содир бўлган ҳам ваҳшатли, ҳам қувончли лавҳалар ўқувчи кўзи олдида баралла гавдаланади. Бир ихчам роман бағрида йигирмадан ортиқ турфа тирик сиймоларнинг ҳам чигал, ҳам қувончли кунлари, фаройиб қисмати билан танишган китобхон ҳайратдан ёқа ушлайди. Адабиётимиз, жумладан, романчилигимиз фалаж ҳолатга тушиб қолган ҳозирги шароитда бу асар роман жанрига қайта жон ато этди.

Менинг юқоридаги «Ота» романига оид мулоҳазаларим, дил сўзларим билан танишган китобхонлар

«Домла кексайганда «ҳайбаракаллачилик» йўлига ўтиб олибдилар», дея айблашлари ҳам мумкин. На илож, камина кейинги ўн йиллар давомида миллий адабиётимиз тарихидаги мавжуд шоҳона романлар билан беллаша оладиган янгича беназир асар пайдо бўлишини орзу қилардим. Шу орзум юзага чиққанидан беҳад қувондим.

Табиийки, «Ота» романи айрим кам-кўстлардан холи эмас, албатта. Муаллиф гоҳо ўзи танлаган ифода усули, услубига ўта маҳлиё бўлиб кетиб, тасвир оҳангининг ранг-баранг, сержило бўлишига етарли эътибор бермайди, персонажлар қисмати, руҳияти талқинида қисман бир хиллик – монотонлик қусурларига йўл қўяди.

Мен ҳам шу хил қусурлардан холи эмасман, ҳаяжон оғушида «Ота»га ортиқча баҳо бериб юборган бўлсам, «гуноҳ»имни кечиргайсиз, азизлар...

Романни ўқиб, унга одилона баҳо бериш сизларнинг ихтиёрингизда.

Умарали НОРМАТОВ,

*филология фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби*

БИРИНЧИ ҚИСМ

ОСУДА ОСМОН ОСТИДА

1

Ойчечак опа «азим Тошкентда бир дуоғўй домулло чиқибди, ўзиям домулломисан домулло экан, нафаси нақ етти иқлимни олармиш!», деган гапни кўчадан топиб келгандан буён Ўткир ака хонадонида Эгамнинг берган куни ўша домуллодан гап очилади. Очила-очила, ахийри, бошкентга борилмаса, бўлмай-диган бўлди. Ҳар галгидек, бутун оилани бир ўзи «гаҳ дея қўлига қўндирган», «ўзига хон, қўланкаси майдон» Ойчечак опа, ёнига эрини, ўн беш йилдан бери тирноққа зор ўғли Пўлату хуснда тенгсиз гўзал келини Ёғдуни олиб, қанисан Тошкент-бошкент де-дию, йўлга тушди. Пўлатни қўндириш осон бўлмади лекин. Унинг бундай «куф-суф»ларга тоби йўқроқ. Буни яхши биладиган Ойчечак опа ўғлининг бўйини қайриладиган жойидан тутди: уни келинпошшо орқали «тўғри» йўлга солди. Қарабсизки, иш хамирдан қил суғургандек осон кўчди – пишмай ётган ош пишди. Қисқаси, Ойчечак опанинг бир ой давомида олган тадбирлари иш бериб, бутун оила пайшанба куни поездга ўтириб йўлга чикдию бошкентнинг Чилонзорига танда қўйган «исонафас» деб донғи кетган азайимхоннинг маҳалласига жуманинг хайрли эрта тонгида етиб келди. Яхшиям, барвақт етиб келишгани, йўқса, тумонат одамнинг ичида галлари келмай

эртасига қолиб кетишлари тайин экан. Йўл азоби – гўр азоби, дейишарди, бундайин азобга қолиб таъзирини еган-у, тавбасига таянмаган, борлиқ «тарақа-туруқлар»нинг «боши» мана шу Ойчечак опанинг ўзи бўлади. Белида чурраси бор эмасми, ундай ўтирса «ўпоқ» бўлди, бундай ўтирса «сўпоқ». Соат эмас, дақиқа санаб, бўлари бўлиб, сўлари сўлиб, аммо умид билан ахийри Тошкентга етиб олди опа. Энди биргина истаги шулким, «исонафас» домуллонинг сеҳрли дамидан белидаги белангиси кетиб, ўғил-келини муродига етиб – пешоналарига фарзанд битиб, хаммалари бир бўлиб, Яратганга шукрона айтиб, туққан юртига равона бўлишса, бас...

Эртаманги еттида бошланган кўрик чўзилгандан чўзилиб, Ойчечак опанинг «гурух»ига ҳали-бери гал тегадиганга ўхшамасди. Чунки улар келишганда азайимхоннинг у ёғи Юнусободга қараб, бу ёғи Дўмбиробод, яна бошқа ёқлари Отчопару Самарқанд дарвозага қараб данғиллаб кетган уйининг олдида юзлаб, балки икки юздир, одамлар қалдирғоч болаларидек тизилишиб туришар, уларнинг орасида бедаво дарддан бир бурда бўлиб букчайган бетоблардан тортиб, тўрт мучаси соппа-соғ, хатто ундан нари – тоғни урса, толқон қиладиган қорувли йигит-эркакларгача бор эди.

Бундай ранг-баранг «кўшин»га кўзи тушган Пўлатнинг оғзи ланг очилди. «Ким экан у, бир-бирига сира ўхшамайдиган, бири боғдан, бошқаси тоғдан келган одамларни эшиги олдига Амир Темур аскаридек тўплаб кўйган бу сирли азайимхон?» деган ўй кечди ичидан. Олдинига Тошкентга келишга, устига-устак, азайимхоннинг ҳузурига киришга тиш-тирноғи билан қаршилиқ кўрсатиб, манзилга ета-етгунча аяси билан ёш боладек тортишиб келган Пўлатнинг бундайин ажабтовур халойиқни кўргач, қизиқиши чу-

нон ортди. «Курраи заминда инсон оёғи етмаган жой қолмаган, ҳатто эрта-индин ойга учаман, деб турган, ирим-сириму хурофотнинг ўрнини илму фан, тиббиёт эгаллаган бир даврда одамлар бу сеҳргарга нетиб бунчалар ихлос қўйди экан? Қизиқ, жуда қизиқ!..» деб ўйларди у эл қатори навбат олиб ўтираркан.

Навбат келишини узоқ кутишга тўғри келди. Кута-кута, одамларнинг гап-сўзларига беихтиёр қулоқ тутганини ўзи ҳам сезмай қолди Пўлат.

– Ушта қизим бор, эрга бериш кере, куёв чақириб берсала, диб келдим, – дер эди ёши элликларга борган домангир хотин. – Яхши жойдан, топармон-тутормон куёв келувди анавинда, ўшани иссиқ-совуқ қип, қизимга маҳкам боғлаб, қаёқдаги қаланғи-қасанғиларни эса, юзини тескари қиб берсала, бизам тўйлани бошлаворсе...

Қулоқларининг эшитаётганига ақли бовар қилмас эди Пўлатнинг. Бошини бир силкиб, гўё бемаъни хаёллардан халос бўлмоқчидек ҳаракат қилди, сўнг чуқур бир «ух!» тортди-да, бошқа томонга юзини бурди. Бошқа томонда эса, бошқа бир ҳожатталаб аёл ўз дардидан дастурхон ёзиб ўтирарди:

– Шу десайиз, эрга теккан қизим қайнатаси билан тескари бўбқолди. Мана, қайнатаси ўлгурри расмини обкелдим, ўргилай.

– Тавбангдан кетай! Қайнатасини расмини нима қиласиз? – хайрон бўлиб сўради ёнидаги яна бир ҳожатталаб, бошига кўк рўмол ўраган аёл.

– Нима қилардим, домлага бераман, у кишим яхшилаб дам солади, қайната ўлгурри қизимга бошқа ёмон гапирмийдиган қибберади.

– Ҳа, қайната нима диб ёмон гапирганакан?

– Куёвиззи йўғида бирон жойга борсайз, мандан ё қайнанейздан сўраб боринг, индамасдан кетвурмен, дермиш қирилгур!

– Ҳа, буни нимаси ёмон?

– Э-э-э, ғалчамисиз, дийман! Нега гап тушунмийсиз? Қизимми ўртоғлари бор, гап-гаштаги бор, ёш нарса, чиқади-де мундоғ айланиб, ўргилай!..

– Тушунарли, – ҳафсаласи пир бўлдими, кўлидаги елпигич билан юзини тез-тез елпий кетди кўк рўмолли аёл...

Одамларни эшитиб, эшитганларини ўйлаб, синчилаб ўтираркан, Пўлат бу ерда бошқа, бўлгандаям, жуда катта ишлар айланаётганлигини тушуниб турарди. «Бу ишга кўпчилик арашган. Азайимхон домлани битта ўзи, жуда зўр бўлгандаям, бундай ишни эплотмасди. Айниқса, ҳозир – ўрисни замонида. Тошкентлик азайимхон Тошдомла ортида яна кимлардир бор. Бўлгандаям, казо-казо кимлардир», деб ўйларди у. Бир томони шу, иккинчи томони – Тошдомланинг ўзи ҳам одамларни худди жодулаб қўяётганга ўхшарди. Ҳожатмандлар жисми-жонидаги дардигагина эмас, умуман, ҳаётларида нимаики катта-кичик муаммолари бўлса, бари-барига Тошдомлани балогардон билиб, шунга умид боғлаб бош уришаркан унинг даргоҳига. Пўлат нажот тилаб келувчиларга бир-икки эътироз билдириб кўрганди, нақ балога қолиб кетди. Айниқса, келбати қўнғир айиқдек келадиган барзанги йигит унга пўписа ҳам қилди. Барзангининг дарди отадан қолган меросда бўлиб, туғишган укасининг уйдан воз кечадиган қилиб беришини домладан сўраб келибди. Пўлат бу нарса суднинг иши, судга мурожаат қилинг, деганди, барзанги терс жавоб қилди:

– Сиз бунақа фикриз билан нима қип адашиб кепқолдийз ўзи бўтлага, а? Судга борсам, уйи, ҳовли-жойи ярмини укамга хатлаб беришади-ку! Мундай каллани ишлатинг, брат, каллани!..

– Тошдомла нима деркин энди?

– Кеча киргамман олдиларига. Бўлади, ўн кун қатнийсан, дидила.

– Кейин-чи?

– Нима кейин? Укам ўз ихтиёри билан меросдан воз кечади. Шунаққип беришга келишду.

– Келишдик?

– Ха, келишду. Тўғри, бироз қимматроққа тушвоман. Майлиде, манга қовотган мерос олдида бу нимаям бўларди.

– Укейизи бошқа яшайдиган жойи борми?

– Топволади, – беписанд жавоб берди барзанги.

– Топволади? – ҳайрон бўлиб сўради Пўлат.

– Теги бақват укамми. Қайнатаси коттакон, бағрига олволади.

– Ачинмайсизми?

– У-чи? У манга ачинвотими? Шундо қайнатаси бўптуриб, окаси билан ҳовли талашвотти-ку уялмий.

– Виждониз йўқ экан! – деди суҳбатдошининг кўзига тик қараб Пўлат.

– Нима? Тошийни тер, ҳарип! – Ўрнидан турди барзанги. – Манга ақл ўргатвоссанми, вей!..

– Хой-хой, кап-катта йигитлар, уялинглар-ей! Шифо тилаб келган жойларингдаям жанжал чиқарасизларми? Бас-э! – Одамлар танбеҳ беришаркан, шу вақт барзангининг навбати келиб, ичкарига гумбурлаб кириб кетди. Кетаркан деди:

– Сан шўтга бўптур, ҳарип, сурвормагин яна!

– Чиқўвур, шу ерда бўламан! – Пўлат барзангини дўку пўписасига пинагини ҳам бузмади.

– Жим бўл, Пўлат! Бегона юртларда нима қилганинг бу! – янди ўғлини ёнидаги ҳожатталаб хотин билан гапга чалғиб қолган Ойчечак опа.

– Қанақа бегона юрт, ая! Ўзимизни юрт-ку, бу ер ҳам.

– Барибирам-да! Уйингдан узоқдасан, ҳамма жойни ўз тошу тарозиси, ўз бўриси бўлади, дер эди отам.

– Бобомиз донишманд бўлган экан, кўп эслайсиз, ая. Ўзийз амал қилмасайз ҳам, – ҳазилга олди Пўлат Ойчечак опанинг насихатларини.

– Ҳа, сеними, шошмай тур ҳали! – Ойчечак опа дўмбоққина муштчаси билан ўғлининг елкасига енгил уриб кўйди.

– Биз нима дардда келдиг-у, сиз яна нималарни бошимизга очмоқчисиз, а? – Ярим чин, ярим ҳазил аралаш гиналанди Ёғду.

Яхшиям, Ўткир ака оёқ чигалини ёзай, дея ариқ бўйидаги йўлакда у ёқдан бу ёққа одимлаётганди, бу машмашалардан хабарсиз қолди. Йўқса, у ҳам нималардир деган, Пўлатни тартибга чақирган бўларди.

Пўлат ўрнидан турди.

– Қаерга, болам? – бирон жойга кетиб қолмасин, деган хавотирда сўради Ойчечак опа.

– Шу ердан, отамни олдида бўламан

– Узоққа кетиб қолмайлар тағин, ҳозир галимиз келади-я!

– Хўп, ая.

Ҳайтовур, барзангидан кейин буларнинг гали келдию ичкарилашди. Чиқиб келаётган барзанги ўзи билан ўзи бўлиб қолган чамаси, на у Пўлатга, на Пўлат унга бир сўз демади. Ҳа, нимасини айтайлик, буни ҳаёт дейдилар! Одамнинг кавушини шундай тўғрилабгина кўядики, ўша одам бошқа бировнинг кавушини тўғрилашга на фурсат топади, на рағбат! Барзангининг ҳам кавуши тўғриланган шекилли, на у Пўлатга қайрилиб бир сўз деди, на ўзи Андижондан кавуши тўғриланиб келган Пўлат тошкентлик барзангига журъат қилиб бир нима деди: бегоналардек бир-бирларининг ёнларидан ўтдилар-кетдилар. Дарвоқе, улар шундоғам қариндош эмасдилар...

Ҳовли жой! Ана ҳовли жойу мана ҳовли жой! Чек унақа катта эмас – Ўткир ака чекининг яри-мича ҳам келмайди. Бироқ иморатлар! Улар ўта маҳобатли эди: ўртада кафтдеккина экин эккувлиқ томорқа қолдирилгану қолган жойларга айланги-риб уй солинган. Бундай ҳолда томорқани томорқа эмас, томўрта дейилса тўғри бўлар балки. Ахир, томорқа дегани томларнинг орқа томонида бўла-ди-да! Ўшанчун томорқа деб келган ота-бобомиз. Ҳай, майли, азайимхонга келайлик, қани у кишим? Қаерларда ўтирибди экан қўр тўкиб? Тўрт тарафни ўраб олган иморатларнинг қай кунжига кириб ол-ган экан яширилган хазина каби? Қизиқ-да энди!.. Афтидан, синч солиб қаралса, ҳаммаси тушунарли бўларкан-қўяркан. Ахир, бу ҳовлидаги ҳамма нар-са, иморатларнинг туришидан тортиб жиҳозларгача, гуллардан тортиб дарахтларгача, ҳамма-ҳаммаси кирган кишини тўппа-тўғри азайимхоннинг пойига олиб бориб ташлар экан-ку! Йўлакларни айтмайсиз-ми, йўлакларни! Улар ҳам кирган касални «қўли-дан тутиб, етаклаб» ул муборак зотнинг ҳузурига элтади. Дарвозахонадан киришдаги ҳам, ошхонадан чиқишдаги ҳам, ҳамма-ҳаммаси унга олиб боради ёки ундан олиб келади. Шунга қарамай, азайим-хонга осонгина, дарвозадан кира солиб, шундайин етиб бўлмас эди. Олдинига дарвозадан кирасиз, сўнг ўнг томонга қараб юрасиз. Ярим ҳовлини айланиб ўтиб, тўрида гердайиб турган иморатнинг баланд, жуда баланд зиналаридан кўтарилиб, аввал даҳлизга кириб, оёқ кийимларни ечасиз, кейин у ердан яна уч-тўрт зина кўтарилсангиз, икки табақали, сало-батли, устига-устак, олтин рангга бўялган ажабто-вур ялтироқ эшикка етасиз. Эшик олдида эса бир хизматкор йигит ўтиради, у сизга эшикнинг битта табақасини очиб, «Киринг!» дегач, аввал салом бе-

риб, қўлни кўксингизга қўйганча ичкарилайсиз. Ана шундагина Тошдомланинг хузурларига етиш мумкин бўлади. Чиқишда яна худди шундай ўнг томондан юриб, зиналардан тушаркан, оёқ кийимларни аста киясиз, қадам олганда шипиллатмасдан, авайланиб, бу қутлуғ даргоҳнинг пашшасига ҳам озор бермайгина, гапирмасдан дарвоза томон йўрғалайсиз. Киришда ҳам ўнг томон билан, чиқишда ҳам ўнг томон билан. Бу дегани, кирган дардманд, ҳовлининг айланмачасига бир марта айланиб чиқади, у ердаги борлиқ ажойиботларни кўриб, оғзи эгасиз қолган ғордек очилиб, маҳлиёю мубтало бўлиб чиқади, деганидир. Нимасини айтасиз, шунинг учундирки, келиб-кетгувчиларнинг оғзидан Тошдомланинг тоғдек савлатию, бир қучоқ оқ соқоли, ажабтовур дам солишларию юзидан мудом нур ёғилиб туриши тўғрисидагина эмас, тошдан кўтарилган мана шу ҳовлилари ҳақида ҳам бот-бот эшитасиз. Ҳаттоки, айрим беморлар ўз дардини унутиб, ёлғиз шу ҳовли-жойдан гурунг беришади.

Чиғириқлардан ўта-ўта Ойчечакопалар «гуруҳ»и, ниҳоят, Тошдомланинг қошига етди. Дарвоқе, бу ерга бир ёки икки киши келдингизми, уч ё тўрт кишими, битта «гуруҳ» бўларкансиз. «Сиз қайси гуруҳдансиз?» ёки «Гуруҳингиз қани, ёнига бориб туринг!» деб қўйишади шу ерда елиб-югуриб юрган дастёр болалар. Шунинг учун ҳам икки табақали олтинранг эшик олдидаги йигит ҳам «Опа, буларни ҳаммаси сизни гуруҳизданми?» деб сўради. Опадан тасдиқни олгачина, эшикни очиб ичкарига киритди. Ойчечак опа шу олтинранг эшикка қадар белини ушлай-ушлай келган бўлса, эшикнинг бир табақаси очилиши билан белига қўйган қўлини кўксига олдию ҳаммадан бурун йўрғалаб кириб кетди.

«Бай-бай-бай! Кўр тўкиб ўтиришларингдан сенинг!» деб юборарди каттакон безакли хонанинг тўри-

сида, тахтга ўхшаган баландроқ жойда мўмиёланган ҳайкалдек қотиб ўтирган Тошдомлага кўзи тушган одамнинг кўпи. Чиндан, ҳовли жойнинг маҳобати бир ёну Тошдомланинг савлати бир ён экан! Ҳатто ортиқ, денг. Тошдомланики ортиқ! Ана азайимхону мана азайимхон! Ҳинд халқининг «Махабхорат»идаги маъбудлардан бири Чилонзорга кўчиб келиб яшайптими, деворади салгина китоб кўрган одам бўлса! Келбатмисан келбат, виқормисан виқор, соқолмисан соқол... ҳаммаси шу кишида жам эди. Юзидан ёғилган нурни айтмайсизми, нурни! Кундузи қуёш, кечаси ой уялади-я!..

Бир қўлида тасбеҳу бир қўлида арқон билан ҳазрат қаршисига кўйилган, энди-энди одамлар ҳаётига кириб келаётган сирли қути – телевизорга тикилиб ўтирарди. Бундай ҳайбатга умрида илк бор дуч келган Ойчечак опанинг тўлари тўлиб, бўлари бўлди, икки қўли кўксида, уч кунлик келинлардек белининг белангисини ҳам унутганча ерга қадар эгилдию русларнинг «Калашников» автомати каби тариллатиб баланд овозда уч марта «Ассалому алайкум! Ассалому алайкум! Ассалому алайкум!» деб юборди. Бу шундай ғайриоддий салом бериш эдики, икки кўзи телевизорга михланган «маъбуд» ҳам азбаройи қизиқшидан кўзларини бир зумга бўлса-да зангори экрандан узиб, опага қизиқиш билан разм солиб кўйди. Ҳа, азайимхонга кўзи тушиши билан Пўлатнинг кўнглидан негадир «маъбуд» деган сўз кечди.

– Ваалайкум! – у ёғини айтишга эриндими ёки сенга шу ёғи ҳам бўлади, дедими, ҳарқалай, маъбуд яна кўзларини экранга тикди.

Зангори экранда эса, партиянинг қайси бир мажлиси олиб берилаётган эди. Каттакон зални тўлдириб ўтирган одамлар минбардаги бир кишининг

қоғоздан ўқиб бераётганларини жон қулоқлари билан тинглашар эди. Ойчечак опа ҳам тушунса-тушунмаса, мана шундай мажлисларни ётволиб кўрарди. Буни қарангки, «маъбуд» ҳам унга «ошиқу мубтало» экан!

– Дидларимиз ўхшар экан! – ўйлади негадир ўзидан севиниб бораётган опа.

«Маъбуд»нинг олдида бир аёл ўтирар, афтидан, таниш-билиш қилиб навбатсиз суқилиб кирган эди.

– Нима дардиз бор? – «маъбуд» ҳали-ҳануз кўзини экрандан узмай сўрарди.

– Эримни иши юришмай қолди.

– Қани ўзлари?

– Вой, ишдалар? Мана расмлари!

– Қани, хўш. Беринг баққа. Энди кетвуринг. Ҳамма кетгач, бемалол вахтимда ўқиб қўяман. Пулини қолдириб кетвуринг.

– Қанча бўлади? – катмонини чуқулади жувон.

– Ҳар бир дам солиш бир кило гўшши пули, етти кун дам соламан, ҳисоблен ўзиз.

Ёш жувоннинг лаблари шивир-шивир қилди, бармоқлари катмоннинг ичида қимирлади, сўнг бир даста пулни чиқариб «маъбуд»нинг қаршисига қўйдию икки букилиб орқаси билан юрганча ташқарига чиқди.

«Маъбуд» пулни апир-тапир санади. Кейин тезлик билан ўтирган кўрпачаси остига тикиб, «Қани галдагилар, тезроқ қимирленг!» деди. Бўшаб қолган ўринга Ойчечак опа чопқилаб бориб ўзини ташлади.

– Худога шукр! – Чуқур хўрсинди опа. Кейин орқасига ўгирилиб, – келила, ўтирила тез! – деди «гуруҳ»ини ёнига чорлаб.

Шу пайт эшик очилиб, эндигина чиқиб кетган жувоннинг боши кўринди.

– Кечирасиз, домла

– Тагин нима? – Бошини бир буриб жувонга қараб, яна экранга қайтди «маъбуд».

– Мабодо, кейинги гал ўзим келомасам, тўйга Самарқанга бормокчидик-де, пулини берворсам, ўқиб қўйсейиз, фойдаси тегадими?

– Нега тегмасин? Пулини беринг, кимгалигини этинг, кифоя. Дуомиз ойда бўсейзам орқейздан куп-вип етади.

– Коттакон раҳмат! – жувоннинг юзида куёш кулди.

– Борин энди, эшини ёпинг!

Пўлат кўриб-эшитаетганларига ишнолмас, аммо ишонмай ҳам қўёлмас, зеро, буларнинг ҳаммаси унинг шундоқ кўз ўнгида, куппа-кундузи содир бўлаётган эди.

– Хўш, сиззи нима безовта қилади? – сўради маъбуд кўзини ҳамон савил қутига тикиб.

– Меними? Мени... – ҳаяжонлаганидан танглайга ёпишиб қолдими, Ойчечак опанинг тили калмага сира келмас, «Меними, мени, мени...» дея ковоқ аридек битта сўзни гўлдирагандан гўлдирарди.

– Аёлимизни белида, умуртқасида озроқ оғриғи бор. Яна ўғлимиз билан кизимиз ҳам шу ерда... улар фарзанд умидида юришибди, – деди табиатан Ойчечак опанинг бутунлай тескариси бўлиб яратилган оғир, босиқ, мушоҳадали Ўткир ака.

– Тушунарли, – деди маъбуд соқолини бир тутамлаб, сўнг силаб, – қани, баққа келинг.

Ойчечак опа унинг хузурига борди, «маъбуд» қўлидаги тасбеҳни ёнбошига – тўшакка қўйиб, опанинг бошини тутди.

– Яқинроғ келвуринг, – деди қаршисида тиз чўкиб ўтиришга ундаб. – Еб қўймийман. – Кейин иккинчи – ўнг қўли билан тасбеҳнинг ёнида ётган қалин ўрилган арқонни олди. Арқоннинг боши алп

йигитнинг муштидек тугилган эди. Опа мўъжиза содир бўлишини кутиб, бутун ихтиёрини қўшқўллаб «маъбуд»га топширган кўйи кўзларини оҳиста юмди. Ортиқ даражада ҳаяжонланаётгани бояқишнинг ҳар нафас олганда кўтарилиб тушаётган бутун жуссасидан шундоқ кўриниб турарди.

– «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Аузи биллаҳи минан шайтонир рожийм...» – азайимхон баланд овозда дуони бошлар экан, қолганлар нафасларини ичига ютиб, жим бўлишди. Фақат зангори экрандан чиқаётган овоз, ғала-ғовур улкан хонани тутиб, домланинг овозига қўшилиб кетди. Пўлат бундай зерикарли мажлислардан тайёрланган кўрсатувларни ўлгудек ёмон кўрар эди. Ҳозир эса инчунун: зеро, анави минбардаги одамнинг бир маромдаги овози Куръон тиловати билан қўшилиб-аралашиб Пўлатнинг газабини келтирарди. Шу боис, узанди-да, телевизор мурватини бураб, овозини пасайтирди. Пасайтирди ҳамки, бирдан «маъбуд»нинг ҳамласига дуч келди Пўлат.

– Кўтар овозини! Нима, котта холангни уйда ўтирипсамми, тилвизор қулоғини бурайсан?!

Пўлат чўчиб тушди, дарҳол телевизор қулоғини бураб, унинг ёқимсиз овозини боягидек қилди. Шу баробари «маъбуд» кўлидаги арқонни Ойчечак опанинг бошида бир айлантириб, худди қирчанғи отга қамчи тортгандек, аёлнинг сиртига қараб қаттиқ туширди. Арқоннинг учи каттакон беҳидек қилиб тугилмаганми, унинг кутилмаган зарбидан Ойчечак-опа эсанкираб қолди: «Их!..» Лекин бу бор-йўғи бошланиши экан, – кейин йўғон арқондан ўрилган оғир қамчи устма-уст туша кетди. Зарбалардан биттаси белидаги чурра устига тўғри келди, чамаси, Ойчечак опа бир қаттиқ «ох!» дедию вужуди эгилиб, эриган шамдек бир томонга қийшайди-қолди. Бутун диққат-эътибори зангори экранга миҳланган «маъбуд» опанинг ҳолидан хабарсиз, негадир жазаваси

қўзигандан қўзиб, кетма-кет қамчи тортар, лаблари эса орасидан кўпик сачратиб нималарнидир тинмай пичирлар, қаршисида тиз чўкиб ўтирган бечора аёлни бошидан маҳкам ушлаган кўйи елкаларига, белига, ҳатто ундан қуйироғига жон-жаҳди билан қамчи босару икки кўзи ҳали ҳануз зангори экранга қадалганди.

Пўлатнинг бўлари бўлди. У темир қутидан таралаётган бир хилда минғирлаган товуш, қутурган туядек жазавага тушиб беморни савалаётган «маъбуд» унга ишониб қошига эмаклаб келаётган юзлаб одамлар билан Қуръонни, унинг сирли-сехрли каломини бир жойда сира тасаввур қилолмади, нима дейишини, қандай иш тутишини билмай бир муддат қарахт бўлиб қолди. Кейин шартта туриб, маъбуднинг қўлидан қамчисини тортиб олиб, соқолидан тутиб олганча, онасини ургандан баттарроқ қилиб қамчилагиси келди, турайин, урайин дея умтанди ҳам, аммо сўнгги лаҳзада кўзи отасининг кўзига тушди, Ўткир ака «Жим! Сабр!» деган ишорани берди. Қолаверса, бу ёқда Ойчечак опани савалаш иши ҳам яқунига етиб, «маъбуд» қандай тезлик билан ғазаб отига минган бўлса, худди шундай ундан туша қолди, энди бўлса, ҳозиргина содир этган аҳмоқона қилиғига маъно юклаш билан банд эди у:

– Ичизга жин кирган сиззи! Хайдадим. Локин ула жа-а кўпакан, жа-а кўп! Озғинроғлари қамчимми зарбидан чиқип қочди, семизроғлари чикмади. Улани кейинги кунларда хайдиймиз. Жа-а ичкарилага бекиниб оганлари, эски, айёр жинлаям боракан. Улани нима қиламиз, оповси?

– Жинлар?.. Менинг ичимдами?.. – калтаклардан энди ўзига келаётган Ойчечак опанинг хуши «ичига кириб олган жинлар» ҳақидаги даҳшатли хабарни эшитиши ҳамано яна қайларгадир учиб кетди.

– Ҳа, сиззи ичизда, оповси, сиззи ичизда! Локин ташвиш чекмен! Уланиям қувип соламиз. Фақат оғули

ой довомида ўн кундан қатнийсиз, қамчимиз ичкаридеги жинлагача етиб боради ўшанда. Туринг энди! Келинг, ким яна?.. – «Маъбуд» негадир Ёғдуга қаради. Ойчечак опа ўрнидан турмоқчи бўлдию гарангсираб бир томонга оғиб йиқиладельди, яхшиям Пўлат отилиб келиб тутиб қолди.

– Яхшимисиз, ая?

– Ҳм... – зўрға сас берди опа.

– Ким бор яна, вахтим йўқ, қани келинг! Маъбуд кўзини экрандан бир узиб, яна Ёғдуга қараб қўйди.

– Йўқ, бошқа ҳеч ким! Етади! – деди Пўлат қахр билан маъбудга тикилиб. – Бўлди!

– Ҳай нима қиялсан, Пўлат, болам, – деди кўзлари ола-кула бўлиб Ойчечак опанинг.

– Опа, сиз жим бўлинг! Шунча калтакни еб ҳам тарафини оласизми, бас, энди сизни эшитмайман, гапирманг! – деди қатъий қилиб Пўлат.

– Ҳа-а, йигитча, ёқмадимми? – одамни тешиб юборадиган пичинг оҳангида деди «маъбуд», – яхши-яхши, борвур, эртага ҳолин бундан баттар бўганда яна эмелаб келасан-ку! Борвур! Сандақалани кўп кўрганмиза.

– Бундан баттари бўлмайди! Эмаклаб қолсам ҳам сизни олдизга бошқа келиш йўқ! – Пўлат бир кило гўштнинг пулини санаб «маъбуд»нинг олдига қўйганди, чол шошиб уни кўтариб санай кетди.

– Ҳай, болам, нима қиялсан? Асли сизларни деб келгандик-ку?.. Сени, Ёғдуни... – инқиллаб деди Ойчечак опа.

– Ота, аямни олинг!

– Ке, сен мен билан юр! – Ўткир ака келиб хотинининг тирсагидан тутиб ташқарига етаклаганди, Ёғду ёрдамга келди.

– Яна шунча берасан? Жин жа-а болалаб кетганакан опомизни ичида... – деди кўзлари яна телевизорга қадалган «маъбуд» кўлини Пўлатга узатиб.

Пўлатнинг тили қичиди, «Асли жин сенсан, сен! Сендан ёмонроқ, сендан каттароқ, сендан хавфлироқ жинни кўрмадим мен бу хонада!» дегиси келдию шайтонга ҳай берди, тилини тишлади, — оҳ, зўрга тишлади, қани энди тилини эмас, бориб анави маъбуднинг нақ бўғзидан тишлаб олиб, ташқарига судрасаю элнинг кўз ўнгида шармандасини чиқарса, тавбасига таянтирса, — лекин буларнинг хаммаси «лип» этиб унинг хаёлидан ўтди, холос. Хаёлидан! Хаётда эса, Пўлат яна ўшанча пулни санаб «маъбуд»нинг олдига ташлади-да, индамай «гурух»нинг ортидан чикди. Чиқиб бу ерга қадар ўз оёқлари билан келган онани учовлашиб деярли кўтариб машинага солишди. Сўнг олд ўриндикни туширишиб, авайлаб ётқизишди-да, поезд вокзалига йўл олишди. Ундан эса, узун от — поездга ўтиришиб, уйга — Андижонга қайтишди.

2

Уйланганига ҳам ҳадемай ўн беш йил тўлади. Ўн беш йил-а! Майли, ўн икки йиллик уруш, асирлик ҳамда қамокда ўтказган гул йилларини айриб ташлаганда ҳам камида уч йиллик биргаликдаги турмуш бор. Лекин ҳамон тирноққа зор у! Итга ҳам, битга ҳам зурриёд бергувчи Ул сахий сифатли Оллоҳу таоло Пўлатга келганда негадир сукут сақламокда. Йигит шўрлик кўчага бўсага ҳатлаб чиқолмай қолди. Чиқди, дегунча гўё ҳамма унга қўлини бигиз қилиб: «Ана у, битта хотинниям тугдира олмаган латта!» деяётгандек бўлаверади. Ҳада, нима қилсин бечора, бир ой бурун чойхонадаги «гап»да синфдоши, яна ҳамкасби бўлмиш Эрбой ўқрайиб қараб туриб Пўлатга худди шу сўзларни айтди. Юракка тегадиган қилиб, текканда ҳам ўқдек бориб қадалиб қоладиган, қадалиб қонини кунлаб,

ойлаб оқизадиган қилиб айтди. Ҳамманинг олдида айтди. Алаmidан айтди. Эркаклигини, эрлигини унутиб, ҳезалакчасига айтди. Ахир, бир пайтлар, мактаб даврида Пўлат иккаласи бир қизни – еттинчи синфда Асакадан Мингтепадаги ёлғиз холасиникига келиб, шу ерда қолиб кетган Ёғдуни отли қизни роса талашиб, ахийри «улоқ» Пўлатда кетмаганмиди!.. Ўшанинг минг йиллик алами ҳали ҳам Эрбойнинг юрагида тош каби чўкиб ётган экан. Чўкиб, юрагини қоп-қора қилиб юборган экан. Мана, энди барини, борини ташқарига чиқарди. Ҳар қандай рақибни гурзидек келади-ган мушти билан бир уриб учириб юборадиган Пўлат ўша куни, ўша лаҳзада негадир бир муддат жойидан қимирлай олмай қолди. Синфдошлари нафасларини ичига ютиб, энди нима бўлар экан дегандек, мум тишлаганча Пўлатга кўзларини тикиб туришди. Пўлат бўлса... у нигоҳлар залвғрини ортиқ кўтара олмади: шартта ўрnidан турди-да, тез-тез юриб чойхонани тарк этди. – Ҳа, бу дунёда мушт ҳал қила олмайдиган мушкулотлар, ақл билан ечиб бўлмайдиган тугунлар бор экан. Шулардан бирига Пўлат рўбарў келиб ўтирибди. – Ўшандан бери Пўлат уйда, юрак ютиб кўчага чиқмайди. Ўшандан бери ичига чироқ ёқсанг, ёришмайди. Ўшандан бери одам боласи кўзига шайтон бўлиб кўринади. Орқасидан партадошлари Элжонни ўртага олиб келиб узр сўрашдиамки, буларнинг ҳеч бири унинг зулмат босган кўнглини ёритувчи чироқ бўлолмади. Пўлат уззукун томорқасидаги сувсизликдан қуриб бораётган экинзорига қадалиб ўтирди, ўтараберди.

– Сиз кўймасангиз экинларга сувни, мана мен кўяй! Ахир, қаранг, қандай қовжираб боришяпти, – деди бир кун Ёғду Пўлатнинг олдига келиб.

– Сен қатилма!

– Уларни қуришиб нима топасиз? Нима истайсиз ўзи?!...

– Истагимми? – деди Пўлат ўтирган ўрнида хотинига ёвқараш қилиб, – дунёдаги ҳамма нарса: жонлию жонсиз, ёшу қари, яхшию ёмон – ҳамма-ҳамма мендек, ҳа, худди мендек қовжираб қурисин! Мен ана шу қуришни ўз кўзларим билан кўришни ис- тайман!..

– Бу нима деганийз, Пўлат ака! Ахир, сиз бундай одам эмасдийз-ку!

– Энди шундайман, уқдингми! Бор, кет!..

– Пўлат ака! – ялт этиб эрига қаради Ёғду. – Ўйлаб гапиряпсизми! – мусичадек беозор, тоғдек юкни нозик елкасига олиб, бир «их» демайдиган, оғуни бол каби ичига ютиб юрадиган Ёғдунинг кўзларидан бугун қайноқ ёшлар тирқираб чиқди. – Ўйлаб гапиряпсизми!.. – такрорлади аёл яна. Бирок Пўлат миқ этмасди. Олдига қараб ўтира берди. Ёғду унга қарай-қарай, бир илиқ сўз кута-кута, ахийри, ҳафсаласи пир бўлиб-бўлиб узоқлашди.

Пўлат эса, пинак ҳам бузмай, кўзини лўқ қилганча томорқадаги япроқлари учидан қуриб келаётган маккажўхори, помидор, картошка, пиёзу бошқа шунга ўхшаш ҳар хил экину кўкатларга маъносиз боқиб ўтирарди. Ана, эру хотин умид билан дарвозахона рўпарасига эрта кўкламда бирга экишган анвойи гуллар ҳам қовжирай бошлабди. Пўлат ҳаммасини совуққон кузатарди. Аммо бу совуққонлик унинг ташқи кўринишида эди, холос. Аслида, унинг жисми саёз жойга ботиб қолган улкан кемадек ҳаракатсиз кўрингани билан ичида халос бўлиш ишқида ўзини ҳар томонга ураётган пўртаналар содир бўлаётганди. Бу пўртаналар уни жавоби йўқ саволлар қоясига олиб бориб аёвсиз урар, олинган жароҳатлардан Пўлатнинг юрагида, ҳа-ҳа, юрагида улкан гурралар пайдо бўларди.

Сал ўтиб унинг олдига оқ, сариқ, яна қораю чипор жўжаларини эргаштириб она товук келиб қолди.

Она товук оёқ остларини титар, у ердан нималарнидир топару болаларини «курк-курк»лаб чақирар, жўжалар етиб келишлари билан эса, ўзи нарироқ бориб, яна янги жойларни чўқишда, егулик қидиришда давом этарди. Пўлат уларга қараб ўйга толди. Ҳаётнинг маъноси оила қуриб бола кўришда, болани оқ ювиб-оқ тараб элга кўшишда, деган якуний ўйини – шу чокқача етиб келган энг олий хулосасини яна бир карра эслаб кетди. Эслаб юраги эзилди. Бир товукнинг ҳам ўнлаб, юзлаб жўжаси бўлгани ҳолда мен тирноққа зорман, деб ўйлади. «Ҳаёт нима ўзи? Бир келишу бир кетишда! Шу келиб кетишда ортингдан қоладигани фақат бола! Бола – ўлимнинг юзига инсон туширган тарсаки. Ортидан фарзанд қолдирибгина «Дунёда мен ҳам борман!» дея олади эркак киши. Йўқса, умр деганлари ҳовучингга олган сувдек гап – оқади-кетади. Фарзанд, фақат фарзанд! Қолгани – бекор, қолгани – бир пул!.. Лекин қанисан? Қаерларда қолдинг! Нега келмайсан? Кўзларим йўлларингда тўрт бўлди-ку, нега ҳаяллардинг, эй болам.. Кел энди, кел!.. Келиб мени, ўттиздан ўтиб, қирққа етмай қадди дол бўлган отанг қаддини тик қил! Боши эгилиб қолган онангнинг бошини кўтар!..» – Пўлатнинг икки ёноғидан оқиб тушаётган кўз ёшлари дув-дув этиб кучоғига тома бошлади. – «Биласанми, болажоним, онанг билан турмуш қурганимизда жуда бахтли эдик! Ҳатто ер юзидаги энг бахтли инсонлар эдик! Шундай бахтга тўлиб ойлар ўтди. Кейин уруш... асирлик... қамоқ... Кейин яна бирга бўлдик! Шунда бизга ҳеч нима керак эмас эди. Ҳатто... ҳатто сени ҳам эсламас, йўқламас, ҳозиргидек чорламас эдик. Бахтли-қутли бўлишимиз учун онанг иккимизнинг бирга бўлишимиз кифоя эди! Қолган бутун дунё ёниб кетса ҳам ишимиз йўқ эди. Эшитяпсанмиз, ишимиз йўқ

эди!.. Туриб-туриб ўйлаб қоламан: одамнинг қутли бўлиши учун андак менчи¹ бўлиши керакмикан, дея. Йўқса, нега оваларингни, тоғаларингни, боболарингу момоларингни эсламасдик? Чунки уларсиз ҳам бахтли эдик-да! Нега, дейсанми..» – Пўлат кўз ёшларига тикилиб, уларни кафти билан артиб, бир зум гапиришдан тинди. Сўнг яна давом этди. – «Демай кўя қол, гўдаккинам, барибирам бу саволнинг жавоби йўқ менда!.. Ўзи ҳамма саволларингга жавоб топсанг, бу дунёда яшашнинг ҳам қизиғи қолмаса керак. Мана, мен билан онангни ол. Ўн беш йилдир сенга зормизу, ажралишиб кетмаганмиз. Дўхтирларам, «икковингизам соппа-соғсизлар», ажрашиб, бошқа турмуш қуринглар, балки болали бўларсизлар, дейишади. Қариндош-уруғу ошна-оғайнилар ҳам шу гапни ушлаб олишган. Лекин онанг икковмиз бир-биримизсиз яшай олмаймиз. Нега? Мана шуниси жумбоқ! Билганимиз шуки, бирга бўлишимиз шарт, тамом! Билганимиз учун ҳам қишлоғимизнинг четига – овлоқ шу жойга кўчиб олганмиз. Ҳар куни ажрашинглар, дегандек қараб турадиган қариндошлардан узокроқ бўлайлик деганмиз. Онангни кўзим қиймагани учун шундай қилганман. У ҳам мени ҳеч кимга алишмайди, биламан. Лекин энди... энди негадир бошқача ҳолларга тушиб қоляпмиз! Шу чокқача бир-биримизсиз яшай олмаймиз, дер эдик. Энди бўлса... энди бир биримизсиз эмас, сенсиз кунимиз ўтмай қолди, болам! Ўтмай қолди!..» – Пўлат икки кўли билан юзини тўсди, елкалари билан эса йиғлади...

– Ҳаммасига сен айбдорсан, сен, эй лаънати уруш, сен!.. – хаёлан ҳайқирди Пўлат кўлларини юзидан олиб. Унинг кўзлари жикқа ёшга тўлган эди... – Сен!!!

¹ «Менчи» – худбин маъносида.

шундай эди. Шўрлик палапони замонлар шамолида учди-кетди. Кейин бошқа бола кўриш эр-хотиннинг пешонасига битмаган экан. Битта шу Пўлат! Уруш бошланди, дегунча эса эри Ўткир акани биринчилардан бўлиб етаклаб кетишди. Мана, энди яккаю ягона ўғлига ёпишишмоқда. Шугина ёлғизидан ўзга илинчоғи йўқ, ахир, Ойчечак опанинг! Онани ҳаёт билан боғлаб турган бирдан-бир ришта бўлса, у ҳам Пўлат. Энди давр қиличи яна ишга тушиб, ана шу сўнги риштанинг тепасида ҳар томонга сермалиб ётибди, Худо кўрсатмасин, тегиб кетса, нима бўлади?! Бу ҳақда ўйлашга ботинолмайди онаизор. Лекин урушга кетиш тўғрисидаги хат келганда ботинида беркиниб ётган кўхна кўрқув опанинг тилига кўпчиб чиқаётганди:

– Эри урушда бўлса, уйда қолган битта болага тегилмайди, дейишганди-ку, ахир!.. – дея зор-зор йиғларди. Лекин шўрлик билмасдики, урушга кетиш балоси ҳукуматдан эмас, ўғли Пўлатнинг ўзидан чиққан эди. Ҳа-ха, худди ўзидан: «Менинг ёшим етган бўлса, урушга қачон оласизлар?» дея ўн қайта эмас, юз қайта борган, бориб у ердагиларнинг холи-жонига қўймаганди. «Ҳамма аждаҳо комидан қочса, бу ичига отилади-я! Ҳай майли, ўзингдан кўр!» Район ҳарбий бўлимида урушга одам етказиб беролмай хуноб ўтирган чўлоқ бошлиққа Пўлат тайёргарлигини кўравер, йигитча, кейинги партияда кетасан!..

– Тайёргарлигини кўравер, йигитча, кейинги партияда кетасан!..

Ойчечак опа булардан беҳабар урушни ҳам, унинг ўчоғини ёққанларни ҳам, аввал эри, кейин ўғлини бағридан юлиб олган, олаётганларни ҳам тинмай қарғади. Қарғай-қарғай ахир бу ишдан чарчади. Қарғашдан наф йўқлигини билиб қолди. Элга келган тўй, ахир! Айрим оилалардан уч кишилаб одамлар ўлиб келаётган бир замон бўлса, аёл боши билан қў-

лидан нимаям келарди унинг... Шуларни мушоҳада қила-қила уйга, ўғлининг олдига кириб, унинг қўлларидан маҳкам тутганча, кўзларининг ич-ичига боқиб:

– Севган қизим бор девдинг, тўй қиламиз!.. – деди томдан тараша тушгандек.

– А! Нима деганийз бу, ая?.. Нега энди hozир? Мавридимас-ку?.. – кутилмаган таклифдан хайрон бўлди Пўлат. Ахир, тўй Ўткир ака урушдан омон қайтгач бўлади, дея ширин хаёллар қилгич эдилар-да онаю ўғил.

– Роса мавриди, болам, роса мавриди! Сен менга ишонавер! Яхшибой аканинг қизи эди, а, адашмасам? Бугуноқ, ҳозироқ совчиликка бориб келаман!..

– Ая, урушга эсон-омон бориб келай, эне, қилармиз. Отам келсин. Тўй қочиб кетмас! – беғубор ишонч билан кўзлари порлаб деди Пўлат.

– Тўй қочиб кетмасмиш! Қочиб кетади, кўрма-япсанми, ҳамма нарса қочиб, йўқ бўлиб кетаётган замонда турибмиз, болам! Бу замонни тегирмони тинимсиз айланиб ётибди! Айланиб ҳаммани, каттаю кичикни, яхшию ёмонни майдалаб ётибдию, тўйинг нима бўпти. – Ўрнидан кўзгалди она, – энди мени эшит, ўғлим, яхшилаб эшит: ё уйланиб кетасан ўша отинг ўчгур урушга, ёки ҳеч қаерга бормайсан! Йўлингга ётиб оламанки, ўлигим устидан ҳатлаб ўтишингга тўғри келади. Танла!..

Пўлат онаизорнинг даҳшат тўла кўзларига қараб тураркан, ич-ичидан бир титроқ келдию шунинг тўлқинига таслим бўлганча оғзидан қандай қилиб розилик деган сўзи чиқиб кетганини билмай ҳам қолди:

– Хўп!..

Ўша «Хўп»нинг учинчи куни тўй бўлди. Тўй деганимиз ҳам ўн кишилик битта ош билан ўтди. Ҳа, одамларнинг уруш пайтида қилган ишлари тинчлик вақтига, тинчликдагиси эса урушдагисига тўғри кел-

маскан. Эшитган кулоқки, тўйни миқ этмай қабул килди. Ҳатто «Илойим, бахтли бўлишсин!» дейишди. Энди шу тўй тинчлик даврида бўлса-чи, худди шу одамлар оғзи қолиб, кети билан кулмасмиди?.. Ҳай, майли, бу гапларни қўяйлик-да, келин-куёвнинг хузурларига борайлик. Не ёзиқки, бу севишганларнинг висол дамлари қисқа бўлди: бир ой дийдорлашишдию сўнг айрилиқ деган бир бало қалин ва эримас қор каби бошларига ёғди. Ёғиб, узо-о-ок йиллар давомида Пўлату Ёғду қисматлари устида музлаб қолди...

Ҳар ёмоннинг бир яхшиси бор, дейишади. Бўлмаса ҳам, ҳар ёмон ишнинг бир яхши томони бўлишига ишонгиси келади одамларнинг. Ҳамда тўғри қилади. Агар ўша тўй бўлиб, томирларида қон ўрнида ёшлиқ эҳтиросию муҳаббат шавқи оққан Пўлат мактабдош севгилиси Ёғдунинг болдек ширин васлига етиб, Яратганнинг бу тенгсиз неъматини — жодули сеҳрини жон-жонидан ҳис қилмаганда, эҳтимол, у йилларга чўзилган айрилиқ тифига дош беролмай, кўпчилик сафдошлари қатори ёт ўлкаларда ўлиб кетиши ҳеч гап эмасди. Пўлат бу узун йиллар дўзахидан, энг аввало, Ватанида қолган ёрининг ёди билан омон чиқди. Йўқса, унинг ёшгина йигит бошинималарни кўрмади, урушнинг, ёвузликнинг қандай бадбашара қояларига урилмади, дейсиз. У барчасига сабр этиб, муҳаббатини машъала янглиғ бошида баланд кўтарганча уруш зулматини ёриб ўтди.

Қишлоқнинг сал-пал китоб кўрган, сиёсатнинг уст-бошидан энди-энди таний бошлаган одамлари, айниқса, ҳукумат хизматчилари оғзиларини тўлдириб: «Биз дунёдаги энг қудратли мамлакатимиз! Бизнинг кучу қудратимиз олдида капиталистик давлатлар нима бўпти! Ҳатто нима бизга Америка? Нима бизга Фарб?» дейишарди. Пўлат Украина тупроқларига

келиб тушган кундан уч кун ўтмай ана шу баланд-парвоз гапларнинг мағзи пуч экани ҳақида илк бор ўйлай бошлади. Зеро, уларни, мана шу жўжахўрозларни ҳе йўқ, бе йўқ жанг майдонига ташлашган эди. Адолат ҳаққи айтиш жоиз, уч кун мобайнида қандай жанг қилинади, милтиқ қандай отилади, аскар урушда ўзини қандай тутати, окоп қандай қазилади, деган саволларга жавоблар айтилди, нималардир ўргатилди, тушунтирилди. Кейин бирдан жангга қўйиб юборилди. Пўлат урушга кетаётганини билар эди, лекин бунинг бунча тез рўй беришини кутмаган эди. Кечагина ёрининг асалдек кучоғида висол лаззатидан тотиб, ҳаётнинг энг ширин дамлари бағрида эркаланган бўлса, бугун бошининг ён-веридан визиллаб учаётган ўқлару оёқлари остида гумбурлаб портлаётган снарядлар қиёфасида ўлим билан юзма-юз келиб турарди. Э, воҳ!..

«Уруш дегани инсон ҳаёти билан ўйнашиш дегани эканми?», деб ўйлай бошлади Пўлат илк ҳарбий ишларнинг қандай олиб борилаётганини кузатаркан. Йўқса, ҳеч жаҳонда тўрт кишига битта эски милтиқ бериладими? Нимаймиш, милтиқ кўтарганга ўқ тегиб ўлса, ортидан бораётган учовлондан биттаси қуролни олиб душманга отиши керакмиш. Чиндан шундай бўлди-ей: милтиқ кўтарган чала аскарга ўқ тегиб ё оёғи остига снаряд тушиб ўлса, унинг изидан келаётган иккинчи чала аскар милтиқни олиб, душманга ўқталар бўлди. Иккинчи нобуд бўлса, учинчи, учинчидан кейин эса тўртинчи шундай иш тутарди. Ҳаммаси худди командир айтиб, чизиб бергандек. Гоҳо аскар дегани қўлига қурол ушламай, душманни ўлдириш у ёқда турсин, у томонга ёлчитиб ҳам қарай олмай, бу ёруғ дунё билан хайр-хўшлашиб қоларди. Шундайлар ҳатто кўп бўларди. Чунки тепангдан, пастингдан, чотинг орасидан учаётган ўқлар

қўлингда қурол борми-йўқми, танинг ёшми-қарими, уйда ёшгина келинчак кутаяптими-кутмаяптими деб, танлаб ўтирмас экан, ахир! «Тирс» этиб тегаркан-қўяркан. Кейин ширин жонингни Жабборга қўшқўллаб беравер... Ўқ дори ҳам шунга яраша эди: қай бир гурухнинг ўқи жанг тугамаёқ соб бўларди. Қўлида милтиқ билан нима қилишини билмай ёвнинг ўқларига тирик нишон бўлиб жувонмарг кетаётганларнинг сон-саноғи йўқ эди. Буларни кўриб турган кўзларига Пўлат ишонмас, аммо кўраётганлари такрору такрор содир бўлар эдики, ишонмай ҳам қўёлмасди. «Урушда нима арзон экан? Урушда жон арзон экан!» деб ўйлай бошлади жанг майдонида у ёқдан бу ёққа фақат жонини сақлаш учун чопиб юрган Пўлат. Чунки унинг «тўртлиги»дан бир ўзи қолди. Учовлон эса бир одим нарига келиб тушган снаряддан тилка-пораси чиқиб ўлди. Бориб милтиқни олай деса, унинг стволи бир ёну қўндоғи бир ён бўлиб ётарди. Шунда Пўлат ўзини чули-чулидек² хис қилди. Уруш қилаётган бошқалару у бошқа. Лекин бошидан, қулоқлари остидан, ён веридан визиллаб учаётган ўқлар ҳақиқий эди: улар Пўлат билан бирга жангга кирганларни аёвсиз қулатар, додлатар ва ўлдирарди. Жумладан, Пўлат ҳам истисно эмас, ўқ уни чули-чули экансан, деб ёнидан тегмай ўтиб кетмайди, ўлдиради-қўяди. Буни Пўлат яхшигина англаб олди.

Шу зайлда кунлар, ҳафталар, ойлар ўтди. Бундай отишмаларнинг ичида узоққа бормаيمان, деган Пўлат оёғидан яраланиб, госпиталда ётиб ҳам чикди. Лекин юра олади, чопа олади, энг муҳими, ўлдир

² Чули-чули – катталар ўйин ўйнаганда уларнинг атрофида гўё ўйинда иштирок этаётгандек, аслида эса, ўйиндан ташқарида бўлган ва ўз кўйига ташлаб қўйилган, катталарнинг ортидан у ёқ-бу ёққа чопиб юрадиган ёш бола.

олади. Энди унинг шахсий милтиғи бор. Ҳатто автоматдан тариллатиб отиб, душманни ер тишлатишни ҳам ўрганиб олди. Ҳа, Пўлат етти ухлаб тушига кирмаган қабих ишларга бош қўшаётган эди: у одам ўлдирарди!.. Дастлабки уч ой давомида ўлдирган одамани ҳатто санаб борди. Бундай олам-олам завқ туйди. Яна бирмунча вақт ўтиб, жангчи Пўлат Отажоновнинг кўкрагига медал илишиб, «Жасоратинг учун!» дейишди. Фронтга келганига бир йилча бўлганда эса, ўз-ўзидан ҳаммасидан кўнгли совиди. Урушдан, жангдан, одам ўлдиришдан чарчади, кўнгли қолди. Айниқса, тирик одамлардан. У ўзиники – сафдоши бўладими ёки душман, фарқи йўқ, ҳамма-ҳаммани ёмон кўриб кетди. Ахир, худди шулар – тириклар эмасми бирпас ўтиб бир-бирларининг қонини ичадиган, тирикни ўликка, гулзорни вайронага айлантирадиган!..

Бироқ тирикларсиз ҳам яшаб бўлмасди. Айниқса, Никитасиз! Қанчадан-қанча ўрта осиелик, ўзбекистонлик йигитлар бор эди ёнида, ҳаммаси бирин-сирин ўққа учдилар, ўлдилар, ўчдилар. Арман йигит Балаян билан юнон йигит Карагашовлар ҳам яқин-яқингача улар билан елкама-елка жанг қилишди. Афсус, иккиси ҳам бомбалар ёмғири остида нобуд бўлишди. Кейин яна келдилар, хануз келмоқдалар, ўлганлар сафини тўлдирмоқдалар. Лекин Никита билан Пўлат йўлнинг бошидан бери бирга. Атрофда ҳамма ўзгарди: ўлди, фронтнинг бошқа жабҳасига ўтди, яраланиб гостпиталга кетди, Никита эса йўқ. Пўлат мактабда ўрисчани тузуккина ўргангани, бир йил ичида бу тилда яхшигина сайрайдиган бўлди. Ахир, куну тун Никита билан Пўлат бир-бирларининг сояларига айланишгани. Ҳатто кишининг ўз сояси ҳам унинг ўзи билан Никита ва Пўлат бирга бўлганчалик бирга бўлолмайди: кечалари ёки

булутли кунларда соя инсонни тарк этади. Булар эса, йўқ! Кундуз ё бирга йўл босишар, ёки окоп казир ва ёхуд жангга кирар; кечалари эса, баъзан палаткада, кўпинча эса очик осмон остида соатлаб суҳбатлашишар, сўнг ёнма-ён узаниб қотиб ухлаб қолишарди. Бу вақт мобайнида улар шунчалар дўстлашиб кетишдики, «Орамиздан қил ҳам ўтмайди», деса Пўлат, Никита «У нас с тобой такая дружба сложилась, водой не разлей. И это очень здорово! А то как можно пережить эту войну, в которой мы с тобой влипли? Ни как...», дер эди.

Никита баланд бўйли, оқ-сарикдан келган, доим қуёшдек кулиб тугувчи юмалоқ юзли, ғоят истарали, самимий йигит эди. У Пўлатдан бир ёш катта эди. Сибирли бўлгани боис совуқни осон енгар, иссиқ ўлкадан келган Пўлатнинг совуқ қотаётганини кўриб кулиб қўяр-да, ўзининг шинелини ечиб дўстига узатган вақтлари кўп бўларди. Лекин Пўлат ҳеч қачон кийим-бошни қабул қилмади. Бировнинг шинели бирпас ўтиб ўша бировнинг ўзига керак бўлади. Уруш дегани ҳамма бирга, айни дамда, ҳар кимнинг бир ўзи енгиб ўтиши керак бўлган синовдир, дерди. Ўз навбатида, Украинадалиқ вақтларида ёзнинг иссиқ кунларида Никита окоп қазиётганда ёки жангга кириб у ёқдан бу ёққа бўзчининг моккисидек чошиб бориб келаётганда ҳаллослаб, узун тили катта оғзидан осилиб чиқиб қолар, буни кўрган Пўлат ҳам мавриди бўлганда ичаклари узилгудек кулар, ҳазиллашар, флягада суви бўлса, дарҳол олиб дўстига илинади.

— Пей сам. Чуть позже тебе самому нужна будет!.. — деганча чошиб яна тутуну чангнинг ичига кириб кетарди Никита.

Ўшандай кунларнинг қақшатқич жангларининг бирида Пўлатнинг назарида иккала томоннинг ҳам

аскарлари бутунлай қирилиб кетди. Қолган бўлса ҳам битта-яримта ярадор бўлган ёки қўрқиб-пусиб ётган чиқмаса, бошқаларнинг бари ер тишлаганди. Пўлат ҳам у оқондан бунисига чоғиб ўтиб, отишмада қулайроқ жойни эгаллайман дер экан, ёв пулемётидан отилган ўқ дўлига дуч келдию жон аччиғида ўзидан икки-уч қулоч чамаси наридаги чуқурликка сакради. Шу сакраш шу сакраш бўлди: учиб келиб қаттиқ нарсага урилди. Худди уни улкан дев кўтариб олиб бетонга айлантириб ургандек ҳис қилди ўзини. Кўзларидан нақ ўт чакнаб кетди. Ўнг қўли, ўмгани захаланди, оёғи ҳам ўша қаттиқ жисмга урилиб, кучли оғриқ берди. Лекин унинг боши узра чийиллаб учаётган ўқ оғриққа эътибор беришга қўймас эди, бас, тушган ўрнидан бошини хиёл кўтардию ёнида ётган қуролини олиб, душман тарафга қараб тепкини устма-уст босди. Шу кўйи анчагача отишиб ётди. Назарида душман тамом бўлган эди, лекин мана шунга ўхшаб қолган-қутганлари пистирмада ётиб олиб бор ҳунарларини ишга солиб қолишаётган эди.

Никитанинг ҳоли нима кечдйкан, буни Пўлат билмасди. Уруш шундай ҳодиса эканки, бошландими, ҳаммани ҳамма тарафга сочиб юборар экан. Ҳатто кўлидан маҳкам ушлаб олганинг биродаринг ҳам қандай қилиб қўлингдан чиқиб кетганини билмай, сезмай қоларкансан.

— Никита! — қичқирди Пўлат ётган ўрнидан. Бунга жавобан душманнинг «ДЗОТ»идан тариллаб ўқ узилди. Пўлат бошини эгди. У пастликда бўлгани учун ўқ тепасидан учиб ўтарди, худди шундай, душман ҳам яхши беркигани сабабидан пулемётнинг ўрни тахминан маълум эдию, эгасини кўриш, боз устига, ўқ тегизиб йўқ қилиш амри маҳол эди. Шунга қарамай, Пўлат ўқ келган жойни мўлжал қи-

либ милтиқдан яна битта ўқ узиб қўйди. Тусмолдан! Тусмол дегани ҳам камида ўн фоиз мўлжалга тегади дегани. Бу урушда нималарни кўрмади Пўлат. Қанчадан-қанча паҳлавон йигитлар жанг тугагандан кейин қайдандир учиб келган дайди ўққа учиб бадар кетишди. Шунинг учун ўқинг бўлса душман томонга қаратиб отиб туравер экан. Бири бўлмаса, бошқаси бориб тегиб қолади. Тегмаса ҳам отилаётган ўқлар ўз ишини қилади: душман юрагига ваҳм солади. Уни инида ушлаб туради.

– Никита!..

Пулемёт яна тариллади. Пўлат тагин бошини эгиб, ерга қапишиб олди. Бироқ бу сафар у ўққа ўқ билан жавоб бермади. Қараса, боя сакраганда ўқдоннинг биттаси тушиб қолган экан. Энди уни оламан деб бошини кўтарса, бас, «Тарр!» этади, тамом, Пўлат нақ асфаласофилинга равона бўлади, – ёв шуни кутиб турибди ўзи. Йўқ, сабр қилиш керак, сабр!.. У милтиқни қайириб ўқдонини очди, чўнтагидан доим асраб юрадиган сўнгги ўқни чиқариб жойлади. Сўнгги ўқ!.. Пўлатнинг юрагини хаяжон чулғади. Энди нима бўлади?.. Бу ўқ кимга аталган? Ўқи кўп пулемётли фашистгами ёки ўқсиз қолган ўзигами?..

Шу пайт нариги окопдан биргина ўқ узилди. Милтиқдан чиққан товушни Никитаникига ўхшатиб юборди Пўлат. Ҳа, совет аскарлари аксарининг қўлида худди шунақа милтиқ бўлсаям, Пўлат Никитаникини танийди: у аллақандай тиниқ отилади, ўзига хос нимасидир бор. Ўқ товушини эшитиши билан севиниб бошини кўтариб, теваракка аланглади. Ўқнинг узилиши билан бир вақтда пулемётнинг акиллаган товуши бирдан тинди. Ажал уруғини сепувчи аждаҳо тиндию сира кутилмаганда унинг эгаси – душман додлаб қолса бўладими!..

– Вой-дод, оёғим!.. Вой-вой, она, онажоним! Дод! Энди нима қиламан!..

– Аа-а, попала, да!.. – Бу Никитанинг кадрдон овози эди.

– Никита!.. – Жисму жонидаги оғриққа қарамай, қаддини тиклади Пўлат.

– Шу ердан! – кичкирди Никита. – Ёт, туришга ҳали эрта!..

Пўлат эҳтиёт чорасини кўриб ўзини ерга қайта ташлади.

– Хайрият, тирик экансан!

Шу ётганча ётди. Душман жангчиси эса додлашини қўймас, ўз тилида нималардир дея бақирар, кимнидир чақирар, афтидан, бу ердалигидан жуда норози эди.

«Тавба, – деб ўйлади Пўлат, – ҳаммаси тушунарли-я, жудаям тушунарли. Тилингни тушунмасам ҳам ўзингни тушуниб турибман, эй ёвнинг боласи! Дардингга ҳамдардман! Ҳойнаҳой, онамлаб йиғлаётган бўлсанг керак... Ҳолинг шу экану нега келдинг бу ерга, ўзгаларнинг юртига, а, нега?..»

Шу пайт окопдан кимнингдир чиқиб чопиб бараётгани унинг оёқ товушларидан билинди. Шу баробари узоқроқдан ўқ узилди. Пўлат шошиб яна бошини кўтарган эди, Никитанинг ҳалиги душман жангчисининг «войвой»лаб ётган окопига сакраб тушаётганини кўрди

– Никита! Эсингни едингми, нима қилганинг бу!..

Пўлат ўқ отилган томонга қаради. Афтидан, хув, анави ерда, узоқроқдаги окопда яна битта душман бор экан.

Бир пайт ўша душман аскарлари окопидан сакраб чиққан кўйи Никитанинг ортидан чопди. Унинг бакуват қўлларида автомат, бўйи ҳам нақ икки метр

келарди. Афтидан, у окопда боядан бери нималардир дея бақириб-чақириб ётган сафдошига ёрдам учун ошиқиб борарди. Пўлат агар яна икки сония ҳаялласа, душман бориб Никитанинг нақ пешонасидан тариллатиб отиб ташларди. Шунинг учун ҳам у вақтни пайсалга солмай милтиқ тепкисини босди: рақиб кулади.

– Ҳай-я-я-я, – деди у чўзиб, – ҳалигина ўқ кимга аталган экан деб ўйлагандим. Унинг эгаси ўз оёқлари билан чопиб қаршимга чиққанини-чи! Мен бўлсам, сўнгги ўқни анави бақириб ётган чала аскардан ҳам кўра ўзимга аталган деб ўйлагандим. Ҳатто бунга ишонгандим...

Пўлат ётган жойидан тез кўзғалиб, Никита тушган окопга қараб чопди. Келиб қараса, Никита деган Худойимнинг бир бандаси ёв деб аталган яна бир бандасига дўхтирлик қилиб ўтирган экан. Улар ёв деб билишган душман ёшгина йигитча бўлиб, мурти энди сабза уриб чиққан, жангчидан минг карра, миллион карра кўпроқ Гётенинг ёшгина Вертерига ўхшаб кетарди. Тўғрироғи, унга жангчидан кўра ошиқлик кўпроқ ярашарди. Пўлатнинг хаёлига илк келган ўй ана шу бўлди. У бу ўй таъсирида кулимсираб қўйди.

Ўқ ёш йигитнинг олд елкасига теккан чамаси, унинг кўкрак қисмида қон доғлари бор эди. Никита астойдил ечиниб олган, ички кийимини бинт ўрнида душманининг ярали елкасига ўраб бўлаёзган, энди ўзи билан олиб келган спирт оғзини ёпиб, пичоқчасини рюкзакига жойлаётганди. Ажабтовур манзара эди бу! Пўлат бир йилдан мўлроқ вақт мобайнида ҳар куни қон кечиб ҳам, бундан ҳайратланарлироқ, бундан қизикроқ ва бундан гўзалроқ ўзга бир манзарага дуч келмаганди.

– Никита, бу нимаси? – Йўк, Пўлат бу саволни тилига кўчирмади, балки нигоҳи билан берди.

– Ҳа, нима қил дейсан? Кўрмайсанми, бир соатдан бери онамлаб додлайвериб юрак-бағримни эзворди, – Никита ҳам нигоҳи билан қуролдош дўстига жавоб қилди.

– Хўш, энди нима қиламиз? – Нигоҳлар сўзлашишда давом этаверди.

– Нимаям қилардик? Бу душман ўзимизники бўлиб қолди, ўлдирмаймиз, тақдирига ҳавола қилиб, йўлимизда давом этамиз. Пешонасида яшаш бор бўлса, яшайверади..

– Худди бизга ўхшаб де!

– Худди бизга ўхшаб!..

Пўлат ўз душманини илк бор мана шундай яқиндан кўраётган эди. Тавба, – деди у ўзига ўзи, душманим душманга ҳам ўхшамас экан. – Боягина пулемётини акиллатаётганда мана шу келишган йигитчани сўйлоқ тишли, бадбашараю байҳайбат девдек тасаввур қилганлигини ўйлаб Пўлатнинг кулгиси кистади. – Ўзимизга ўхшаган, ҳатто ўзимиздан ҳам ожизроқ одам экан-ку, душманлик қилганини-чи!..

Олмон йигитча кўрқуву саросимадан, бошига тушган воқеаларнинг ажабтовурлигидан гарангсиб, оғриқни унутган каби жавдираб бир Никитага, бир Пўлатга қарар, энди нима бўлишини ҳаяжон билан кутар, айна дамда, ўзидан уч-тўрт ёш катта бу йигитлар уни ўлдирмаслигини ҳам ичдан сезиб турар эди. Йўкса, елкасига келиб теккан ўқдан шунча айюҳаннос солган болақай, ўлим даҳшати олдида сукут сақлаб тура олармиди...

Пўлат унга такрору такрор боқар экан, душманининг ҳолини ўзича чамалаб кўрди: «Хойнаҳой, у ўзини «уруш-уруш» ўйнаётган, тўғрироғи, ўйнаб бўлган боладек хис қилаётган бўлса, ажабмас. Ўй-

инда уни елкаси бехосдан яраланиб қолдию «уруш-уруш» ўйнаётган ҳар икки томон ҳам ўйинни бас қилиб, яраланган ўйинчидан кечирим сўраш учун уни бошига тўпланиб келишган бўлса керак».

– Эҳ, қани эди шундай бўлса!.. – овоз чиқариб деди Пўлат.

– Нима? – сасланди Никита.

– Йўқ, шунчаки, ўзим...

Никита олмон аскарчасининг елкасига қокди. Пўлат «Омон бўл!» дегандек бошини хиёл эгиб хайрлашди. Шундай қилиб, икковлон йигитчани Яратганинг такдирига топшириб, оқопдан чиқишди...

2

Бир ярим йил деганда қишлоққа бор-йўғи тўртта хат келди. Ёғдунинг кўзлари бир оёғи таёқ почтачининг йўлини қарайвериб тешилиб кетаёзди. Худди ўша таёқ оёқдан тупроқ йўлда қолган минглаб тешик излар каби бўлди. «Нега ёзмайди? Нега хабар олмайди, хабар бермайди? Соғинмайдими? Хавотир олиб ўтиргандир, дея хавотир олмайдими?.. Ох, нега?.. Тирикмикан ўзи? Майли, ёзмаса ҳам, хабар олмаса ҳам, бор бўлса, қаердадир тирик юрган бўлса, бўлди...»

Ана шу тарзда Ёғдунинг гинаси хавотирга, хавотири гина айланиб турарди.

3

Пўлат тирик эди. Фақат тўхтовсиз чекинишаётганди. 1942 йилнинг кеч кузи эди ўшанда. Лекин буларнинг ҳаммаси ҳали ҳолва экан: кўрдим деганлари Пўлатнинг кўрмаганлари олдида шонли, шарафли бир йўл экан. Инсонни онадан туғилганига пушай-

монлар едирадиган, ҳар лаҳза душманга эмас, ўз жонига ўлим тилашга мажбур қиладиган шўришлар Пўлатни кутиб турар эди...

Улар йигитчани қолдириб окопдан чиқишганда узокдан душманнинг катта бир бўлинмаси кўзга ташланди. Боягина, окопнинг ичида ёш олмон аскарининг яшаш-яшамаслиги уларнинг қўлида бўлган бўлса, окопдан ташқари чиқиши ҳамоно ўзларининг жонлари худди шундай таҳликада қолди. Икки дўст ура солиб ўрмон ичкарасига чопишди. Ортларидан машхур олмон автоматларию овчаркаларининг ғоят таниш акиллаши эшитилди. Бир неча ўқ оёқларининг остига тушди, қанчадан қанчаси эса ён-верларидан чийиллаб учиб ўтди. Пўлат билан Никита бошларини қуйи эгганча жонларининг борича қочишарди. Буни қарангки, боягина бировга валинеъматлик қилиб туришганди улар, энди ўзларининг жонлари нишонга айланиб ўтирибди...

– Чатоқ бўлди-ку, – деди Пўлат анча вақтдан кейин улар хавфсиз деб топган жойларида – қалин ўрмонда нафас ростлашаркан.

– Нимасини айтасан! Аммо битта нарсага хурсандман... – деди Никита.

– Болани ўлмай қолганига мен ҳам севиниб турибман, – майин жилмайди Пўлат сафдошининг фикрини уқиб.

– Лоақал битта эзгу иш қилдик.

– Урушда одам ўлдирмасликни эпладик.

– Ҳа...

– Катта урушда кичкина тинчлик ўрнатдик.

– Бошқа томондан карасанг, ўша йигитча эрта-индин тузалиб кетиб, бизни таъқиб қилиши, ҳатто отиб ўлдириши мумкин.

– Вазиятлар ўзгарганда доим шунақа бўлади ўзи. Айтишади-ку, сув кўтарилганда балиқлар чумолилар-

ни еса, сув чекиниб дарёлар туби кўриниб қолганда, чумолилар балиқларни ейди, деб.

– Унда нега бу ишни қилдик?

– Ўзимиз учун.

– Одам бўлиб қолишимиз учун, де.

– Балки шундоқдир.

– Ҳозир шу одамларни тутиб олса, фрицлар тирик қўймайди аммо.

Улар бир-бирларига қараб жилмайишди.

Никита рюкзагини титиб, ичидан бир тишлаб қора буханка нон топди. Флягасини эса, қопқоғини бураб очди-да, Пўлатга «Сув бўлса, қуй» дегандек узатди. Пўлат ҳам ўз халтасини титиб ҳеч нима топмади, аммо флягасида икки-уч култум сув қолган экан, аввал Никитанинг, сўнг ўз флягасининг ангишвондан сал каттароқ қопқоғига қуйди. Икки дўст бир тишлам нону икки култум сувни хазм қилар экан, қалин ўрмон ичидан кимларнингдир шошиб шу томонга келаётгани эшитилди. Улар дарҳол қуролларини шарпа келган томонга тўғрилаб, қулоқларини динг қилдилар. Хайрият, келаётганлар ортларидан қувлаётган ёв аскарлари эмас, балки худди ўзларига ўхшаб ўша душмандан қочиб юрганлар бўлиб чиқди. Уч киши экан. Хурсанд бўлиб бағирлашишди. Энди бешовлон бу улкан ўрмондан ўзлариникига олиб чиқадиغان йўлни топиб олишлари керак. Тик оёқда қайси ёққа юришни озроқ маслаҳатлашиб олишди-да, шошилинич жўнаб қолишди.

Шу юришда уч кун адашиб-улоқиб кетишди. У томонга борса, – душман, бу томонга борса – душман. Тавба, улар шунчалик кўпми! Қорин очқаб нақ пўстакка айланди. Сув йўқ. Яхшиям биринчи қор тушди. Чанқоқларини қор билан кетказишди. Аммо қор онда-сонда учраб бораётган ўрмон ёнғоқлари изларини беркитиб қўяётганди. Бир яхшининг бир

ёмони, деб шуни айтсалар керак-да. Пўлат урушга келгандан бери камида ўн кило озганини сезади. Мана, ҳозир ҳам одамга ўхшаб овқат емаганига ойлар бўлди-ёв. Аслида, ҳаммаларининг аҳволи шу эди. Ҳалиям Пўлату Никитанинг соғлиғи жойида. Келиб қўшилган учовлондан бирининг милки шишиб, кўли жағидан тушмайди, биринг оёғи чўлок, бошқаси тинмай йўталади. «Кўкйўтал дейишарди қишлоқда бундай узлуксиз йўталганларни» деб ўйлаб қўяди Пўлат. Лекин кўкйўталга нима даво бўлишини билмас экан. Бошга тушмаган-да. Хўш, билганда нима? Дарахт ва қордан, қор ва дарахтдан бошқа нима бор атрофларида?.. Хеч вақо! Ҳа-я, умид бор экан, умид! Ёвни қувиб солиб, ҳар бири ўзи туғилиб ўсган она Ватанига қайтиб, яқинларини бағрига босиш билан суғорилган умид бор экан!.. Бошқа хеч нима, фақат шу умид муҳим экан!..

Бешовлоннинг тинкаси қуригандан қуриди. Мадорсизликдан оёқларини базўр судраб юришар, илк кунлари «қани, бўлинглар, қани юринглар!» деб турганлар энди бир-бирларига далда бўлишга-да қурбларию ҳоллари келмай хўлу оғир этикларини ердан аранг узишарди. Пўлат билан Никита ҳам ортиқ гаплашмай қўйишди. Сўзни ирод қилишга кетаётган кучларини ҳам нафас олишу юришга асрай бошлашди. Фақат нигоҳлари билан «Аҳволлар қалай?.. Сеники-чи?.. Бардам бўл!..» деб қўйишарди.

Очлик ва совуқнинг изтироби ўзининг ҳадди аълосига етганда, Пўлат ўйлай бошади:

«Душман ким ўзи? Ўрмонни тўрт ёқдан ўраб олган, яхши кийинган, яхши қуролланган, яхши боқилган икки оёқли ёвми ёки мени, Никитани, анави учовлонни ичдан кемираётган, емираётган очлик, совуқ ва чорасизликми? Қайси бири кўпроқ хавфли?.. Душманни қайси бири кўпроқ душман бўлди

экан?.. Қайси бири бизларни тезроқ ўлдиреди?.. Тезроқ ўлдиргани яхшироқ душманни секинроқ ўлдиргани?.. Қизиқ...»

Худди шундай саволлар бошида ғужғон ўйнай бошлаганда Пўлат ботинида илгари сира дуч келмаган ғалати саволлар билан юзланди: «Уруш нима ўзи? Кимга керак у? Нега бировлар уруш қилса, мен унга қўшилиб кетдим? Ватан учунми? Нима дегани ўзи Ватан? Нега мен унинг учун жонимни қурбон қилишим керак? Мен, Никита, анави учовлон нима учун ўлиб кетаяпмиз ўзи? Яна ўша Ватан учунми? Шу ҳаммадан қоладиган ер, сув, кўк учунми?.. Нахотки, буларнинг ҳаммаси инсон ҳаётидан устун бўлса! Бу ёруғ оламдаги энг олий неъмат ҳаёт эмасмиди?! Қолган ҳамма нарса ундан кейин келиши тўғрима смиди? Нега биз уларнинг ўрнини алмаштириб қўйганмиз? Ахир, мен ўлсам, ернинг ҳам, сувнинг ҳам, кўкнинг ҳам қиммати қолмайдику! Бошқалар учун ҳам шундай. Биз ҳаммамиз ўлсак, унда нима бўлади?.. Ер билан сув яна бор бўлишда давом этаверади. Лекин улар ўз қимматини йўкотади. Нега Ватанлар инсон ҳаётига эмас-да, инсонлар Ватан деган мавҳум бир тушунчага хизмат қилиши керак?.. Эҳ, ая, аяжон! Сизни жуда соғиндим! Гоҳида ўшанда гапларингизга кирсам яхши бўлармиди, деб ўйлаб қоламан. Ана, кечагинда ҳам шундай ўйладим. Бир ёш олмон йигитини жуда яқиндан кўрдим. Бизни Никита борку, ўша олмон йигитчани яралаган эди, чунонам дод солдики, юрак-бағримиз эзилиб кетди. Менимча, онасини чақириб фарёд солди-ёв. Ўшанда мен ўша йигитчани ўзи хоҳлаб, бизни ўлдираман, деб келганига ишонмадим. Олдин ишонар эдим, энди йўқ! Душманимни ўз кўзларим билан кўриб, уни қандай изтироб чекаётганини юрак-юракдан ҳис қилганимдан

кейин улар ҳам ўзимизга ўхшаган одамлар эканинига иймон келтирдим, ая! Энди мен урушга ишонмай қўйдим. Урушга кириб тўғри иш қилганимга ҳам шубҳалана бошладим. Мен, Никита, анави олмон йигити... ҳамма-ҳаммамиз кимнингдир ноғорасига ўйнаётгандекмиз, ая!.. Агар Ватан – сиз, отам, Ёғду, қўшнилариимиз, маҳалламиз одамлари, бутун ўзбекистонликлар бўлса, тушунаман, сизлар учун ҳар қандай урушга кираман! Лекин бу ерда бошқа нарса борга ўхшайди, ая, бошқа нарса...»

Кейин Пўлатнинг хаёли Ёғдуга кўчди – юзи ёришиб, лабларига табассум ёйилди: «Ёғду, гўзалим, бормисан бу ёруғ оламда?.. Нима қилипсан?.. Иш жуда кўпдир?.. Сизлардан хат олмаганимга ҳам уч ойдан ошди. Ўзим ёзганларимни эса, мана, қўйнимга солиб юрибман. Жўнатиш имкони йўқда. Бўлиши билан ҳаммасини қўшиб юбораман!.. Ёғду, севгилим, ҳалиям мени астойдил кутяпсанми?.. Ахир, яқинда битта фронтда аскарлар жангга киришдан бош тортишибди, ораларидан айримлари қуроолларини ташлаб, уйларига ошқора кета бошлабди, деб эшитдик. Улардан «Нега бундай қилипсизлар?» деб сўрашса, «Биз бу ерда жон олиб жон берар эканмиз, у ёқда хотинларимизни урушга бормаганлар йўлдан оздиряпти экан. Биз ким учун жанг қилипмиз унда? Бизга хиёнат қилган хотинлар учунми? Бизни аёлларимизни қўйнига кираётган, дордан қочган иблислар учунми?..» дейишибди. Кейин бир катта шоир шеър ёзган экан, уни бутун фронтга учоқдан ёмғирдек ёғдириб тарқатишди. Мана, биттаси менга ҳам тегди...» – Пўлат ётган жойида қўйнидан бир парча қоғоз чиқариб кўз солди. Кейин худди қаршисида Ёғду тургандек шеърни пичирлаб ўқиди:

«Мени кутгил ва мен қайтарман!
 Фақат кутгил жуда интизор,
 Кутгил ёмгир зериктирганда,
 Мени кутгил ёққанида қор.

Шу ерга келганда кўзини қоғоздан олди ва кўкка
 қараганча қолганини ёддан айта кетди:

Атрофингни ҳарорат қоплаб,
 Еру кўкни чанг тутганда кут.
 Бошқаларни узатган дўстлар
 Кечагина унутганда, кут!

Хат келмасдан узоқ ерлардан
 Юрагингни қилганида қон.
 Кутгил сен-ла бирга кутганлар,
 Зериккандан чекканда фигон.

Майли, ўғлим, синглим, волидам,
 Аза очсин мен йўқ тугайли.
 Кута бериб сабри тугаган
 Ёру дўстлар ошналар, майли.

Айрилиққа беролмасдан тоб,
 Аччиқ-аччиқ ичсинлар шароб.
 Кўзларингга тўлса ҳамки ёш,
 Фақат сен кут ва айла бардош.

Мени кутгил ва мен қайтарман,
 Ўлимларни қолдириб доғда.
 Иши ўнгдан кепти десинлар
 Кутмаганлар мени у чоғда.

*Ёт туйилар кутмаганларга
Бундай ажиб толеинг санинг.
Кута-кута мени офатдан
Омон сақлаб қола олганинг.*

*Қандай омон қолганлигимни
Ёлғиз сенга айтарман, сирдош.
Кута олдинг мени сен фақат
Буюк эди сендаги бардош...»³*

– Ёғду, гўзалим, севгилим!.. Сен ҳам кут! Мен ўлганим йўқ! Тирикман! Сенинг ёдинг билан неча бор аждаҳо комидан омон чиқдим, ахир!.. Энди ҳам омон чиқсам, шу очлик, шу қаҳратон қишу шу сарсонгарчиликдан соғ-саломат чиқиб, ўзимиз-никиларга кўшилсам, сўз бераман, ўлмай олдингга бораман! Кейин бир умр бирга яшаймиз, бир умр! Эртаю кеч кўзларингга термилиб, кўнглингга қараб ўтираман!.. Аммо тирик қайтишимни бош сабаби бу сен, сени борлигинг, мени кутишинг! Эшитяпсанми, кут, қошингга тирик қайтишимни истасанг, кут, фақат кут!..

Пўлат бу хатларни мовий кўк юзига ёзди. Чунки хатни кўчиришга ҳозир унда на фурсат бор, на қоғозу на қалам. Шунинг учун ҳам Пўлат уруш одамларига, айниқса, жанг майдонида қон кечиб юрган аскарларга одат бўлиб қолганидек, тўлиб кетган кўнглини бу гал ҳам нигоҳларию киприклари ёрдамида кўк тоқига битди. Ким билади, балки худди шу лаҳзаларда аяси билан Ёғду ҳам кўкка тикилиб туришгандир, кўкка қараб бири ўғли, бошқаси бўлса, ёри ёзаётган мактубни ўқишаётгандир...

³ К.Симинов шеъри, Ҳ.Олимжон таржимаси.

– Йигитлар! Нафас ростлаб бўлдиларингми, қани, турдик! – ҳавода мансаб бўйича ҳаммаларидан катта мавқега эга молдован капитаннинг овози янгради. Йўқ, янграмади, балки худди ҳорғин шивирдек ёйилди. Милки шишиб йиринглаган шу йигит эди. Аммо ўта иродали экан, пичоқ тифини спиртда чайиб, шишган милкни ёриб, йирингини чиқариб ташлади-ей! Кейин иситма алангасида ёнди. Ёнди, лекин ўлмади. Ҳануз ҳарорати юқори бўлишига қарамай, вазиятни тўғри баҳолаб, ўз ишини қилиб юрибди, азамат.

Бешовлон қалин ўрмон оралаб яна этикларини судраганча йўлга тушишди. Дарахтлар шунчалар зич эдики, уч ё тўрт метр наридаги одамни кўриб бўлмасди, йўқолиб қолмаслик учун улар бир-бирларига яқин юришарди. Бундай ўрмонда шу ҳолларида йўқолиб қолиш нақ ўлим билан тенг, ахир: очликдан, совуқдан силласи қуриган, касал ва руҳан эзик эди улар. Шу кўйларида тақдирдан шафқат илинжида боришаркан, кутилмаганда қаршиларида – шундоқ пешоналарида яхши кийинган, бўй-бастлари баланд ёв чиқиб қолса бўладими!.. Дод-ей, тақдирнинг шундай синови ҳам бор эканми!.. На у томон елкаларига осифлиқ қуролни туширишга улгурди, на бу томон. Шу боис, бир-бирларига оч бўрилардек ташланишдан ўзга илож тополмадилар: қўл жанги бошланиб кетди. Пўлат ҳам келбатда улардан қолишмас эди. Яхши дамларида иккитамас, уч-тўрта йигитни нари-берига отиб ташлайдиган сиёқи бўларди. Лекин шу тобда у ёмон дамларини бошидан кечирардики, очлик, мадорсизлик ўз хунарини кўрсатди: Пўлатнинг рақиби ундан устун кела бошлади. Икки рақиб ерда ағанаб ётганча, бир-бирларини бўғиб ўлдиришга зўр бериб ҳаракат қилишарди. Қараса, узоқ олишувга Пўлатнинг

ҳоли келмайди. Ҳозир, яна бир неча сониялар, энг яхши ҳолатда бир дақиқадан сўнг Пўлат бу дунё билан хайрлашиши мумкин, ахир!.. Лекин Пўлат буни истамайди. Сўнгги қарийб бир ярим йиллик ҳаёти ҳар қанча машаққатли бўлмасин, жон ширин эди. Шу қадарки, Пўлат омон қолиш учун сира кутилмаганда бор кучини тўплаб душманнинг бўғзига отилди-да, унинг туртиб чиққан кекирдагидан шартта тишлади. Пўлат бундай ишни ўзидан сира кутмагани, кутмаганию бошқа иложи бормиди, у яшашни истарди, яшашни! Оҳ, ҳаёт, шунчалик ширин экансанки, сен учун жонлар қурбон қилинмоқда!.. Инсон боласи бошига мушкул иш тушиб сени қарғасаю: «Борингдан йўфинг яхши эди», деса, асло ишонма!.. Пўлат ҳеч қачон ҳозиргидек яшашни истамаган! Ҳатто чимилдиққа кириб, нафаси ҳаяжондан бўғзига тиқилиб қолганда ҳам ҳаётнинг бунчалар қадрли, бунчалар бебаҳо, бунчалар тотли эканини билмаган экан! «Билдим!», дегани билан билмаган экан! Ҳа, ҳа, билмаган экан!.. Аммо, эй ҳаёт, жамики тирик мавжудоднинг сенинг этакларингга осилиб олиб «Кетма!!!» дея ёлборишлари учун бағрингда қиёмат кўпиши шартмиди?!..

Рақиб жон аччиғида қутулмоқчи бўлиб чирпанди, лекин у қанчалик зўр бериб чирпанса, Пўлат ҳам ўлжасининг гирибонидан олган шердек унинг бўғзига тишларини шунчалик қаттиқроқ ботирар, у ердан тизиллаб отилиб чиқа бошлаган қонга эса, парво қилмасликка тиришарди. Аслида, парво қилишга на фурсат ва на имкон бор эди. Пўлатни яшаш инстинки деган жуда ўткир бир куч ўз измига олган, энди ўша кучга бўйсуннишдан ўзга иложи йўқ эди унинг. Ҳозир, шу тобда уни ана шу куч бошқарарди. Рақиб ҳам худди шу куч остида зўр бериб тирик қолмоққа уринарди... Даҳшатли олишув

узоққа бормади: ёв аскарининг қаршилиги сусайгандан сусайиб, ахийри қимирламай қолди. Пўлат шунда ҳам тишларини душманнинг қонли бўғзидан олмади. Зеро, у нима воқеа содир бўлганини тузукроқ билиб, тушуниб олгани йўқ эди. Ана шундай билгисизлик ичра карахт ётар экан, кутилмаганда жуда қаттиқ бир жисм бошига келиб тушдию Пўлат хушини батамом йўқотди...

4

Хушига келганда унинг икки қўлтиғидан икки киши кўтариб, оёғини ер узра судраб кетишаётган эди. Буни кўриб англагани онда Пўлатнинг судралиб бораётган оёқлари жонланиб, ерга тиралди: ўзи юра бошлади.

– Хайрият! Бос, ўзинг одим бос, бўлмаса, отиб ташлашади лаънатилар!.. – Бу Никита эди.

Пўлат атрофга қараб, уни қўлтиқлаб олганларнинг иккинчиси молдован капитан эканлиги кўрди. Яна бутун бошли бир батальон кетиб борарди орқа ва олд тарафда. Уларнинг ҳаммаси асир олинган эди. Узун куйрукдек бўлиб бир томондан иккинчи ёққа қараб юришар, колоннанинг икки тарафида бўлса, яхши қуролланган, яхши кийинган, яхши боқилган ҳамда атир хиди анқиб турган олмон аскарлари қаддини тик тутганча бирдек чиройли одимлашарди.

– Қолганлар қани? – сўради Пўлат.

– Олишувда ўлди...

Пўлат кўзларини бир оғир юмиб очди. Шунинг ўзи қуролдош дўстларга тутилган мотам, кўрсатилган эхтиром, ўқилган дуо эди. Бундан нарисига эса вазият изн бермасди...

Улар жуда узоқ йўл юриб, ярим кечаси бир жойга етиб келишди. Бу жой асирлар учун мўлжалланган

лагерь-қўнимгоҳ экан. Эски, чорвадорлар фермасига ўхшаш бир қўналға, хар ҳолда, кўринишию совуқ бўлишига қарамай, оёқ остидан келаётган энгил гўнг ҳиди шундан дарак берарди. Фрицлар, қўй подасини қўрага киритгандек, турфа миллат вакилларида ташкил топган юзлаб асирларни четлари тиконли сим билан ўралган ана ўша молхонага ҳайдаб, қамашди. Ўзи шундоғам қўналғада одамнинг сон-саногии йўқ экан, устларига яна буларни қўшишди. Жоннинг кўплигидан нафас олиб бўлмасди. Айрим жойларда ўтиргани имкон бўлса, айрим жойларда зўрға тикка туриш мумкин эди. Ҳамманинг юзида уруш даҳшати аримас бўлиб муҳрланиб қолган. Йиғлаётган болалар, инграётган беморлар, увлаётган ярадорларнинг оху зорлари юзларда шусиз ҳам асрлик мунг янглиғ қотган уруш даҳшати қаватларига янги қатлам бўлиб қўшилар, уларни тобора қалинлаштириб борарди. Пўлат аввалига «Бу ерда вақтинча олиб туришади-да, кейин Олмониями, Италиями, хуллас, Оврупанинг ўзлари эгаллаб турган бирон давлатига ишлагани юборишади», деб ўйлади. Ҳар ҳолда, фрицлар шу вақтгача асосан шундай иш тутишганди – Пўлат эшитганди. Лекин Пўлатнинг кутганига, чамасига қарама-қарши улар ана шу тор ва сассиқ, зах ва совуқ молхонада ойлаб қолиб кетишди. Бунга сабаб – ҳамиша зафар қучиб келаётган миллатчилару фашистлар Сталинградда тўхтатилган эди. Гитлернинг яшин тезлигида ғалаба қозониш режаси илк бор жуда қақшатқич қаршилиққа дуч келган, дуч келгангина эмас, балки энгилиб, қўшиннинг маълум қисми асир тушган эди. Бу хабар Гитлер Олмонияси учун шармандали ҳол бўлиб дунёга ёйилди. Энди душман илгаригидек эмасди – унинг ичига алам танда қўйди: аскарларнинг шафқатсизлиги ўн каррадан юз каррага қадар ортиб, бутунлай ёвуз бир қиёфа-

га кириб борарди. Лагерда одамлар очликдан, касалликдан, ярадорликдан ва хатто уруш даҳшатини қабул қилолмасликдан кўпроқ нобуд бўла бошлади. Ёв аскарлари ўликларни ҳолдан тойган асирларнинг ўзларига ортмоқлатиб, лагердан бир неча тош наридаги ҳандакқа обортириб ташлатарди. Авваллари кўмишга рухсат бориди. Кейин бир томони ер музлагани, бошқа томони душманнинг душманлиги ортгани боис, кўмиш ҳам насияга айланди. Ҳандакда шусиз ҳам қору музликлар ичида қиёфасиз, ярим яланғоч, аянч ҳолда қалашиб ётган ўликлар устига янгиларини отиб келишарди. Асирларнинг кўзларидаги умид кечаси кўк юзини булут қоплаб, тобора қуюқлашаётган тун зулмати қаърига секин-аста чўкиб бораётган юлдузлар мисол сўнар, бу дўзах азобига тезроқ якун ясалишини ҳамма ич-ичидан истар, бинобарин, ўша ҳамма ўз ўлимини ихтиёрсиз равишда кутар эди. Бир пайтлар ўлим деганлари Пўлатга жуда узокдаги бир нарса бўлиб туйиларди, энди бўлса, у шундоқ ёнида турибди. Шунчалар яқинки, унинг олаётган ҳар бир нафаси навқирон йигитнинг кулоқларига аччиқ, изғиринли шамолдек кириб бораётганди.

– Ўлиш шунчалар осонми? – деб ўйлади у ярим тунда сассиқ қўналғада уйқуси қочиб чўкка тушиб ўтириб олганча. Кейин дабдурустан бошқа мавзуга ўтди: – Аямлар нима қияпти экан? Отам-чи? Тирикмикан ишқилиб? Ё мендек асирга тушдимикан?.. Ўйларининг қайси томонига қарамасин, ҳаммаси кўрқинч ва зулматга, оғриқ ва умидсизликка тўла эди. Лекин Ёғду ҳақидаги хайёоллар барибир бошқача эди: бу ўйларнинг қатига, қаеригадир яшириниб олиб, урушнинг даҳшатию ваҳшатидан бир лаҳза бўлсин, халос бўлиш мумкин эди. Ҳар ҳолда, Пўлатга шундай туйиларди. Шунинг учун ҳам

Пўлатнинг жисму жони шу ерда – совук, очлик, ҳақорат ва ўлим ҳукм сураётган лагерда бўлса ҳам, хаёллари билан имкон топди дегунча Ёғду билан бирга ўтказган, бир-бирларига тегишли бўлган, сирлашган, севишган дамларига учиб кетарди.

– Эй, Оллоҳ, нега мени у жаннатимдан айриб, манави дўзахга ташладинг?! – дея ёзгириб қоларди туриб-туриб Пўлат. Шундай пайтлар аясига кулоқ солмай, урушга келганига ўқиниблар кетар, афсус-надоматдан ич-этини ерди. «Келмаганимда ҳозир ўша жаннатимда, аяму севгилимнинг қошида яшаётган бўлардим!..» Лекин бирпас ўтиб эса: «Аямни этагига беркиниб, биттаю битта фарзандман дея урушдан омон қолишга қолардим-у, кейин-чи кейин, кейин қандай бош кўтариб юрардим? Одамларни, болаларим туғилса, уларни кўзларига қандай қарардим? «Ота, сиз ҳам урушга борганмисиз, бориб душманни қувиб солганмисиз?» дейишса, нима деган одам, нима деган ота бўлардим!..» дея ўзини, ўзининг ҳозирги танловини ёқлаб кетарди.

– Жаннатни қолдириб, дўзахга келдим!.. Дўзахга... дўзах...

– Жим! – деган ўзбекча овоз келди хув наридаги асирлар орасидан. Пўлатнинг юраги дукиллаб уриб кетди. «Жаннат! Жаннат!..» дея такрорлади негадир унинг тили ва кўзлари овоз келган томонга боқди. Қоронғида бирон юзни ажратиб бўлмас, борлиқ кийимларига ўраниб, бир-бирларининг пинжларига кириб жон сақлаш учун гуж бўлиб ўтирган одамлар тўдасидан овоз эгасини ажратиб олиш маҳол эди.

– Ўзбекмисиз? Ўзбекистонданми? – хитоб қилди Пўлат ҳаяжонланиб.

– Ҳа, – деди қоронғидаги ўзбек ва шу заҳоти уни қаттиқ йўтал тутди.

«Ха» деган биргина сўз Пўлатга худди жаннатдан келаётган мўъжиза каломдек сирли-сехрли туйилди. «Мунча ширин бўлмасанг-а, она тилим! Ўз тилим!..» деди у кўзларини юмиб пичирлаб.

Сўнг ўрнидан турди, жаннатга талпинган қулдек шошиб, туртиниб, йўтал келаётган жойни мўлжал қилиб юрди.

– Куда прёшь?..

– Ложись!..

– Осторожно же, нога!..

Пўлат норози гап-сўзларга парво қилмасдан, тўппа-тўғри ўша ўзбекнинг олдига борди. Ўзбек шинелига бурканиб ётганча тинмай йўталарди. Пўлат йўталнинг тугашини кутиб турди.

– Лаънати йўтал! – деди ниҳоят ўзбек юртдоши.

– Яхшимисиз? Ҳозир ҳамма касал ўзи!.. – деди Пўлат ҳали ҳамон ҳаяжонини босолмай.

– Ха... – дедию юртдош яна йўталга тутилди. – Ўххў, ўххўўў!..

– Қачон келгансиз? Қаердан келгансиз? Қайси ҳарбий қисмдансиз?..

Юртдош ўзбек йўтал боис имкон қадар қисқа жавоб берар, битта гапирса, ўнта йўталарди. Лекин Пўлат уни гапиртиргиси, ўзи ҳам тинмай гапиргиси келар, худди дўзах ичида жаннатга дуч келгандек хис қиларди ўзини. Шунинг учун ҳам бу суҳбат, олис Украинанинг жуғрофиячилар ҳам аранг топадиган қалин ўрмонида ўзбек тилида содир бўлаётган мана шу... шириндан-ширин, асалдан-асал гурунгни сира тугамаса дерди.

Улар касал ватандош йўталдан тўхтаган вақтда гаплаша-гаплаша тонг оттиришди. Тонг маҳали иккисининг ҳам кўзлари илиниб кетди. Шу қисқа уйқусида Пўлат туш кўрди. Тушига она-Ўзбекистон,

қишлоғи, уйи кирибди. Айни кўклам пайти экан. Аяси билан Ёғду тандирда кўкдан нону сомса ёпаётган, Пўлат отаси билан нозу неъматларга тўла дастурхон атрофида боғдош куриб ўтирганча чойлашиб, гурунглашиб ўтирган экан. Пўлат отаси узатган бўш пахта гулли пиёлага аччиқ кўк чой қуяркан, кўзи унда суза бошлаган нозик, рамақижон шамга тушиб қопти. У чой ичида тикка турганча гўё рақс тушарди: «Ота, меҳмон келаркан!» деди. «Ҳа-а, яхши-ку. Келсин!» деди Ўткир ака ва қўлини пиёлага чўзди. Пўлат яна чойга бир муддат қараб турди-да, отасининг узатилган қўлига пиёлани тутқазаман деб, негадир бармоқлари титради-ю пиёлани тушириб юборди. Бу мутлақо кутилмаган ҳолда юз берди. Худди шу аснода олмон аскарининг қичқириғи қуловига кирди:

– Aufstehen⁴!

Пўлат кўзларини очиб, қаерда ётганини бирданига илғай олмади. Лекин бир неча сония ичида ҳушини тўплади.

– Ботир ака! Туринг, Ботир ака!.. – Пўлат шинелига юзини буркаб ётган, кеча кечаси танишган, икки йилдир она тилида илк бор сўзлашиш имконини берган юртдошини туртди. Лекин Ботир ака қимир этмасди. Пўлат унинг юзини очди ва ҳаммасини тушунди: бор-йўғи бир неча соат бурун танишган, танишгани нимаси, топиб олган топилмаси, хазинаси, ватандоши Ботир аканинг омонат жони узилган, юзи кўкариб, кўзлари маъносиз равишда қотиб қолганди..

– Дўзах!.. – деди Пўлатнинг лаблари пичирлаб,
– дўзах бу, дўзах!..

⁴ Туринглар! (нем.)

5

Ўша куни Пўлат ва Никита Ботир акани замбилга солиб хандакқа элтди. Йўлда кетишаркан, ботир акалар ўнлаб эканини Пўлат кўрди. Бир кечада ўнлаб асирлар тунда кўзларини юмиб, тонгда очмас эди. Жисму жонию асаблари мустаҳкамларгина омон қолаётган, бундай эмасларни лагернинг офирдан-офир мухити тутдек тўкиб ташлаётган эди.

— Не надо так близко подходит. Он, судя по кашле, туберкулёз, Пулат, — деди Никита, Ботир ака ётган замбил қаршисида чўкка тушиб дуо ўқий бошлаган Пўлатга қарата. Пўлат парво қилмади, қўлларини дуога очиб пичирлади, сўнг юзларини силаб кўзғалди. Одатда, ўликларни икки киши замбилдан хандакқа сирғалтириб туширишарди, бу гал Пўлатнинг бир ўзи жасадни даст кўтариб хандак ёқасига олиб бориб ерга аста қўйди, кейин елкаси ва шимининг чўнтагидан ушлаб хандакнинг нишаб томонидан аста пастга сирғалтирди.

— Кечиринг, Ботир ака, сизни одамдек кўмолмадим ҳам... Дўзахда ўлдийиз, аммо жаннатларда уйғонинг, ака! Омийн!..

Икки ойча ўша лагерда туришгандан кейин фрицлар асирларни иккига ажратди. Пўлат эътибор берса, соғломроғу бақувватроқларни бир томонга, касалманд, кекса ҳамда ёш болали аёлларни эса жужуғига кўшиб бошқа сафга ажратаётган эканлар. Шунда бирдан қий-чув кўтарилди. Афтидан, бир оила «бир-бирларимиздан айрилмаймиз!», дея қаршилиқ кўрсатишарди. Пўлат ўша ёққа қараб: ота, она ҳамда етти-саккиз ёшли бир қизалоқни кўрди. Отани биринчи, она билан болани эса иккинчи гуруҳга ажратмоқчи бўлишаётганди. Она-бола отага маҳкам ёпишиб олиб, «қўйвормаймиз!», дея чувил-

лаб туришарди. Шу асно бир новча фриц уларни айирмоқчи бўлганди, она унинг қўлларини силтаб ташлади. Фриц бўйнида осиклиқ автомат билан онанинг қорнидан тариллатиб отди. Ота чидаб туролмай фрицга ташланиб уни йикитди-да бошини музлаган ерга тақиллатиб ура бошлади. Шунда бошқа фриц отани ҳам, дод дея чириллаётган қизалоқни ҳам автоматдан отиб ташлади... Буларнинг бари бир зумда, худди кўз очиб юмгунча фурсат ичида юз берди. Асирлар бир муддат хангу манг бўлиб қотиб қолишди. Шундан кейин қаршилиқлар, эътирозлар тақатақ тўхтади: кимни қайси томонга ўт, дейилса, «миқ» этмай ўша томонга ўтар бўлди.

Пўлат билан Никита биринчи гуруҳда эди. Умуман, бу гуруҳда нуқул эркаклар бор бўлиб, уларнинг бари иккинчи гуруҳга ажратилганларга нисбатан соғломроқ, бақувватроқ эди. Фрицлар иккинчи – аёллар, болалар, касаллар ва нимжонлардан иборат гуруҳни хайвон подасидек хайдаб кетишди. Пўлат қараса, асирларни колонна қилиб тўғри ўша мудҳиш хандаққа қувишаётган экан. Пўлат кўзларини аччиқ юмиб, бошини сарак-сарак қилди... Бирпас ўтиб ўша томондан таралган олмон аскарларининг ит акиллашидек қулоққа хунук эшитиладиган автоматлари товуши одамларнинг қий-чувига қўшилиб ўрмонни тутиб кетди. Тирик қолганларнинг ичида дод деганлари ҳам, бошини чангаллаб ўтириб қолганлари ҳам, Пўлатга ўхшаб кўзларини юмиб, муштларини қисганлари ҳам талай эди...

Ўша куни биринчи гуруҳни эшалонга ўтқазиб, Пўлат асирликнинг илк кунларида ўйлаган минтақа – Оврупага, заводу фабрикаларга жўнатишди. Уларнинг бориб тушган жойи Польша бўлди. Шароити келган жойларидан анчайин тузук: иш бор, ўлмайдиган даражада емиш бор, устига-устак, ҳавоси

юмшоқроқ ҳам экан. Лекин тутқунлик, барибир тутқунлик эди: эркинг ўзингда эмас, буйруқ билан ётасан, буйруқ билан турасан, буйруқ билан ишлайсан, ейсан, нафас оласан... Бу ҳам майли, асирларнинг инсонлиги менсилмай топталар, уларга шаънлари қора ерларга кўмилиб муносабат қилинар, лекин фронтнинг кўпгина жабҳасидан қулоқларига етаётган ғалаба хабарлари уларнинг қақшаб қолаёзган юракларида умид учкунларини ҳам пайдо қилар, бинобарин, асирлар борлиқ иродаларини тўплаб чидашга, ҳаёт деб аталган неъмат этагига маҳкамроқ ёпишишга уринишарди. Кунлардан бир кун, тўғрироғи, тунлардан бир тун яна битта ғалаба хабари келиб қолди. Йил 1943 эди. Ўшанда, миллатчи-фашистлар сира кутилмаганда ярим кечаси асирларни уйқудан уйғотиб ташқарига хайдаб чиқдилар-да, автоматларни ҳавога шақиллатиб отганча, ҳамманинг юрагига кўрқув солган кўйи нарироқдаги сув тўла хандаққа хайдаб туширишди. Асирлар шусиз ҳам қилда осилиб турган жонларини омон сақлаб қолиш учун шоша-пиша, кўрқа-писа муздек совуқ сувга кириб, тепага – тақдир тақозоси билан ўзларини авлиё деб ҳис қила бошлаган фрицларга савол тўла нигоҳларини тикдилар. Улар ҳеч қандай изох бермас, асирлар устидан, гоҳо уларнинг ёнларига сувга тариллатиб ўқ отганча ўз тилларида нималарнидир асабий гапиришар, бақирришар, афтидан сўқинишарди ҳам.

– Наверно, они снова сдали какойнибудь город, – деди олмончани тузуккина биладиган Никита.

– Не наверно, а точно, – деди ёнида, бўйи пастроқ бўлгани учун нақ бўғзигача балчиқли сувга ботган, кўринишидан ёқут ёки ҳакас миллатига мансуб йигит.

– Что они собираются теперь с нами делать?

– Да, что они хотят от нас?

– Мы причём здесь?..

Хавотирли саволлар ўртага ташлана бошлади...

Апрель ойи бўлса-да, ҳаво изғиринли, совуқ эди. Улар тушиб турган ҳандақдаги балчиқли сув ҳам кўкламнинг кундузги қуёши тафтидан эриб, шу ерга тўплана қолган, лекин кечаси музламоқдан берирок даражада совирди. Ана шу совуқ сувнинг захри асирларнинг бадан-баданидан ўтиб кетди. Кимдир «оҳ»лади, кимдир «дод»лади, кимдир сўкинди. Лекин ҳамманикидан ҳам бурундор гуржи асирнинг автомат ўқталиб турганларни писанд қилмай ўз тилида норози алпозда нималардир деб сувдан ташқарига чиқишга урингани ҳайратомуз эди. Икки олмон аскар бақирганча гуржининг оёқлари остига ўқ отди. Лекин асир қайтмади, уларга тўғри бостириб бораверди, бораверди. Шунда кутилган мудҳиш воқеа содир бўлди: икки автоматдан қўйиб юборилган ўқлар шодаси асирнинг кўкрагини, оёқларини, бутун баданини тешиб юборди. Гуржи сувга юзтубан бўлиб йиқилди, сўнг чўқди. Бирпас ўтиб эса, унинг жонсиз жасади юзага қалқиб чиқди-да, исён ва унга берилажак жазо рамзи сифатида сув узра туриб қолди.

Кейин ҳеч ким сувдан чиқишга ҳаракат қилмади. Асирлар ҳандақда бир-бирларига суянганча титраб туришар, оғизларидан чиқаётган ҳовургина уларнинг ҳали тирик эканликларидан дарак берар, бечоралар ана шу заиф имконлари билан қўлларини илитишга беҳуда уринишар эди...

Эрталаб иш вақти бошлангандагина асирларга сувдан чиқишга изн берилди. Кейин худди шундай ҳолат бир неча бор такрорланди. Никита ўшанда қаттиқ шамоллади, неча-неча қонли жанглардан омон чиққан икки метрли баҳайбат рус йигитининг аҳволи

танг бўлди. У бир неча кун иситма ичра алахлаб ётди-ётди-да, сира кутилмаганда Пўлатнинг кўлида жон берди. У ўлаётганда ҳуши ўзида эмасди. Шу боис, Пўлатга ҳеч нима деёлмади. Ҳуши ўзида бўлганда балки «Сибирда мени кутаётган жамалаксоч Оляга, менинг Олямга бир энлик хат ёз, хатда уни жуда жуда қаттиқ севганлигимни айт!», дер эди ҳеч қурса. Лекин пешонасига битилган тақдир шуни ҳам унга раво кўрмади. Бир уми, не-не никиталар, не-не пахлавонлар худди шундай номсиз ва шонсиз алпозда ҳаёт билан видолашдилар. Ҳолбуки, улар чинакам қахрамонлар эдилар. Отларини бош ҳарфлар билан, устига-устак, олтин ҳарфлар билан ёзса, минг карра арзигулик ҳақиқий қахрамонлар ана ўшалар эди...

Никитани кўмиб қайтаркан, Пўлат ўзини қанотлари қайрилган қушдек ёлғиз ҳис қилди. Йўқ, йиғламади, йиғлайдиган юрак ҳам қолмаганди бу вақтга келиб. Аксинча, у муз тошига айланганди. Фақат... фақат йўлда кутилмаганда тақатақ тўхтади, муштарини қаттиқ қисиб, тепага – кўкка қаҳрли нигоҳларини тикиб бир муддат қотиб қолди, холос...

– Аслида, биз ҳам ўлдик, – деди навбатдаги асирни кўмиб келишаркан, ёши ўттизларга борган бир қозоқ йигити Пўлатга қарата, – тириклайин ўлдик. Танимиз омон чиқса ҳам, эркаклигимиз, ғуруримизни ўлдиришди бу ит эмган фашистлар.

– Нега ундай деяпсан? – совуққина сўради Пўлат.

– Энди аёлларимизга ярамаймиз. Булар бизни тамом қилишди. Биримиздан жонимизни олишган бўлса, бошқамиздан оримизни олишди...

Пўлат ўзидан бир неча кўйлакни кўпроқ йиртган қозоқ қардошига жавобан ҳеч нима демади. Илгарилари бу ердан, душманнинг кўлидан эсон-омон чиқсам, бас, ҳаммаси изига тушиб кетади: мен она вата-

нимга – Ўзбекистонга қайтаман, ҳамма мени хурсанд бўлиб кутиб олади, кейин онамни, отамни, Ёғдуни бағримга босаман ҳамда... ҳамда у ёғига жаннатдагидек бир ҳаётимиз бошланади, деб хаёл қиларди. Энди, қачонки шунча кўргиликларни бошидан кечиргандан, неча-неча ботир акаларни, никиталарни, отасидан айрилишни истамаган қизалоқларни қандай ўлим топганини ўз кўзлари билан кўргандан, юраги билан ҳис қилгандан кейин негадир икки дунё бир қадам бўлиб қолгандек эди унга...

КУТИШ

1

Урушдан кейин Пўлат сира кутмаган воқеалар бўлиб кетди. Урушда Совет ҳамда Америка қўшинларининг қўли баланд келиб, бирин-сирин Оврупа ўлкаларини Олмонияю Италия миллатчи фашистларидан озод қилди. Кейин у ёғи ғалаба билан якунланди. Эл қатори Пўлат ҳам Ватанга қайтди. Аҳволи бир аҳвол – озиб тўзган, касалланган, кўзлари ичига ботиб кетган бўлса-да, руҳи тетик, ҳатто жуда тетик эди. Ахир, у уйга ғалаба билан қайтяпти. Ўлимнинг, аждаҳонинг оғзидан тирик қайтяпти! Ватанига, отаю онасининг, суюкли ёрининг қучоғига қайтяпти! Бунинг олдида озиб-тўзишлар нима бўпти, ахир!..

Ватанга келиб, Пўлат ҳаммани, барча яқинларини кўрди. Энг муҳими, отаси Ўткир ака ҳам тирик қайтибди. Жуда камдан-кам оилада бўладиган ҳодиса юз бериб турган эди – бир оиладан икки киши урушга кетиб, иккиси ҳам тирик, устига-устак, контужин эмас, чўлоқ эмас, аксинча, соппа-соғ қайтишганди. Ойчечак опанинг ҳам, Ёғдунинг ҳам қувончи чексиз, бир йиғлаб, бир кулишарди. Эҳтимол, коинотнинг ҳам қаердадир чек-чегараси топилар, лекин инсоннинг бундай дамлардаги қувончига чиндан ҳам ҳад йўқ эди. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ – мана улар, Ўткир акалар оиласи зулматларни

бошдан кечириб, ниҳоят, ойдинликка чиқиб олишди. Пўлат ўйлаган жаннатий ҳаёт мана энди-энди бошланадиган эди. Бошланиб ҳам қолувди. Жаннатнинг бўйлари унинг интиқ, жуда ҳам интиқ димоғига келиб урилувди ҳам. Аммо, лекин, бироқ...

...сира кутилмаганда Сталиннинг буйруғи билан ҳамма асир тушган аскарлар бирданига қамоққа олинди. Шулар қаторида яқинларининг кўзларини ёшлаб, юракларини поралаб Пўлат ҳам кетди. Ҳа, кетди... Душманнинг не-не ўлим машиналаридан омон қолган шўрликлар ўз шохининг жоҳилона қаҳрига тутилдилар...

Сталин!..

Пўлат каби минглаб, юз минглаб, миллионлаб жангчилар унинг номидан жангга кириб, унинг ёди билан ўлимга тик борган ўша Сталин! Сталин-а!.. Бу қанақаси бўлди? Қани адолат?.. Қани оқибат?!.. Эмишки, душман қўлига асир тушгандан кўра совет аскарлари ўзини ўзи ўлдириш керак экан. Сталин бобининг гапи экан бу. Ўзингни ўзинг ўлдирмадингми, демак, Ватан хоини, халқ душманисан!.. Қамоқда Пўлат бу ҳақда кўп ўйлади. Ўйлашга вақти кўп бўлди. У ва унга ўхшаганларга Худонинг берган куни «Сен хоинсан, сен халқ душманисан!» деган маънога олиб боргувчи муносабат қилинди. Пўлат ўзини хоин, ўз халқининг душмани ўлароқ ҳис қилмоққа уриниб кўрди. Лекин уддасидан чиқолмади. «Қачон, кимга хоинлик қилдим?!..» деб бир ҳайрон бўлса, бир тутақиб аччиқланарди. Ич-ичида ўша халқлар доҳийсини бўралаб сўккан вақтларини эса санаб адоқ қилиб бўлмасди: «Ҳе, сени мантиғинга урай! Ҳаётни сен берибсанмики, тортиб олмоқчи бўласан, калтафаҳм зўравон! Асл ҳаётни бергани олдига борганда нима деб жавоб бераман, а, нима деб?!.. Ўзимга ўхшаган бир бандангни гапига кириб,

Сенга, омонат жонингга хиёнат килиб кўйдим, дейманми?.. Тур-эй!..»

Шу кетганча саккиз йилда уйга кириб борди Пўлат. Саккиз йилда-я! Ўшанда 1953 йил эди. Сталин ўлган йил. Ўлдики, чиқди. Йўқса, яна қанча ўтирарди Пўлатдек пўлатлар, пўлатойлар – ёлғиз Парвардигорга аён...

У уйга кириб келганда атрофида тумонат одам йиғилди. Сталин тирик бўлганда бундай бўлмасди, албатта: нари борса, отаси, онасию Ёғду бўларди. Сталин ҳаёт бўлганда, умуман бу воқеа юз бермасди, эҳтимол... Энди бошқача эди ҳаммаси: одамларнинг юзларида аллақандай исмсиз бир севинч жилваланади. Шунинг учун эски ғаму андуҳларга янги қувончу шодликлар кўшилиб кетди. Ойчечак опа келганларни роса меҳмон қилди ўзиям. Борини тўкиб солди, йўғини эса қўшнилардан йўндирди, хуллас, ўзига кўшиб бутун маҳаллани, қариндошу бегонани хурсанд қилди. Ахир, не-не одамлар юзига чиққан битта чипқондан ўлиб кетаётган бир пайтда унинг ўғли бир эмас, икки урушдан омон қайтди. Жами ўн икки йил ана шу урушлару синовларда жонини гаровга кўйиб юрди. Осонми?..

Келиб-кетувчиларнинг оёғи кесилиши билан Ойчечак опа дастурхонларни йиғиштираётган Ёғдунинг олдига келди:

– Боринг, олдига тезроқ киринг энди... Куттирманг!..

– Буларни...

– Буларни қўйинг-э, мен йиғиштираман. Боринг!

Ёғдунинг лаблари, бармоқлари титраб кетди. Ахир, саккиз йил! Саккиз йил-а!

У ариқ бўйига борди, офтобадан сув қуйиб қўлини, юзини узоқ ювди. Кейин жилдираб оқиб ётган сувга термилганча ўтириб қолди.

– Нима қилиб ўтирибсиз! Нега ҳалиям кирмадийз?.. – ҳавода Ойчечак опанинг танбеҳли овози янгради.

Ёғду чўчиб тушди. Кейин ўрнидан туриб ичкарига аста одимлади. Ҳаяжонланарди. Нима қилиб бўлмасин, Пўлат билан учрашувни кейинга сургиси, ўртадаги аллақандай бегоналикни кўтариб ташлагиси, сўнг унга, эрига йўлиққиси келарди.

Ёғду тўридаги каравотда ўзига тикилиб ўтирган Пўлатга кўзи тушди. Унга қараб, эрининг чехрасидан кадрдон кишисининг изларини кидирди. Йўқ, у аллақандай бегона одамга ўхшарди. Буни сезиши ҳамоно ичидаги титроқ кучайиб, сесканиб кетди.

– Мана, мен, ниҳоят келдим... – деди Пўлат аёлидаги титроққа эътибор қилмасликка ҳаракат қилиб, – йўғимда институтда ўқиб диплом опсан?

– Ҳа... Ўзингиз шуни тайинлаган эдингиз-ку!

– Гапим ерда қолмапти, раҳмат!.. – Ўрнидан кўзгалиб, остонада туриб қолган хотини томон қадам босди Пўлат. – Сенга нима бўлди? Ҳали мендан кўрқяпсанми?.. – Пўлат яқинлашгани сари Ёғдунинг бутун вужудида пайдо бўлган титроқ тобора кучая борди. У ҳадик, кўрқув, бегонасираш... ва яна аллақандай тушуниксиз хислар қуршовида қолганди.

– Қўрқма! – Пўлат унинг қошига келиб тўхтади. Биттагина бармоғи билан аёлнинг иягини кўтариб, кўзларига қаради. Кейин кутилмаганда «гурс» этиб ўзини Ёғдунинг оёқлари остига ташлади:

– Ўла-ўлгунимча сендан миннатдорман, Ёғду!.. Ўн икки йил!.. Сен мени ўн икки йил «миқ» этмай кутдинг! Ўн икки йил!.. – Пўлат эгилиб хотинининг оёқларини ўпти. – Бир умр хизматингдаман энди, бир умр, эшитяпсанми, Ёғду, бир умр!..

– Вой, нима қияпсиз, Пўлат ака?!.. – чўчиб хушини тўплаган Ёғду энгашиб эрининг эгилган бошини кўтарди, – нима қияпсиз?!..

Пўлат Ёғдунинг юз-кўзларидан ўпиш у ёқда турсин, уларга бармоғини ҳам сурмади. Ётган жойида аёлнинг икки оёғини маҳкам қучиб олганча силкиниб-силкиниб йиғлади. Кейин... кейин худди шу кўйи тездагина ухлаб қолди...

– Сизни кутмаслик мумкинмиди? Ахир, эримсиз, йўлдошимсиз... – ухлаб қолган Пўлатни ниҳоят «ўзиники» хис қилиб, унинг қисқа тарошланган сочларига бармоқларини тегизиб ўйлади Ёғду. – Ўн икки йил дейсиз. Келмасангиз ҳам кутган бўлардим... бир умр... – аёлнинг кўзларидан қайноқ кўз ёшлари сизиб чиқдию кизариб, бўғриқиб турган яноқларидан сирғалган кўйи Пўлатнинг елкасига томди... – бир умр кутардим сизни!..

2

– Балки чинданам кетсам, яхшидир?.. – тунда эри ётоққа кириб келганда ёстикдан бошини кўтармай аста деди Ёғду.

Пўлат индамади, хушига келмоқчи бўлгандек бошини силкитди, сўнг келиб ўринга оғир чўкди.

– Бирон нима денг, нега жимсиз?!.. Жимлигингиз билан бағримни эзасиз, тилкалайсиз!.. – Ёғду ёстикқа юзини босди, энди унинг елкалари «йиғларди».

Пўлат ўтирган ўрнидан турди, хотинига бир қараб қўйди-да, миқ этиб оғиз очмай ётоқни тарк этди. Чиқиб қараса, айвонда тахланган тўшаклар турган экан, биттасини олиб оёқ остига ёзди-ю узаниб кўзларини оғир юмди.

Эрталаб Пўлатни мусичанинг «ку-ку»лаган кўшиғи уйғотди. Кўзларини очиб, ўзининг қаерда ётганини бирданига билолмади, сўнг эслади. Ўрнидан кўзга-либ ўтирди, ўсиқ ва тўзиқ сочларини бармоқлари билан янада тўзитиб, ҳовли юзига кўз солди. Унда қовжираб бораётган сахнани кўрди. Айни дамда, буларнинг барчасига қарамасдан, ғужур-ғужур сайраётган турли қушларнинг жўровоздаги кўшиғи қулоғига кирди. «Сенинг бахтсизлигинг билан қушларнинг неча пуллик иши бор!» – гудранди у оёққа тураркан. Кейин Ёғдудан кечаги кўрслиги учун кечирим сўрамоқчи бўлиб ичкарилади. Аммо ичкарида – на ошхонада, на ётоқхонада, на кўноқхонада аёли йўқ эди. Фақат унинг излари – саранжом-саришталик бор эди, холос. Ошхонада ҳар кунгидек нонушта ҳам хонтахта устида – Пўлатга мунтазир бўлиб турарди. Пўлат аёлини ҳовли ёқда, мол-ҳолга қараб юрибди, ҳадемай келади, сўнг бирга чой ичамиз деб ўйлаб, ювингани кириб кетди. Ювиниб чикдиямки, Ёғдудан дарак йўқ эди. Хавотирланиб, ҳовлига қараб юрди, «Ёғду!» дея сасланди. Аммо акс садо йўқ! Одамнинг қорасини кўриб молхона айвонидаги она-бола сигир, қўрадаги қўйлар бирдан маърай бошлашди. Товуқлар ҳам бугун қаровсиз қолгани аниқ, катагида «курк-курк»лаб олазарақ қараб туришарди. «Ёғду кетиб қолдимиз?!» – миясига келган фикрдан Пўлатнинг ичи илк кез «шиғ» этиб кетди. «Наҳотки?! Ёғду-а? Ташлаб кетдимиз? Мени-я?!.. Мумкин эмас!.. Мумкин эмас!!.. Мумкин эмас!!!..» – дея бақирди Пўлат. Бақирди-ю, лекин кўриб турганлари аёлининг уйни тарк этганидан очиқ-ойдин гувоҳлик бериб турарди.

Пўлат биринчи бор алам, ўкинч, аччиқ, нафрат, исён... яна инсон қалбини пармадек тешувчи борлиқ емирувчи туйғулар қуршовида қолди. Ич-ичидан арс-

лон ўкириги янглиф бир ҳайқирик туғилиб келаётганини фаҳмлагани онда чўкка тушиб олди. Чукур-чукур нафас олиб, ўзини босишга тиришди. Лекин иш бермади, ҳайқирик истаги тўғонини уриб кетган сувдек бостириб-тошиб келарди. Пўлат бу тошқинга дош беролмаслигини англаб орқаси билан ерга ўтирди, тишларини маҳкам бир-бирига босди: улар гичирлаб кетди – ҳайқирик ичкарида портлади!..

Орадан бир муддат вақт ўтиб, Пўлат молхонанинг шундоқ олдида ўтирган ўрнидан турди, тупроғу гўнгга беланган устини ҳам қоқмай, секин юрганча ҳовли этагидан уйга қайтди. Чироқ ёкса ёришмайдиган ичидан шу тобда уни топиб бўлмасди. Ёғдусиз Пўлатнинг дунёси зулматга фарқ бўлган эди...

3

Бир маҳал кимнингдир чақирган овози билан бир пайтда темир дарвозанинг қаттиқ қоқилгани эшитилди. Овозу товуш олис-олислардан келарди гўё. Аммо борган сари яқинлашиб, Пўлатнинг шундоқ қулоқлари остида «портлади». Пўлат чўчиб кўзини очди. Атрофга аланглади. Бирданига ҳеч нимани тушунмади.

– Пўлат! Ҳой, Пўлат! Уйда мисизлар?!.. – овоз ташқаридан, дарвозахона томондан келарди. Афтидан, у кўшни – Ҳайдар ака эди.

– Ҳа, ҳозир! – овоз берди Пўлат ниҳоят.

Шошиб ташқарига бораркан, йўлакай бўсағада турган офтобадан сув қуйиб, бет-қўлини чайган, шимидан чиқиб, тугмалари ечилиб кетган кўйлагининг липаси билан артинган бўлди-да, сўнг ҳаммасини яна тузатиб, дарвозани очди.

– Ассалому алайкум.

– Ваалайкум, Пўлат, иним, бормисизлар? – хайронлигу хавотир аралаш сўради Ҳайдар ака.

– Узр, бироз кўз кетиб қопти. Келиниз йўқ эди, шунга... – хижолат бўлиб вазиятни изоҳлади Пўлат

– Тушунарли, – деди Ҳайдар ака. – Ўзимам айтдим аянгга, уйда Ёғду бўлмаса кераг-ов, бўлганда мол-қўйлар маҳаллани бошларига кўтариб маърашмасди, деб.

– Ха-а, – деди Пўлат энди нима дейишини билмай. – Ҳозир ўзим қарайман, Ҳайдар ака, узр-а.

– Энди хафа бўлмайсан, ука, қўшничилик, – деди Ҳайдар ака ҳам қўлини кўксига қўйиб.

– Йўқ-йўқ, ҳаммаси жойида ака, кам бўлманг, уйғотиб қўйганиз учун, – пўлат ҳам Ҳайдар акага ўхшаб қўлини кўксига қўйди.

– Хўп, чиқ мундай, гаплашиб ўтирамиз.

– Хўп, ака, сиз ҳам бир келинг бемалол.

Пўлат ҳовли ёққа ўтаркан, унга кўзлари тушган парандаю дарандалар худди шохни кутиб олиш учун карнай-сурнай чалиб истиқболига пешвоз чиққан фақир-фуқаролардек бирваракайига сайрай-маърай кетишди...

Орадан кунлар ўта бошлади. Ойи бўлмаган – ойсиз қолган кунлар, Ёғдусиз кунлар – ёғдусиз!.. Пўлатнинг иш эрмаги мол-қолга қараш бўлди. Қолган вақтлар мук тушиб ётгани-ётган. На кўча-кўйга чиқади, на ишига боради. Ҳа-я, у икки жойда ишлаб, рўзғор тебратарди. Давлат иши – ўт ўчириш ташкилотига ҳар уч кунда бир марта бориб навбатда туради, қолган икки кунда уч-тўрт ўзи тенгқурлар билан маҳаллада устачилик қилади. Уйни ердан бошлаб, осмонда битиради. Шунинг учун тоза иморат солмоқчи бўлганлар Пўлатни, унинг гуруҳини сўроқлаб келишади. Энди бўлса, Пўлатнинг

кўнглига иш тугул, қил ҳам сифмай қолди. Шериклари неча қайталаб эшик қоқишди, Пўлат ҳар гал уларга бир хил жавоб берди: «Энди менсиз эпланглар...»

Эҳ, қани энди кўнглига иш сифса! Сифмаяпти-да! Нима қилсин?.. Ҳаётда у учун ҳаммаси бир томону Ёғду бир томон экан. Ёғдусиз Пўлатнинг юрак-бағри хувиллаб қолди. Кўнглини Ёғду тўлдириб турган экан. Борлигида билинмаган, сезилмаганди, энди бўлса... Худди кўкрак қафасининг қаеридадир бир тешик бору ундан тинмай изғирин кириб, юрагининг ич-ичидаги илиқ туйғуларини бирин-сирин музлатиб битираётгандек туйиларди.

– Ёғду, қанисан?.. Нега мени ташлаб кетдинг?.. Боламиз келмади, энди сен ҳам йўқ бўлдингми?.. Ахир, бирга бўлганимизда енгилроқ экан! Энди-чи? Энди оғир, жуда оғир!.. Билмадим, яна қанча чидаркинман?.. – Пўлатнинг кўнглидан шу хил изтиробли ўйлар ўтар, ўлганининг кунидан туриб ҳайвонлару товукларга ўт, ем, дон-дун ташлаб келар-да, яна кўкрагини полга бериб ётгани ётган эди.

– Пўлат, Пўлатжон! – Ойчечак опанинг кадрдон овози янгради дарвозахона ёқда. – Болам, бормисан?

– Ассалому алайкум, ая, келинг! – Пўлат кўзғалиб онасига пешвоз чиқди. Энгашиб унга пешонасини тутди.

– Ваалайкум, болам, ваалайкум! – Ўғлининг елкаларини ислади она. – Ҳай, ёлғиз қолган болам-ей, нега менга бир оғиз хабар бермадинг? – Ойчечак опа айвонга кириб, қўлидаги тугунни хонтахта устига қўйди-да, ёйилиб, бесаранжом бўлиб ётган тўшақларни кўтариб, бошқатдан ўрин солди. Сўнг «ўтир, болам, ўтир!» дея ўзи ҳам оёқларини сўридан пастга осилтириб ўтирди.

– Омин, тинчлик, хотиржамлик бўлиб, янаги шу йилда боламнинг хонадонида чақалоқ йиғиси эшитилсин! Омин, Оллоху акбар! – Ойчечак опа юзини силаб, Пўлатга синовчан қаради. – Мен кимман сенга, болам? Қачон бегона бўлиб улгурдим? Хотининг кетиб, сўққабош қолганингни бировлардан эшитай... – Опа кўзлари қуруқ бўлса-да, исми-расмига мўленгининг учи билан қовоқларининг устига босиб артинди. – Отангниям олдимга солиб олиб келмоқчи эдим, иши ўлгур қўймади – бугун навбатда экан.

– Ҳа-а, – деди Пўлат нима дейишини билмай. – Майли ҳечқиси йўқ, ая. Ўзиз яхшимисиз? Белиз безовта қилмаяптими?

– Бир ёқдан, болам, бу иш хўп бўпти, ажаб бўпти. Мана, энди онаси ўпмаган, бир этак бола туғиб берадиган хотин оббермасам, Ойчечак отимни бошқа қўяман! – опа ўғли берган саволларга эътибор ҳам бермай, ўз одати бўйича ўйлаб юрганларини, мясида борини пақиллаб отиб ташлай бошлади.

– Унда қидираверинг! – Пўлат онасининг феълени яхши билгани учун мийиғида кулиб қўйди.

– А? Ростданми? Вой ўргилай ўзими Пўлатжонимдан! Шунинг олдинроқ айтмайсанми, уйинг тўла бола бўларди ҳозир.

– Ая, аяжон, хотин қидиринг демаяпман, ўзизга янги исм қидиринг деяпман, – Пўлат ичида жаҳаннам олови ёниб турганига қарамай, онасига ҳазил қилганига, қила олаётганига ҳайрону лол эди.

– Нима? Э-э-э, ҳазилингни қурсин сени! – Ойчечак опа юзини девор томонга буриб, бир зумгина аразлаган бўлди, сўнг яна ҳеч нима бўлмагандек ўғлига юзланди, – хотинингни шу кетганидан фойдаланиб қолишинг керак, ўғлим, иссиқ танангга мундоқ ўйлаб кўр. Ҳамма айб унинг бўйнида бўптурган вақт-

да туғмас хотинни ким қайтиб обкелар экан. Эсинг жойидами?..

– Ая, ким айтди сизга туғмас деб? Дўхтирлар уни ҳам соғ дейишди-ку! – ранжиб деди Пўлат. Қолаверса, сиз билан ўн икки йил миқ этмай ўғлизни кутган, уруш йилларида сизни ёлғиз қўймай ёнизда турган келиниз ҳақида гапиряпсиз!

– Биладан, ўғлим, Ёғду менга келин эмас, қизимдек бўлиб қолган, қизимдек! Лекин нима қилай, Ўғилой азайимхон ҳам, Турсун табиб ҳам, нимайди қорабоғишлик фолбинни оти, ҳа-а, эсим қурсин, ўша ҳам, ҳаммаси уни «туғмас» деб айтди. Бирини дуоси кор қилмади, бошқасини дуоси, алқисса, бўлмас экан, болам, бўлмас экан. Сен ҳадеб дўхтирларингга ишонавермай, мундоқ ота-бобомиздан қолган эскичага ҳам юриб кўр. Мана бугун яна... – Ойчечак опанинг гапи оғзида қолди. Пўлат кутилмаганда шартта ўрнидан туриб, ичкарига шитоб билан кириб кетди. Сўнг бирпас ўтиб, қўлида бир нечта ҳар хил рангдаги халтачаларни кўтариб чиқди.

– Манависи Ўғилой азайимхонни жодуланган туморлари! – Пўлат шундай деб бурчакда турган ахлат пақирига отди.

– Вой шўрим! Болам, нима қияпсан, эсингни йиғ! Бас қил! – Ойчечак опа ҳаприқиб ўрнидан туриб кетди.

– Манависи Турсун табибнинг сассиқ алафлари! Манависи эса, қорабоғишли фолбинни шайтоний эзибчилари! – Пўлат уч-тўрт қораю сариқ елим-халталарга ўралган ўтларни жаҳд билан ахлатпақирга отаркан, онаси келиб қўлини тутди.

– Ундай қилма болам, гуноҳ бўлади-я!

– Шундай қилмасам, гуноҳ бўлади, ая! – дея алам ва изтироб билан ҳайқирди Пўлат. – Шу чокқача бўйнимгача гуноҳга ботдим сизни гапларийз-

га кириб! Ҳатто Тошкангача обордийз бўйнимиздан занжир ўтказиб. Кўнглийз учун миқ этмай бордик ҳаммамиз. Кейин нима бўлди? Бир ой касалхонада ётиб даволаниб чиқдийз. Бу ҳам сизга дарс бўлмаган кўринади! Хали у домлага, хали бу фолбинга, хали у табибга, хали яна кимгадир... Бас, энди, ая! Бас!!! Балки шунинг учун тирноққа зор қилаётгандир Худо мени!..

– Ундай дема, болам! Қаҳри келади-я, ундай дема! – Ойчечак опа энди ўғлининг қўлидан тўппа-тўғри ахлатга отилган халтачаларга ёпишмоқчи бўлганди, Пўлат онасидан олдин бир хатлаб пақирга етиб олди.

– Бермайман, ая, бермайман! Буларнинг жойи қаер бўлса, ўша жойга, ахлат уюмига оёриб тўкаман, ая! Оламан деб, бекорга овора бўлманг!..

Ойчечак опа ўғлининг юзига қараб, шу тобда у билан тортишиш бефойда эканлигини билди, азайимхонлардан ўрганиб олган нималарнидир пичирлаганча дарвозага қараб одим босди.

4

Эртасига дарвоза қоқилиб, Ўткир ака кириб келди.

– Ассалому алайкум, келинг ота! – пешвоз чиқди Пўлат.

– Ваалайкум ассалом, ўғлим! Яхшимисан? – Ўткир ака сир бой бермай сўрашди. Чунки Ойчечак опа уни кечаси билан «куроллантириб», Пўлат билан учрашувга обдан тайёрлаб қўйган эди. Аммо Ўткир ака ўткир эди: хотинининг сўзини бўлмасдан яхшилаб эшитар, устига-устак, «хўп, хўп» дердию деярли ҳамма айтганларининг тескарисини қиларди. Унинг ўткирлиги ана шунда эди.

Йўқса, Ойчечак опа унинг қулоғига нималарни қуйиб ташламаганди, дейсиз. Опа ҳам шу ёшга кирибдию хануз думбуллик қилади: кор қиладими, йўқми, қатъи назар, эригаю ўғлига, келинига насихат қилгани-қилган. Унинг насихатларига энг кўп қулоқ бериб келган бирдан-бир киши бўлса, у ҳам Ёғду! Энди опа айнан ундан қутулмоқчи. Бериги иккиси бўлса, бири хотини, бошқаси онаси билан фақат «сичқон мушук» ўйнаб келишади: хотин ва онанинг кўнгли оғримаса, бас, «хўп» дейишадию билганларидан асло қолишмайди.

Ўтқир ака Пўлатни сўроққа тутиб ўтирмади. Сўрига ҳам чиқмади. Салом-алиқдан сўнг ҳовли томонга йўл олди. Пўлат эса икки-уч одим босиб отасига эргашган бўлди-ю негадир ишком остидаёқ оёқ илди. Ўтқир ака аввал томорқадаги қуриб, қовжирай бошлаган экинларни кузатди, сўнг эса, қаровсиз қолаёзган мол-ҳолдан хабар олиб, айланиб, ниҳоят, ишком остида ўзини кутиб турган ўғлининг олдига қайтди.

– Ке, мундай ўтир-чи, болам, – Ўтқир ака сўрига бағдош қуриб ўтирди. – Омин, соғлик-омонлик бўлсин! – Кейин ўғлининг юзига синчилаб қараркан деди: – Ҳаммаси яхши бўлади, Пўлат, сабр қил! Хотинингни яхши кўришингни аянг ҳам, мен ҳам биламиз. Биз ҳам уни ўз фарзандимиздек яхши кўрамыз. Инсон деган ўзи шундай бўлиши – яқинларини яхши кўриши, улар учун ҳар синовга тайёр туриши керак! Биз ота-оналар маслаҳат берамыз, холос. Маъқул деган жойини оласан, қолганига ўзинг тадбир қиласан, болам. Аянгдан аччиқланма, лов этиб ёнади, пус этиб ўчади, аммо кўнглида кири йўқ уни. Алдир-шалдир, тоза инсон аянг. Нима демасин, у – она, боласини бахтли кўришни хоҳлайди. Ҳаёт эса – сеники. Хотин – сеники. Ажрашишни

истамасанг, ажрашма! Финг деганнинг юзига боқма. Тамом!

Пўлат хонтахта четига қараганча индамай ўтирарди.

– Аммо бунақа латта бўлиб ўтиришингни мен сира хазм қилолмайман. Эркак киши дадил бўлиши, вақти келганда, қарор олабилиши шарт. Уруш кўрган одамсан, ахир!.. Биламан, шу тобда кўнглингга қил ҳам сифмаяпти. Лекин, барибир, бу сарғайган экинларда нима гуноҳ, оч қолган ҳайвонларда-чи!.. Бўлди, бас! Ё хотинингни олиб келиб, пешонангда нима бўлса, барига кўниб яшайсан, ё у бечорани ҳам қийнамай, жавобини бериб, онанг айтган ишни қиласан! Бошқа йўлинг йўқ!.. Қани, Оллоҳ хайрли-сига бошласин, омин! – Ўткир ака шартта турди-да, Пўлатни кўзғалишини ҳам кутмай шахдам қадамлар билан дарвозахона томон юрди.

Пўлатнинг туриб, отасини мулозамат қилиб кузатадиган ҳоли йўқ эди, ўша ўтирганча шом тушганда, молу қўй маърайвериб ҳовлини бошларига кўтарганда кўзғалди. Йўқса, ҳали замон тағин эшик қоқиб Ҳайдар кўшни келиб қолади-я!..

5

Ёғду куннинг иссиғида шаҳар марказидан бозор-ўчар қилиб автобусга ўтирди. Кун қиёмига келган, ёндираман дейди. Одамлар жуда зарурат бўлмаса, уйдан чиқмасликка ҳаракат қиладиган палла: кўчаларда ҳам, автоуловларда ҳам ғувраган жон сийракдан-сийрак. Икки бекат юрар-юрмас, кимдир орқа томондан автобусга чиқди-да, секин келиб, ойнадан ташқарини кузатиб кетаётган Ёғдунинг шундоқ ёнгинасига ўзини ташлади.

– Ҳормасинлар энди, Ёғдухон, ўзларими?.. – қуловининг остида янграган таниш, айна дамда, бего-

на эркак кишининг овозидан чўчиб тушган аёл ялт этиб ёнига қаради. Қараб, юзига «Ҳап, қўлга тушдингми?» дегандек иршайиб боқиб турган мактабдоши – Эрбойни кўрди.

– Ассалому алайкум, Эрбой ака. Яхшимисиз? Уйдагилар, боллар тинчми? – айб устида қўлган тушган одамдек юзлари дув қизарди Ёғдунинг. Ҳатто бирдан туриб кетгиси ҳам келди. Лекин кейин ўйлаб кўриб, уйгача ҳали анча олислигини, қолаверса, ҳозир турса, автобусдан тушиб қолишга мажбур бўлишини, бу иссиқда навбатдаги рейс қачон келишини ўйлаб шаштидан тушди. Нарироқ сурилиб, кўзини яна ташқарига олди.

– Нега ўзимдан ҳеч ҳол сўрамайсан, Ёғду? Арпангни қачон хом ўрган эканман! – аёлга сурбетларча яқинроқ сурилди эркак. – Менинг совчиларимни қайтариб, мендек эркакка рад жавобини бериб нима рўшнолик кўрдинг, ўша хотинтуғдирмасдан, а?! Нима рўшнолик кўрдинг?!..

– Эрбой ака, керак эмас, ўтган ишга салавот, бас қилинг энди! – Ёғду туриб кетмоқчи бўлиб ўрнидан қўзғаларкан, Эрбой унга «ўтир, гапим бор!» дея дўк ургандек буюрди. Аёл қараса, гапини эшитмаса, эркак қўйвормайдигандек. Ноилож атрофга олазарак боқиб ўрнига чўқди. Автобусниг охириги ўриндиғида кексароқ бир одам бор бўлиб, у қуйи маҳаллалик каркулоқ киши эди. Аммо унинг кўзлари қирғийнинг кўзидек ўткир туйилди Ёғдуга. Бора-боргунча елкаларида ўша каркулоқнинг ўткир нигоҳларини ҳис қилиб ўтирди. – Гапиринг, нима экан шунча йилдан бери тугамаган ўша савдо?

– Ёғду! Мен тирик эканман, бу савдо тугамайди!.. – деди Эрбой илондек вишиллаб.

– Гапиринг гапизни! – қатъий деди Ёғду, – йўқса, тушиб кетаман!

– Эрингдан ажрашибсан деб эшитдим, шу гап ростми?

– Ёлғон! – сапчиб туриб кетди Ёғду ўрнидан. – Ким айтган бўлсаям, бўхтон бу! – «Эрдан ажрашди» деган гапнинг бутун оғирлигини Ёғду илк кез энди англаб етди. Англаб қолиб, ичи бу сўз етказган зилзиладан нақ ағдар-тўнтар бўлаёзди. Холбуки, ўзи «хаммамиз ҳам қийналиб кетдик, ажрашсак ажрашиб қутулайлик», деб уйга келиб олган эди, лекин ҳали хом бўлган бу гапнинг пишиб ростга айланиши нақадар даҳшатли эканини Ёғду мана энди ҳис қилди. Ҳис қилдию ўзини кўярга жой тополмай мухатобига сачради: – Ёлғон!!!

– Ўтир, ўтирсанг-чи, нега сапчийсан! – бир кўлини кўтариб, лекин Ёғдунинг елкасидан ушлаб ўтқазишга журъат қилмай деди Эрбой. – Мен ҳаммасини эшитдим. Эл оғзига элак тутиб бўлмайди, ахир!.. Ажрашмаган бўлсанг, ажраш! Нима қиласан, ўша бепушт билан гулдек умрингни хазон қилиб! Ажраш, мана мен оламан сени!..

– Эрбой ака, нималар деяпсиз? Мен эрли хотинман. Нега бунақа бўлмағур гапларни гап деб гапиряпсиз? Нима ҳаққингиз бор? Сиз ҳам оилали, икки фарзандни отаси бўлсайз, мени, эрли хотинни қандай қилиб оласиз? Эсиз жойидами? Ким сизга тегар экан? Туринг, қочинг йўлимдан! – Ёғду кўзларидан ёш сачраб яна ўрнидан сакраб турди.

– Эшит унда! – деди Эрбой вазоҳат билан, – хотиним саратон бўлиб оғриб ётганидан хабарсизсан, чамаси. «Хотиниз» деганинг хотин яқинда ўлади. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Сен эса бугун бўлмаса, эртага барибир ажрашасан. Қарабсанки, икковмизниям бошимиз очиқ бўлади. Ёғду, мен барибир сенга уйланаман! Агар айб сенда бўлса, ана, икки боламни

онаси бўлиб яшайверасан, агар соғ бўлсанг, бор ана, менга ҳам яна иккитасини туғиб берасан...

– Уятсиз! – деди Ёғду Эрбойни куч билан итариб, – Уятсиз!! – Кейин ҳайдовчига қаради: – Тўхтатинг автобусни, илтимос, тўхтатинг!!..

«Барибир бир кун қўлимга тушасан! – ўйлади Эрбой Ёғдунинг ортидан ғазаб билан. – Бир кун шу қилганингни жавобини берасан! Беришга мажбур қиламан!!..»

6

Шу зайл орадан бир ой ўтди. Бир ойдир Пўлат остона ҳатлаб уйдан чиқмади. Экинлар қуриб битди, аммо молу ҳол ҳаром ўлмади. Набототдан фарқ қилиб, ўзларининг борлигидан тинимсиз равишда оламга жар солиб тургани ҳайвонотнинг жонига ора кирди.

Ўша куни Пўлат барвақт уйғонди. Ёз эмасми, шундоқ ҳовлининг этагидан оқиб турган катта ариққа ўзини ташлаб совиди. Уйга келиб, соқол олди, сартарошхонага чиқиб эса, ўсиб патила-патила бўлиб кетган сочини калталатди. Сўнг уйга қайтиб, молу қўйнинг, товукларнинг ему донини бергач, тоза кийимларини кийиб, бозорга йўл олди. У ердан икки халтани тўлатиб чиқиб, тўғри қайнотасининг уйига кириб борди.

Уйда унга керак бўлган ҳамма жам экан. Аммо ўша ҳамманинг ўйи жам эмасди. Уларнинг ҳоли бўрондан кейинги экинзорни эса солар: хаёлларининг ярми у томонга, қолган ярми эса бу томонга қийшайиб ётарди. Пўлатнинг кириб келиши ҳамманинг юрагининг туб-тубида чўкиб ётган умид пилигини кўтарган бўлса-да, «кейин-чи, кейин нима

бўлади?» деган шафқатсиз сўроқ ўроқ каби бу умид бошини «шарт-шурт» ўриб ташларди.

– Биз нима ҳам дердик, Пўлатжон, – деди соч-соқолининг тенг ярми оқариб, мошкичири рангга кирган қайнотаси Яхшибой ота, – яшайдиган сизлар. Фақат бир йил, ярим йил ўтиб яна шу ҳолга тушадиган бўлсаларинг, унда ҳозирданок шартта йиғиштириш керак. Вақтни бой бермаслик учун. Йўқ, десаларинг, ана, хотин – сизники. Олиб кетингу бошқа бу бўсагадан боши эгик кириб келишига йўл қўйманг!

Қайнона бўлмиш Юлдуз хола бўлса, бошига ташланган оппоқ рўмолини учини тишлаганча «пиқ-пиқ» йиғларди. У суҳбатга араллашиб бир сўз қотмас, аммо кетини узмай пиқиллаб кўз ёш тўкиб, бошини сарак-сарак қилиб ўтириши ушбу кўнгилсиз «машварат» муштипар онанинг нақ юрагида содир бўлаётганидан дараклаб турарди.

– Ота, майлими, Ёғду билан гаплашиб олсам, – сўради ерга қараб Пўлат.

– Хотин сизники, дедим-ку, куёв! – овозини баландлаб деди Яхшибой ота. – Тур, хотин, юр нариги уйга! – Эру хотин юзларини омонатгина силашиб кўзғалишди. Ишком остидаги сўрида Пўлат Ёғду билан ёлғиз қолди.

– Нега кетиб қолдинг?..

Бу жавоби кутилган савол эмасди, аксинча, гинага ўхшаб кетарди. Шунинг учун Ёғду ҳам кўзининг остидан эрига бир гинали қараш қилдию индамай яна кўзини ерга олди.

– Сенсиз ўтган қирқ кун ичида ҳаммасини ўйлаб олдим, Ёғду, ҳаммасини. Яратган бизга тирноқ берадими-йўқми, Ўзининг иши. Энди Ўзига таваккал, йўқ, демасанг, кел, бу ёғига ҳам бирга яшайлик?!.. – шивирлади овози титраб Пўлат. – Эшитяпсанми,

сенсиз қолишни, сенсиз бўлишни истамайман! Менга сенсиз ҳеч нима керак эмас экан, ҳатто фарзанд ҳам! Менга бу дунёда фақат сен керак экансан, Ёғду, фақат сен! Қолган ҳаммаси кейин тураркан, тушуняпсанми, кейин!..

Ёғдунинг томоғига бир нималар келиб тикилди, кўзларидан ёш дувиллаб тўкилди. Бирпас ўтиб эса, елкалари силкиниб, юзларини икки кафти орасига олди...

Ўша куни Пўлат уйига Ёғду билан қайтди.

7

Эртакларда бўладиган воқеа ҳаётнинг ўзида юз берса нима бўлади?!.. Ишонамизми?.. Эҳтимол, эртакларга ўша воқеалар ҳаётнинг ўзидан кўчгандир. Шундай десам, бироз мулоҳаза қилиб кўриб, бовар қилармиз балки... Ҳай майли, ишониш-ишонмаслик ҳар кимнинг ўз кўнглига ҳавола, бунинг учун ҳеч ким бировнинг ёқасидан тутмайди, тутмаслиги керак. Аммо ўша кундан бошлаб орадан роппа-роса тўққиз ойу тўққиз кун ўтиб, Пўлат ва Ёғдунинг оиласида қичқириб, кўҳна ғамлар қафасини парчалаб чақалоқ туғилди!.. Қиз!!!..

Пўлат билан Ёғдунинг қувончи нафақат юракларига, балки оламларга сифмасди! Шунақаси ҳам бўларканда-а?!.. Бўларкан-ей!!!.. Бунақасини фақат эртакларда ўқирдик, ахир! У ёғини сўрасангиз ёки ўзингиз яхшилаб кузатсангиз, ҳаётнинг ўзида шунақа воқеа-ҳодисалар юз берадики, эртаклар уларнинг олдида бор-йўғи арзимас чўпчакларга айланади-қолади.

Қудаларнинг бир-бирига парвона бўлишини айтмайсизми! Ойчечак опанинг-ку бўлари бўлди: нафаси бўғзига тикилиб олдига келган одамни суюнчию

совға-салом билан сийлар, «тоат-ибодатнинг хосияти шул эрур» деганларидек, бу қувончли воқеанинг «ортида турган» фолбин борми, азайимхон борми, табиб борми, тошкентлик Тошдомла борми, ҳаммасининг исмини бирма-бир айтиб, уларнинг олдиларига қандай борганини улар билан қандай тадбирлар олиб, гап уқмас ўғлию қайсар келинини қандай таслим қилганини ҳикоя қилиб чарчамасди.

– Ҳой, Ойчечак, бас қил энди, овқатингга қарасанг-чи! – дерди уни кўноқхонадан ошхонага чорлаб Ўткир ака.

Қисқаси, қайси томондан қараманг, хурсандчиликмисан хурсандчилик, хушxabармисан хушxabар эди тирноққа зор оилада чақалоқнинг дунёга келиши. Ахир, Ўткир ака билан Ойчечак опанинг ҳам Пўлатдан бошқа зурриёдлари йўқ эди-да! Битта бор эди, қаҳатчилик олиб кетганди. Кейин улар қанча кутишмасин, қанча тадбирлар олишмасин, Оллоҳ пешоналарига бошқа фарзанд битмади. Мана шуларнинг ҳаммасини тарозининг бир палласига қўйиб мушоҳада қилганда, тарозининг нариги палласидаги Ўткир ака ва Ойчечак опаларнинг ҳоли ўзининг бутун зиддияти билан кўз ўнгимизда намоён бўлади: уларнинг оиласида туғилган фарзанд бу шунчаки фарзанд эмас, балки ҳаёт-мамот масаласи, улар наслининг давомчиси, улардан кейин чироғини ёқиб қолгувчи меросхўр эканлиги аён бўлади-қолади. Бечора Ойчечак опанинг қўйиб-пишишлари, ҳақу ботиллиги қарамай, ўзини «гур» этган ҳар оловга парвонадек уриши, чирпиниши, адашиши, энг муҳими, буларнинг барчасининг ичида таслим бўлишни хаёлига ҳам келтирмай умиду ишонч билан ҳаракат қилиши ана шулардан эди.

Чақалоққа Севинч деб от қўйишди! Чунки севинчли эди улар! Минг йиллик ғусса бор эди Ўткир

аканинг оиласида. Шу учун севинайлик, севинчларга етайлик деб севинчланишди. Қолаверса, бу оилада ўвил-қизларга туркона от қўйишарди. «Шундоғам бир томонимиз арабийу бошқа томонимиз форсий отларга тўлиб кетган. Хатто улар жуда-жуда кўп. Ўртада мувозанатни сақлаш учун, отларимиз айтилганда, қайси миллатга тегишли эканимиз билиниб турсин. Йўқ, мен бошқа миллатлар исмларини қўйишга қарши эмасман. Фақат меъёр бўлсин, чеку чегара бўлсин, дейман. Оилалар бор, отларини сўрасанг, нукул арабча, оилалар бор, нукул форсча. Ўзлари туркий бўлгани, қонларида туркийларнинг қонлари жўшиб оқиб тургани ҳолда нега бундай от қўйишади, сира тушунмайман...» дегич эди Ўткир ака. Отасининг шу тутуми Пўлатга ҳам кўчиб ўтган: ҳар бир масалага миллий анъаналардан туриб ёндашар, миллий ўзликка уйғун тарзда ҳал қилишга интиларди. Айни дамда, ўзга миллатларнинг урфу одатларига қиёссиз эҳтиром кўрсатарди.

Севинчнинг туғруқхонадан чиқишини эса расмана тўйга айлантириб юборишди. Ўткир ака чақалоқни тўғри катта ҳовлига олиб келишди истаганди, Пўлат қаршилиқ қилмади. Нега қаршилиқ қилсин! Ахир, унга бу каби маросимлар ҳаётнинг муҳим масалалари олдида жуда ҳам майда, аҳамиятсиз бўлиб кўринади. Пўлат учун Ёғдунинг борлиги, Ёғдунинг ёрлиги, устига-устак, Севинчни туғиб бериши, ҳаммаларининг бирга, соғу саломат эканликларидан каттароқ бахт ҳам, баландроқ тахт ҳам йўқ эди. Бу баланд тахтда ястаниб олган бахтнинг олдида ота-онасининг аллақандай одатларга риоя қилишлари ўта аҳамиятсиз бўлиб кўринар, шунинг учун ҳам у тизгинни улуғларга топширди-қўйди. Улуғларнинг тизгини эса, шу тобда Ойчечак опанинг қўлида бўлиб, у бирдан маликага айланган чўри аёлдек ҳаволаниб роз юрар,

чўнг ховли-жойда бошланиб кетган чақалоқ тўйининг миридан сиригача билиб-кузатиб, маросимнинг энг майда иримигача ўзи назорат қилару буларнинг ҳаммасидан олам-олам завқу шавқ туярди.

Ҳа, инсон тақдири хўп ажаб яратилган. Бир келса қўша-қўша келади, бир кетса ҳам шундай. Буларга қўша-қўша бахт келган, келаётганди: Пўлат билан Ёғдунинг олтинга тенг эмас, ер юзидаги ҳар қандай қиммат матохдан-да қиммат дамлари бошланганди. Улар жажжигина қизалоқларидан, қизалоқларига қўшиб эса бир-бирларидан ана шундай ширин, жуда ҳам ширин бахт бўйини туйишар, унга сира тўйишмасди. Қачон одам боласи бахтга, меҳрга, муҳаббатга тўйган ўзи!..

Аммо ҳаёт ҳаёт экан. У сира кутилмаганда бахтнинг ёнида кулфат, туғилишнинг олдида ўлим, соғлиқнинг ичида хасталик борлигини ҳар кун, ҳар лаҳза эсга солиб турар, агар инсон қалби ғоят ҳасос бўлиб, атрофида рўй бераётган мана шу турфаликни бутун ранг-баранглиги билан ҳис қила олса, унинг юзида қувончу қайғу тинимсиз равишда алмашиб турганига гувоҳ бўлиш мумкин бўлади. Ўша куни ҳам шундай бўлди: бу ерда, Ўткир аканинг уйида янги инсоннинг дунёга келиши қандай тантаная асъаса билан нишонланаётган, карнаю сурнайнинг овози етти маҳаллани тутиб ётган дамларда у ёқда, худди шу кўчанинг у бошида Эрбойнинг хотини қазо қилди. Ўткир акани чақириб, четроққа олиб ўтган ҳамқишлоғи машъум ўлимдан хабар бериб, карнай-сурнайни тўхтатишни маслаҳат бериб кетди. Ўткир ака бундай ишларни яхши тушунадиган эди, дарҳол карнайчилар бошлигини чақириб, вазиятни тушунтираркан, бўлаётган воқеаларни диққат билан кузатиб турган Ойчечак опа қаердан-дир пайдо бўлди-да, «Йўқ! Тилаб олган неварамни

тўйини бузишга ҳеч кимнинг ҳадди сизмайди!» дея тўполон кўтарди.

– Хотин, эсингни йиғ! Маҳаллада ўлим! Эртага нима деган одам бўламиз? – дея овозини имкон қадар пастлатиб гапиришга уринди Ўткир ака.

– Ўлсин ўлмай! – дея тутакди Ойчечак опа. – Ўлишга топган вақтини қаранг буларни!..

– Айб бўлади, хотин, айб! – деди Ўткир ака хотинининг кўзига тик қараб.

– Ҳе, айби бошидан қолсин! Мен хали ўйнаганим йўқ! Неварамнинг тўйида ўйнайман, деб ният қилганман! Бир марта яхшилаб чалсин, мундоқ давра айланай, эне, майли бас қилинлар! – рози бўлди Ойчечак опа.

У бўлди, бу бўлди, ахийри, карнайчилар бир марта яхшилаб чалиб берадиган бўлишди. Карнай, сурнай, доира, дўмбира ишга, Ойчечак опа эса даврага тушди. Ҳамма келиб «Куллуқ бўлсин!», «Невара муборак!» дея опанинг елкасига кўйлақлик, белбоғ ташлаб, қўлига пул қистирди.

Худди шу дамда маҳалланинг нариги чеккасида бошига дўппи, белига белбоғ бойлаган Эрбой азага келаётган тумонат одамни кутиб олиб, уларнинг таъзиясини қабул қиларкан, бирпасга тиниб яна бошланиб кетган карнаю сурнай товушига қулоқ солиб турди-да:

– Ҳап саними, Пўлат! Ҳап саними, Ёғду!.. – деди тишларини гичирлатиб...

8

Пўлат синфдоши Эрбой билан бирга «Ўт ўчирувчилар» гуруҳида ишлар эди. Ўша чойхонадаги, ўша автобусдаги, ўша чақалоқ тўйидагию ўша азадаги

воқеалар сабаб уларнинг оралари совигандан со-
 виб кетди. Ҳатто бир-бирлари билан ошкора сўраш-
 май қўйишди. Ўртага одамлар тушдиям – бўлма-
 ди. Йўқса, урушдан омон қолган икки синфдош
 эди. Тенгдошларининг бари урушган жойларини
 мангу макон айлаб қолиб кетишган. Бу ҳам икки
 синфдош ораларининг яхшиланишига қор қилмади.
 Ахир, ўртада Ёғду бор, эркаклик ғурури, нафс
 жанги, ғалаба нашидасию мағлубият алами бор.
 Шунинг учун ҳам, вақт ўтган сари ораларидан
 ўтиб турган қора мушукларнинг сони кўпайгандан
 кўпаяверди. Кунлардан бир кун Пўлатнинг шериги
 касал бўлиб қолиб ўрнига чиқдию Эрбой билан
 навбатда туришига тўғри келиб қолди. Ўша куни
 денг «Овлоқдаги бир қишлоқнинг чекка бир уйи-
 да ёнғин чиқди!», деган хабар келди. Шошинч
 йўлга тушишди. Ёнғин кўлами кутилгандан чунон
 катта бўлиб, бечора камбағалнинг уйи, ошхонаю
 бостирма, омборхонаю офилхона, хуллас, бутун хо-
 нумонини чирмаб олган эди. Энг ёмони, уйнинг
 олдида бир она «боламлаб» доду фарёд солганча,
 қўни-қўшниларнинг қўлидан юлқиниб чиқиб кетиш-
 га уринарди. Пўлат бир қарашда вазиятни тушун-
 ди: ичкарида, дўзахий оловнинг қаърида мана шу
 чорасиз онаизорнинг боласи қолиб кетганлиги аниқ.
 Ўт ўчирувчи машина дарҳол узун хартумини чиқа-
 ribs, чимин-қуюн одамлар пақир солиб сув ташиёт-
 ган ариққа ташлади. Келган гуруҳнинг асосий ўт
 ўчирувчилари Эрбой, Пўлат, яна Кенжавой деган
 бир йигит эди, Эрбой билан Кенжавой хартумга
 ёпишишди, Пўлат бўлса, «Мени ҳимоя қилинглар!»
 дея бақирганча ичкарига отилди. Йўқса, бу ишни
 онаизор қиларди. Ахир уни тўрт-беш киши гу-
 риллаб ёнаётган уйга кириб кетишдан базўр тўсиб,
 қўл-оёқларидан ушлаб туришарди. Шунда ҳам она

уларга сўз бермас, интилиб, юлқиниб, кўллардан чиқиб кетишни кўзлаб чирпинарди. Кенжавой хартумни Пўлатнинг ортидан йўналтириб, кўпикланган сув билан унга йўл очди. Эрбой бўлса, ўз хартумини ёнғиннинг осмону фалакка талпинаётган тилига – уйнинг томига қаратди.

– Тентакмисан, Эрбой! Пўлатга қарат хартумни!
– қичқирди овозининг борича Кенжавой.

– Ишингни қил! – бақирди Эрбой ҳам жавобан.
– Шоқол!.. Одам бўлмайсан сен!..

Бу орада Пўлат орқасидан келиб урилган кўпикли сув ёрдамида анча ичкари кириб олган эди. Аммо боладан дарак йўқ, яна илдам одим босиш учун эса юрадиган йўл йўқ, кўпикли сувнинг дами етадиган жойига етиб бўлган: чор атроф қизғиш-сарик оловнинг жазавали рақсларига тўла – нақ аждарҳонинг оғзи дейсан, бир қадам ташлашнинг иложи йўқ эди. Шунга қарамай, Пўлат кийган махсус кийим яна нималардир қилиш ё қилмасликни ўт ўчирувчининг ўз виждонига ҳавола қилар эди. Ҳа, айнан шундай: Пўлат шу келган жойидан қайтиб кетиши ҳам мумкин эди. Чунки у ёғи унинг ўз ҳаётига хавф солар, қайтиб, гуриллаб ёнаётган уйдан бутунлай чиқиб кетса, ҳеч ким унга таънаомуз бирон нима демас, унинг хатти-ҳаракатлари умумқабул қилган қонун-қоидаларнинг борлиқ талабларига тўлиқ жавоб берар эди. Аммо инсон деган бу сирли мавжудот ботинида виждон деган жисми йўғу ўзи бор, исми бор бир куч бўлиб, ана ўша Пўлатнинг ортга қайтишига, қайтиб ширин жонининг ташвишини қилишига изн бермади. Ҳа, ўт ўчирувчи Пўлат яна бир олов – виждон олови билан юзма-юз келаётган эди. Ҳамма гап мана шу оловнинг қаршисида қандай туришда, унга нима деб жавоб беришда, демакки, Пўлатда, унинг хатти-ҳаракатида эди. Бас, шундай экан, у

танловини қилди: Пўлат Худо берган табиатига кўра ичкарига қараб яна бир одим отди. Сўнг яна, яна... Зеро, ичкаридаги – ўз ботинидаги оловнинг тафти ташқаридагисини – уйдагини босиб кетганди. У ана шу оловга – ичкарасидагига бўйин эгди.

Аммо энди ташқаридаги оловнинг дамидан ҳеч нима кўриб бўлмас, Пўлатнинг нафас олиши тобора қийинлашиб борар, бутун вужуди гўё ёниб кетаётгандек қизир, кўз олди хиралашар эди. «Ана, тамом бўлдим, мана, йиқилдим!» деганда, ҳа-ҳа, худди шу лаҳзада қаердандир боланинг чинқирқ солиб йиғлаган овози келди. Пўлат қаршисидан чиққан ёпиқ, энди ёна бошлаган эшикни тепди. Эшик лангиллаб очилиб кетди ва кичкина хонанинг ўртасида, ҳамма томонидан ўт ёпирилиб келаётган беш ё олти ёшли ўғил болага кўзи тушди. Афтидан, бу хона ёнғин бошланган томондан ҳисоблаганда энг четдагиси бўлиб, оловнинг узун тили унга мана энди етиб келган эди. Не бахтки, шу вақтда ўт ўчирувчи ҳам унга етишганди. Пўлат болани олишга олди, лекин уни олов билан қопланган узун йўлакдан қандай олиб ўтади? Ўзи-ку, махсус кийимда, бола-чи? Пўлат узоқ ўйламади, эгнидаги комбинизонини шартта ечди-да, болани ўради, сўнг уни даст кўтариб ортига – оловга қараб ўзини отди. Чопиб бораркан, комбинизонсиз қолган уст қисмидаги кийимга ўт туташди, сал ўтмай Пўлат бутун елкалари гуриллаб ёнаётганини ҳис қилди. Чопишдан бошқа иложи йўқ, тақдирдан ўзга паноҳи йўқ эди унинг: бас, жон ҳолатда олдинга интилди. Чопа-чопа, ниҳоят, ташқарига, оловдан ҳоли жойга чиққанини билдиямки, устидан Кенжавой кўпикли сувни тўкиб юборди...

Уларнинг ҳар иккиси ҳам тирик қолди. Аммо Пўлат бир муддат касалхонада даволанишга мажбур

бўлди. Касалхонада эса, у оловдан кутқариб олган боланинг отасию онаси Пўлатнинг ёнидан айрилишмади, десаям бўлади. Ўзлари уйсиз қолган, жўжабирдай жон эса-да, кунда шунда бўлдилар: Пўлатнинг эътирозларига қарамай, гоҳ мева, гоҳ компот, гоҳ яна нимадир пишириб ё қовуриб кўтариб келишгани келишган, раҳмат айтишгани айтишган эди. Пўлатнинг қувончига эса чек-чегара йўқ эди. Мана шу қувонч унинг учун энг катта мукофот эди. Бунинг фақат ўт ўчирувчигина тушунади, ҳис қилади. Ёхуд ўт ўчирувчи каби бошқа бир одам ҳаётини сақлаб қолган инсонгина туйиши мумкин...

9

Севинч кўзга яқин бўлиб ўса бошлади. Уни Ойчечак опа бағридан қўйиб юбормади. Пўлат билан Ёғду ҳам кулиб-кулиб тақдирга тан беришди, катта ҳовлида — катта онанинг ёнларида, тўғрироғи, катта онанинг ихтиёридаги қизалоқ — Севинчнинг ёнларида қолишди. Ўткир ака билан Ойчечак опанинг ҳовлилари шундоғам кирди-чиқдили жой эди. Севинч келгандан кейин эса берди Худо: қариндош борми, қўни-қўшни борми, ўтган борми, кетган борми, ҳамма шу ерда жам бўлди. Ҳамма шу ерда эдию чақалоқни кўрса, онаси Ёғду, отаси Пўлат кўрар, қолганларни бу завқ четлаб ўтар, Ойчечак опа ҳатто эри Ўткир акани ҳам Севинчгинанинг ёнига йўлатмасди. Нима эмиш, чилласи чиқмаган болага номахрамнинг нигоҳи тушиб, нафаси тегмаслиги кераклиги тўғрисида муқаддас китобларда битилганмиш. Хурсандчилик эди, Ойчечак опанинг бу «тақиқ»ларидан ҳеч кимнинг дили оғриган эмас. Қайтага, келиб-кетувчиларнинг ҳаммаси бу оиланинг қувончига шерик бўлишар, нималардир пи-

шириб ё кўтариб келару бирпас гурунглашиб, сўнг хўшлашиб чиқиб кетишарди. Ахир, қирқ кун нима деган гап, ҳаш-паш дегунча ўтади-кетади: кейин Ойчечак опа хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам, ҳамма Севинчга етади. Шундай эмасми? Шундай, шундай бўлганда қандоқ!..

Бу издиҳомнинг орасида Севинч орзудагидек қизалоқ бўлиб улғая борди. Аввал қирқ кун, сўнг қирқ ой ҳам, ундан сўнг йиллар «лип-лип» этиб ўта бошлади. Энди Севинчни орзулайдиганларнинг сони бору саноғи йўқ бўлди. Одатда, кўпчилик ўғил болалар беш-олти ёшгача ширин кўриниб, сўнг бўйлари чўзилгани сайин қандайдир ўзгариб, сўхтаси совуқроқ бўлиб борса, аксар қиз болалар, ҳамма ёшда ҳам ўз ёқимтойлигини йўқотмайди. Севинч ҳам шулар қаторида бўлди: ўсгани сари ширин, ёқимтой, дилтортар эди у. Устига-устак, чирой ҳам оғиздан киради деганларидек, Севинч нима деса, нима истаса, ҳаммасини муҳайё қилишди ота-онасию бобо-момоси, ҳаммасини! Дунёнинг борлиқ яхшиликлари Севинчнинг оёқлари остига тўкилган, бу ҳам камлик қилгандек, ҳамманинг эътибори унга қаратилган, хулласи калом, ўрис эртакларидаги Золушкага айланганди-қолганди Севинчқиз. Чирой ўз йўлига, айни дамда, жуда зеҳнли бўлиб ўсди Севинч. Ҳаш-паш дегунча, атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни катталардек мушоҳада қиладиган, уларга муносабат билдирадиган бўлди. уч-тўрт ёшида айрим болаларнинг тили чиқмайди, лекин Севинчнинг луғат бойлиги анча-мунча катталарникига тенглашиб борди. Момосининг эътибори камлик қилгандек, онасининг икки кўзи ҳам Севинчда: Севинч билан уйғонади, Севинч билан кунни кеч қилади, яна Севинч билан уйқуга кетади. Севинчсиз ҳаёт йўқ унинг учун, наинки ҳаёт,

балки хаёллари ҳам ё Севинчдан бошланади ва ёки Севинчга етиб тинади. Қизи икки ёшга етганда туғруқ таътилидан мактабга қайтиши керак эди, лекин Ёғду бундай қилмади. Мана, ниҳоят, Севинчни учга тўлдирибгина ишга қайтди. Чунки қизалоғини еру кўкка ишонмасди. Ўзи мактабда бўлсаю қизи уйда қолса, тузукми бу иш? Аммо Пулат қўймади: «Ишизни йўқотманг, бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув деганларидек, бу ҳаётда инсонга ҳам ҳамма нарса лозим бўлади. Беш йиллаб институтда ўқидингиз, нима, уйда ўтириш учунми? Ўтираман десангиз ўтираберасиз, бизга оғирлигиз тушгани йўқ, тушмайди ҳам. Лекин диплом нима бўлади? Ёки мендек бўлмоқчимисиз? Қизимиз зиёли онанинг қўлида тарбия топсин дейман. Менинг чекимга уруш тушди. Лаънати уруш!.. У мени ўқиш билан борлиқ орзуларимни чиппаққа чиқарди. Ҳаётимни ўзгартириб юборди. Кейин сизни кўзим қиймади. Шундоғам ўн икки йил куттирдим. Ўқишга кетиб яна куттирайми, дедим. Истамадим!.. Қани энди, мен ҳам ўқиган, сизга муносиб умр йўлдоши бўлган бўлсам эди, дея армон қиламан туриб-туриб. Энди сиз ҳам мен тутган йўлни тутманг! Севинчни олдида одам кўп, аямни қаранг, пайт пойлаб туради Севинчни бағриздан юлиб олсам дея. Қолаверса, мана, мен бор, етар шунча вақт уйда ўтирганийз. Сентябрьдан ишга!» Ёғду қайнонасидан нажот истаб қараган эди, Ойчечак опа «ўзларинг хал қилинглар» дегандек елка қисди.

Шундай қилиб, Ёғду мактабга қайтди. Қайтдию кўнгли болада қолди. Устига-устак, куз эрта келиб, салқин шамоллар эса бошлаганидан бери Севинч йўталиб қолганди. Шу боис, куни бўйи фикру хаёли уйда, Севинчда бўлди. «Бекор чиқибман ишга», деб ҳам ўйлади, койинди. Ахийри, иш тугар-туга-

мас, элбурутдан мактабдан чикди. Негадир кўнгли гаш тортди. Муюлишдан ўз кўчаларига бурилиши билан эса, кўзлари уйлари олдида тўхтаб турган дўхтир машинасига тушдию шўрлик онанинг бўлари бўлди: қадамини наинки тезлатди, балки оёғини кўлига олиб чопди. ҳаллослаб етиб бораркан, қайнатаси сумка кўтарган қишлоқ врачини кузатиб чиқаётганди.

– Вой, нима бўлди, ота? Севинчга нима қилди?!.. – шу тобда онанинг кўрқув тўла овози Ўткир ака томон, чопиб бораётган оёқлари эса уй томон, Севинч томон учиб борарди.

– Кўрқманг, қизим, Севинч қизим яхши. Бироз шамоллабди, холос! – келинининг ортидан тушунтириб қолди Ўткир ака.

Ёғду кўлидаги сумкасию қоғозларни айвондаги стол устига отиб юборганча уй ичига отилди. Даҳлиздан ётоққа ўтаркан, эшик олдида «тақатақ» тўхтаб қолди.

– Жим! Энди ухлади... – деди Пўлат кўрсатгич бармоғини лабига босиб. Сўнг ўзи яна қизининг юзига термилди. У шу туришида сифиниб ўтирган одамга ўхшарди...

Ёғду ешик кесакига суянган кўйи бутун борлиги кўзга айланиб қизию эрига қарар, кўраётганларига тўймаётгандек антикар, қабоқларини қаттиқ-қаттиқ юмиб очар, юзларини ювиб тушаётган қайноқ ёшларни эса сезмас эди...

10

Илочнинг⁵ таъсирида Севинч туни билан қотиб ухлади. Эрталаб эса, дард кўрмагандек бўлиб уйфонди. Отаю онанинг, бобою момонинг қувончларига чек-чегара йўқ эди. Агар бундай қувончининг

⁵ Илоч – дори.

ўзини тасвирлаш мумкин бўлса, айтиш жоизки, бу хонадонда қувончининг ўзи худди янги кийим кийган болакайга айланиб қолганди. Қувонч ўзига ўзи маҳлиё эди гўё. Хонадон эгалари учун бутун дунё Севинчнинг атрофида гиргиттон эди, йўқ, Севинчнинг ўзи бутун дунё эди! Ёғду ишга бораркан, икки кўзи орқада қоларди. Пўлатнинг уйда бўладиган куни бўлса, эрига қайта-қайта тайинларди: «Севинчни қўлиздан қўйманг, анавини берманг, манавини кўрсатманг!..»

«Онанинг кўнгли болада...» эдими?.. Болада бўлгандаям яна қандоқ болада! Севинч-ку битта экан, устига-устак, тилаб олинган бола, магар ўнта бўлганда ҳам онанинг кўнгли яна орқасида, болажонларида қолмасмиди!.. Хайриятки, Севинч тез шифо топди. Унга қўшилиб ота-онасию, бобо-бувиси ҳам қаддини, орзуларини тиклади. Севинчнинг ҳолини сўраб келиб-кетган қариндошу кўни-кўшни учун Ёғду қўноқхонада алоҳида жой ҳозирлаган эди. Бир неча кун хонтахта тузоқлиқ турди. Хонтахтага сервантдаги нақшкор чиройли хитой пиёлаларидан олиб қўйилган эди. Севинч тузалиб, ўрнидан тургандан кейин шу хонага кирганда кўзи илк ўша порлоқ пиёлаларга тушди. Улар доим бўйи етмас ойнаванд сервантнинг ичида баландда терилган турарди. Севинч неча бор уларни олиб бер, дея онасига, бувисига хархаша қилиб кўргану орзусига сира етолмаган, хуллас, ойнаванд сервантдаги гулдор пиёлаларни ушлаб кўриш Севинчнинг орзусига айланганди. Энди қарангки, улар хонтахта устида, шундоқ қўл узатса етгулик жойда турибди. Қизалоқ чопиб бориб биттасини қўлига олақолди. У ёқ-бу ёғини айлангириб кўрди. Кейин яна биттасини ушлади, уни ҳам бир хилмикан дегандек айлангириб томоша қила бошлади ҳамки, кутилмаганда чап қўлидагиси сирғалиб

тушиб кетдию хонтахта устидаги худди шу хилдаги чойнак жўмрагига урилиб кетса бўладими! Оқибат – ҳам пиёла иккига бўлинди, ҳам чойнакнинг жўмраги узилиб тушди. Севинч чунон қўрқиб кетди. Нимадир ёмон иш қилиб қўйганини сезди. Йўқса, нега айнан шу чойнагу пиёлалар ҳаммадан тепада, ҳаммадан нарида – панада, алоҳида сақланар эди! Севинч югуриб ўз хонасига кирдию бурчакдаги кийим жавони билан девор ўртасига бориб туриб олди. Бирпас ўтиб эса, у ердан чиқиб келди, каравотидан ёстигини тортиб олганча яна ўша оралиққа кириб кетди...

– Севинч! Севинч-у-у! – кириб келди хонага бирпас ўтиб Ёғду, – кизим, қаердасан!.. Хой қиз, овоз бер!.. – Она аввал қўноқхонани, сўнг Севинчнинг хонасини қараб, қизини тополмай уйдан чикди. Хиёл ўтиб унинг хавотирга тўла овози айвонда жаранглади: – Аяжон, Севинч ҳеч қайда йўқ! Мен қўшникларникидан сўроқлай-чи!..

Орадан бир пиёла чой ичгулик вақт ўтди-ўтмади ҳамки, Ўткир аканинг ҳовлисига тумонат одам йиғилди. Пўлатни ишдан чақириб олишди: Севинч йўқ, ахир!..

Уйда ваҳима бош кўтарган, ҳамма унинг асир тушиб қолганди. Ўткир ака юрагини ҳовучлаб, шундоқ ёнларидан оқиб ўтадиган кичик Фарғона каналининг дамбасига, Ойчечак опа эса ўпкасини қўлтиқлаб Ўфилой азайимхоннинг қўрғонига чопди. Ёғду ўзини кўярга жой тополмас, ҳали ҳовлига бориб молхона, отхона, зовур томонларни қарар, ҳали уйга кириб юз марта тит-питини чиқариб юборган хоналарни тез-тез кўз югуртириб чиқар, юраги ваҳимага, аллақандай имсиз кўрқувга, даҳшатга тўлиб борар эди. Ҳалиги ёстикқа ҳам неча бор кўзи тушдию, лекин унинг остида Севинчнинг, ҳаммаларининг Севинчларининг яшириниб ётганини хаёлининг учига ҳам

келтирмади. Эҳтимол, аввалдан айнан шу ерда ортиқча тўшак, ёстиқ тахланиб қўйилгани учундир, нима бўлганда ҳам, кийим жавонларининг ичини неча бор ағдар-тўнтар қилган Ёғду негадир у билан девор ўртасига тикилиб турган биттагина ёстиқ тагини очиб кўрмади.

Ўткир ака дамбага ҳаллослаб етиб келди. У ерда Тўлқин мироб ишларди. Кела солиб уни сўроққа тутди.

— Ўтган ҳафта бир эмас, иккита бола, бўлибам эгизаклар оқиб келди. Шўрликлар ўрик қоқиб, эне, сувга тушганини тераман деб, аввал бири, кейин уни қутқараман деб иккинчиси чўкиб кетибди. Топиб бердик, — деди ўрта ёшли мудом қасмоғи чиқиб кетган дўпписини бостириб кийиб юрадиган Тўлқин мироб худди оддий воқеа ҳақида гапираётгандек беписандлик билан. — Ҳозирча ҳеч нима илинмади тўрга. Оқса, шу чокқача келарди... — гапи совуқ нуханинг охириг жумласи Ўткир акага чунон иссиқ туйилди. Шартта уни қучоқлаб, бағрига босгиси келди. Аммо хурсандчилиги узокқа чўзилмади, мироб яна минғирлади: — Ҳозир нима кўп, шох-шабба кўп. Сувга оққан жасад шишиб, бирон тўсиққа илиниб ё бирон кавакка тикилиб қолади, шундай бўлса, кечгача оқиб келади, хабар берамиз, — деса бўладими!..

— Тавба, тавба, одам ҳам шунақа совуқ бўладими! Ҳе, нафасингни ел олсин! — дея жиғибийрон бўлди Ўткир ака ичида. Аммо ташида сир бой бермади, индамади, сув бўйлаб тез-тез юриб кетди.

Бу вақтда Ойчечак опа Ўғилой азайимхоннинг уйида диққинафас бўлиб навбат кутиб ўтирарди. Ўтириш қаёқда, у ёқдан бу ёққа бўзчининг мокки-сидек бориб келар, олазарак бўлиб, кириб кетган мижознинг ичкаридан чиқишини сабрсизлик билан кутар, «Вой, Худойим-ей, болажонимни ўзинг асра-

гин!» дея пичирлар, юзи-кўзидан оқаётган терни кўлидаги каттагина дурра билан артиб турарди.

Нихоят, Ойчечак опанинг гали келиб, ҳаллосланганча ичкарилади.

– Вой шўримиз қуриди, Ўғилой, шўримиз қўрибгина қолди!.. – дардининг чўнглигидан саломни ҳам унутиб кириб борди опа.

– Тавба денг! Нима бўлди ўзи? Ваҳима қилмай мундоқ ўтириб гапиринг-чи! – олдинги мижоз ташлаб кетган пулни бармоқларини тез-тез югуртириб кўз қири билан санаганча деди Ўғилой азайимхон.

– Вой, ёрдам қилмасангиз бўлмайди, Ўғилхон! – Азайимхон оти ортига бир «ой»ни, бир «хон»ни қўшиб гапира кетди Ойчечак опа, – Неварам йўқолиб қолди!.. – қўлидаги дуррасини кўзларига босиб пиқ-пиқ йиғлаб юборди. – Неварагинам еру кўкда йўк! Бутун умидим сиздан, оғзингизга сикқанини бераман, Ўғилой, Севинч қизимни топиб беринг!..

– Хў-ў-ў-ўп, тушунарли, – деди Ўғилой азайимхон чўзиб, – неварангиз йўқолиб қолди. Топилади, мана мени айтди дейсиз, топилади. Қани, неварани нимасини олиб келдиз?

– Қўйлагини! Ўргилай, мана!.. – табибу азайимхонга қатнайвериб, нима керагу нима керакмаслигини сув қилиб ичиб юборган опа уйдан чиқаётиб, Севинчнинг қўлига илашган битта қўйлагини қўйнига тикиб олган эди, – узатди.

– Беринг! – азайимхон саналган пулни ён томондаги каттагина безакдор қутига ташлади. Сўнг қайрилиб, хонтахта устига ташланган Севинчнинг қўйлакчасига қараб худди одамга гапиргандек гапира кетди, кейин кўзларини юмиб пичирлади, ора-сира овозини баландлатиб «куф-суф!» дея, яна алламбало сўзларни беўхшов талаффуз қилганча бешиктебратардек тебрана бошлади. Буларнинг бари «маро-

сим»га алохида сирли бир рух бағишлар, Ойчечак опа ҳам худди шу жойга келганда бошининг пўсти хиёл эгилиб, мағзи яхшигина айланиб, эриб, бу ерга нега келганини унутиб қўйишига сал қоларди. Ҳозир ҳам шундай бўлди: ўзи невараси йўқолиб, бу ерга ёрдам илинжида бош уриб келдию азайимхоннинг «куф-суф»ларидан таъсирланиб, сал қолди, дарди эсидан чиқиб кетаёзди. Яхшиямки, азайимхонлар маросимни тез тўхтатишади – ахир, кўчада қанча одам сандиқчасидаги пулдек тахланиб ётибди, уларни қачон қабул қилади, пулга айлантиради! Бўлмаса, Ойчечак опанинг ҳоли нима кечарди – ёлғиз Оллоҳга аён. Ниҳоят, Ўғилой азайимхон қўлларини дуога очди:

– Илоҳо омин, Яратган Эгам, Ўзинг қўллагайсан! Ойчечак опамизни бошларига бир ташвиш тушиб, невара қизи йўқолиб қопти, шу қизимизни соғу саломат ота-онаю яқинларини бағрига қайтаргайсан! Эй карами кенг Парвардигор, марҳаматингни шу бандаи мўминингдан дариф тутмагайсан! Омин, Оллоҳу акбар!

Ойчечак опа ҳам азайимхонга эргашиб «Омин!» деганча қўлларини юзига силади.

– Айтганингиз келсин, Ўғилойхон, – опа энди азайимхон исми ортига биратўла ҳамма қўшимчани тиркаб қўя қолди, – сиз бўлмасангиз, нима қилардик!.. Мана, атаганим, – Ойчечак опа Ўғилой азайимхоннинг ҳовучига бир даста пул тутқазди. Бу ҳали ҳаммасимас. Неварагинам топилсин, оёғингиз остига хўкиз сўяман, хўкиз!..

– Айтганингиз келсин, Ойчечак опа! – азайимхон бир даста пулни санамай қутига ташлади, чунки у одатдагидан анча кўп эди. – Фақат яна битта ишимиз қолди, опа.

– Хўш, нима экан?

– Тўхтасин фолбинга борасиз.

– Янги чиққан фолбинми?

– Худди ўзи. Бориб, мени айтди денг, яхшилаб фол очиб беради. Шу дуоларимизни кучи, фолбинни топқирлиги билан неварайз топилади, иншаоллоҳ!

– Хўп, Ўфилойхон, тилингизга шакар! Қани, неварам топилсин, сизни пулга кўмиб ташлайман!..

Ўфилой азайимхон мамнун илжайди.

Ойчечак опа чиқиб, азайимхон айтган фолбиннинг уйига физиллади. Келса, у ерда ҳам бир талай одам навбат кутиб турибди экан. «Меники жуда зарур, одам йўқолган, қаердалигини тез айтмаса, кеч бўлади», дея содда одамларнинг юрагига ваҳм пуркаб, навбатсиз киришни уддалади. Кириб бораркан, фолбин чиқиб кетаётган катта ёшли хотин ҳамда кийинишидан келинга ўхшаш жувонга қарата: «Бу ердан чиқиб, тўғри Ўфилой азайимхонга боринглар! Дам солиб кўйса, мен айтгандек, ҳамма тўсиқлар бартараф бўлиб, келинийз фазандли бўлади, иншаоллоҳ!..» деганини эшитдию бундай бегоналарнинг «ишлари»га парво қилиб ўтирмади.

Фолбин қарталар билан фол очар экан. Ойчечак опани чала-ярим эшитди-да, қарталарни чийлаб, хонтахта устига бир неча бор ташлади. Энг сўнг бор ташлаганда, Ойчечак опага қараб «биттасини тангланг, фақат менга айтманг!» деди. Кейин қарталарни яна бошқатдан чийлаб, сўнг ўртага тўп-тўп қилиб ташлади-да тагин опага қараб, «танлаганийз қайси тўпда?» дея сўради. Опа «тўп»ни кўрсатди. Бу ҳол уч карра давом этди. Ахийри, фолбин опанинг қаршисига битта қартани ташлаб, «шумиди?» деди. Опанинг оғзи очилиб: – «Ҳа, шу! Шу-шу!! – дея кичқириб юборди. – Қаердан билдийз?!» деб қолди.

– Неварайз топилади! – деди ниҳоят фолбин.

– У бир жойда турибди. Чиқиб келолмаяпти, холос, кўни-кўшниникини, ариқларни яхшилаб қаранглар, топилади.

– Воҳ, гапингизга фаришталар омин десин! – Ойчечак опа фолбину фаришталарни кутиб ўтирмай ўзи биринчи бўлиб «омин!» деб юборди. – Мана, манавини олинг! – Опа фолбиннинг ҳовучига ҳам бир даста пул тутқазди.

– Бу хамир учидан патир, неварам топилсин, эшигизга катта шохдор қўчқор бойлаб кетаман! – Суюнганидан ўрнидан сакраб турди опа. Унинг бутун дарду фикри азайимхону фолбиндан эшитганларини эрига, ўғлига, келинига етказиш, уларни севинтириш, бу ишда ўзининг нақадар муҳим роль ўйнаётганини кўз-кўз қилиш эди шу тобда.

– Раҳмат сизга! Худо хоҳласа, бугуноқ қўчқорни етаклаб келаман! – деди опа яна пойгакдаги кавушини оёғига иларкан.

– Кутамиз! – ҳовучига солинган пулнинг «кўрик» баҳосидан бир неча марта кўплигини кўрган фолбин ҳам уни санамаёқ ўтирган тўшаги остига жойлаб жилмайди...

Пўлатнинг бўлса, бу орада хаёлига келмаган яхши-ёмон ўйнинг ўзи қолмади. Хаёли ёмон ўйда қарор топганда, савол билан ўзини ўзи савалай бошларди: «Қизим! Мен ҳам ота бўлдимми? Ахир, сени Худойимдан тилаб олгандим? Тилаб олганим ҳолда, Яратган Эгам марҳамат кўрсатгани ҳолда, аллақандай ишлар билан банд бўлдим! Шу керакмиди менга? Бир бурда нонга зор қолган жойим бормиди? Еганимиз олдимизда, емаганимиз кетимизда бўлган одамлар бўлсак, нега иш дея чалғидим? Наҳотки, сени йўқотган бўлсак?!.. Йўқ, қизим, сенсиз яшагандан яшамаган яхшироқ!..» Яхши ўйлар-

га бораётган ота эса, «Сен топиласан! Топилиб яна бағримга кирасан, қизалогим! Бу бир ёмон туш, ҳозир уйғонаману яна ҳаммаси олдингидек бўлади, яхши бўлади!..» – дерди.

Пўлатнинг хаёлида мана шу каби ўйлар чарх урар экан, оёқлари ҳам тинмай кезар, Ёғду билан бирга гоҳ уйга кирар, хоналарни айланар, гоҳ ҳовлига чиқар, молхона, отхона, пичанхона... – нима тўғри келса, ҳаммасини, маккапояларнинг орасини, зовурни, унда ўсиб ётган қалин қамишлар ичини, ҳатто ҳожатхонани қайта ва қайта қарарди. Пўлатнинг ота кўнгли қизалогини шу яқин ўртада эканлигини ҳис қилар, шунинг учун ҳам унинг хаёлига узоқроқдаги каналдан, юз метр нарида буралиб оқиб ётувчи катта ариқдан қидириш фикри келмасди. Кун иссиқ, юргани сари терлар, лоҳасланарди. Ҳовлини нечанчи мартадир кезиб юрар экан, Пўлат бирдан тўхтаб қолди. «Ёзнинг бундай жазирамасида бола нима қилади?» деб ўзига ўзи савол берди. Кейин «Ухлайди!..» деб пичирлади. Хаёлига шу фикр келгани ҳамон чопиб уйга кирди, тўғри бориб ўша девору шкаф ўртасидаги ёстикни кўтарди! Ох, дод! Не кўз билан кўрсинки, қизи, кўзининг оқу қароси, Севинчи, Севинчгинаси мук тушган кўйи қотиб ухларди... Пўлат ҳам қизининг қаршисига чўкка тушди: «Қизим! Севинчгинам!! Оллоҳим, Ўзингга шукр!!!» Унинг овозини эшитиб Ёғду ўпкасини қўлига олиб чопиб кирди, қизига кўзи тушиши билан эса қичқириб юборди. Унинг қичқириғи бир пайтнинг ўзида ҳам йиғига, ҳам кулгига ўхшарди. Қий-чувдан Севинч уйғониб, капалаги учди, кейин бир лаҳзада ўзига келиб, бирдан қилиб қўйган иши ёдига тушди чамаси: «Сен синдирдинг, сен!..» дея аясига кўрсатгич бармоғини тикди. Ота билан она дабдурустдан бу айблов сабабини тушунишмади,

бунга уринишмади ҳам, уларнинг бутун фикру ёди Севинчни қучоқлаб бағирларига босишу юз-кўзларидан кетма-кет чўлпиллатиб ўпиш бўлди...

Шу асно дарвозадан ҳаллослаб Ойчечак опа кириб келди. Киран-кирмас, у ҳам ичкаридаги гангур-гунгирларнинг орасида набирагинасининг овозини эшитиб, қийқириб юборди:

– Азайимхонимдан ўргилай, дамини ўткирлигини-чи! Фолбинимдан айланай, бирпасда топди-қўйди! Яхшиям борибман уларга! Худойим кўнглимга солган-да!.. – Опа бирдек саннаганча ичкарига кириб ғуж бўлиб бир-бирларини кучиб, бир-бирларига суйкалишиб тўймай ўтирган ота, она ҳамда боланинг қаршисига келиб нима қилишини, нима деярини билмай «тақатақ» тўхтаб қолди. Худди шу вақт, келишиб олгандек, дарвоза томондан Ўткир аканинг овози эшитилди:

– Топилдими?! Хой яхшилар, Севинч қизим топилдими!.. – Ойчечак опага мана шу овоз керак эди.

– Топилганда қандоқ, Пўлатжон! – эру хотин водий томондаги удумга кўра бир-бирларига тўнғич фарзанднинг исми билан мурожаат қилишар эди. Фақат Ойчечак опа Пўлатжон деса, Ўткир ака Пўлатхон дерди. Ўткир ака ва Ойчечак опаларнинг тўнғич фарзанди ҳам, ўрганчаси ҳам, кенжаси ҳам битта бўлгани учун улар бу исмга бутун борлиқларини жо қилиб айтишарди. – Суюнчини каттасини тайёрлаб қўяверинг энди! Ўғилой азайимхон билан, янги чиққан Тўхтасин фолбинларга атаб келдим, Пўлатжон, атаб келдим!

Ўткир ака хотинининг сўзларига эмас, қувончига шерик бўлиб, ичкарилади:

– Хайрият, Парвардигорга айтганимиз бор экан, хайрият! Йўкса, Тўлқин мироб нақ ўтакамни ёрган эди, Пўлатхон!..

– Ўшанчун сизга доим айтиб юраман-да, Пўлатжон, фолга ишонмасайз ҳам фолсиз юрманг, дам солдиришни эса қанда қилманг, деб! – эрининг ортидан йўрғалади Ойчечак опа.

Ҳозиргина мотам руҳи кезаётган хонадонда энди севинч тантана қиларди. Севинчни бири олиб, бири бағрига босишар, «чўлп-чўлп» этиб лўппи юзларидан, қошу кўзларидан ўпишар, тинмай унга гап кўшишар эдилар. Нималар қилиб қўйганини, Севинчнинг устидан қандай савдолар бўлганини ошкор этишнинг айна пайти эди шу тобки, Ойчечак опа набирасини кучоғига олар экан, деди:

– Севинч қизим, нури дийдам, сени дунёларга алишмайман! Сен учун молу давлатим нима бўпти, ширин жонимни узиб беришга тайёрман! Ана, топилишингни Олло-таолодан сўраб, азайимхонга бир хўкизу, фолбинга бир шохдор қўчқор атаб келдим! Икки қора кўзингдан садақа!.. – опа яна набирасини пешонасидан ўпди.

– Нима? – деди Ўткир ака, гап нима ҳақида бо-раётганини фаҳмлаб қолиб. – Нима қилиб қўйдинг, Пўлатхон?! Хўкиз билан қўчқор! Ахир, бу Яратганинг иши бўлса, азайимхонинг билан фолбинни нима алоқаси бор?..

Масалани тушунган Пўлат билан Ёғду ҳам бир-бирларига маъноли қарашди.

– Ҳа, нима? Ўша хўкиз билан қўчқор мени биттагина неварамдан азиз бўлқоптими?.. – бўш келмаса-да, жуда катта кетиб юборганини энди ўзи ҳам сал-пал тушуна бошлаган Ойчечак опа юзини бола билан тўсди.

Кутилмаганда хонада қаҳқаҳа янгради...

– Севинч қизим, бошқа йўқолиб қолмагин, хўпми, йўқса, бувижонинг манави уйни ҳам кимгадир атаб келади-да, сўнг ҳаммамизни кўчага ҳайдайди,

– деди кулгидан ўзини тўхтата олмай Ўткир ака.
– Энди, Пўлатхон, эртадан бошлаб ўзим ҳам ўша азайимхону фолбинларингга қатнай бошлайман: «Хотинимдан бизни асраб беринглар! Мени жин эмас, ўз хотиним чаляпти!» деб.

Улар яна қаҳ-қаҳ отиб кулишди. Биргина Ойчечак опагина бу қаҳқаҳага қўшилмас, ташқарида лабларини ёш боладек чўччайтириб, юзини аразлаган киефага солган бўлса-да, лекин иш хамирдан қил суфургандек осон кўчганидан ичида чунон мамнун эди.

11

Пўлат туш кўрди. Дахшатли бир туш. Тушида у қизи Севинч билан баланд бир деворнинг устида йиқилиб кетай-йиқилиб кетай деб юриб кетаётганмиш. Пастда – деворнинг икки тарафида эса, гуриллаб дўзахий бир олов ёнаётганмиш. Севинч отасининг қўлидан маҳкам тутиб олганча олдинда, ота бўлса, қизининг қўлчасини қизидан ҳам қаттиқроқ сиқимлаб олганча орқада одимлаб бораётганмиш. Отанинг ҳар нафасида қизчасининг девордан кулаб – пастда ловуллаб ёниб турган омонсиз олов қаърига тушиб кетмасайди, деган ташвиш яшармиш. Дам-бадам улар деворнинг ўпирилган жойларига – жарликларга дуч келишар, бу жойларнинг остидан оловнинг кўкка ўрлаган тиллари уларга ҳамла қилар, ота билан қиз юракларини ҳовучлаб жарликлардан сакраб амаллаб ўтиб олишару кейин ҳовучдаги юракларини тишларига олиб, маҳкам тишлаган кўйи илон изидек ёлғизоёқ йўлларида давом этишармиш. Аммо жарликларнинг бирига келганда Севинчнинг оёғи ёмон тойиб, оловнинг – тубанда гуриллаб ёнаётган оташнинг домига учиб

кетишига сал қолибди. Пўлат унинг қўлчаларидан жонҳолатда ушлаб юқорига тортиб, жонини қутқарибди. «Ўзингга шукр!..» – отанинг бутун баданидан муздек тер чиқиб кетибди. Сал эсу хушини тўплаб олгач эса, Севинчнинг қўлларидан янада каттиқроқ тутиб олганча юришда давом этибди... Гўё бутун олам улкан бир гулханнинг ичида ёнармишу ёлғизгина шу девор устида жон сақлаш мумкин эмиш. Аммо унинг усти ҳам худди муқаддас китобда тасвирланган қил кўприк – сиротдагидек ўта тор, ўта таҳликали бўлиб, унда бир одим отиш ҳам ота билан қизни ҳар лаҳзада ҳаёту мамот оралиғига отиб юборармиш...

Пўлат чўчиб, ҳансираб уйғонди.

– Тинчликми?... Тушми?.. Ҳозир сув олиб келаман, – кўзғалди Ёғду хавотирланиб.

– Ўтиб кетди, ўтиб кетди... Ётавер! – жавоб берди хотинининг елкасидан тутиб тўхтатаркан Пўлат.

Сўнг ўзи ҳам бошини қайтиб ёстикқа ташлади. Бир муддат чуқур-чуқур нафас олиб ётди. Ўйлай-ўйлай, ахийри ўзига ўзи деди: «туш менга нимадир демоқчи, нимадир... Ахир, мен туғилганимдан бери бир ота бўлиб ёлғиз қизимни дунёни борлиқ бало-қазоларидан зўр бериб қўришга ҳаракат қилиб келаман. Деворни усти – мени бутун имкониму, атроф – оловлар ичида қолиб, ҳамма нарсани ўз домига тортиб ямлаб ютаётган аждаҳо – дунё, ҳа-ха, мана шу дунё бўлса, не тонг!..»

Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ дейишади. Балки бу ўн беш кунлик зулматга дучор бўлган инсонларнинг ёруғ орзуларидан, истагу эҳтиёжларидан туғилган ҳикматдир. Одамлар қисматларини кузатсангиз эса, ҳар доим ҳам бу гўзал сўзларга мос тушавермайди. Гоҳи зулмат, гоҳида эса зиёнинг хиссаси кўпроқ бўлади уларда. Одам бутун-

лай бахтсиз бўлолмайди. Ундай десак, одам бутунлай бахтли ҳам бўлолмайди-да!.. Бахт ҳам, бахтсизлик ҳам емирилишга маҳкум. Эҳтимол, шунинг учун ҳам халқ минг йил яшаб, минг йил мушоҳада қилиб, сўнг «ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғдир», дегандир... Ҳай майли, нима бўлганда ҳам, бу каби сўзлар умри зулматга тўлиб кетган инсон йўлида ёқилган умид чироғидир. У ўз ҳаётидан тополмаган ёғдуни, ҳеч қурса, сўзлардан, хикматлардан топади. Шоирнинг «Қоп-қора деворга суяниб, Ёп-ёруғ хаёллар сурасан»⁶ деган мисралари ҳам бежиз туғилмаган, ахир! Деворнинг қоралиги хаёлнинг ёруғлигига сабаб бўлмоқда. Инсон ўз мувозанатини шундай барпо этмоқда. Йўқса, деворнинг қоралиги уни маҳв этади. Мавҳ этмаслиги учун ҳам «ойнинг ўн беши ёруғ» дейди. Инсон ўзини мана шу тарзда ҳалокатдан қутқариб қолмоқчи бўлади.

Хуллас, Севинчнинг отаси – Пўлатнинг ҳаётида шундай бир фожиа рўй бердики, унинг зулмати бир умрга татиди...

Севинч топилгандан бир ой ўтар-ўтмас, Ўткир акаларнинг уйига ўт кетди. Ўт ўчирувчиларнинг уйига! Ўткир ўт ўчирувчи билан Пўлат ўт ўчирувчиларнинг уйига-я! Ёмон ўт эди ўзиям! «Хўлу қуруқ баробар ёнди!» дейишганидек ёнди уй. Уйга қўшилиб эса, юраклар ёнди, қисматлар ёнди!..

Ярим кечаси эди. Пўлат кўзини очганда уй ловуллаб ёнарди. Аввалига яна бир даҳшатли туш кўряпман деб ўйлади. Лекин у уйғониб бўлганди. Бу туш эмас, бу ўнг эди, олов ҳам ўнгдаги олов эди. Негадир илгари кўриб юрган тушлари эсига тушиб кетди. Атай эсламади, йўқ, бир лаҳза хаёлига келиб кетди. Ана ўша тушларида ҳам уйи ёнарди. Ўз уйи. Энди мана ўша тушлар ўнгидан келиб ўти-

⁶ Шавкат Раҳмондан.

рибди. Назарида, бутун борлиқ олов ичида қолган эди. Шунда унинг борлиғини ўнг ва туш даҳшати камраб олди. Пўлат билан деярли бир вақтда Ёғду ҳам кўзини очганди, у томондан Ўткир ака ва Ойчечак опаларнинг доду фарёдлари, «Пўлат! Ёғду!! Севинч!!!» дея қичқиришлари эшитилар, демак, улар ҳам уйғонишган, энг муҳими, тирик эдилар. Фақат Пўлат хушини тўплаб олгунча нақ тепаларида гуриллаб ёнаётган тўсинлардан бир нечаси устиларига кулаб тушди. Пўлат Ёғдуни нарига итариб, Севинчни қучоқлаб олди. Шундаям ёниб турган тахталар унинг бошига, оёқларига келиб тушди. Битта тахта ҳатто қучоғидаги қизининг юзига келиб урилди. Пўлат жонҳолатда тахтани тирсағи билан итариб ташлаб, Севинчни авайлашга уринди. Пўлатнинг турткисидан учиб полга қулаган Ёғду эсанкираганча қичқирди, сўнг хушини тўплар-тўпламас ўрнидан тура солиб ўзини қизига отди. Лекин Пўлат қучоғидаги Севинчни унга бермади. Қайтага, хотинининг ҳам қўлидан маҳкам ушлаб, Севинчни гавдаси билан ҳимоя қилган кўйи энди олов туташган дераза томон отилди. Келиб, деразани бир тепган эди, унинг икки табақаси ойналари қарсиллаб синганча очилиб кетди. «Чик, сакра!!!» деди Пўлат олдин Ёғдуга йўл бериб, сўнг ортидан Севинчни қучоқлаб ўзини деразадан пастга, хотинининг ёнига отди...

Шундай қилиб, улар бу мудҳиш оловдан халос бўлган эди. Шу тобда нариги ёқдан Ўткир ака билан Ойчечак опалар юракларини ховучлаб чошиб келишди.

– Воҳ, Ўзига шукр, тирик экансизлар! Худойимга айтганларимиз бор экан!.. – Ота билан она келиб болаларини қучоқлашди, сўнг ҳаммалари ғуж бўлиб гуриллаб ёнаётган уйдан, оловдан узоқлашишди.

– Нима бўлди?..

– Ўт қаердан чиқди?!..

– Уйимиз ёнадиган уй эмасди-ку!..

Ҳаммалари биргалашиб ташқарига, кўчага чиқаркан, бир томондан уйғониб чошиб келган кўни-кўшнилар қўлларидаги пақирларни ариққа ботириб, бошқа томондан эса «Вағ-вур!» дея товуш бериб етиб келган ўт ўчирувчи машина узун хартумларини бўшатиб оловни ўчиришга ҳозирлик кўришарди. Пўлат бағридаги қизини Ёғдуга узатди-да, ўзи хартумлардан бирини олиб, аланга ичида қолган уй томон ошиқди.

Бир соатга борар-бормас ўтни ўчиришди. Ҳайҳотдек ҳовли ўрнида кичик бир тепалик қадар кул уюми қолди. Одамлар бирин-сирин келиб кўнгил сўраб кета бошлашди. Ён кўшнилардан кими сув келтириб уларнинг юзларига уришар, кими нима бўлганини, ўтда куйиб-куймаганини сўроқлар эди.

– Севинч-у-у-у!!! – Кутилмаганда Ёғдунинг кичкириги эндигина ўт ўчиб яна сокинлик палласига қайта бошлаган тун сукунатини бузиб юборди. Пўлат сапчиб ўша томонга отилди. – Севинч қимирламапти! Севинч ўлиб қолди!! Севинч!!! – Ёғду тинмай гапирар, йиғлар, кўрқувдан дағ-дағ татрарди. – Севинч, қизим, нима бўлди, Севинч!!.. – Пўлат чошиб келиб қизини бағрига олди. – Севинч, кўзингни оч, қизим! Севинч!!..

«Ёнди-ёнди»да, талотўпнинг, бақир-чақирнинг ичида ҳеч ким эътибор қилмаган кўринади, қизалок кўрқувданми, шипдан бошига ёниб тушган тахтанинг зарбиданми, нима бўлганда ҳам, хушсиз ётар, туннинг олачалпоқ рангида бир юзининг қорайиб шилиниб кетгани кўзга ташланиб-ташланмай турарди. Пўлат атрофдагиларга «Жим!» дея қулоғини қизининг бурнига олиб борди. Ҳамма жим қотди. Атрофни тун сукунати чулғади. Бирпасдан сўнг Пўлат

бошини кўтариб: «Тирик, у тирик, қизимиз тирик, Ёғду!.. Ҳозир... ҳозир дўхтирга олиб борамиз!» деганча чопиб бориб ўт ўчириш машинасининг кабинасига ёпишди.

– Ке, Ёғду, ке, ёнимга!.. – деди жонҳолатда Пўлат Севинчни кучоқлаб машина кабинасига ўтираркан.

Бу орада ўт ўчирувчилар сув хартумларини ўраб, жой-жойига солиш ишлари билан банд эди.

– Пўлат, бу машина билан касалхонага боролмай-миз, бошқа машина топ! – деди ҳайдовчи кабинага чиқиб олган ота-болани кўриб, ўзи эса машинанинг орқасига хартумларнинг жойланиб-жойланмаганини текшириш учун ўтиб кетди. Пўлат сафдоши, неча йиллик елкама-елка бирга ишлаган ҳамкасбининг орқасидан ҳайрон бўлиб қараб қолди-да, ёнига келган Ёғдуга қўлини узатиб кабинага чиқишига ёрдамлашди. Сўнг Севинчни унинг кучоғига бериб, ўзи ҳайдовчининг ўрнига ўтирди. Бирдан машинанинг мотори гуриллаб ўт олди. Ҳайдовчи «хай-хай»лаб кабина олдига қараб чопди, машина гувиллаб қўзғалди. Ҳали ишини битириб улгурмаган ўт ўчирувчилар ўзларини «таппа-таппа» тепадан пастга ташлашди. Қайси бир қутининг оғзи очилиб, сув хартуми ерга чувалди. Ҳавода «Ҳой, хой!» деган бақир-чақирлар янгради. Лекин машина борган сари тезлаб, тун зулмати ичига кириб кўздан ғойиб бўлди.

Касалхона йўлагига Пўлатнинг қўлидан болани олиб, ичкарига чопган навбатчи врачу ҳамшира ота-онанинг хонадан чиқиб туришларини сўраб, эшикни зичлаб ёпишди. Ёғду нима қилишини билмай пиқиллаб йиғлаганча Пўлатнинг кўксига бош қўйди. Пўлат Ёғдуни сочларини силаб, узоқ-узоқларга кўзини тикар экан, дилию тилида Яратганга илтижо қилар эди:

– Ўзинг асра, боламизни, эй Оллоҳим, Ўзинг асра!..

Орадан икки соатча вақт ўтди. Бу вақт ота билан онанинг назарида нақ икки йилдек чўзилди. Ниҳоят, икки йилдек туйилган икки соатдан сўнг эшик очилиб врачнинг қораси кўринди.

– Отаси! Юринг мен билан! – дея йўлак бошидаги хонага бошлади. – Нима бўлди?

– Уйимиз ёнди.

– Ҳм... тушунарли. Худо сабр берсин! Қизиздан бошқа бировга зиён етмадими?

– Йўқ.

– Шукр!

– Қизимизни исми нима?

– Севинч...

– Энди гап бундоқ, Севинчни отаси. Қиз яшайди. Соғлигида муаммо бўлмайди. Шок ҳолатиям ўтиб кетади. Ҳушидан кетиши зарбаю кўрқувнинг оқибати. Бир неча кун қимирламай ётади. Лекин бошқа бир муаммо бор. Фарзандийз қиз бола экан...

– Ҳўш? – Юраги кўрқувдан хаприкди Пўлатнинг.

– Юзи ёмон куйган. Жуда ёмон...

– Тузалиб кетадими?

– Ўрни қолади. Чандиқ бўлиб қолади.

– Бутунлай тuzалмайдими? Ахир...

– Эҳтимол, келажакда бу ҳам бўлар. Лекин қизини юзини тузатишга ҳозирги тиббиётни кучи етмайди. Севинч яшайди, соппа-соғ болалардек яшайди, фақат бир юзида чандиқ билан яшайди.

Пўлат юрагининг бир томони ўпирилиб кетди: «Ахир... ахир, у қиз бола-ку! Юзида чандиқ билан қандай яшайди! Нима деб яшайди! Биз нима деймиз унга, улғайганда? Мен, отаси нима дейман! Севинчни кўзларига қандай қарайман?!.. Ўт ўчирувчининг қизини юзи ўтдан куйиб ўтирса! Минг-минглаб

ўтларни ўчирган, не-не одамларни олов қаъридан эсон-омон олиб чиққан ўт ўчирувчи биттагина қизини ўтдан химоя қилолмай ўтирса! Бу қандай гап? Бу қандай жазо? Бу қандай синов ўзи?!.. Бунга қандай чидаш мумкин?!..»

– Исмиёз нимаёди, отаси?

– А?..

– Отиёз нима, дейман?

– Ҳа-а-а, Пўлат... – деди Пўлат тушкун кайфиятда.

– Пўлатжон, қизиз шу ерда уч кунча қимирламай ёта турсин, эне вилоят шифохонасига олиб борасиз. Мен қоғоз ёзиб бераман, уларнинг имконлари тузукроқ. Яна бир нарса: ўзиздан қолар гап йўқ, ҳозир қизимизни юзида кичик бир операция ўтказдик, дори-дармон, доқа-моқа дегандек... Қўл ҳақини ташламасайз ҳам майли.

– Ҳа-а, хўп, мен уйга бориб олиб келаман. Ҳозир шошилишда... – Пўлат эгни-бошини силаб кўраркан, ич-кийимда келганини тушунди. Кейин пул тугул, уй ҳам тағ-туғи билан ёниб кетгани эслаб, қарз кўтариш ёки мол-қўйни бозорга элтиш ҳақида ўйлай кетди.

– Қизимни кўрсам бўладими?

– Тинчлантирувчи укол урдик. Ҳозир ухляпти. Ҳалироқ уйғонади. Унгача сиз борадиган жойизга бориб келаверинг. Ҳадемай, тонг ҳам отади.

Пўлат врачнинг хонасидан чиқиб, йўлакда кутиб турган Ёғдунинг олдига эмас, ташқарига қараб юрди. Токи, хотини келгунча кўзларидан оқа бошлаган ёшларни артиб олиш мумкин бўлсин. Ёғду эрини кўриб, ортидан эргашди. Пўлатнинг «омади чопиб», тонготиш олдидан тун ҳам ўзининг энг қора палласига кирган экан, демак, кўз ёшларни яшириш муаммо бўлмайди...

12

Севинч Андижон шаҳар шифохонасида икки ойча ётди. Бу орада Пўлат ишдан бўшаб олиб, қизининг тепасида аскардек турди. Ишдан бўшаш фикри яхши фикр эмас эди, албатта. Айниқса, бор-будлари – мол-мулклари куйиб кул бўлган вақтда. Аммо Пўлат бошқача иш тутолмади. Бошқа касб эгаси, масалан, ўқитувчи ё дехқон бўлганида ишини ташламасди балки. Чунки ўқитувчи ё дехқон бўлганида қизининг оловдан қутқариб қололмаганини қабул қилиш осонроқ кечарди. Ҳар ҳолда, у шундай ўйларди. Ўзи ўт ўчирувчи бўла туриб, ўз уйидан ёнғин чиқиб ўтирибди-я! Устига-устак, ўзи ўт ўчирувчи бўла туриб, ёнғиндан ўз қизини, ёнгинасидаги хонада ухлаб ётган бирдан-бир палапонини, жигарпорасини асрай олмас-я!.. Йўқ, буларни ҳазм қилиш Пўлатнинг кўлидан келмас эди. Келмади ҳам. Шунинг учун, у ўша ёнғин чиққан машъум кечадан бошлаб бир марта бўлсин, иш жойига – ўт ўчирувчилар масканига йўламади. Энди у ерга умрбод қадам изи қилмаслигини ҳам яхши билади. Пўлатнинг кўнгли ўз ишидан, ўз қилмишидан, ишию қилмиши нима бўпти, ўзидан, ҳа-ҳа, энг аввало, ўзидан қолган эди. Энди у Севинчнинг олдида ўзини айбдор, йўқ-йўқ, айбдорлик ҳисси билан кун кўриш жудаям енгил жазо бўларкан у учун, балки гуноҳкор ҳис қилар, гуноҳкорлик ҳисси юки остида энди бутун умрини қизига, унинг кўнглига қараб ўтказишга қарор қилган каби дилбандининг атрофида гирдикапалак бўлар эди...

Ёғду ҳам бир аҳволда эди: кўнглига чироқ ёксанг ёришмас, гоҳ ошқору гоҳ пинҳон «пиқ-пиқ» йиғлаб олар, бўғзи йиғламаганда ҳам кўзлари билан мудом сиқтаб турарди. Ўткир ака билан Ойчечак опалар

хам ўша ёнғиндан сўнг чўкдилар-кетдилар. Айниқса, Ойчечак опанинг авзойи айтгулик эмас, у кишининг ранг-рўйидан тортиб, юриш-туришигача, гап-сўзидан тортиб сукут сақлашларигача, ҳамма-ҳаммаси тамомила ўзгарди-қолди. Илгарилари ҳеч кимга гап бермагич, бир қоп ёнғоқдек алдир-шалдир аёл эди, энди битта сўзни ўн марта сўраб, ўшандаям ичидан арқон боғлаб суғуриб олгандек олсанг олдинг, йўқса, у ҳам насия кетади-қўяди. Сархил-сархил овқатларни пишириб ё пиширтириб ва ёхуд бозордан олдириб еб-еб, пўримгина бўлиб йилтиллаб юрарди бечора аёл. Энди, мана икки ойдир, еган-ичганини ўзи ҳам билмайди. Овқатга чақириб келишса, устига-устак, Ўткир ака тепасида туриб олиб «Е!» дея танбехласагина икки-уч луқма овзига солса солар, йўқса, у ҳам бўлмасди: опа чунон озиб, ўзига ўхшамай қолди... Ҳа-я, уй! Аввалига Пўлатнинг уйига кўчиб ўтишиб, қуйган уйни тиклаш учун офилхонадаги борлиқ ҳайвонларни сотиб, пулига уста солишди. Бўлмади. Маблағ етмади чунки. Кейин Пўлатнинг уйини сотишди. Ниҳоят, ота уй тикка бўлди. Қора қиш қиличини қайраб келишидан бироз олдин янги кўтарилган уйга кўчиб ҳам олишди. Шундан кейин ҳаммаси яна изига тушган эди гўё. Севинчдан ташқари ҳаммаси... Севинч!.. Севинчнинг қуйган бир юзи қуйганлигича қолаберди. У вақт ўтган сари қорайиб, тиришиб борарди...

Касалхонада ётган вақтлари Пўлат келиб Ёғдуни, бир неча кун ўтиб эса, Ёғду Пўлатни алмаштирарди.

– Энди сиз уйга боринг, мен қараб тураман, – деди Пўлатга Ёғду уйдан, бозордан ҳар турли егулик кўтариб келиб.

Пўлат бир ҳафтадир касалхонада эди. Қизининг пешонасидан ўпиб, бағрига босиб хайрлашди-да, автобусга ўтириб, район марказига, сўнг у ердан яна

битта уловга мингашиб қишлоғига жўнади. Уй олдида транспортдан тушиб қоларкан, кўшни Ўктам аканинг ўзига қандайдир ғайритабиий равишда қараб турганини пайқади. Бу биринчи марта бўлаётгани йўқ эди. Пўлат ёнғин чиққан кундан бери неча бор касалхонадан уйига келган бўлса, шу келишининг неча мартасида Ўктам акани кўрган бўлса, шуларнинг ҳаммасида ана шундай жумбоқли нигоҳни хис қилганди. Дарди ўзига етиб, кўнглига қил ҳам сифмай юргани учун Пўлат юрак ютиб кўшнининг олдига бормаётганди, «Нима гап, Ўктам ака?» демаётган, деёлмаётганди. Бу гал ҳам «Ассалому алайкум!» дея салом бердию ичкарига юрди. Дарвозадан хатлаб ўтаркан, Ўктам аканинг ҳам «Ваалайкум ассалом, Пўлатжон! Севинч қизимиз яхшими?..» деганини эшитди. Дарвозадан ичкарига қўйган ўнг оёғини қайтиб олди-да, ён бурилиб «Раҳмат, Ўктам ака, яхши, насиб қилса, шу кунларда чиқиб қоламиз», деди. Шу билан уларнинг суҳбати тугаб, Пўлат уйга кирди.

Эртасига эрталаб Пўлат халта кўтариб уйдан чиқди, кўчага қадам кўяр-қўймас, кўзи яна Ўктам акага тушди.

- Ассалому алайкум, Ўктам ака!
 - Ваалайкум ассалом, Пўлатжон! Севинч қизинг ёнига кетяпсизми?
 - Ҳа...
 - Салом деб қўйинг қизимга. Тезроқ тузалсин!
 - Хўп, айтаман, раҳмат! – Пўлат қадамни тезлатган кўйи бекат томон йўналди.
 - Пўлатжон!..
- Пўлат оёқ илиб ортга бурилди.
- Бирпасга вақтиз борми? – Ийманиб, қимтиниб, журъатсизгина сўз қотди Ўктам ака.
 - Албатта, – Пўлат Ўктам акага қараб юрди. Улар Ўктам ака уйи олдидаги ўриндикқа омонатгина

чўкишди. Ариқда куздан дарак бериб тина бошлаган сув оқарди.

– Шу... шу... бир гап бор, нозикроқ лекин... – чайналди Ўктам ака.

– Менга алоқаси борми бу гапни? – хайрон бўлиб сўради Пўлат.

– Ҳа... – култ этиб ютинди Ўктам ака. – Ёнфинга, Севинчга алоқадор гап... Пўлатжон, уйларизга ўт кетган кечаси, қоп-қора тунда бир шарпани кўргандим...

– Хўш-хўш!..

– Шарпа ўзимизнинг Эрбойга жудаям ўхшаш эди. Йўқ, аниқ Эрбой эди! Қўлида иккита констр, улардан бензин ҳиди анқиб турарди. Ёз кечаси эмасми, анқиган бензин ҳидини сезмаслик учун кишининг бурни йўқ бўлиши керак, Пўлатжон!.. – Ўктам ака юзини бужмайтириб кўзларини маҳкам юмди. Бу ҳаракати билан гўё «айтиб тўғри қилдимми ўзи?» дегандек бўлди.

– Нега шу вақтгача индамадийз? – асабий сўради Пўлат.

– Нима дейман? Айтганимда нима?.. Кейин кўрдим. Ҳозирам кўрқиб-кўрқиб айтяпман. Умрингдан барака топ, Пўлат, Пўлатжон, бу гап шу ерда, ўртамизда қолсин. Ану Эрбой келиб нақ гўшимни ейди-я!..

Пўлат эшитганларидан ҳангу манг бўлиб қолганди. Нима дейишини билмай серрайиб қолганди.

– Пўлатжон, Эрбой билан ўрталарингда бирон гап ўтганмиди? Ўртада бўлишолмаган нимадир борми? – Ўсмоқчилаб сўради Ўктам ака.

– А?.. – ҳушига келди Пўлат, – билмасам, Ўктам ака, билмасам... – Пўлат ўрнидан турдию хайр-маъзурниям насиё қилиб бекат томон одимлади.

«Ҳай-йов, бу қанақаси бўлди? Эрбой!.. Сен номард, нега бундай иш тутдинг! Нима хусуматинг бор

эди яна менда? Хўп, Ёғдуни мен олиб кетибман. Ахир, бунга минг йил бўлди-ку, аблах! Яна қачон, қаерда арпангни хом ўрдим?.. Бир-биримизни ёқтирмаслигимиз бу – бир умр бир-биримизга душманлик қилишимиз керак дегани эмас! Дунёда қанчадан-қанча бир-бирларини икки суймайдиган одамлар бор, лекин улар сен қилган ишни қилишмайди-ку! Нима қилганинг бу! Уйимга ўт қўйгандан кўра, келиб мени ўлдириб кетсанг, яхшироқ эмасмиди! Яқинларим бир кун йиғлашарди, икки кун йиғлашарди, учинчи кун кўниб кетишарди. Энди-чи?.. Энди Севинч қандай яшайди! Биз-чи?.. Унга бир кун куйсанг ҳам, минг кун куйсанг ҳам, дарди адо бўлмайди-ку энди, адо бўлгур! Энди кизимга қўшилиб ҳаммамиз, бутун оиламиз бир бўлиб куйиб ёниб ўтамиз-ку! Шундай бўляптиям-ку, Эрбой, номард!..»

Пўлат нима қилишини, қаерга боришини билмас, касалхонага бораётган оёқлари ўз-ўзидан Эрбойнинг уйига тортиб кетаверар, ақли «Ҳали суриштириш керак, балки у ўт қўймагандир бу шунчаки тасодифдир», дер, қалби эса изиллаб «Қасос ол, қасос ол!» дея такрорлар эди. Шу пайт у автобус деразасидан қараб Эрбойнинг уйи олдида эканини билди ва ҳайдовчига «Тўхта!» дея қичқирди. Автобус тўхтади, Пўлат киссасидан пул чиқариб, ҳайдовчининг ёнбошидаги супачага отди-да, сакраб уловдан тушиб қолди. Шитоб билан юриб келиб, Эрбойнинг даврозасини урди.

– Эрбой! Хой, Эрбой!..

Ҳеч ким садо бермади. Дераза томонга келди.

– Эрбой! Хой, Эрбой!..

– Ҳууув! – деган аёл кишининг овози келди ичкаридан. Бирпас ўтиб дарвозанинг эшиги очилди-да, рўмол ўраган ёш жувоннинг юзи кўринди. Шу вақт жувоннинг орқасидан 15–16 ёшлардаги ўспирин йи-

гитча чиқиб келди. У қўлида қандайдир ўйинчок, чўлоқ оёғини судраб, оғзидан сўлагини оқизган кўйи жувонни итариб, ташқарига чиқмоққа уринди.

– Чиқманг! Отайз ҳозир келиб қолади!.. – жувон нимжонгина жисми билан йигитчанинг йўлини тўсмоққа уринаркан, Пўлатга хижолат бўлиб салом берди:

– Ассалому алайкум, келинг!

– Ваалайкум ассалом, Эрбой борми уйда? – Тезгина сўраб кўзларини ерга олди Пўлат.

– Йўқ, бугун ишда эди. Эртага эрталабдан келади. Ким деб қўяй?

– Ҳай, майли, ишхонасига ўтарман, – Пўлат жувоннинг юзига бошқа қарамай, изига қайтди. Чунки унинг кўз остлари кўкарган, лаби ёрилган эди, бас, жувонни хижолат қилмаслик учун ҳам у ердан ҳаялламай узоклашди. Устига-устак, ҳалиги ўспиринтинмай уйдан чиқаман, деб жувонни ноқулай аҳволга солаётган, хуллас, бу ердан тезроқ кетиш керак эди, тамом-вассалом!

«Эрбойниям ҳаёти фожиага тўлами, дейман. Биринчи турмушидан икки ўғли бор эди. Бирини машина уриб кетиб ўлганди, иккинчиси – ўша воқеанинг шоҳиди бўлган кенжасини бўлса, эси кирди-чиқди бўлиб қолган, кейинги хотинини бўлса, тумсо чикди, дейишади. Ҳойнаҳой, мана шу жувон Эрбойнинг иккинчи хотини бўлса керак. Биринчисини Худо раҳмат қилган бўлсин, яхши аёл эди, – ўйларди Пўлат бекатда автобус кутиб ўтираркан. – Рўшнолик кўрмай ўтиб кетди. Бунисини шаҳардан олди, дейишганди. Жа-а шаҳарлик ҳам эмасдир, ўзимизни содагина қишлоқ аёлларига ўхшаркан. Ёки ғам одамни шундай букиб қўярмикан... Кўз остлари кўкарибди, демак, уй – нотинч. Ишқилиб, ҳаммага Ўзи инсоф берсин! Майли, бу ёғи билан

сенинг нима ишинг бор, Пўлат? Сенга ўз дардинг етмаяптими? Сенинг уйингда борми ўша тинчлик? Ахир, уйингга ўт кўйишган дейишяпти. Нахотки шу рост бўлса? Нахот ўтни Эрбой кўйган бўлса?! Нахотки, у шунчаликка борса?!..»

13

Пўлатнинг ичига уйини ёндириб кул қилган оловдан бир парча тушди. Олов олдинига хонумонини ёқиб йўқ қилган бўлса, энди юрагини куйдиришни бошлади. У шаҳарга етиб, автобусдан тушибоқ ўт ўчирувчилар масканига қараб чопди. Мудҳиш бу ишнинг ортида Эрбой борми-йўқми, шуни тезроқ аниқлагиси, мабодо, бор эса, «Нега?» деган лаънати саволни кўзларига қараб туриб бергиси келарди. Агар уйга кимдир ўт кўйгану ўша одам Эрбой бўлиб чиқса, кейин нима бўладию нима қилади, Пўлат буни билмасди, билишни ҳам истамасди. Фақат бутун борлигини қамраб олган ғазаб тўлқинида оқиб-ошиқиб борарди:

– Ишқилиб, у ўт кўймаган бўлсин, ишқилиб, ҳеч ким ўт кўймаган бўлсин! Бу бир бахтсиз тасодиф, Яратганнинг яна бир синови бўлиб қолсин! Инсон зоти бу ишга аралашмаган бўлсин! Агар аралашган бўлса, мен уни ўзини-ку майли, бутун уруф-аймоғини кириб ташларман!..

Ниҳоят, масканга келди. Ўзи ишлаган, бир пайтлар ғоят қадрдон бўлган ўт ўчирувчилар масканига.

– Сизга ким керак? – сўради дарвоза кириш жойидаги, афтидан, ишга янги кирган йигит.

– Эрбой... Эрбойга келдим!

– Эрбой ака чақириқ билан чиқиб кетди.

– Қачон?

– Кўп бўлмади, ярим соат нари-берисида.

– Узоққа кетдими?

– Ҳа.

«Хайрият, бу ерда ҳам йўқ экан! – ўйлади Пўлат,
– Бор бўлса, аччиқ устида уриб ўлдирад, ё энг яхши ҳолда, майиб қилардим. Аммо бу тўғри эмас. Бўйнига қўймай туриб, исбот қилмай туриб, бировга қўл кўтариш у ёқда турсин, бир оғиз қаттиқ сўз айтиш – гуноҳ! Қолаверса, Эрбой бояқишнинг холи меникидан бешбаттар экан. Худонинг Ўзи уриб қўйибди уни. Шу бечора ҳолида мен нимасини урай!.. Тавба! Нималар деяпман? Ўзим-чи, мен? Мени ким урди? Наҳотки, Эрбойни урган Худо урган бўлса?!.. Нега, ахир? Қайси гуноҳларим учун?.. Эрбойни-чи, қайси гуноҳлари учун?!..»

Пўлат ўйларининг адоғига етолмас, улар худди учи йўқолган калавадек юмалар, ортидан уни тутиб олмоқчи бўлган Пўлат ҳам ана ўша калава ипдек думалаб борарди.

Думалаб-думалаб, ниҳоят, Пўлат касалхонага келди. Қўлида хотини, қизига дея онаси билан куймаланиб пишириб олган овқати, иккита нон, ишкомга кириб узган уч бош узум, яна алланималар бор эди, қараса, ҳеч бири йўқ!.. «Қаерда қолдириб келдим экан? Ўзи кейинги пайтларда хаёлим жойида эмас. Асабларим тоб ташляпти, чоғи, тоб...»

– Намунча ҳаялладийз? Севинчқиз сўрайвериб эси кетди, – йулақда жилмайиб қарши олди эрини Ёвду.

– Мана келдим-ку... Сал туриб бозорга тушиб келаман. – Пўлат қўлларини икки томонга очиб, «Ҳеч нарса олиб келолмадим!» дегандек ишора қилди. – Нима керак бўлса, опкеламан!

– Менга-ку, ҳеч нарса керак эмас, Севинч шоколад деятувди, – Ёвду эшикни очиб ичкари кирди. – Севинч, қизим, тур энди ётавермай, кун чош бўлди. Отангни олдида яхши эмас, тур!

– Ота, ота-а! – Ётган жойида икки қўлини кўтариб қувончини изҳор қилди Севинч. Пўлат келиб қизини кучди, соғ юзидан, яна... битта кўзидан ўпти. – Қалайсан, асал қизим? Менсиз зерикиб қолмадингми?

– Шакалат апкелдизми, ота? Роса егим келяпти, – ялинганнома сўради Севинч.

– Қизим, ҳозир бориб олиб келаман! Яна нима обкелай?

– Янами? Лимонадам апкелинг!

– Хўп, қизим, лимонад ҳам опкеламан, – ўрнидан турди Пўлат. – Сен нима хоҳлайсан? – Хотинига юзланди.

– Ҳеч нарса. Иштаҳам йўқ. Яхшиси, мен уйга борай. Икковимиз ҳам бу ерда, у ерда рўзғор. Аямга оғир бўлмасин, – кийина бошлади Ёғду.

– Қол, кетма! Нима рўзғор бор уйда? Маърайдиган ҳайвонларам, қақағлайдиган товуғимизам қолмаган бўлса. Эрталаб аям овқат пиширган. Отам билан аям ўшани ичиб туришади.

– Нега овқат олиб келмадийз унда? Мен аям қилиб беролмаган бўлса керак, ўзим бориб уларга қарашай депман.

– Қўлимда овқат бориди, Ёғду, билмадим, каердадир қолиб кетипти, – ростини айта қолди Пўлат.

– Вой! – ялт этиб қаради хотин эрига. – Соғлиғийз жойидами?..

– Ҳа, ташвиш чекма, яхшиман.

– Пўлат ака, кўпам сиқилаверманг, Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Мана, мени айтди дейсиз, – Пўлатнинг кўзларига ташвишли меҳр билан боқди Ёғду.

– Илойим! Айтганинг келсин, Ёғду, айтганинг келсин! – деди Пўлат аёлининг бошини кўксига босиб.

Орадан ойлар ўтиб, Севинчнинг юзидаги докани олишди...

Қизини кўриши ҳамано Ёғду ўкраб йиғлаб юборганча ўзини Пўлатнинг бағрига ташлади. Пўлатнинг ўзи ҳам кўрқув, ҳаяжон, умид қоришмасидан иборат аллақандай янги ҳиссиёт чангалида қолиб, йиқилгудек бўлиб довдираб турарди. Аммо шу тобда у ҳам ожизлик қилса, Ёғду билан Севинч кимга суянади? Севинч яхшиям ёш қизалоқ, нима гаплигини унча тушунмай бир врачга, бир отасига, бир силкиниб-силкиниб йиғлаётган онасига ҳайрон бўлиб боқарди.

– Жоним қизим маним! – Пўлат Ёғдуни «ўзингни тут!» дегандек елкасидан ушлаб бир силкитди-да, бориб қизини врачнинг қўлидан олиб даст кўтарди.
– Оғримадими?

«Йўқ» дегандек, бошини қимирлатди Севинч.

– Аям нега йиғлаяпти, ота?

– Ўзим... қизим... ўзим, сени кўриб, энди уйга кетарканмиз деб, кувониб йиғлаяпман, – дея Ёғду ҳам ҳушини тўплаб келиб эрининг бағридаги қизини кучди. Пўлат Севинчни Ёғдуга топширди-да, тез бориб деворга қоқилган кичик кўзгуни олиб, каравотнинг остига яширди. Кейин врачнинг тирсагидан тутиб ташқарига – йўлакка етаклади.

– Энди нима қилишимиз керак? Олдизга тез-тез келиб турагимиз?

– Албатта, ҳафтада бир келиб кўрсатиб турасизлар. Бир ойча. Кейин дориларини вақтида сурасизлар. Терининг тезроқ битишига кўмаклашади.

– Дўхтир, нима дейсиз, ҳозирги ҳолатидан бироз бўлса-да яхшиланадими?

– Умид қилилар, дуо қилилар! Биз ҳам қўлдан келганини қилдик, яна ҳаракат қиламиз, – маъюс жилмайди врач.

– Раҳмат, – деди Пўлат аранг, ҳамма гапни тушуниб.

– Тузалиб кетинглар!

– Шошманг, дўхтир, кейинроқ-чи, кейинроқ операция қилса бўладими?..

– Пўлатжон, ахволизни тушуниб турибман. Ўзизни қўлга олинг! Ахир, сиз қизизга, турмуш ўртоғизга ҳам далда бўлишиз керак-да... Операция ҳақида кўп бор гаплашдик сиз билан. Яна қайтараман: ҳозирча – мушкул. Лекин тиббиёт бир жойда қотиб қолгани йўқ, сиз айтгандек, кейинроқ балки бўлар. Умид қилинг, умид!..

Пўлатнинг тарвузи қўлтиғидан тушди. Ҳар сафар врачнинг кўзларига илинжу илтижо билан қараб гап бошлайди. Лекин олинган жавобдан бир хил ҳолга тушаверади: дунё кўзларига қоронғи бўлиб кетаверади...

Уйга келишди.

Уй мотам бўлган хонадонга дўнди. Севинчдан бошқа ҳеч ким кулмасди. Севинчни эса болалиги, «билмасвойлиг»и кулдирарди. Севинч ҳақида гап кетса, тиллар эмас, нигоҳлар гаплашар бўлди. Уйга мудхиш бир қора рух чўкди. Ҳамма ана шу рухнинг асирига айланди.

Лекин болалигига, беғуборлигига, рофиллигига қарамай, Севинчни ҳам йиғлатишди. «Гадонинг душмани гадо» дейишармиди? Болани ҳам бола хафа қилар экан... Қўғирчоғини кўтариб, ҳар доим бирга ўйнайдиган қўшни жужуқларнинг олдига чошиб чиқиб кетган Севинч хиёл ўтмай йиғлаб қайтиб кириб келди. Дарвозахонада шашти тушиб, лаблари бурилиб, кўзларида филт-филт ёш пайдо бўлган қи-

зига кўзи тушиши ҳамон Пўлат ҳаммасини тушунди: болалар Севинчни рад этишган!

Пўлат ҳеч нима сўрамасдан келиб қизини қучоқлаб олиб, ердан азот кўтариб олди. Сўраса, – бурилиб турган лаблар очиларди, – Севинч қиз соатлаб йиғламоққа тушарди, – сўрамади...

– Юр, сени ҳу-ув ҳовли томонга олиб бораман. Шафтоли узиб бераман...

– Ўртоқларим... ўртоқларим мен билан ўйнашмади, ҳаммаси қочиб кетишди, ота-а-а! – Севинчни шафтоли билан чалғитиб бўлмади, – у барибир йиғлаб юборди.

Боғ томон кетаётган Пўлат ортига қайтиб, дарвоза томон юрди.

– Қани, юр-чи, ўша ўртоқларинг билан ўзим бир гаплашиб қўяй-чи! Шундай ширин қиз билан нега ўйнашмас экан?..

Авж пардада йиғлаётган Севинч шаштидан тушиб, ҳиқиллай бошлади. Ота-қиз бошлашиб ташқарига чиқишгач, қўшни болалар нима гаплиги тушунгандай сергак тортиб бир-бирларига қарашди. Пўлат тўғри уларнинг олдиларига борди.

– Салом, болла?

– Ассалому алайкум!

– Ваалайкум ассалом, боракалло!

– Сизлар Севинчни ўртоқларимисизлар?

Болалар яна бир-бирларига саволчан боқишди.

– Ким бир-бири билан ўртоқ бўлса, улар яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам ўртоқ бўлиб қолиши керак. Нима дейсизлар, гапим тўғрими?

Болалар яна индашмади

– Севинч – сизларнинг дугоналаринг. У сизларни яхши кўради. Севинч сизлар билан бирга ўйнашни хоҳлайди. Нега у билан ўйнамаяпсизлар?

– Севинчнинг юзига нима қилди? – ниҳоят, бошқалардан ёши андак каттароқ қизалоқ сўз қотди.

Пўлат Севинчни ерга қўйди.

– Эслайсизларми, икки ойча бурун уйимиз ёнганди.

Болалар чувиллашиб бош чайқашди.

– Ана ўша ёнғинда Севинч ўртоқларингни юзига олов тегди. Олов тегиб озроқ куйди.

– Озроқ эмас, кўп-ку?.. – деди яна ўша қизалоқ.

– Майли-да, озроқдир, кўпроқдир, муҳими, у ҳалиям сизларнинг ўртоқларинг. Икки ой олдинги Севинч, мана, ҳозирам олдиларингда турибди! Бу ўша Севинч! Уни ҳеч ким алмаштириб қўйгани йўқ. Юзи куйибди, дея у билан ўйнамаслик ўртоқчилик эмас. Ҳақиқий ўртоқ яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бир-бирини ёнида бўлади. Тушундиларингми?

– Биз кўрқиб кетдик! – деди Севинч қатори – беш ёшлардаги ўғил бола.

– Биз ҳам кўрқиб кетдик! – чувиллашди қолган болалар ҳам.

– Бўпти, бир кўрққан бўлсаларинг, энди кўрқманглар! Севинч сизларни еб қўймайди! У сизларни яхши кўради! – Пўлат ўртадаги бузилаётган кўприкни қайта таъмир қилмаса, болаларга эмас, балки Севинчга жуда қийин бўлишини сезиб турарди. Болалар – болалар эди, кўп эди, улар бири бўлмаса, бошқаси билан тил топишиб кетаверар эди. Лекин Севинч битта эди. Бадбашара бўлиб қолган юзи туфайли болалардан узилиб қолса, унинг жиддий руҳий муаммога дуч келиши тайин эди. Пўлат ота сифатида буни ич-ичидан фаҳмлаб, англаб турарди.

– Ким музқаймоқ ейди?

Болалар саволни эшитишга эшитишди-ю, лекин унинг маъносини бирданига чақа олмай бир муддат серрайиб туриб қолишди. Сўнг бирдан ҳаммаси жўр-воз билан: «Мен! Мен! Мен!» дея қичқиришди.

– Унда кетдик дўконга! – Пўлат болаларни ортидан эргаштириб, бир чақирим наридаги муюлишда жойлашган дўконга юрди. Севинч ҳам болаларнинг орасида бутун дардини унутганча, нашъа тўла кўзларини чакнатган кўйи кўпнинг қаторида чопқиллаб борарди.

15

– Пўлат! Хо-ов, Пўлат! – Ташқаридан Ўткир аканинг товуши келди.

– Пўлат ака! Пўлат ака, дейман! Туринг, отам чақиряпти, нимадир бўлган кўринади, – қотиб ухлаб ётган Пўлатни туртиб уйғотди Ёғду.

Ҳаялламай уст-бошини кийиб, юзини апир-тапир чайганча отасига юзланди Пўлат:

– Ассалому алайкум, ота!.. Аям яхшими?.. – тилига илк келганни – кейинги пайтлар тез-тез мазаси қочиб қолаётган онасини сўради Пўлат хавотир ичра.

– Ўктам ака ўтиб қопти. Тез чиқ! Мен ўша ерда бўламан, – Ўткир ака бурилиб дарвоза томон йўналди.

– Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин! – Пўлат юзини силади. – Тавба, кечагина гаплашганди Пўлат у билан. Гап айланиб, яна ўша мавзу – ёнғин чиққан тунда қўлида икки констр билан шошиб кетаётган Эрбойга бориб тақалганди. «Эрбойни кўрганимни уни ўзи ҳам биледи, шекилли. Менга шунақа туйил-япти. Чунки, Пўлат, ўшанда – уйинг ёнган тунда ёзилгани ташқарига чиққандим, қарасам, дарвозани эшиги очик қолганакан. Беркитай, деб дарвозага яқинлашганимни биламан, йўлакдан, шундоқ ёнимдан ўғри мишшиғдай⁷ ўтиб кетганди, занғар! Мен томонга қарамаганди, аммо эшикни ғийқиллатиб ёпаётганимни билмаслиги, сезмаслиги мумкин эмасди.

⁷ Мушук.

Эхтимол, у менлигимни билмаган бўлса-да, уйимиздан кимдир эканлигини аниқ билган. Нега деганда, тўй-хашамда икки-уч рўпарама-рўпара келиб қолганимизда менга синовчан-синовчан тикилганди, шумасмикан дегандай. Хуллас, Эрбой билган», деганди. – Тавба, кеча кечқурун шу гап бўлувди. Энди эса... энди йўқ!.. Тўғри, жўжабирдек жон эди раҳматли, юрагини ҳам мазаси қочиб юрарди. Лекин бирданига ўлиб қолиши... Шунчалар омонатми инсон жони, а, Пўлат?.. Отамни тенгдоши, синфдоши эди. Яхши одам эди. Ўлимини сезганми, ичидаги менга айтиб, ичини бўшатиб кетди... Ўктам акани Ўз раҳматингга олгин, Оллоҳим! – Жаноза маросимида Пўлатнинг хаёлини шу ўйлар банд қилиб олди.

Кечқурун уйга қайтгач, Пўлат кўксига қандайдир юкни ҳис қилиб, ичи гаш тортди. Ўйлаб қараса, Ўктам ака ўз юрагидаги юкни Пўлатга ошириб кетган экан. Энди бу юк Пўлатники бўлди, Пўлатники...

16

Пўлат уйга кечаси кеч қайтди. Бу пайтда ҳамма ухлаган бўлади. Кўнгли гашлангани учун кўчаларни кезиб юрди. Вақт алламаҳал бўлгандагина йўлини уй томон бурди. Дарвоза олдига келиб ҳам дарров ичкарига киргиси келмади: ариқ бўйидаги ўриндиққа оғир чўкди. Ариқнинг тагида кеч кузнинг ювош тортиб тиниб қолган суви ой ёруғида кўзга ташланиб жилдирабгина оқиб ётарди. Пўлат сувга қараб узок ўтирди. Кўнглини эгаллаб олган гашликни мана шу жонсизгина оқаётган сувга оқизгиси келгандек ундан нигоҳини узмади. Йўқса, Ўктам акадан... раҳматли Ўктам акадан эшитгани, Эрбой билан доимий адоватли муносабати, Севинчинг куйган юзи, Ўткир акаю Ойчечак опаларнинг

қисқа вақт ичида қариб, қадларининг долдек букилиб қолгани, Ёғдунинг юзу кўзидан ҳаёт нашъасининг абадулабад йўқолгани, шажаранинг, кимсан – номи эл аро дoston ўша Отажон полвон авлодининг Севинчда тўхтаб қолиш эҳтимоли борлиги ҳақида эзилиб ўйлади, ўйлаб эзилди. Қачондир бу ариқда оқиб ётган сув тўхташи мумкин эди, аммо Пўлатнинг изтиробли ўйларининг поёни йўққа ўхшарди. Чунки бу ўйларнинг бахтли якуни кўринмасди. Эртақларда «муроду мақсадга етибдилар» деган ниҳоя бўларди. Пўлатга ана шу ниҳоя ниҳоятда ёқарди. Эртақ воқелиги ҳар қанча мураккаб бўлмасин, қахрамонлар ўз тақдир йўлларида нақадар мушкулотларга дуч келмасин – у уч бошли аждар бўладими ёки йиртқич ҳайвон, ёки айёр ялмоғизу мунофиқ ҳамроҳ, борса қайтар, борса хатар ва борса қайтмас йўлларми, булардан қатъи назар, эртақнинг охиридаги ана шу сеҳрли сўзлар – «муроду мақсадга етибдилар» ибораси ҳамма-ҳаммасини ичдан ёритиб юборар, қийинчиликлару айрилиқларни, ёмонликлару ёвузликларни бурда-бурда қилиб ташларди. Қани энди ҳаётда ҳам шундай бўлса – дунёга келган ҳар киши муродига етса!.. «Аслида инсон қисмати мана шундай бўлиши – муроду мақсадига етиши керакмасми?! Ёки бани одам деганимиз фақату фақат машаққат чеккани, айрилгани, адоқсиз изтироблар тўрига тушиб хўнғир-хўнғир йиғлагани келадими бу ёруғ оламга?!.. Йў-ў-ўқ! Бу адолатдан эма-а-ас!..» – деб ёзғирарди Пўлатнинг ичида кимдир. – «Қани мени, бизни оиламизни ана шундай бахтли якуни? У, қайси томондан қарамай, сира кўринмаяпти-ку! Наҳотки, қизим Севинчда аждод-авлодимиз тарихига нуқта қўйилса! Балки қўйилмас. Балки ҳаёт йўлида уни тушунадиган, тушуниб ўз никоҳига оладиган шундай бир мард йи-

гит учрару улардан ширин-шакар ўфил-қизлар туғилар-да, барча хавотирларим ўринсиз бўлиб чиқар, а?!.. Кошки, шундай бўлса, кошки...»

Пўлат адоғи йўқ ўйларидан оғирлашиб кетган жисмини ўриндиқдан аранг узиб олиб, бир-бир босганча уйга йўналди. Кириб, Ёғдуни Севинчнинг тепасида, Севинчга михланганча термилиб ўтирган холда кўрди.

– Ёғду!

Ёғду бурилиб қарамади, аммо «Ҳм» дея товуш берди.

– Нега ухламадинг?

– Қандай ухлай, Пўлат ака, қандай ухлай?

– Бунақада тобинг қочиб қолади-ку!

– Сиз-чи? Сиз нега ухлаймай кўча кезиб юрибсиз, ариқ бўйида соатлаб сувга қараб ўтирибсиз, нега?!..

– Мени қўявер. Сен ўзингни ўйла! Сен Севинчга жуда ҳам кераксан. Ёт, ухла!..

– Энди ухлаб бўлармикан, ойдек қизимизнинг бундай... бундай бадбашара бўлиб қолишига кўз юмиб, энди ухлай оламизми, а, Пўлат ака, ухлай оламизми!.. – Ёғдунинг елкалари силкиниб-силкиниб йиғлади.

Бу савол эмас эди. Ёғдунинг бу сўзлари гўё аччиқ икром, хулоса ва ҳатто ҳукмдек жаранглади. Шунинг учун ҳам Пўлат индамади, оёқларини судраганча ташқаридаги тун зулматидан-да куюқроқ зулматли ётоғига кириб кетди...

17

Келаси йил кузда Севинч мактабга чиқди. Янги кийимларни кийиб, елкасига папка осиб олган Севинчнинг қувончи ичига сифмас эди. Дам онаси-

нинг қўлидан тутиб, дам эса у қўлдан чиқиб, бир сакраб, бир ўйнаб, гоҳ қўшиқ хиргойи қилиб, гоҳ эса ўзига ўзи гапириб-ғудраниб, мактаб томон юриб эмас, ҳатто чоғиб эмас, балки учиб борди, учиб! Учиб боришга бордию, не ёзиққи, қайтиши ундай бўлмади... Қайтишда ўзи ҳам қон йиғлаб, онасини ҳам қон йиғлатди Севинч. Ўн беши ёруғ бўлган ой, оймомо қолган ўн бешида ҳам юзларини берки-тиб олдию оламга ёруғлик инмади. Воқеа бундай бўлди: биринчи синфга кўзлари тўла ҳайрат билан келган болаларга ўқитувчи «Иккита-иккита бўлиб парталарга ўтиринглар!» деб буюрди. Болалар бир-пасда ўзига маъқул шерик топиб олишдию, ҳеч кимнинг Севинч билан ёнма-ён ўтиргиси келмади. Ҳатто ундан нари: ҳамма Севинчга қўрқиб-пусиб қаради, ундан қочди ёки уни ёнларига йўлатмади. Севинч кимнинг олдига борса, ўша бола кўзини ола-кула қилиб жуфтакни ростлаб қолди. «Йўқ, мен сен билан ўтирмайман!», «Менинг шеригим бор!», «Нари тур!», «Қоч-ей!» деган жавоблар қалби севинчларга тўлиб кетган Севинчқизни эсанкиратиб қўйди. Ҳатто кўзига яхши кўринган бир қизалоқ: «Туркингга бир қарасанг-чи, чўтир! Бор, йўқол!» дея жеркиб берганига нима дейсиз. Хуллас, Севинч охириги партага келиб ўзини ташлади. Ёлғиз, бир ўзи ўтирди... Қайтишда бўлиб ўтган воқеани онасига кўзларига ёш, бўғзига эса алам тиқилиб сўзлаб берди. Сўзлаб бераркан, онасини ҳам йиғлатди, ўзи ҳам йиғлади. Она уни қучоқлаб йиғлади. Кейин бир-бирларининг қучоқларида йиғлашди, бирга йиғлашди. Йиғлаб-йиғлаб уйга қайтишди...

Уларни шу аҳволда бўсағада қарши олган Пўлат ҳаммасини изоҳсиз ҳам тушунди. Битта ҳам саволсиз, имою ишорасиз тушунди. Тушундию устунда осифлик куртқасини юлиб олиб, ташқарига отилди.

– Қаерга кетяпсиз?..

Ёғдунинг саволи жавобсиз қолди.

Пўлат тўғри Эрбойнинг уйига йўл олган эди. Чақирди. Темир дарвозанинг бир қаноти очилиб, Пўлатнинг қаршисида Эрбой пайдо бўлди.

– Ия, тинчликми? – Эрбойнинг гап оҳангида ажабланиш билан бирга менсимаслик ҳам бор эди.

– Эркак бўлсанг, ростини айт: уйимга сен ўт кўйганмидинг?! – кўзларидан ўт чақнаб сўради Пўлат.

– Қанақа уй? Қанақа ўт? Жинни-пинни бўлдингми?

– Менинг уйимга!.. Ҳаммасини биламан, ҳаммасини! Ёлғон гапирма, ит!

– Қаердан биласан? Қаердан била қолдинг? Ўктам акаданми? Ўлди-кетди-ку, Ўктам аканг. Исбот қил, кўлингдан келса! – Эрбойнинг юзига «Энди ҳеч нарса қилолмайсан, мен сендан бошлаб ўч олдим!..» деган ифода кўпчиб чиқди.

– Сен ўт кўймаган бўлсанг, Ўктам акани қаердан биласан?! – дўқ урди Пўлат.

– Ўктам ака ўлди-кетди, деяпман сенга! Энди дардингга қулоқ соладиганни кундузи чироқ ёқиб ҳам тополмайсан, Пўлат!.. – калласини ликиллатди Эрбой.

Пўлат ортиқ чидаб туролмади: қаршисида ликиллаб турган башарага қараб мушт туширди. Кучли зарбдан бехос турган Эрбой учиб ерга қулади. Пўлат йиқилиб ётган Эрбойнинг устига отилдию ёқасидан олди:

– Ҳар қанча душманлигинг бўлса, менга қилмайсанми, номард?! Норасида гўдакнинг нима гуноҳи бор эди!.. Бир умрга бахтсиз қилиб кўйдинг-ку боламини, иблис!.. – Пўлат яна ва яна муштлиди Эрбойни.

Шу вақт бақир-чақирни эшитиб тўпланиб келган кўни-кўшнилар Эрбойни Пўлатнинг чангалидан аранг қутқариб олишди.

– Уят бўлади-я, кап-катта одамлар!..

– Бир маҳаллада яшасаларинг... яна синфдош бўлсаларинг!..

– Нимани бўлишолмадинглар?..

– Эшитган қулоққа яхши эмас!..

Пўлатни кимдир қўлтиғидан олиб уйи томон етаклади. Етовда борар экан, орқасидан Эрбой оғзидан чиққан сўзлар унинг қулоғига қўрғошиндай кирди:

– Нима, азобни фақат биз тотамизми? Энди сен ҳам ўлгунингча мендек азоб чекасан, эшитяпсанми, ўлгунингча додлаб ўтасан!..

Пўлат юлкиниб чангалдан чиқмоқчи бўлди, бироқ қўшнилардан яна иккитаси етиб келиб унинг ўмганидан маҳкам тутди...

18

Орадан йиллар ўтди...

– Мактабга бошқа бормайман! – деди Севинч кўчадан йиғлаб келиб.

– Нега қизим, нима бўлди? – қизининг қарши-сига тиз тушди Ёғду. – Оппоғим, ким сени хафа қилди?

Севинч тушунтиришнинг ўрнига хиқиллаб йиғлар, тинмай «Бормайман, бормайман!» дея такрорлар эди.

– Ундай дема, болам, мактабга бормаса бўлмайди. Бу гапингни отанг эшитмасин, қаттиқ хафа бўлади-я! Бўлди энди, кўз ёшингни арт. Хозир сенга қуймоқ пишириб бераман, хўпми, оппоғим!

Пўлат ўтўчирувчиликни ташлагандан бери кўлидаги гулдек ҳунарига – устачиликка бутунлай қайтиб олган, энди эрта кетиб кечқурун уйига ҳам эрта келади. Бу кеч ҳам бўсаға ҳатлаб кириб келган Пўлатнинг кўзи Севинчга тушдию хали исмсиз

бўлган кўнгилсизликни кўнгли дархол сезди. Вақт — олий ҳакам, ҳадемай бу кўнгилсизликка ҳам от кўйиб беради. Аслида, Пўлат бу қандай кўнгилсизлик хилидан эканини тахминан билар эди. Билишга билардию дабдурустдан индамай қўя қолди. Гўё ҳеч нимани бўлмагандек тутди ўзини. Бироқ ётиш олди-дан қизининг хонасига кирди.

— Кел бу ёққа, ёнимга ўтир! — чақирди ота қизининг дарс столи ёнидаги ўриндиққа чўкиб. Севинч келиб ўз ўрнига омонатгина жойлашди. — Қани, энди бир бошдан ҳаммасини айтиб бер. Нима бўлди?

— Ҳеч нима... — лабини чўччайтирди Севинч.

— Э-э, бунақаси кетмайди, қизим! Ахир, сен билан келишиб олгандик: мен ота, сен қиз эканимиздан ташқари, биз яна ўртоқлармиз, дўстлармиз, дегандик. Эсингдами? Шуюм ўртоқчиликми? Кўриб турибман-ку, сени бир нарса қийнапти. Айтмасанг, ўртоқчилигимиз чин бўлмайди. Ёлғон бўлади. Сен мени алдаган бўласан! Ёки алдамоқчимисан?

— Йўқ...

— Унда айт.

— Ота, мени сиздан бошқа ўртоғим бўлмайдими? — маъюс тортиб деди Севинч.

— Нега бўлмас экан, албатта бўлади.

— Нега унда ҳеч ким мен билан ўртоқ бўлмаяпти? Ҳатто шеригим, паргадошим ҳам йўқ, бир ўзим ўтираман сўппайиб? — кўз соққаларида ёш йилтиллади Севинчнинг.

Ота нима дейишини билмай каловланди. Сўнг ўрнидан туриб бориб мунғайиб ўтирган қизининг бошини кучди. Қучаркан, ўзининг ҳам кўзларидан аччик ёшлар потраб чиқди. Овозининг титроғини сезди-маслик учун бирпас гапирмади, кейин тилга кирди:

— Бўлади ўртоғинг, қизим, албатта бўлади!..

Эртасига ота қизи билан бирга мактабга йўл олди. Келишса, «Ғалаба» байрами муносабати билан тадбир ўтказилаётган экан. Ўз дардлари бир ёқда қолиб, бошқа «дард»га ошно бўлишди: мактаб директори Тешавой ака қўярда-қўймай Пўлатни уруш қатнашчиси сифатида тўрга – тўртта оқсоқол ўтирган сафга ўтқазди. Севинчни эса зални тўлдириб ўтирган ўқувчиларнинг олд қаторига жойлаштирди. Кейин залнинг тинчланишини бирпас кутиб турди-да, томоқ қириб «9 май – Ғалаба байрами куни» эканигини таъкидлаб, ҳаммани шу муносабат билан қизгин қутлади. Кейин Иккинчи жаҳон уруши ҳақида билганларидан анча сўзлади. Директорнинг анчайин баландпарвоз нутқидан сўнг ўқувчилар урушга бағишланган бир неча чиқишлар қилишди: кимдир монолог ўқиди, кимдир қўшиқ айтди, кимдир уруш манзарасидан лавҳа ижро этди. Тўртинчи бўлиб мурти энди-энди сабза ура бошлаган баланд бўйли ўспирин чикди-да, ўша машҳур шеърни ёд айта бошлади:

*Мени кутгил ва мен қайтарман!
 Фақат кутгил жуда интизор,
 Кутгил ёмғир зериктирганда,
 Мени кутгил ёққанида қор...*

Пўлатнинг бирдан эти жимирлаб, бутун борлиғи билан уруш сахнасига кўчиб ўтди: хаёлида ўлаётган, ёрдам сўраётган, қурол кўтариб чопиб кетаётган, ўрмонда хору зор бўлиб адашиб юрган, хандақ тўла совуқ сув ичида «дир-дир» титраб турган, ниҳоят, «Ғалаба!» дея бир-бирларини кучоқлаб ўпаётган аскарлару оддий одамларнинг, қуролдош

дўстларининг сиймолари «лип-лип» этиб айланди. У йигитчанинг овози тинмагунча кўзларини очмади, ўкилаётган шеър оҳангида тебраниб ўтираверди. Шеър тинди. Хавода қарсақ янгради. Пайтдан фойдаланиб, Пўлат чўнтагидан рўмолчасини чиқарди-да, ёноқларини куйдириб тушаётган кўз ёшларини беки-тиқча артиб олди.

– Энди навбат уруш қатнашчиси Ёрқин акага! – деди директор.

Ёрқин ака маҳалланинг анча кексайиб қолган оқсоқолларидан бири, Ўткир акадан ҳам ёши ярим мучал катта одам бўлиб, уйда ўтираверганидан анча-мунча зерикиб қолган экан чамаси, бундай фурсатни қўлдан бой бермаслик кераклигини тушуниб қолдими, ҳар ҳолда, тўлиб-тошиб нақ бир соатча гапирди. Ўшандаям, директор устомонлик қилиб сўзни унинг оғзидан олиб, ёнида ўтирган яна бир оқсоқол – Турди акага берди. У ҳам зал тўла одамнинг ўзига кўз тикиб ўтирганини кўриб, тўлқинлана-тўлқинлана гапира кетди. Директор бир томоқ кирди, бўлмади, икки томоқ кирди – қарамади, боринг, ана, ўн марта Турди ака оғзидан сўз олмоқчи бўлдиям, ниятига етолмади. Шунда директор охирги чорани қўллади – сўз сўзланаркан, ўрнидан туриб олди. Турди ака икки жумла ўртасида энди бир лаҳза нафас ростлайман деганда шартта сўзи кесилди: «Раҳмат, Турди ака, сизни ҳали байрамларимизга жуда кўп чақириб, уруш хотираларингизни жон қулоғимиз билан эшитамиз!» деди-да, Тошхўжа акага боқди.

– Марҳамат, Тошхўжа ака, сўз сизга!

Тошхўжа аканинг авлод-аждоди хўжалардан саналса-да, бу пайтга келиб айнан у кишимнинг ўзи бир бечора колхозчи одамга айланиб қолганди. У оилада тўнғич фарзанд бўлиб, исмини гоҳ Тошхўжа,

гоҳ Бошхўжа деб айтар, ҳатто шундай майда-чуйда китмирликлардан ҳам завқ оладиган ажойиб девона одам эди. Маҳаллада ўзига хос феъли-хўйи, бошидан ўтган саргузаштларни ғоят қизиқарли ҳикоя қилиб бериш санъати билан роса танилган одам эди ўзиям. Гапнинг қисқаси, маҳалланинг афандиларидан эди, деган одамнинг асақаси кетмайди. У кишим ниҳоят ўзига сўз текканидан чунон севиниб ўрнидан йигитлардек ирғиб турди. Ахир, умри бино бўлибдики, ҳеч ким ҳеч қачон ундан бирон масалада фикр-микр сўрамаган бўлса, мана энди, кимсан, мактаб директорининг шахсан ўзи уни минбарга чиқариб қўйиб, сўз бериб, оғзига маҳтал бўлиб турган эса! Қолмишига, ана, Амир Темурнинг аскаридек бўлиб, бутун зал унга маҳлиёю мубтало боқиб ўтирган бўлса, яна нима керак?! Бундай эътибор, бундай муносабат яна қайда бор!.. Қандингни ур, Тошхўжа, даврингни сур Бошхўжа!..

Тошхўжа ака худди директорникдан қилиб томоғини икки-уч ўткир-ўткир кириб олди, сўнг созланган создек овози билан баланд, жуда баланд пардада «Бооор-диик!» деди чўзиб ва ҳайқириб. У «Бооор-диик!» деганда шубҳасиз кўз олдига фронтга кузатилиш ва фронтга келиб тушиш жараёнларини келтирган бўлса, ажабмас. Кейин ҳаммасини, ишонаверинг, урушда бошидан ўтган-ўтмаган ҳаммасини сўзлаб бермоққа чоғланди. Чунки у оддий воқеани ҳам Голливуд киноларидек кабарик тарзда тасвирлаб беришга жуда устомон эди. Бирон даврига кириб офиз очдими, бирпасда атрофига одам йиғила қоларди. Аммо ҳозир, шу онда тамомила тесқари воқеа юз берди: директор узок, жуда узооооқ давом этиши мумкин бўлган хавфнинг олдини вақтида олай, дедими, сўз қотди:

— Тошхўжа ака!

Тошхўжа ака «ялт» этиб директорга қаради.

– Тошхўжа ака, иложи бўлса, қисқароқ қилинг, илтимос, қисқарок! – деди.

Тошхўжа аканинг авзойи бирдан бузилди. Бирпас сукутга чўмди, сўнг норози алпозда директорга бир қараб олдида:

– Қа-а-айтдик! – дея ўрнига ўтириб олса бўладими...

Шунда зал бирдан гулдурос қарсақга тўлиб кетди. Нариги икки оқсоқол икки соат гапириб ололмаган олқишни Тошхўжа ака иккита сўз билан олган эди. Устига-устак, бу ёқда хўжа акага ёқмайдиган гап қилган директорнинг бўлари бўлиб, нима қилишини, нима дейишини билмай талмовсираб туриб қолганди.

Пўлат қараса, кулаётган ўқувчилар орасида Севинч ҳам қикир-қикир кулар, афтидан у Тошхўжа аканинг гапидан эмас, балки ҳамманинг бирдек яйраб кулаётганидан таъсирланиб, уларга жўр бўлиб қикирларди. Уни кўриб, беихтиёр Пўлат ҳам жилмайди.

Ха, ҳаётнинг ўзи буюк табибдир. Ота-қиз мактабга дардларига дармон кидириб келишганди, буни қарангки, уни топишди: халқ орасидаги биргина аския кўнгиллардаги дилхираликни ювиб юборди – энди улар қўл ушлашган кўйи қувноқ ҳолда уйга қайтишарди...

«Қани эди, – деб синиқиб ўйлади Пўлат йўлда, – Севинчнинг дардига ҳаётнинг ўзи ҳамиша мана шундай малхам кўйиб турса! Қизалогимнинг масъум кўзларидан ўкинч кўз ёшларини оқизмаса!.. Қани эди...»

Яна йиллар бир-бирини қувлаб ўта бошлади. Севинчқизнинг бўйи чўзилди. У отасиникига ўхшаб чўзилди, юриш-туришидан тортиб гапиришларигача, қилиқларигача отаси бўлди-қолди. Худди Пўлатни узиб олиб Севинчга ёпиштириб қўйгандек эди. Фақат бири эркак, бошқаси қиз қиёфасида. Улғайиш билан бирга Севинчнинг севинчлари ҳам улғайди. Ўқийман деди, бошкентга йўл олди. Имтихонлардан жуда яхши ўтиб, талаба бўлди. Кутилганидек, институтдаги ҳаёти янада қийин кечди. Унинг кўнгли дам лиммо-лим орзуларга тўлар-у, дам улар тўкилиб кетиб, ўрнини ўқинчу изтироб қоплаб оларди. Институт партасига келиб ўтирган илк кунда, ён томондан жой олган йигитларнинг деярли барчаси бутун дарс давомида ундан кўзини узмади. Севинчнинг кўнгли яна орзу, меҳр, истак каби бир-бирига ўхшаб кетадиган, лекин ҳар бирининг ўз ўрни, ўз исми, ўз қиёфаси бўлган неча-неча қоришиқ туйғуларга фарқ тўлди. Кейин дарс тугади. Дарс билан бирга эса, ҳаммаси... ҳа-ҳа, ҳаммаси тугади! Оҳ, қани энди тугамаганда эди! Ўша дарс бир умр давом этганда эди! Тугамаган дарс билан бирга Севинч ҳам орзу қилиб, ширин хаёллар оғушида умрини яшаб битирганда эди... Оҳ, яшамаса ҳам майли эди ўша ҳаётни, лоақал хаёллари ширинлигича қолганда эди... қани эди... қани!.. Лекин дарс тугади. Умридаги энг ширин дарс!.. Энг севинчли дарс!.. Энг маъноли дарс!.. Севинч иложсиз ўрнидан турди. У билан бирга йигитлар ҳам. Фақат... фақат энди ўгирилиш керак эди. Оҳ, қанчалар истамайди Севинч ўгилишни. Қани энди Яратган уни битта юзи билан яратган бўлса! Иккинчи – оловда куйган, куйиб бужмайиб кетган юзидан қиз бечорани халос қилган

эса! Шунда бу юзни, куйган юзни йигитлар хеч қачон кўрмасди! Хеч ким хеч қачон Севинчнинг хунук юзини билмасди! Севинч чиройли юзи билан қоларди! Чиройли юзи билан дунёга боқар, дунё ҳам унинг биргина шу гўзал юзига кўз ташларди! Ҳайрат ичра, муҳаббат ичра, орзу ичра! Севинч ҳам чиройли юзи билан одамларга юзланар, уларга шу юз билан гапириб, шу юз билан одамларни эшитар, улар билан бирга кулар, майли, йиғларди ҳам! Қани эди!.. Қани эди Севинч ҳам анави, ўзидан кўз узмай, дарс давомида не-не ширин хаёллар қилиб ўтирган, неча-неча умид ришталарини Севинч билан боғламоқчи бўлган барно йигитлардан бирини танласа! Танлаб ўша билан бахтли бўлса! Шунда улар ҳам худди Пўлат билан Ёғдудек бир-бирини авайлаб, бир-бирининг атрофида гирдикапалак бўлиб, бир-бирининг кўнглига қараб қўша қарирди!.. Йўқ, буларнинг ҳаммаси ҳозир, шу тобда, Севинчнинг битта бурилиши билан соб бўлади! Ерларга тўкилиб ёки ҳавога соврилиб увол кетади! Мана ҳозир, бир лаҳзадан сўнг Севинч бурилади ва ҳаммаси тамом бўлади, эшитяпсизми, тамом! Унга томон ҳавасланиб, севинчланиб келаётган йигитлар етиб келган жойларида тошдек қотадилару Севинчга қайтиб талпинмайдиган, қайтага, уни кўришса, етти тош нарига қочиб қоладиган бўлишади. Ахир, шу чокқача шундай бўлиб келмадими? Севгили у ёқда турсин, сирдош дугона у ёқда турсин, мактабга бирга бориб келадиган оддий ҳамроҳга ҳам зор бўлиб ўтмадими Севинчнинг болалик, ўсмирлик, ўспиринлик йиллари, гул йиллари, гулзор йиллари?..

Нихоят, Севинч бурилди...

Ҳайҳот! Ҳаммаси қиз ўйлагандан ҳам фожиалироқ тарзда юз берди: у томонга ошиқиб келаётган йигитлар нафақат тақатақ тўхтади, балки улар қизлар

каби бирваракайига «вой!» деб қичқириб юборишди, ҳатто биттасининг қўлидаги папкаси полга «тап» этиб тушди, яна биттаси эса ўзини икки қадам орта ташлади.

– Ужас!.. – қайси биринингдир оғзидан учди бу ёт сўз. Шу биргина сўз уларнинг барчасини бир жойга жам қилган, ҳаммасининг ичидагини изҳор қилган эди.

Севинч... Севинч эътибор қилмасликка тиришди. Кўриб кўрмасликка, эшитиб эшитмасликка олди ўзини. Ҳаёт уни шунга ўргатганди, ахир!.. Қолмишини отаси тўлдирганди... Ҳа, бу дунёда ўкраб юбормаслик учун Севинчнинг тажрибаси етарли эди... жуда ҳам етарли!..

Кун кечди. Севинч Тиббиёт институтининг шундоқ ёнбошида жойлашган талабалар шаҳарчасига – ётоғига келди. Унинг мақсади ўқиш, ўрганиш, ўзининг, яна отасининг умидларини рўёбга чиқариш – врач бўлиб етишиш. Балки вақти-соати келиб, ўзига ҳам ўзининг ёрдами тегиб қолар – юзини даволар. Ахир, бу дунёда ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг давоси бор, дейишади-ку! Севинчни мана шу умид ортиқча тушкунликка туширмайди – боладек илкидан тутиб етаклаб юради. Шунинг учун ҳам у йигитларнинг «оҳу воҳ»ларига кўпам эътибор қилмади, юрагига яқин олмади. Ахир, ҳали ҳаммаси олдинда!.. Бегоналарнинг «оҳу воҳ»лари ҳам унга бегона...

Ётоққа келди, келиб енгилгина чой ичиб олди, кейин хонасининг у ёқ-бу ёғини йиғиштирган бўлди, қўлига китоб олиб, каравотга узанди. Кўп ўтмай эса, кўзи илиниб ухлаб қолди. Одатда, ўқишдан кечроқ қайтадиган, Севинчдан бир курс олдин ўқийдиган хонадоши Турсуной эшикни очиб кириб келгандагина қобокларини очди.

– Вой ухлаб қолганимни-чи! Ҳозир, Турсуной, ҳозир туриб овқат пишираман.

– Ўзиз пишириб ейверинг, мен овқатланиб келдим, – кайфиятсиз алпозда жавоб берди Турсуной.

Севинч яна қўлига китоб олди, Турсуной бўлса, қўшни хонадаги қизларнинг олдига чиқиб кетди. Кундузи ухлаб олмаганми, Севинч алламаҳалгача дарсларини қилиб ўтирдиямки, кўзига уйқу қўнмади. Турсунойдан эса, дарак бўлмади. Қизиксиниб, Турсуной доим чиқиб турадиган қўшни қизларнинг хонасига қараб юрди. Етиб келиб, энди эшикни тақиллатаман, дея қўлини кўтарган ҳам эдики, қулоғида Турсунойнинг овози кириб келди:

– Хуллас, кизла, туриб-туриб Севинчдан қаттиқ кўрқиб кетаман. Ўзи жуда яхши қиз, гап бўлиши мумкинмас. Лекин юзи... Ану куни тушларимгаям кириб чикди. Роса кўрқдим. Эртасига лабларимга учуқла тошди. Ўшанчун олдиларингга чиқиб, мана-виндай ўтириб оламан-да, айбга буюрмейсила, кизла. Майли, сизларам дам олингла энди. Вақтам алламаҳал бўпти. Менга жавоб...

– Бемалол, чиқаверинг, Турсуной, хижолат бўмасдан! – ҳавода қўшни қизларнинг овозлари янгради.

– Бошқа жой кидиряпман ўзи, ётоқдан бўмаса, бирон квартира топилиб қолар, деб турибман, – деди кўзғалиб, эшик томон қадам босаркан Турсуной...

Севинчнинг эшикни тақиллатиш учун кўтарилган қўли қайтиб тушди. Сўнг оёқ учида хонасига чопди.

Бирпас ўтиб Турсуной кириб келганда, қоронғи хонада Севинч ёстиқни қучоқлаб олганча лабининг четини маҳкам тишлаган кўйи ўзини ухлаганга солиб ётарди...

21

Эртасига кечга яқин Севинч Андижонга, ота уйига кириб борди.

– Ўқимайман! – деди кечки овқатдан кейин, хийлагина кексайиб қолган Ўткир ака билан Ойчечак опалар тўридаги пастқамроқ уйларига чиқиб кетишгач, ота билан онасига, – ўқимайман! Қайтиб келдим, бошқа ҳеч қаерга бормайман, шу ерда, уйимизда яшайман!.. – кўзларидан дув-дув ёш оқди Севинчнинг.

Ота билан она бир-бирларига маъноли қараб кўйишди. Ҳаммаси тушунарли эди. Ўша машъум ёнғиндан кейин Севинчнинг муштдеккина бошига тушаётган сон-саноксиз ҳаёт зарбаларидан бирининг «иши» эди бу!.. Бужмайган юзи туфайли кўнглига отилаётган неча-неча тошлардан бирининг қилмиши эди бу!.. Фақат энди мусофирчиликда, ўзи ёлғиз қолганда, отасидан, онасидан, бобосию момосидан минг чақирим нарида бошига тушибди бу кўргилик. Қизгинани ёлғиз топиб тушибди... Бояқиш, нима қиларини билмай, жигаргўшаларининг бағрига нажот излаб қочиб келибди... Эҳ!..

Ота туриб, қизининг пешонасидан ўпди:

– Ҳаммаси яхши бўлади, таслим бўлма, қизим, фақат таслим бўлма!..

Пўлат Ёғдуга кўзи билан: «қара, овунтир!» деган ишорани бериб, ўзи ошхонадан оғир чикди. Она бўлса, қизини бағрига олди – улар алламаҳалгача йиғлашиб, дардлашиб ўтиришди. Тун оған палладагина ўша ерда, ошхонада, хонтахтанинг ёнида тўшалган ўринда бир-бирларининг пинжига кириб ухлаб қолишди.

Бешинчи кун эди ўшанда. Еттинчи – бозор куни Пўлат Севинчни ёнига олиб, «Қайдасан, Тошкент!» дея поездда йўлга тушди.

ЯНА ОСУДА ОСМОН ОСТИДА

1

Орадан ўн беш йил ўтди...

Ўн беш йил!..

Ўткир ака бу ёлғон дунёни тарк этиб, чин оламга кўчди.

Ёши бир жойга бориб қолганига қарамай, ҳалигача ўзини олдирмай келаётган, алдир-шалдир, бир қоп ёнғоқ — Ойчечак опа эридан кейин бутунлай чўкди-кетди. Устма-уст тоби қочиб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб қоладиган одат чиқарди. Одамлардан ўзини тортди. Еб-ичиши озайди.

— Нима бўляпти, ая, сизга? Нега бундай ўзгардийз-қолдийз? Ҳадеб куяверманг, мана биз бор-ку! — деди Пўлат кунлардан бир кун онасининг пойига тиз букиб.

— Ҳа, болам, сизлар борсизлар, Оллоҳимга минг қатла шукр! Лекин отангдан кейин... отангдан кейин, Эгамнинг ўзи кечирсин-у, яшагим келмай қолди. Илгари доим мен отангни суяб тураман, мен бўлмасам, унинг бир куни ҳам ўтмайди, йўлга солган ҳам мен, дардини олган ҳам мен, дердим. Энди билсам, аслида отанг менга тиргак бўлган экан. Мен уни эмас, у мени тутиб турган экан. Тушуняпсанми, болам, у менинг тиргагим экан!.. Энди бўлса, энди ичим хувиллаб ётибди, хувиллаб...

Пўлат онасининг изоҳисиз ҳам ҳаммасини тушуниб турар эди. Фақат нимадир дейиши керак эди-да! Ана – деди, ҳол сўради, бурчини адо этди. Инсонлик ҳоли шу экан-да, ёрдам беролмаса ҳам, бир-биридан кўнгил сўрар экан, фойдаси бўлмаса ҳам, бир-бирига кўнглини тўкиб соларкан. Моддий-жисмоний кўмак ололмаса ҳам, маънавий-руҳий далда бўлади, дер экан... Шунинг ўзи бошқа бир одамдан кутилаётган, кутилиши мумкин бўлган энг катта инсонийлик, инсонпарварлик эмасми! Инсон деганимиз бошқа бир инсонга бундан ортиқ нима беролади ўзи?.. Шу саволнинг жавоби билан тузукроқ қизиқиб кўрсангиз, аён бўладики, ҳеч нарса! Ажал бўғзидан олиб турган бир лаҳзада, ўлгувчининг титроқ қўлларидан тутиб, жавдираган кўзларига боққанча: «Кўркма! Мен сен биланман! Ажалга даво йўқ. Бугун сен, эртага эса мен. Унга биргалашиб тик боқамизу Яратгандан яхшиликлар умид қилиб қолаверамиз!..» дейишдан ортиқ ҳеч ким ҳеч кимга ҳеч нарса беролмайди. Лекин жон бераётган инсонга шугинани бермаган, беролмаган касни эса инсон деб бўлмайди. Ундайлардан узоқроқда яшаш керак, токи паймонанг тўлганда кунинг ўшаларга қолмасин!

Ўша куни Пўлат онасини янада яқиндан билди. «Бир қоп ёнғоқ» – Ойчечак опанинг ичида қанчалар дард танда кўйганини, у эса буларга сира эътибор бермай келганини, ота-бобоси, аждодларидан нимани кўрган-ўрганган бўлса, шуларгагина амал қилиб яшаганини тушунди.

Эртасига опа қазо қилди.

Уйнинг яна битта чироғи опа экан, у сўнгач, уй зулмати янада қуюқлашди...

Энди бу зулматни фақат Севинчгина аритиши мумкин эди, Севинчгина!.. Лекин қандай қилиб? Ахир, у ўқишни битириб, қишлоққа қайтганига, рай-

он марказидаги шифохонада иш бошлаганига ҳам, мана, етти-саккиз йил бўлди. Бўлди-ю хануз ёлғиз... Биров Севинчнинг кўлини сўраб, юрак ютиб Пўлатнинг эшигини қоққани йўқ. Йўқ, йўқ, йўқ!..

Ота билан онанинг эртаю кеч ўйлаганлари шу: биздан кейин Севинчнинг ҳоли нима кечади? Ким билан қолади? Қандай яшайди? Наслимизни-чи, ким давом эттиради?.. Ким, ким, ким?!..

Саволлар кўп эди. Аммо жавоблар йўқ...

Ҳаётда шундай саволлар бўладики, инсон дегани минг дониш бўлса-да, ақли қилни қирқ ёрса-да, жавоб ўлгурни тополмайди. Ундай саволлар жавобини фақат ҳаётнинг ўзи топиб беради, ҳаётнинг ўзи! Пўлат билан Ёғдуни, Севинчни ўйлатган савол ҳам ана шундайлар хилидан эди. Ўзлари билиб-билмай, ботинларининг қайсидир бир кунжларида жавобни ҳаётдан кутишарди улар...

Нафақага чиқиши билан қишлоқдошлар келишиб, Пўлатни маҳалла кўмитасининг раиси — оқсоқол этиб сайлаб кўйишди. «Кўйинглар!» деганига ҳам қарашмади. «Урушни ҳам, тинч замонни ҳам кўрган, тўкинчилигу қаҳатчилик синовидан ўтган одам бўлсанг, энди сен ҳам бўйин товласанг, кимга бо-райлик, кимга ишонайлик?» дея Пўлатнинг нозик жойидан тутишди. Худо берган элпарвар табиатидан Пўлат ҳам рози бўла қолди. Ёғду эса, уйда, рўзғор ташвишларию мол-ҳол билан овуниб, эрию қизига ширин-ширин егуликлар пишириб кутиб ўтираган бўлди. Яна нима кўп, маҳалла-кўйда тўйу маърака кўп, уларга ҳам аралашиб туради.

Турмуш дейилган узун йўлнинг шу каби бекатларидан ўта-ўта Пўлат қандай қилиб Пўлат ота, Ёғду бўлса қандай қилиб Ёғду она бўлганини, одамлар уларни шундай атай бошлаганини сезмай ҳам қолишди.

– Яхшиям, сиз борсиз, Пўлат ота, – дейди ҳазиллашиб гоҳида, кечқурун эру хотин ёлғиз қолишганда Ёғду.

– Яхшиям, сен борсан, Ёғду она, – дейди ҳазилга ҳазил билан Пўлат. Кейин бир-бирларига қараб жилмайишади. Баъзан жилмайиб туришиб, йиғлаб юборишади. Йиғлаб туриб эса, яна жилмайишади...

Севинч... Севинч яшайди уларнинг жилмайишларида, йиғиларида ҳам. Севинч ҳақидаги ўйлар улкан бир харсанг тошга айлангану ота билан онанинг бағирларида чўкиб ётади. Туриб-туриб улар ана шу харсанг тошга чалишиб кетадилар – ерга юзтубан қулайдилар, офиз-бурнилари қоп-қора қонга тўлади. Шунда ота овоз чиқариб баралла, она бўлса, сассиз-садосиз алпозда тақдирни уришишади. Ҳовурларидан тушгач эса, ичкари уйга кириб, мудом ёзиқлик жойнамоз устига ўзларини ташлашади, гоҳ биргаллашиб, гоҳ алоҳида-алоҳида бўлиб намоз ўқишади, пичир-пичир-пичирлаб узрхоҳлик қилишади. Кейин айвонга чиқишиб, Севинчни кутишади. Ошхонага кириб, лазиз-лазиз таомлар пишириб интизор бўлишади. Севинчнинг кўнглини кўтариши мумкин бўлган ҳамма ишни қилишиб, ҳамма яхши гапларни гапиришиб, ҳамма ёруғ ўйларни ўйлаб йўл пойлашади...

Қани энди... қани энди Севинчнинг бахти очилса, очилсаю фарзандли бўлса! Битта нима бўпти, бир этак, ҳа-ҳа, бир этак бола туғиб берса! Бошқа ҳеч нима қилмасин, ҳеч нима! Бошқа ҳаммасини Пўлат қилади, Ёғду қилади! Ўзлари «папалаб» катта қилади болаларини, набиражонларини! Еру кўкка ишонмай кўтариб юришади, уларга борлигини беришади, борлигини!..

Кейин ёруғ очундан армонсиз кўз юмишган бўларди, заррача армонсиз...

Аммо оилада бу ҳақда ҳеч ким чурқ этиб оғиз очмайди. Аслида эса, ҳамманинг ўйлагани шу, бироқ ўйланган ўйлар ўйларда қолади, ташқарига чиқмайди. Чунки бир-бирларини аяшади. Аяганларини ҳам билиб туришади. Билиб туриб яна аяшади. Аяганларини билганликлари боис изтироб чекишади. Изтироб чекишларини билганликлари сайин эса аяшади... Бу худди чиқиши йўқ айланага ўхшайди. Қайси томондан қайси томонга қочиб бормагин, яна бир айланиб қочилган нуқтага келаверасан. Уларнинг ҳоли ҳам ушундоқ эди: бир-бирларини авайлагани сари бир-бирларига кўпроқ азоб беришади, бераверишади. Оҳ, ўша бола туғилсайди, ўша бола! Ҳамма азоблар бир зумда роҳатга айланарди, бир зумда! «Бир!» деганда!.. Барча айланалар парча-парча бўлади, парча-парча!..

Ҳа, бу шарқлик ота-онанинг бахти болада, Севинчда эди, Севинчнинг бахти эса, яна болада, ҳали туғилмаган болада. Аммо уларнинг бахтли бўлишларига кўринмас тақдирнинг кўли билан улкан шлагбаум – тақиқу табу қўйилган каби эди. Буни ҳаммалари ич-ичидан билиб, ҳис қилиб туришар, ушбу тўсиқни парчалаб ташлаш учун эса, тақдирнинг ўзида нимадир содир бўлиши керак эди гўё. Аммо содир бўлмас эди ўша воқеа, ўша мўъжиза, содир бўлмас эди!..

2

Мўъжизани кутиш заҳматиданми ёки қариликнинг илк белгилари уч бердими, нима бўлганда ҳам, ота билан она оғриб қолишди. Илгарилари бирининг тоби қочса, бошқаси тепасида гир айланиб парваришлар, у қилар-бу қилар, хуллас, оёққа турғазарди.

Энди иккаласи бирданига оёқдан қолиб, тўшакка тушишди. Молу ҳол, кучугу товуқ эгасиз – қаровсиз қоладиган бўлди. Нима қилиш керак? Пўлат ота «Сотаман» деди. Ёғду она «Йўк!» деди. «Молу ҳолсиз қандай кун ўтказамиз, ахир, улар бир умрлик эрмагимиз». Пўлат ота гапида туриб олди: «Энди сенинг эрмагинг – мен, меники эса – сен, Севинч!» деди. Ёғду она қаҳ-қаҳ отиб кулди. «Сиз ҳам худди ота-буваларимиз каби мени боламизни оти билан, Севинч деб чақирдийз, эътибор бердийми?» – сўради. «Йўк, нахотки шундай деган бўлсам?.. Унда яхши, ота-боболаримиз изидан кетибмиз, онаси... Ҳеч йўк, шуни эплапмиз-ку!..» – ота ҳам кампирига эргашиб қаҳ-қаҳ кулди.

Эртасига Пўлат ота мол-ҳол ҳақида ўйлаганларини уларни йўқлаб келган ёрдамчисига айтганди, хабар бирпасда маҳаллага ёйилиб, «ўзимизкини-ку, бегона бўлмасин!» дея кўни-қўшниларнинг ўзлари жониворларни битта-битта қилиб олиб кетишди. Ҳартугул, чолу кампирни овора қилишмади.

Эру хотин яна бир-бирларига қараб жилмайишди. Нимадир бўлаётганини, ҳаётлари навбатдаги босқичга ўтаётганлигини иккиси ҳам ич-ичдан сезиб туришарди. Лекин муҳокама қилишмасди. Чунки бу ҳақдаги гап-сўзлар иккисини ҳам қийнашини билишарди. Билганлари боис ҳам бир-бирларини кучлари етган жойда аяшар, кучлари етмаган жойда эса, биргалашиб изтироб чекишар, дуо қилишарди. Қолаверса, нимадир бўлаётгани тақдирдан, Оллоҳдан эканлигини улар жуда яхши англаб туришарди. Йўкса, иккиси ҳам бирданига қўлсиз-оёқсиз бўлиб битта жойга ётиб қолишармиди... Йўк, буни инсон зоти қилолмайди. Бу ўз-ўзида юз беряптими, демак, Яратганнинг амри билан содир бўлаётган ишлардир булар. Бас, улар, яъни чолу кампир ҳам ўз навба-

тида тақдирларида уч бера бошлаган ўзгаришларга кўзларини тикишиб, бағирларини очишди.

Севинч уларни ўзи ишлайдиган касалхонага, битта хонага ётқизиб, томирларига куч бўладиган осма дорилар қўйди.

– Ҳа, Пўлат ота, ахволлар қалай? – деди Ёғду она ётган жойида эрига қайрилиб қараганча майин жилмайиб.

– Ахволлар чаток, Ёғду она! – деди худди шундай табассум билан Пўлат ота ҳам юзини хотини томонга буриб.

– Энди нима қиламиз?

– Эндими?.. Кеча нима қилган бўлсак, энди ҳам ўшани қиламиз: яшаймиз, Севинчхон, яшаймиз!

– Шулар биланми? – Ёғду она қўлига санчилган игналарга кўзи билан ишора қилиб.

– Ҳа, нима қипти? Юрагимизга санчилган игналарнинг олдида буларинг нима бўпти, онаси!

– Ҳа-а-а, нимасини айтасиз... – юзини шифтга буриб, кўзларини оғир юмди Ёғду она.

Пўлат ота яна бироз хотинига қараб ётди-да, сўнг у ҳам кўзларини шундай юмди. Юмгани лаҳзада қалин соқолу мўй босган лаблари орасидан енгил хўрсиниқ учиб чиқди: «Уххх!..» Хўрсиниқ учиб чиқиши ҳамано Пўлат ота шошиб кўзларини очдию Ёғду онага хавотирланиб боқди: «Эшитиб қолмадимикан?..» – хаёлидан ўтди унинг. Лекин она қимирламай ётарди, «Эшитмагандир, ухлаб қолгандир!..» дея ўзини ўзи тинчлантирди ота. Она бўлса... она эшитганди, эшитиб ўзини эшитмаганга солиб ётар, «Эшитганимни билиб қолмаган бўлсин!» дея у ҳам ичида хавотир билан пичирларди...

Орадан уч-тўрт кун ўтиб чолу кампир оёққа туришди, хожатга ўзлари борадиган, ҳатто тушликдан

сўнг бирпасга ташқарига чиқиб тоза ҳавода айлана-
диган бўлишди.

– Севинчхон!

– Лаббай, Севинчжон!

– Ҳеч ўйлаганмисан, бир кун келиб уйимизда
молу ҳолимиз қолмайди, қўлимизда ишимиз бўлмай-
ди, ўзимиз эса, мана шундай сайр қили-и-иб юра-
миз, деб?

– Бе-е, қаёқда, дейсиз! Етти ухлаб тушимизга
кирмаган ишлар бўляпти, мен сизга айтсам...

– Ёпирай, деб қолдим мен, Севинчхон, ўзбекнинг
уй ташвишларисиз ҳам куни ўтар экан, ўтар экан...

– Ҳа-а, менам келганимиздан бери шуни ўйлайман,
«уй нима бўлди: мол-ҳол нима бўлди, товуклар-чи?»
дея савол бераман-у, улар энди йўқлигини танамга
сингдиролмай ҳайрон бўламан... – она бирпасга тўх-
тади-да, отага жиддий қаради: – Отаси?

– Лаббай?

– Энди нима иш қиламиз? Қандай кун ўтказамиз?

– Ундан-бундан гаплаши-и-иб ўтказамиз, – деди
Пўлат ота Ёғду онага жилмайиб қараб.

– Тавба-а, гап билан ҳам яшаб бўларканми, қў-
лизда бир юмушиз бўлмаса, гапам тугайди, ахир,
қаердан топамиз бунча гапни? – ҳайрон бўлди она.

– Ёшимиз етмишга қараб кепқолди, онаси. Шу
вақтгача топилган гап, бундан кейин ҳам топилар...

– Гап-ку топилар, иш-чи? Намоз-ниёздан бошқа
ҳам нима биландир андармон бўлишимиз керак-ку!

Ўша намоз-ниёзингни ўзи ишга ҳам ўтади. Вақти-
миз оз қолган. Имтихон эса яқин, тайёргарликни
пухта қилиш керак. Қолган ишларни энди ёшларга
қўйиб берайлик, биз ишладик, етар. Намоз-ниёздан
ҳам ортиб менга иш керак десанг, ўзим сенга юмуш
топиб бераман, ғам ема.

– Қандай юмуш экан?

– Мана, қаршингда турибман. Бошимдан оёғимга-ча ишман, ташвишман! – кулди Пўлат ота, – бундан кейин менинг борлигимнинг ўзи сенга жуда-а-а катта юмуш бўлади.

Ёғду она ҳам яйраб кулди.

– Кул, онаси, кул! Лекин бунга йиғлаш керакми, дейман, – маъюс тортди Пўлат ота.

– Нега энди? – бирдан кулишдан тиниб чолига хавотир тўла нигоҳини тикди кампир.

– Энди ўз оёқларимизда ғувраб юришимизнинг ўзи катта гап-да, онаси.

– Сиз мендан а-а-анча тетиксиз, хали мени кўмиб, янги кампирга уйланаман, дерсиз ҳам... – кулишда давом этди Ёғду она.

– Нафасингни ел олсин! – қовоғини уйди Пўлат ота.

– Ҳа-а, бу ёғини ўйламапман, – энди лаб-лунжини йиғиштириб деди Ёғду она. Кейин эрига юзланиб: – биз-ку, бир амаллармиз. Ўзиз айтганиздай, бу ёғига оз қолди. Севинч-чи, Севинч? У бир ўзи нима қилади? Биз ўтиб кетгандан кейин кимга суйнади, ким билан яшайди, аҳволи нима кечади?.. – дедию пиқиллаб йиғлаб юборди.

Пўлат ота келиб аёлининг тирсагидан тутди.

– Юр, ичкарига кирайлик, ҳадеб ўйлаб сиқилма, яна аҳволинг ёмонлашиб қолади бўлмаса. Севинчга ёрдам берайлик десанг, иложи борича касал бўлма, қўлингдан келганча узоқ яша! Оллоҳнинг ишлари экан, аралашолмаймиз, – ўзининг ҳам дили сиёх бўлди Пўлат отанинг.

Улар оҳиста юриб, палатага қараб одим отишаркан, йўлакда, Севинчнинг хонаси эшиги очилиб, ичидан Севинч катта ёшли, чўққи соқол қўйган эркакни кузатиб чиқиб қолди.

– Ассалому алайкум!

– Ваалайкум ассалом!

Ота билан она йўлларида давом этишди. Севинч билан чўққисоқол киши ҳам.

3

Орадан олти ой ўтди.

Чолу кампир ҳаётларида янги бир давр бошланаётганлигини ич-ичларидан сезиб туришарди, лекин у ҳаммаларининг ҳаётларини бунчалар алғов-далғов қилиб юбориши мумкинлигини ҳатто тасаввур ҳам қилишмаганди.

Одатий кунларнинг бирида Ёғду она келиб эрига аста деди:

– Севинч тагин командировкага кетяптийкан...

– Майли, эсон-омон бориб келсин!

– Узоққа кетяпти?

– Москвагами? Ё ундан ҳам узоққами? Ахир, доим бориб юрган жойи-ку, – дея хайрон бўлди Пўлат ота.

– Ҳа, Москвага, фақат узоқ деганда мен вақтини айтмоқчи бўлдим, – негадир қийналиб сўзларди Ёғду она.

– Қанчага?

– Анчага, отаси, анчага.

– Ҳа, анчанинг ҳам бир чегараси бордир? – хайронлиги янада ортиб сўради ота.

– Уч ойга экан, – эрининг ёнига, сўрига келиб ўтирди она.

– Уч ойга-а-а!.. – хайронлиги норозиликка айланди отанинг.

– Ҳа, отаси, бу сафар уч ойга экан.

– Уч ойга бормайди. Ҳар галгидек уч-беш кун бўлса, майли, – бир қўли билан хонтахтадаги чой-

накни, иккинчиси билан эса пиёлани олиб, лекин негадир чой қўймай, хаёлланиб туриб қолди ота.

– Муҳим деяпти. Мен сизга айтишдан олдин гаплашиб кўрдим, бормаса бўлмасмиш. Қизийз ҳам энди ёш бола эмас, ўттиз бешни қоралади, отаси. Ундан хавотирланиб қаерга борамиз, энди?..

– Мингга кирса ҳам у қиз бола, қизимиз, Ёғду, фарзандимиз у!

– Қизимиз дўхтирхонада иккинчи каттакон бўлса, юборар экан-да, – отани юмшатмоқчи бўлди она эрининг эътирозларини эшитмагандек.

– Сен аралашма, келсин, ўзим гаплашаман! – кесиб деди ота, сўнг боядан бери қўлида тутиб турган пиёласига чой қўйди, – ўша каттаконлиги командировкасига қараб қолган бўлса, топшириб қўя қолсин, оддий дўхтир бўлиб ишласа ҳам куни ўтаверди. Ўттиз бешга чиқсаям, қиз бола нарса, бегона юртларда нима бўлади, нима қўяди, билмайсан, сен аралашма яхшиси, онаси, аралашма!

Эрининг феълени яхши билгани боис Ёғду она бошқа чурқ этмади.

Қош қорайганда эшикдан Севинч кириб келди.

– Ассалому алайкум!

– Ваалайкум ассалом. Ке-чи, қизим, бир гаплашиб олайлик, – ёнига чорлади Севинчни Пўлат ота.

– Шошманг, гаплашиш қочмас, ювиниб нетиб, чой-пойини ичиб олсин, қизим тушмагур! Кечгача ишлаб чарчагандир, – дастурхонни тузай бошлади Ёғду она.

– Кейин ювинади, кейин чой ичади, – ҳавода Пўлат отанинг гулдураган овози янгради.

Севинч гап нима ҳақида эканлигини сезиб, негадир кўзларини қаттиқ бир юмиб очдию келиб отасининг қаршисига ўтирди.

– Уч ойга сафарга кетаётган экансан, қизим? – одатига кўра гапнинг пўсткалласини сўради ота.

- Ҳа, ота, – кўзларини яширди Севинч.
- Нега бунча узоқ вақтга? Одатда, уч-тўрт кунда қайтардинг.
- Малака оширишга, ота.
- Тошкентга борардинг-ку, у ҳам бунчалар чўзилмас эди.
- Бу сафар шундай талаб бор, ота.
- Бормасанг бўлмайдами ё ўрнингга бошқасини юборишса?
- Суриштирдим, бўлмас экан, ота.
- Кўнглинг тинчми ўзи, қизим? Сал бошқачароқсан, – қизидаги галати, тушуниксиз, шу пайтгача кўрилмаган ўзгаришни сезиб, хавотирланиб сўради ота.
- Ҳаммаси жойида, ота, бироз чарчаганман, холос.
- Ҳай, майли, бор, дамингни ол. Ўзингни эҳтиёт қил фақат. Иш-иш деб соғлиғингдан айрилиб қолма тагин.
- Хўп, ота, – Севинч кўлини кўксига кўйиб туриб, ўз хонаси томон йўналди.

Пўлат ота чуқур хўрсинди.

- Негадир ичим ғаш, онаси, қизинг ниманидир яширяпти. Иши, соғлиғи чиндан яхшимикан? Сўрадингми мундай она бўлиб? Менга айтмаганини сенга айтар?..
- Сўрадим. Сизга айтганидан ортиғини менга ҳам айтмади. Бўлса айтарди, – Ёғду она ҳам туриб нари кетмоққа тутинди.
- Қаёққа?
- Ҳозир, чойни янгилаб келай.
- Керакмас, бўлди, ичмайман.
- Севинчга!
- Севинчинг энди чиқмайди. Авзойини кўрмадингми? У чой ичадиган алпозда эмас... Менга қара,

қизинг бироз тўлишибдими?.. Доим озгин юарди?..
– ўсмоқчилаб сўради ота.

– Билмасам, сизга шундай туйилгандир. Ўшандай... менимча... – Ёғду негадир яна нарилаб кетди.

Пўлат ота ўрнидан оғир туриб, ёндаги хонага кирди. Чироқни ёқиб, стулга чўкди. Маҳалладан тушган аризаларни кўлига олди, кейин уларни столга қўйиб, айвонда қолиб кетган кўзойнагига қайтди.

4

Севинч шу кетганича ота-онасини чеку чегараси йўқ хавотирга солиб уч ой йўқ бўлиб кетди. Бу вақт ичида отанинг бўлари бўлди. Она бўлса, она минг бор ўлиб, минг бор тирилди! Шусиз ҳам кексалик етиб, уйлари ҳам кўнгилларидек ғариблашиб қолган Пўлат ота билан Ёғду онанинг туриш-турмушларию гап-сўзларида маза-матра қолмади. Ота куни билан уйга киради – Ёғдуга қарайди, кўчага чиқади – автобусга, одамларга мўлтирайди. Она бўлса, уйга толганча нималарнидир тўқиб ўтиради. Ота неча бор бориб, ишхонасидан ҳам хабар олиб келди: Севинчдан дарак йўқ!

– Эсингдами онаси, Севинч қизимиз, болалигида ҳам шунақа йўқолиб қолган эди, – сўради Пўлат ота бир кун кечаси дастурхон атрофида ўтиришаркан.

– Эсимда, – деди Ёғду она. – Лекин унда чиндан йўқолган эди.

– Ҳозир-чи?

– Ҳозир ўзи кетган, сабр қилинг, «Ассалому алайкум!» дея ҳали замон эшиқдан яна ўзи кириб келади.

– Кўнглим ғаш, онаси, кўнглим ёмон ғаш! – деди ота. – Назаримда қизинг шу сафар чиндан йўқолиб қолганга ўхшайди.

– Нафасизни иссиқ қилинг! – чўчиб эрига қаради Ёғду она, – Севинч келади! Албатта келади!..

– Пўлат ота! – кўчадан овоз келди.

– Ҳа-а-а, ҳозир! – Пўлат ота оёғига бўсағадаги калишни илиб, ташқарилади.

– Ассалому алайкум! – бу Авазбек, отанинг ёрдамчиси эди. – Пўлат ота, яхшимисиз?

– Ҳа, кел, болам, тинчликми кеч кирганда кепсан? Ё яна топшириқ келдимиз?

– Ҳа, келди, ота.

– Нимаикан?

– Пахтага, ота!

– Бошландимиз?

– Бошланди, ота! Эртага маҳалла оқсоқолларини тўплаб берарканмиз, райкомнинг ўзи келиб мажлис ўтказаркан. Афтидан, тепадан буйруқ келган-ов. Ҳар куни бўлмаса ҳам, ҳафтада бир кун далага оқсоқолларни олиб чиқадиганга ўхшаймиз, ота.

– Шунга етиб келдикми, Авазбек!

– Яна пахта тераётган оқсоқолларни телвизорда кўрсатаркан, – кулди Авазбек.

– Хўжақўрсинга, дегин.

– Биз кичкина одаммиз, топшириқни бажарамиз, ота.

– Бек деган қандай улуғ отинг бор-у, яна кичкина одаммиз, дейсан! Бу ёғи ҳам хўжақўрсинга-да, а?

– Тушунмадим, Пўлат ота, – қўлини кўксига қўйиб жилмайди Авазбек.

– Исмингни айтаман, униям ота-оналаримиз хўжақўрсинга қўйишганми, деб! Ҳаммамизнинг отимизда бек, бой, жон, хўжа бор-у, ўзимиз кул бўлиб юрганимизни қара!

Авазбек гап нима ҳақида кетаётганини чамалаб кўраркан, пешонасини тириштирди. Кейин топа олмади, шекилли, яна беғубор илжайди.

Пўлат ота унга ачиниб қараб турди-да, деди:

– Майли, «кичкина одам», майли, сен бориб дамингни ол. Эрталабдан рўйхат бўйича оқсоқолларни уйма-уй юриб айтиб чиқасан. Мен ҳам барвақтроқ бораман.

– Хўп, ота, яхши дам олинг!

– Хўп, яхши бор!

Ота дарвозахонадан ичкари юраркан: «Битта сенми, Авазбек, аслида ҳаммамиз «кичкина одам»ларга айланиб бўлганмиз, айланмаганимизни айлантиришган!..» деди ўзига ўзи. Сўнг уйга киришдан олдин дераза қаватларини биттама-битта яхшилаб ёпиб чиқди, шамол кучайяпти, ахир!..

5

Эртасига эрталаб уни қалдирғочларнинг ниҳоятда безовта нолалари уйғотди. Эгнини апир-тапир кийиб, ичкари уйдан шошиб чиқди-да, хавотирланиб атрофга қаранди, не кўз билан кўрсинки, айвон пештоқидаги куш ини ерга тушиб, оёқлар остида уваланиб, нарироқда эса, қалдирғочнинг битта темирқанот боласининг ўлиги полга ёпишиб ётарди.

– Ух-ух-ух!.. Нима фалокат босди сизларни?.. Шамолми, мушукми, илонми – қай бирининг иши бу? Ё ҳаммасининг мудҳиш қилмишими? – ота келиб ўлик палапонни полдан айирди. Шу ҳамоно нарироқда уйни бошига кўтариб чуғурлашиб учаётган модаю нар қалдирғоч Пўлат отанинг нақ тепасига қелиб чарх урди, дунёларни бузгудек бўлиб фарёд солди, ўзларини дам инларининг эски ўрнига, дам отанинг қўлидаги жиш, ўлик боласига яқинлаб, дам ерда ётган ин парчалари устига келиб урди. Афтидан, бу шамолнинг иши бўлиб, палапонлар ин билан бирга ерга қулагану қаровсиз қолган болажонларни

тонг ёруғида илғаб қолган оч мушуклар келиб битта-битта тишлаб кетишган эди. Ана, биттасини саранжомлаган шекилли, лабини ялаганча тим қора ўғри мушук устун ортидан кўриниш берди.

– Пишт! – мушукка отиш учун оёқ кийимга энгашиди Пўлат ота. – Тур-е!..

Мушук қочиб қолди.

Ота-она қалдирғоч энди уйнинг томи узра жон талвасасида учишар, дам-бадам унинг дарчаларидан ичкариларга кириб ҳам чиқишарди. Ахир, ичкариларда мушуклар палапонларини еб ётишган бўлиши мумкин-да!..

– Ҳай, аттанг-а, ҳай, аттанг!.. – ота қўлидаги ўлик палапонга қараб бошини чайқади.

– Тинчликми? Нима тўпонлон бу? – эри билан баробар уйфонган, тўғрироғи, қалдирғочлар шовқинидан кўзини очган Ёғду она ҳам ичкаридан хавотирланиб чиқиб келди. – Эсизгина, эсиз!.. – деди эрининг қўлида жонсиз палапону ерда ётган ин парчаларини кўриб. – Бунга қандай чидашар экан-а, ота-онаси, қандай чидашар экан?!.. Ўзлариям жуда кеч бола қилишди-да, ҳар сафар уларга кўзим тушганда шуни ўйлардим, ишқилиб бирон кор-қол юз бермасин, деб...

6

Кун чиқиб, ҳали ёйилишга улгурмай, эғнига оқ яктанг, бошига чуқур дўппи кийган оқсоқоллар колхоз идорасида маҳаллага ажратилган каттакон хонага тўпланишди. Пўлат ота маҳалладошларига вазиятни тушунтирди, «элга келган тўй», деди ғамгин бир алпозда.

– Нима, ҳар куни пахта терармидик соқолимизни селкиллатиб, хўжакўрсинга бир айланиб берамиз-да,

– деди бу хил ишларни кўравериб эти қотиб кетган оқсоқоллардан бири.

– Ҳар куни биз термаймиз, тўғри, лекин болаларимиз теради-ку! – деди Пўлат ота. – «Бошланғич синфлардан ташқари ҳамма мактаб болалари эртадан пахта йиғим теримига!» деган топшириқ ҳам келди, Сотволдивой. Бунга нима дейсан? Эртадан Очил карнай ҳам кўчада айлана бошлайди. Айланиб, пайкалдан ташқарида битта одам кўрса, овзига карнайни тутиб ҳайқирганча, машинаси билан нақ устига бостириб боради. Бориб: «Нега далада, халқнинг ёнида эмассан? Ё партияга, ҳукуватимизнинг пахта сиёсатига қаршимисан?..» дея бақириб, барини олди-га солиб далага ҳайдайди.

– Тушунмадим, – гап бошлади соқол қўйиб, қўлига ҳасса тутиб олган Эрбой ота. – Тушунмадим сени, оқсоқол, бу билан нима демоқчисан? Пахтани термайлик, райкомни, ҳукуватни чақириғига «лаббай» деб жавоб бермайлик, демоқчимисан? Яна маҳалла оқсоқоли бўлиб-а!..

– Ундай демоқчимасман. Гапни дарров ёмонликка бурма! Мактаб ўқувчиси ўқишини ўқисин, пахтакор эса пахтасини терсин, ҳамма ўз ишини қилсин, деб тушунса ҳам бўлади-ку бу гапни, Эрбой! – деди ўзини босишга тиришиб Пўлат ота.

– Бўлмайди!

– Нега бўлмайди?

Чунки ўз оиласини эплай олмаган маҳалла оқсоқолини гапига ҳеч ким кулоқ осмайди, – деди сирли қилиб Эрбой ота. – Сен бу ерда ҳукуватни ишларидан, нима тўғрию нима нотўғрилигидан ваъз ўқимай, биттагина қизингни эплаб олсанг бўлармиди?..

– Қизимга нима кипти? Гапни чўзмай гапир, номард! – жаҳли чиқди Пўлат отанинг.

– Асакани туғруқхонасида бировдан бола туғиб ётибди, деб гапиряпти эл... – дона-дона қилиб деди Эрбой ота ниҳоятда тантанавор қилиб.

Хона бир зумга сув куйгандек жим бўқолди.

– Нима, ўзлари беҳабармилар?.. Ишонмайман!.. – кулди Эрбой ота рақиби устидан мутлақ ғалаба қозонган ғолибдек гердайиб.

Пўлатни ток ургандек бўлди: кўзларидан ўт чакнади, лаблари, қошлари асабий учди.

– Эсингни йўқотдингми, Эрбой? Нималар деб валдираяпсан, аҳмоқ?!

– Эсини, уятини йўқотган сенсан, Пўлат, сен! Яна қизинг! Менга ўдағайлагандан кўра, бор, ана, қизингдан хабар ол! Бобо бўпсан, ахир! Элга ош берарсан мундоқ... – ўтирганларга қараб маъноли ишшайди Эрбой ота.

Пўлат ота эшикка қараб юрди. Чиқаркан, кўча томондан кириб келаётган райкомга дуч келиб қолди.

– Ассалому алайкум, Пўлат ота! – Райкомнинг узатилган кўли ҳавода муаллақ қолди. Пўлат ота ёшига ярашмаган шитоб билан райком, у унга эргашиб келганларнинг ёнидан ўтди-кетди...

Бирпас ўтиб Пўлат ота уйига ҳаллослаб кириб келди.

– Ёғду! Ёғду-у!! Ёғду-у-у!!! – овозининг борича бақирди.

– Ҳа, ҳозир, шу ердан! – Ичкаридан чиқиб келди шусиз ҳам кўзлари хавотирга, юзлари ғамга тўла Ёғду она.

– Қизинг... Севинч... қизинг қани?!..

Ёғду она ҳаммаси тушунди.

– Қани деяпман?!.. Тўғрисини айт, тўғрисини!.. Алдасанг, асло кечирмайман!!.. Сен билан яшаган

хаётим харом бўлсин деб қарғайман, Ёғду!!! – Пўлат отанинг важоҳати ёмон эди, у икки кўли билан Ёғду онанинг билакларидан маҳкам тутиб, силкиб сўрок қиларди. – Ҳақиқат, менга ҳақиқат керак!!!..

– Севинч... Севинч қизимиз... – тили айланмади Ёғду онанинг. – Севинч...

– Айт!!! – бақирди ота.

– Севинч Асакада... туғруқхонада...

– Нега?!.. Қандай ҳаддиларинг сизди, Ёғду, қандай?!.. – Пўлат ота умрида илк бор хотинини урмоқчи бўлиб ўнг қўлини азот кўтарди.

Ёғду она кўзларини юмди, аммо юзини олиб қочмади, билъакс, тутди. Кўтарилган қўл ҳавода бир муддат муаллақ турди-да, шалвираб пастга тушди.

– Мени сотдиларинг! Адойи тамом қилдиларинг! Ҳаммаси, ҳаммаси... бутун умрим бекор кетди, бекор!!!.. – Ота орқасига ўтирилди.

– Тирноқсиз ўтиб кетмай деди... – сўз бошлади она. Ота тўхтади. – Менга, аввали сизга неvara олиб келай деди, шўрлик қизим! Ўзидан ҳам, мендан ҳам кўра сизни ўйлаб шундай қилди! Отаси, фақат ўзизни босинг! Аччиқ устида бирон иш қилиб қўйманг, ўтирман! Ўтиринг, бирон кор-ҳол бўлмасин сизга!..

– Бўлиб бўлди кор-ҳол, Ёғду, бўлиб бўлди! – яна хотинига юзланди ота.

– Ўтиринг, ҳаммасини айтиб бераман, ҳаммасини!.. – қалт-қалт титрарди Ёғду она.

– Нимасини айтасан, Ёғду, айтиладиган гап қолмапти-ку!.. – дарвозага қараб юрди ота. – Энди чора кўриш керак, чора!..

– Ҳой, қаерга? Қайтинг!.. Айтадиган муҳим гапим бор, қайтинг!.. Ҳой, Севинч... Севинч!.. – Ёғду она кутилмаганда гандираклаб кетди, довдираб бориб ёнбошидаги узум зангини кўтариб турган устунлар-

дан бирига суянди, – отаси!.. Севинч!.. – шу ерга келганда тили тутилди... ортиқ калимага келмади. Фақат қўллари эрига томон узатди, ниманидир, ўта муҳим ниманидир айтмоқчи бўлди. Айтди ҳам. Қўллари билан. Юзлари билан, лаблари, ёноқлари билан... Фақат ота буни кўрмади. Агар у ортига бурилиб қараганда, Ёғду онанинг нима демокчи бўлаётганини бутун ҳолидан, жилла қурса, ҳавода солланаётган қўл ҳаракатларидан билиб оларди. Не ёзиқки, ота қарамади, она эса айтолмади. Унинг, онанинг, Ёғдунинг Пўлатга, отага, эрига, бир умрлик ҳамдамига айтмоқчи бўлган гапи, ҳаётининг энг муҳим гапи ана шу тарзда ҳаволарга сингиб йитди. Ўзи бўлса, худди тубидан арра солинган дарахтдек ерга гурсиллаб қулади...

7

Ярим соат ўтар-ўтмас, Пўлат ота Асакадаги туғруқхона олдида машинадан тушди. Авзойи чунон ёмон эди. Асабийлашганидан кўзлари қонга тўлиб, бўйин томирлари бўртиб чиққан, йўлида учраган одамларни кўриб-кўрмас, ўзи ҳам тусмол қилиб қадам ташлар, жон ҳаприқида гандираклаб, ўзига ўзи гапириб борарди.

– Нега бундай қилдинг, Севинч, нега? Сенга шундай тарбия берган эдимми? Ким ўргатди сенга бундай йўл тутишни? Отани алдашни-чи?.. Ҳеч замонда мусулмон қиз ҳаромдан бола туғадими? Уни болам деб қайси юз билан бағринга босасан? Одамларни кўзига қандай қарайсан? Мени кўзимга-чи? Аждод-авлодимиз олдида нима деган одам бўлдик энди? Ҳеч ўйладингми шуни?.. Севинч!.. Севинч!.. Сен ҳаммасига нукта қўйдинг, нукта! Ахир, дардни бир ўзинг чекдингми? Биз ҳам ёнингда эдик-ку!

Аммо ҳаммасининг бир мукофоти бор деб ўйлардик. Яратган Эгам ҳаммаси учун сени, мени, аянгни ҳали севинтиради, бир суюнчи бериб юзимизни кулдиради, деб юрардик. Энди-чи?.. Тортган азобларимиз сен туфайли сувларга окди энди! Ҳа, окди! Ҳеч нарса қолмади, ҳеч нарса! Фақат битта иш қолди: ота қиладиган иш, мен қиладиган иш!..

Пўлат ота бир ёғи ошиғич юрганидан, бошқа ёғи ўзига ўзи гапириб турганидан чарчаб, ҳаллослаб қолди. Ноилож тўхтади. Икки қўлини тиззаларига қадаб, энгашган кўйи чуқур-чуқур нафас олди, сўнг яна қадини тиклаб йўлида давом этди. Юра бошларкан, тагин гапира кетди:

– Ахир мен отаман, ота! Бу дунё оталар қўлида эди-ку ёки мен туфайли чиқиб кетдимиз? Йўқ, йўқ, бунга йўл кўйиб бўлмайди. Асло! Керак пайтда оталар қаттиқ турмас экан, дунё ҳам ўз ўрнида турмайди: бузилади-кетди. Мана, мен – сени кўп яхши кўриб юбордим. Юзинг куйик, юрагинг куймасин дедим, эркаладим, папаладим. Хўш, нима бўлди кейин? Кўчадан бола ортгирдинг! Ҳароми дейишадди ахир бундай болани, ҳароми!.. Ё Оллоҳ, қандай қилиб йўл кўйдинг бунга? Энди қандай чидайман? Мени неварам ҳароми бўлиб келадими уйимга?!.. Йўқ, асло мумкин эмас!.. Бугун мен бунга хўп десам, эртага яна бошқа биров қилади бу ишни! «Чилги чилгини кўриб чумак уради», ахир! Бир гуноҳ қилинди, энди бас! Энди кейингисига йўл кўймайман! Одамлар хаёлида «Шундай қилиб бола туғиш мумкин экан» деган ўйни таг-томири билан суғуриб ташлаш учун ота қилиши шарт бўлган ишни қиламан!.. Севинч, шу чоққача отанг меҳрини кўриб келдинг, энди қаҳрини ҳам кўр!.. Шунга мени мажбур қилганинг учун лаънат бўлсин сенга, лаънат бўлсин бундай қисматга!..

– Ассалому алайкум, ота, кимга келдийз? – сўради ташқаридан ховлиқиб келган отахонга пешвоз юриб, киришдаги навбатчи аёл.

– Севинч... Севинчга келдим, қани у? Қаерда?!..

– Ҳа-а-а, Севинч опаи? У иккинчи қаватда, ҳозир чақираман, сиз кутиб туринг, ота, мана ҳозир...

Ота кутмади. Кутадиган ҳолда эмасди. Яна энгашган кўйи ҳаводан ютоқиб-ютоқиб симирди-да, аёлнинг ортидан ўзини зинага урди. Юқорига кўтарилганда, узун даҳлизнинг нариги томонидан Севинчнинг ўзи шу ёққа қараб келаётганига кўзи тушди.

– Севинч опа, сизни йўқлаб келишди, отангиз бўлса керак, – навбатчи аёл изига бурилганди, ортидан келаётган Пўлат отага тўкнашиб кетаёзди.

– Вой!.. – тисарилди аёл. – Бу ерга кириш мумкин эмас, дедим-ку, ота! Бизга гап тегади, юринг пастга, пастда кўришасиз!..

Пўлат ота аёлни елкасидан тутиб четга сурди-да, Севинчга қараб юрди. Севинчнинг бўлса, отасини кўриши билан капалаги учиб бўлганди – бояқиш қўрқувдан, уятдан қалт-қалт титраб тақатақ тўхтади. Кўзларида дунёнинг борлиқ изтироблари бирма-бир аксланди.

– Ота... – лабларидан учди шу сўз. Қиз бола учун дунёдаги энг қутлуғ, энг баланд, энг азиз сўз бўлса, ажабмас!.. Ва шу сўз унинг сўнгги сўзи бўлди. Эҳтимол, гўдаклигида – энди тили чиқаётганда айтган илк сўзи ҳам шу эди: ота!..

Пўлат отанинг оёқлари Севинчнинг олдига етиб келганда, қўллари беихтиёр белбоғидаги пичоққа югурди. Пичоқ кинидан суғурилганда деразадан тушиб турган қуёш нурида бир «ялт» этди.

Кейин... кейин ҳаммаси бир онда юз берди, ҳавога «чирт!» этган товуш сачради. Худди оламини ёқиб юбориш учун чақилган гугурт донасидан чиққан

сасдек бўлди бу товуш. Ҳамда оламга ўт кетди. Отанинг оламига, қизинг оламига, Ёғдунинг оламига – бутун оламга!.. Севинч... ўша Севинч, ҳамма севинчлаган Севинч, дунёга келиши учун дарё-дарё кўз ёшлар тўкилган Севинчнинг бағрига пичоқ тортилди, у чавақланди: қорнидан то бўғзигача тилимланди. Ота қилди бу ишни. Унинг ўз отаси! Қизини, болажонисини еру кўкка ишонмайдиган ота! Ўша ота, дунёдаги энг катта вазифаси оталик эканига ишониб келган ота! Пўлат ота! Севинчнинг отаси!..

Севинч икки кўлини хандалакдек тилимланган кучоғига босди. Босиб даҳшат ичра қорнига қаради. Икки кафтига қорнидан ховури шундоқ димоғига урилиб иссиқ қон оқиб тушди. Кейин бармоқлари орасида сирғалиб ерга илондек тушаётган ичакларни кўрди, ҳис қилди. Кўрдию бир сесканиб тушиб, кафтларини очиб юборди: нима бўлса бўлсин, энди бу ёғининг менга қизиги йўқ, сенгаки, – эй қахрли ота, – азиз бўлмаган экан, менга сира керак эмас, дегандек қилди, – ташлади, – нималардир «поп» этиб полга тушди.

– Вой-до-о-о-од!!! – Пўлат отанинг шундоқ ёнбошида турган бояги аёл нима воқеа содир бўлганини фаҳмлаши ҳамано даҳшатли тарзда қичқириб, ўзини зинага отди.

Севинч бошини кўтариб отасига қаради. Энди унинг кўзларида бояги хавотир, уяту даҳшат йўқ эди. Уларда узоқ давом этган урушдан уйига қайтаётган жангчининггина кўзларида яшаши мумкин бўлган: «Хайрият, ҳаммаси тугади!» деган маъно бор эди. Севинч шу бир лаҳзалик маъно билан отасига боқди, сезилар-сезилмас жилмайди. Кейин... кейин ўзи ҳам полга қулади...

8

Содир бўлган мудҳиш воқеа бутун Мингтепаю Асакани иккига бўлиб ташлади. Наинки Мингтепаю Асакани, фожеий воқеадан воқиф бўлган одамларнинг барчасини тилим-тилим қилди. Худди Пўлат ота ўз қизи – Севинчни тилимлагани каби. Тилим-тилим бўлган томонлар тилимланган жойнинг аччиғидан ўзаро тортиша кетишди. Бирлари отанинг тарафини олса, бошқалари қизнинг ёнидан ўрин олди. «Отамисан ота экан ўзиям, чин мусулмон деганлари мана шунақа бўлади, ор-номусли эркак ҳам, ҳақиқий инсон ҳам!» деб таърифлашди Пўлатни ҳимоя қилганлар. «Бечора қизда нима гуноҳ? Тақдир экан, юзи оловда куйиб чўтир бўпти, чўтирлиги боис ҳамма қизлар қатори турмушга чиқолмапти, лекин унинг ҳам фарзанд кўришга ҳаққи бор-ку! У ҳам дунёга бахтли бўламан деб қелган-ку!.. Орзу-ҳавасли дунё – бу. Ҳар бир аёлнинг энг катта орзуси бола кўриш бўлади. Йигирмасида бўлмаса, ўттизидида бўлади. Ўттизидида бўлмаса, қирқидида бўлади. Қирқидида бўлмаса, дард бўлади, чипқон бўлади. Аёлга ҳеч нарса берма, бола бер! Аёл мол-дунёга муккасидан кетган дейишади, «ялтир-юлтир» тиллою кумушнинг олдида эриб кетади, дейишади. Бўлса бордир, лекин боланинг олдида ўша дунё ҳам, ўша тилло ҳам ҳечга айланади. Боласи бўлсагина дунё кўнглига киради аёлнинг, тилла бўйнига ярашади. Бўлмаса, бари бекор. Минг марта бекор, милён марта бекор!.. Бунга аёлнинг ўзи ҳам билади. Бугун билмаса, эртага билади. Севинчдан кўлингни торт, ҳей, аёлни тушунмаган жоҳил банда, торт, дедим! Севинч бола кўрсам деди, унга суяниб яшасам, орқамдан изим қолса, деди. Бори – шу. Борини қилди – бола туғди! Ажаб қилди, хўп қилди! Ҳеч кимни уни қоралашга ҳаққи йўқ. Ҳатто

анави қариб эсини йўқотган отасини ҳам! Қоралайман деганлар ўзини Севинчнинг ўрнига қўйиб бу дунёда бир кун яшаб кўрсин!..»

Одамлар мана шунга ўхшаш гапларни бир-бирига айтишиб, ўзаро «сан-ман»га боришар, баҳслашишар эдилар. Энг қизиғи, кўча-кўйда, ишхоналарда бир-бири билан талашиб-тортишган одамларнинг аксари кечаси ётоққа кириб кўзларини юмиши билан ўзларига қарши ўзлари жанг қила бошлардилар. Курашаётган ҳар икки тараф ҳам келиб уларнинг кўкракларига жойлашиб олар-у уларнинг ўзларига айланардилар. Натижада бир қарасанг, ота, бир қарасанг, қиз томонига ўтиб олишарди улар. Фақат буни ўзлари асло сезишмасди.

Ҳаммадан фарқ қилиб эса, Пўлат ота қилмишига сира пушаймон бўлмас, аксинча, фарзанд дегани ота-бобосининг юзига сира оёқ қўймаслиги шарт, деб биларди. Тўғри, у майда-чуйдаларга эътибор берадиганлар хилидан эмасди. Хурофотларга эса, ёшлигиданоқ тупуриб қўя қолганди. Аммо манавиндақа — ҳаёт-мамот масалаларида бола дегани ота-боболарининг асрий удумларига, эътиқодларига, тутумларига содиқ қолиши керак, акси тақдирда, дунё посонгисини йўқотади, деб ишонарди. Севинч тутган йўл айнан дунё посонгисини — олий мувозанатни издан чиқарадиган йўл эди, бас, уни ҳеч қандай оқлов билан оқлаб бўлмасди. Бинобарин, у жазога лойиқ эди. Жазо бўлгандаям, энг олий жазо — ўлимга! «Посонгини бузган одам, ким бўлишидан қатъи назар, жазоланиши шарт, ҳатто у сенинг пушти камарингдан бўлган бирдан-бир қизинг, жигаринг бўлса ҳам!..» дерди Пўлат ота.

Ўша машъум лаҳзаларда унинг кексайиб, нури кочган кўзлари қон, нафрат ва лаънатга тўлиб-тошган, бинобарин, атрофида нималар бўлаётганини

тузукроқ фаҳмлай олмас эди. Касалхонанинг узун йўлагига кий-чув, бақир-чақир кўтарилди. Қизининг, Севинчининг қорнидан оққан қон унинг оёқлари орасидан ўтиб, зинагача оқиб борган, оқиб бориб, пастга чак-чак томаётган эди. Лекин Пўла ота на даҳшат ичра қолган одамларнинг бақир-чақиринию, на оёқлар орасидан оққан қонни, на қип-қизил қонга ботган қўлидаги пичоқни, мутлақо ҳеч нарсани кўрмас, юрагидаги ўша нафрату, ўша исёндан, ўша исноддан бошқа ҳеч нимани ҳис қилмас эди...

У андак хушига келганда эса, ўзини қамоқхонадан топди...

9

Отани сўроқ қила бошлашди. Сўроқнинг учинчи куни эди. Ҳар куни бўлар-бўлмас саволлар ёмғирига соатлаб тутишдан чарчамайдиган терговчи бу сафар гапни қисқа кесди: «Хотинийз, Ёғду она оламдан ўтипти, Оллоҳ сабр берсин!» Кейин бирпас жим туриб: «Хоҳласайз, жанозасига обориб обкеламан?» деди.

– Йўқ! – деди кесиб Пўлат ота, – йўқ!

– Ўйлаб кўринг, Пўлат ота, балки борарсиз, ахир, ўзбекчилик, одамлар нима дейди?..

– Одамлар?.. Қайси одамлар?.. Одам қоптими бу дунёда?..

Терговчи бошқа савол бермади. У отанинг юзига пичагина қараб турди-да, «Ихтиёрийз» деди.

Шу билан отани ёлғиз ўзи ўтирган камерасига олиб кетишди, уни ўша куни қайтиб безовта қилишмади.

Ота ўзи билан ўзи қолди. Юраги Ёғдую Севинчга нисбатан шунчалар кучли нафратга тўла эдики, бу юрак билан уларга ҳамдард бўлолмас эди. Энди

унга барибир бўлиб қолганди: Севинч билан бирга, Севинчга кўшилиб дунё ҳам ўлган эди у учун. Энди Ёғду ўлган бўлса, нима? Эртага ўзи ўлса-чи? Парвойига келадими? Асло! Дунёда ўлимдан баттарроқ нарсалар бор, ахир! Одамлар бу ҳаётдаги энг ёмон нарса бу – ўлим, дейишади. Қаттиқ адашишади. Ўлим нажот бўладиган дамлар бўлади инсон ҳаётида. Пўлат ота ана шу дамни бошидан, юрагидан кечирарди шу тобда. Энди ўлим керак эди унга! Жуда ҳам керак! Энди у зўр бериб ўлимни чақирарди. Худди курфокчиликда қолган элига ёмғир чақириб чирпинган шомон каби. Ахир, яқин одамларсиз, қадрдонларсиз яшаб нима қилади? Умуман, инсон ҳаёти маъно билан қоим эмасми! Маъно кетдими, тамом, яшашнинг қизиғи қолмайди. Пўлат ота учун ҳам ҳаёт ўз маъносини йўқотган эди. Севинч – ҳаётининг маъноси эди, у ўлди. Тўғрироғи, ўзи ўлдирди. Ёғду – ҳаётининг маъноси эди, ўлди. Аслида, Эрбой отанинг оғзидан номаъкул хабарни эшитгандаёқ у учун Севинч ҳам, Ёғду ҳам ўлиб бўлганди. Энди терговчи ўша ўлимни, олдинроқ Пўлат отанинг юрагида содир бўлган ўлимларни қайд этмоқда, холос. У ўликларни аллақачон ўз юрагига дафн қилиб бўлган. Энди ташқарида аза очишнинг нима ҳожати бор?.. Ташқарида аза очадиганлар – бошқа. Уларнинг ҳаётлари ҳам ташқарида кечади. Ҳамма нарсалари ташқарида кечади. Шунинг учун ҳам азасини ҳам, тўйини ҳам кўчаларда – ҳаммага кўрсатишиб қилишади. Пўлат отага эса, бу керак эмас. Отанинг ҳаёти ичкарида, юрагида кечди, азани ҳам юрагида очади. Ташқаридаги томошабин керак эмас унга...

«Воҳ, мени алдашди, алдаганда ҳам ёмон алдашди! Ўз яқинларим, бутун умр бир ёстиққа бош қўйган жуфти ҳалолим алдади, ўз пушти камаримдан

бўлган арзанда зурриёдим алдади. Мен алданадиган эрмидим? Алданадиган отамидим? Қачон бошланганди ўзи бу алдов? Нега бошланганди? Мен нима қилдим уларга? Менинг айбим, хатоим нимада эди? Хотиним ва қизимни жонимдан ортиқ яхши кўрганнимдами?.. Муҳаббат учун ҳам жазолашадими? Жазолашар экан-да!.. Яна кимлар денг? Яқинларим! Кўнгил берганларим!.. Бегоналар эмас!.. Йўқ, жигарларим!..»

Шуларни қайта-қайта ўйларкан, Пўлат отанинг юраги қонга тўлиб кетди. Энди уни бу дунёда ҳеч нарса, ҳеч қандай сабаб ҳаётга, одамларга, улардан келадиган яхшиликларга қайтиб ишонтиролмас, кўнглини ололмас эди. У оқибат кўрса, бир умр бир ёстиққа бош қўйгани, севгани, умрини баҳам кўргани Ёғдудан кўрарди. Лекин кўрмади. У оқибат кўрса, Севинчдан, кўзининг оқу қораси бўлган жигарпорасидан, у учун – қизи учун бармоғинигина эмас, азиз бошини сира иккиланмай кундага қўйишга тайёр, ўрни келганда қўйиб келган зурриёдидан кўрарди. Бироқ кўрмади. Энди кимдан кутсин ўша савил оқибатни? Жонини беришга тайёрлари сотиб турганда қолганлар нима каромат кўрсатарди?.. Ёшроқ бўлса ҳам майли эди, бирон ўн йиллар ўтиб яна кимгадир, негадир кўнгли чалғиши мумкин бўларди, лекин Пўлат ота улуғ ёшга – етмишга етганди. Энди одам зотига қайта ишониш учун унда на фурсат қолганди, на-да рағбат. Қизини ўлдириб иймонидан ҳам айрилди. Айрилдимикан ўзи?.. Уни туну кун ўйлатган, товонга кириб азоб бергувчи зирапчадек миясига кириб олиб бутун ҳаётини чирпирак қилиб ўйнаётган лаънати сўроқ шу эди. Йўқ, йўқ, ўлдирмаганда айриларди иймонидан. У ўзининг сўнги кўрғони – иймонини сақлаб қолиш учун ҳам қизини чавақлаб ташлади... Бу кўрғон ҳам забт этилса, у

ёғи тамом эди: ота инсон сифатида йўқ бўларди – хайвонга, қурту кумурсқага айланарди. Ҳатто хайвонлар ҳам ўзини, ўзлигини ҳимоя қилади. Пўлат ота эса инсон эди. Инсон бўлиб қолишни танлади. Инсонлик номига, шаънига келган доғни қон билан ювди. Не ёзиқки, доғ ўз болажонисидан, Севинч кизидан етди. Не фарёдки, қон ҳам қизиники эди! Бу лаънати доғни ювиш отанинг чекига тушди. Ота ўз қизининг қони билан яна ўша ўз қизининг шарманда қилмишидан тушган доғни ювди. Ота ўз қизини ўлдириб, ҳар иккисининг, йўқ-йўқ, бутун уруғ-аймоғининг, керак бўлса, одамизоднинг қутлуғ номини сақлаб қолди. Зеро, бошқа йўл йўқ эди. Бирдан-бир йўл шу йўл эди – қон йўли эди. У шуни танлади...

Ота шундай мулоҳаза юритарди. У мулоҳазаларида қатъий турар, асло иккинланмасди. Аммо кунлардан бир кун кечаси тушида унинг бошқа бир кирраси, ботинининг қайси бир пучмоқларида ухлаб ётган парчаси бош кўтариб қолди. Бу парча аллақандай гумбурлаган овоз бўлиб ўзини кўрсатди: «Жонинг шунчалар ширинмидики, у дунёни деб, бу дунёни ағдар-тўнтар қилиб юбординг – қизингни ўлдирдинг?!.. Иймонингни, охиратингни қутқараман дединг-у, аслида, ўз жонингни дўзах оловидан халос қилмоқчи бўлдинг! Номим булғанмасин дединг, аслида қўлингни ўз қизингнинг азиз қонига булғадинг!.. Сенинг боланг бор эди – Севинч!.. Лекин болангнинг боласи, Севинч қизингнинг сеникидек зурриёди йўқ эди. Эшитяпсанми, унинг «Севинчи» йўқ эди. Сен билан хотининг эса қариб қолгандинг. Севинч сенлардан кейин ўзида бутун бошли сулоланинг ниҳоя топишини истамасди, бундан хатто кўрқарди. Лекин сен келажакка Севинч бўлиб қарай олмадинг! Бинобарин, уни тушунмадинг, тушунмайсан ҳам!..

Сен ўзидан ўзгани ўйлай олмайдиган менчи кас, жирканч махлуқ бўлиб қолдинг!..»

Ота чўчиб уйғонди. Алламаҳалгача кўрган тушининг таъсиридан чиқа олмай тўлганиб ётди. Масаланинг бу томони, у илгари сира кутмаган бошқа қирраси ҳақида илк кез ўйлай бошлади. Ўйлагани сари бўшашди, ичи адоқсиз изтиробларга тўлди. Лекин бу ҳол терговчининг олдига боргунгача давом этди, холос. Терговчининг саволлар ёмғири бошланиши билан эса, ота яна эски отага айланди: у Севинч ҳам, Ёғду ҳам азим гуноҳга, гуноҳки, фақат қон билан ювиш мумкин бўлган офир гуноҳга йўл қўйганини бот-бот такрорлади.

Тергов узокқа чўзилмади. Чунки ота ҳеч нарсани инкор қилмади: ҳаммаси қандай содир бўлган бўлса, шундай айтиб берди. Хотинию қизини ёқлаганидек, ўзини ҳам оқламади: «Одам ўлдирдим, у одам ўз қизим эди. Қандай жазоси бўлса, кўравер, болам...» деди бутун тергов давомида шу ёшида бундай аянч вазиятга тушиб қолган отахоннинг холига ачиниб келган терговчига.

Шундан кейин иш судга оширилди. Суд эса Пўлат отага 14 йил қамоқ жазоси тайинлади.

10

Ҳаёт кизиқ экан: инсон фаолияти, унинг бирон бир қилмиши шу ишга муносабат билдирувчининг қайси томондан туриб ёндашишига қараб турлича баҳоланавераркан. Озодликда ота кўл урган мудҳиш иш қаттиқ қораланиб, айниқса, суд залида унга Севинчнинг асакалик қариндошлари томонидан лаънатлар ёғдирилган, ҳатто жиноий ишни ҳимоя қилувчи

адвокат топиш мушкул бўлиб, улар бундай фарзандкушга оқловчи бўлиб тайинланишдан қочишган, ниҳоят, биттасини амал-тақал қилиб кўндиришгач, у ҳам ҳакаму қораловчига қўшилиб отага бутун суд жараёнида қахрли қараб ўтирган бўлса, тутқунликда бунинг тамомила тескари содир бўлаётган эди: отани бирданига ҳамма хурмат қила бошлади. Тутқунлар оқсоқолнинг нима сабабдан қамоққа тушганини билган кундан бошлаб унга «ота» дея мурожаат қилишди. Умумий тартиб-интизомга бўйсунушдан ташқари ҳолларда отага иззат-икром кўрсатишиб, уни оғир ишга йўлатишмади. «Озодликда сиздек оталар бўлар экан, қизларимиз ёмон йўлга кириб кетмайди, мабодо киришса, жазо муқаррар эканлигини билишади. Раҳмат сизга, ота!» дейишиб, қўлини совуқ сувга урдиришмади маҳбуслар. Битта иш учун нарёқда сўқишган бўлса, бу ёқда бошларига кўтариб алқашди. Ваҳоланки, унинг лаънат ва мақтовга лойиқ топилган қилмиши битта эди – у ўз қизини ўлдирган эди!.. Бошқа пайт бундай муносабатга ҳайрон қолиши тайин бўлган ота бу гал гап-сўзларга парво қилмади. Зеро, унинг танасигина тутқунлар билан бирга кезар, фикру хаёли эса, ҳаёт деб аталган бу бемаза ўйиннинг тезроқ тугашига қадалган эди.

11

Орадан беш йил кечди.

12

«Ота, на выход!» дея қичқирди навбатчи аскар.

Ота ҳайрон бўлди. Ахир, уни бировнинг йўқлаб келмаганига йиллар бўлиб кетганди.

– Ким экан у?

Ота шу савол билан йўқлама паккасига қараб юрди. Келиб, не кўз билан кўрсинки, кутиш бўлимида, одамлар орасида Эрбой ота турарди.

– Эрбой! – эси оғаёзди отанинг.

– Пўлат! – Кучоғини очиб кела бошлади Эрбой. Ота нима қилишини, нима дейишини билмай қолди. Эрбой ота келиб Пўлат отани маҳкам қучоқлаб, икки юзидан чўлпиллатиб ўпди, кейин кўзларида ёш милтиллаб азалий рақибининг юз-кўзларига ҳасрат-ла боқди. – Омонмисан, биродар? Бормисан?.. Мана, олдинга бош эгиб келдим, ниҳоят!.. Мени кечир! Кечир, хомсут эмган гумроҳ ҳамқишлоғингни, синфдошингни! Олдинга гуноҳқорман! Сени, Ёғдуни, оилангни, ўзимни оиламни... ҳаммаларингни ҳаётларингни захарладим. Кечир, Пўлат, мендек захарли илонни, кечир!.. – Эрбой ота Пўлат отанинг икки қўлидан маҳкам тутган кўйи, гавдаси билан пастга эгилиб, йиғлаб юборди...

– Ота!.. Ота!.. – Одамлар орасида турган ўрта ёшли бир киши келиб, Эрбой отанинг елкасидан тутди.

– Ассалому алайкум, Пўлат тоға! – Оғзидан сўлагги оқиброқ, юзи бужмайиброқ сўрашди у.

– Ваалайкум ассалом! – Пўлат ота сарсор солиб, у Эрбой отанинг ўғли эканини тушунди. Сал телбароқ яккаю ягона ўғли бор эди, ўрта ёшли бу киши ўшанга ўхшаб турарди. «Девонароқ бўлса ҳам Эрбойнинг кунига ярабди-ку, мана, қўлидан етаклаб юрибди», ўйлади Пўлат ота.

Ҳа, ҳаёт қизиқ, одамларнинг қисматлари турфа, уларнинг ҳар бири – бир олам. Шу йигит, Эрбойнинг мана шу ўғли ҳамма қатори соппа-соғ бўлганда эди, отаси Пўлат отанинг олдига келиб кечирим сўрашига йўл қўймаган бўларди, эҳтимол. Шарти

кетиб – парти қолган отасини уйдан чиқармай, босиб олиб ўтирарди... Ҳа, гоҳида инсонларнинг соғлом эканликлари уларнинг тўғри қарорлар олишларига фақат халақит беради...

Сўрашиб бўлишгач, улар махсус хонага ўтиб, омонатгина чўкишди. Эрбой ота бозордан шашлик, нон, мева кўтариб келган экан, Пўлатнинг қўлига тутқазди.

– Мени нима жин урган экан, Пўлат, ҳалигача билмайман. Нега бундай қилдим, нега сени таъқиб қилдим, нега уйингга ўт қўйдим, нега сениям, ўзим-нияма ҳаётимни дўзахга айлантирдим, сира тушунмайман! Ичимда бир аламзадалик бор эди, ҳаммасига ўша сабабчими, дейман! Лекин қани энди ўша аламзадалик? Қани?.. Йўқ!.. У менга бевафолик қилди! Ташлаб кетди!.. Энди мен афсусу надомат билан қолдим, тушуняпсанми, ичим куйиб кетяпти энди, куйиб!.. – Эрбой ота стол устида турган Пўлат отанинг оғир қўлларини яна ушлади... – Охирги умидим сендан, Пўлат! Кечир мени, кечир!..

Пўлат ота қаршисида бошини ҳам қилиб, кўз ёши тўкиб ўтирган, ўзини, хотинини, қизини шу кўйга солган бадбахт касга нима дейишини билмай лолу ҳайрон боқиб турарди. Фақат анча йиллардан бери тиниб, бор-йўқлиги сезилмай қолган кўнгли яна бош кўтариб, ғалаёнга келармикан деб кутди. Ажабки, келмади. У бу кўргиликлар ортида Эрбой турганлигини аллақачон билиб бўлган эди. Лекин ҳаммасининг – Эрбойларнинг ҳам ортида тургувчи азим кучга – Яратганнинг тақдирига ҳавола қилиб хотиржам тортиб қолганди. Эрбойлар – сабаблар, воситалар холос. Арслон ўргатувчи – бошқа Зот! Бас, шундай экан, у нетиб арслонлардан хафа бўлсин!.. Ахир, улар Эгасининг айтганини бажаради-ку! Шунинг учун ҳам Пўлатнинг ёнғин

билан боғлиқ тахминлари ўз тасдиғини топганлигини эшитганда ҳам битта туки қимирлаб қўймади. Аксинча, Эрбой отага ачиниш билан боқди. Кўнгилида уни жазолаш истагини туймади... Ох, бир пайтлар қандай хоҳланганди бунини! Ҳатто бир неча йил бурун, Ёғду билан Севинч тирик вақтларида Эрбойни ўз қўллари билан бўғиб ўлдиргиси келганди, мудом келарди. Бир неча йил бурун бўғиб ўлдирадиган ҳам! Лекин энди эмас. Энди Эрбойни бўғиб ўлдириш учун унинг қалб кўзлари кўр бўлиши керак, кўр!.. Энди Пўлат ота қалбидаги нафрат сўниб бўлган. Бир пайтлар бу қалб нафрат билан тўла эди. Пўлатнинг кўкрагида юрак эмас, балки ҳар лаҳза сочилишга тайёр нафрат деган бир парча эт дук-дук этиб уриб турарди. Энди унинг кучини Ёғду билан Севинч ўчириб кетишган. Энди Эрбойни нима учун, ким учун ўлдириши керак? Ёғду билан Севинч учунми?.. Йўқ, бўлмайдиган. Улар бундай қурбонликка арзишмайди. Ёғду арзимайдиган! Севинч арзимайдиган! Ахир, инсон дегани нимагадир арзимоғи керак: ё севишга ва ёхуд нафратланишга! Арзимаган инсонни севиб ҳаётингни елларга совурма! Арзимаган инсонни ёмон кўриб азиз умрингни сувларга оқизма! Ҳақ таоло бу дунёда адолат бўлишини хоҳлайдими, бас, Пўлат ота ҳам бирон иш қилар экан, адолат посонгиси мувозанатда туришини истайди. Ёғду билан Севинч учун одам ўлдириш у ёқда турсин, ўша одамни сўкиб ҳам бўлмайдиган. Улар Пўлатга хиёнат қилишди. Хиёнат қилган инсонни деб бировни ҳаётдан маҳрум қилиш адолатданми? Йўқ, минг бор йўқ! Ҳатто у душманинг бўлса ҳам!.. Мана, нега, бир неча йилдир, Ёғду билан Севинч Пўлат ота учун Эрбой отага тенг бўлиб қолишганининг сабаби!.. Энди уларнинг ҳаммаси Пўлат ота учун бир: уларнинг бари Эрбойлар-

дир энди! Ота уларнинг барчасидан совиб бўлган. Олдинда бепарқлиқ деган яна босқич бор хали. Ана ўша босқичга етиб олса, Ёғду ҳам, Севинч ҳам, Эрбой ҳам Пўлат учун ҳеч кимга айланишади, мутлако ҳеч кимга!.. Ота ўша дамларни кутиб яшайпти. Ота уларнинг барини унутишни истайди. Унутдими, бас, у озод бўлади, озод!..

Пўлат отанинг хаёлларидан шу хил ўйлар кечар, гарчанд Эрбой отага ижирғаниб қараб турса ҳам унга бирон жавоб қайтаришни истамасди.

Эрбой ота яна анчагача дийдиё қилиб ўтирди. Кейин ўғли уни қўлтиғидан тутди.

– Нима, вақт бўлдими? – сўради Эрбой ота ўтирган кўйи бурилиб, бошида тик турган ўғлига қараб.

Ўғил индамади, индамай отасининг қўлтиғидан кўтараверди. Бу унинг «Бўлди» дегани эди.

– Ҳай, майли, вақт бўлган бўлса... – офир қўзғалди Эрбой ота. – Пўлат!.. – Эрбой ота Пўлат отани кучоқлади. Пўлат хиёл қўлини кўтариб, Эрбой отани елкасига хушламай қоқиб қўйди. – Алвидо энди, биродар, алвидо!.. – деди Эрбой ота. – Бори шу экан, Пўлат, бори шу...

– Ҳа, бори шу экан, Эрбой, бори – шу! Лекин шуни деб нималар қилмадик?.. Мана, ҳаммаси шундай якун топар экану нима учун сен билан биз мудом урушиб яшадик, бир-биримизга ёвлик қилдик, бир-биримизни ёмон кўрдик, бир-биримизга аччиқ сўзлар айтдик, Оллоҳим севиб яратган юзларимизга муштлар туширдик, юрагимизни, ҳаётимизни захарладик, нима учун?.. Қара, нималар қилиб қўйдик: бутун умри давомида сенга бир бор бўлсин қайрилиб ҳам қарамаган, ўз эрини бўлса, мушкул вазиятда сотиб кетган хотин учун иккимиз ҳам дунёмизни куйдирдик! Қара! Ҳаётимиз шуни деб ўтибди. Уруш-

ларда куймаган юрагимиз тинч хаётда куйди, ўқлар визиллаб учаётган ажал майдонида ўлмаган жонимиз қўлтиғимизга пар ёстиқлар тўшалган иссиқ уйларда ўлди!.. Вой-ёв, бизни шу кўйларга солган аёлни деб охиратимизни куйдирмаган бўлсак, бўлди эди, Эрбой! Воҳ, аҳмоқ Эрбой, воҳ аҳмоқ Пўлат!..

Йўқ, буларни Пўлат ота Эрбой отага айтмади, балки ўйлади. Қариб икки букилиб, худди каттакон сўроққа – одамсўроққа айланиб қолган синфдошининг ортидан маънос боқиб тураркан ўйлади, ич-этини еб ўйлади...

Қани энди Пўлат ота ана шу саволга – одамсўроққа жавоб бўлса эди. Йўқ, унинг ўзи ҳам Эрбой отанинг кетидан яна битта сўроққа айланиб бораётганини ҳис қилиб турарди...

13

Ўн тўрт йиллик қамоқ муддатининг ярими ортда қолганда Пўлат отага афв тегди. Ёш ҳам уч кам саксон! Ҳали ҳамон тетик эса-да, йиллар барибир отага, – исми-жисми Пўлат бўлса ҳам, – ўз ҳукмини ўтказиб улгургани. Айниқса, урушдан қолган бел ва оёқ оғриғи тобора ўз ҳунарини кўрсатиб, қарияга муттасил азоб бермоқда эди. Лекин нега муддатидан олдин уни бўшатишди, ота буни билмас, билишга қизиқмасди ҳам. «Кексайиб қолди, энди ундан жамиятга хавф йўқ бўлса, текиндан-текин нега боқиб ўтирайлик», деб ўйлашдими ёки юртда эсиб қолган ўзгаришлар шамолиданми, ҳар қалай, қартайиб, шарти кетиб, парти қолган Пўлат отага «Озодсан!» дейишди. Отанинг бўлса, бир туки «қилт» этиб қўймади. Оҳ, бу сўзни эшитганда, туки тугул, бутун гавдаси Қўқон шамолида қолган одамдек қалтираб кетадиган навқирон маҳбусларни озод қилишмайди-

ми!.. Махбус дегани ташқарида, озодликда кутади-ган одами бўлса, севинар экан-да!.. Акс холда, – тутқунликми, озодликми, – фарқи бўлмаскан. Ота ҳам афвни ана шундай – совуққина қабул қилди. Қамоқхона Пўлат ота учун аллақачон кўникилган маконга айланиб улгурганди. У шу кунгача озодликка чиқиш ҳақида сира-сира ўйлаб кўрмаганди. «Ўн тўрт йил кичкина муддат эмас, барибир, шу ерда ўлиб кетаман. Қишлоқдаги одамларнинг юз-кўзига қараб савол-жавоб қилгандан кўра шунисиям тузук», деб юргич эди. Албатта, қамоқхонанинг битта нарса-си ёқмасди унга: намозга рухсат йўқ эди. Шунисидан кўп қийналди. Лекин секин-аста қаловини топди ота: намозни ёт кўзга кўрсатмай ичкарида адо этди. «Дахрийлар замонида тагин нима хоҳлайсан?» деб кўярди у ўзига ўзи. Энди бўлса, ташқарида бошқача шамоллар эса бошлади. Оқ пошшодан кейин, кизилининг ҳам куни биттанга ўхшарди. Телевизору радио, газеталару одамлардан келаётган гап-сўзлар шундай дарак берарди. Боз устига, унга озодсан дейишяпти. Бу сўз отанинг қулоқларига «энди ўзинг хоҳлаганча, ўзинг хоҳлагандек намозингни ўқийверасан!» бўлиб эшитилди. Албатта, буларнинг ҳаммаси жуда яхши хабар эканлигини ота биларди. Лекин яна шу нарсани билардики, инсоннинг ҳеч қандай тузум дахл қила олмайдиган бахту бахтсизликлари, қувончу ташвишлари бўлади. Ҳар қандай ёмон жамиятда ҳам инсоннинг юзи кулиши, айни дамда, ҳар қандай яхши жамиятда ҳам унинг кўзларидан қайғу ёшлари оқиши мумкин. Бунга ҳеч ким, ҳеч қандай куч монелик қилолмайди. Чунки бу Яратганнинг инсон фитратига жойлаган урувнинг яшаш тарзидир.

Ота уйга келди. Эшик ҳалқасига тикилган чириган чўпни олиб, бўсағага одим ташларкан, кўнгли аллақандай ағдарилиб, хира кўз пардалари устини аччиқ ёш қолади.

– Эй Яратган Эгам, нега мени бу уйга яна олиб келдинг? Ахир, ҳаммасини тугамаганмиди? Яна қандай синовларинг бор менга?.. – деди кўкка қараб. Сўнг ҳовлига боқди. Ҳовли, бир пайтлар, ота-онасининг, Ёғдунинг, Севинчнинг борлигида – жаннат боғларидек гуллаб яшнаган ҳовли энди ҳаққаю қарғалар, майнаю чумчуқлар, карқуноғу гурраклар танда қурган кўрқинчли маконга айланиб ётарди. Токларнинг қайси бирлари қуриб, қайси бирлари ортиқча ўсиб, ишқомдан пастга осилиб тушган, томорқада эса дунёнинг борлиқ ёввойи ўтлари билан бирга унда-мунда бўй чўзган беда, маккажўхори каби маданий экинлар, бўсағадаги асфальтни тешиб чиққан ажриқ, алвата, аллақандай ер бағирлаб ўсадиган ёпишқоқ ўтлар – буларнинг ҳаммаси аралашиб, ажиб бир чакалакзорни ҳосил қилган эди. Уй ҳам, неча йиллардир, одам яшамаганидан, одамнинг изи, одамнинг иси тегмаганидан аллақандай чўкиб, шўр босиб, нураб, мунғайиб қолгандек туйилди. – Тавба, – деди Пўлат ота чўзиб, – урушдан барчамиз омон чиққан эдик, энди қарасам, тинч замонларда динозаврдек қирилиб кетибмиз, тўзиб кетибмиз. Уруш урушмиди биз учун ё тинчлик урушмиди?..

Тугунчаси «тўп» этиб кўлидан тушган Пўлат ота бир уйга, бир ишқомга, бир ҳовли юзини босган чакалакзорга, бир эса, қарилиқдан тиришиб кетган кўлларига боқар экан, нима қилишини, бу бегона жойда энди ўзини қандай тутишини билмай, эсанкираганча турар, ичида: «Қамокхонада ўлиб кетганим яхшийди, бу ерда нима қиламан энди? Кучим нимага етади? Ҳаётдан тўйган одам бўлсам...» деган ўй айланди. У мана шу кайфиятда қолиб, бир неча кун давомида ўзига келолмади. Нима қилишини билмасди. Унга афв чиқарган «бошлиқ»ни эса ҳар дамида сўкиб юрди:

– Хе, сени ўша диёнатингга! Кексайиб қолганимга раҳм қилган эмиш... Ке, сени раҳм-шафқатинг билан қай аҳволга тушганимни ўз кўзларинг минан кўр, аҳмоқ!..

Лекин қўни-қўшни, маҳалла-қўй, отасининг уруғлари – қариндошлари бирин-сирин ҳол сўраб келишиб, унинг жонига ора кириша бошлашди. Одам тафтини одам олар, деганларидек, келиб-кетиб турган одамлар отани қайғусидан бирмунча чалғитди. Дунё қизик-да ўзи, етти йил бурун худди шу одамлар уни бўралаб сўкишган, нафратланишган, гўрига гиштлар қалашган эди. Бугун эса унинг ишиғларига шўрпахта босишмоқда. Фақат Ёғдунинг қариндошларидан ҳеч ким келмади. Улар қўшни район, Асакада яшашиди. Охирги марта Пўлат ота уларни судда кўрганди. Ҳаммалари жуда қаттиқ туриб суддан отага энг оғир жазо беришини талаб қилишганди. Уларнинг назарича, адолат шундагина қарор топарди. Ҳалиям ўша қайфиятда бўлишса, ажабмас. Тўғри-да, Севинч Пўлатнинг қизи бўлса-да, уларниям жияни. Жиян – жигар, дейишади. Севинч болалигида жуда кўп борарди Асакага. Бориб-бориб, қариндошларининг кўз ўнгида катта бўлган, уларнинг эту тирноқлари орасига кириб кетганди. Пўлат эса... ҳозир отахонга айланган шу Пўлат Севинчни ўша эту тирноқ орасидан суғуриб олди. Бу уларга гўё юракларини суғуриб олгандек таъсир қилди. Хуллас, орадан ой ўтдиямки, асакаликлардан дарак бўлмади. Пўлат ота ҳам уларни кутгани йўқ. Қайтага, «Қани энди улар келмасалар, юрагимда давом этиб келаётган ўша машъум ходисадан сўз очмасалар...» дерди. Шунинг учун ҳам эшик «тиқ» этса, чўчиб тушар-да, «ишқилиб асакаликлар бўлмасин» дея, дарвозахона томон хавотирланиб қарарди.

Ёз, жазирама.

Кун қиёмга келиб, нафас олиш қийинлашиб, ҳамма ўзини соя-салқинга урганда, Пўлат ота мовий бўёқлари ўнгиб кетган темир дарвозанинг эшигини секин ғийқиллатиб очди-да, катта кўчанинг асфальтига қараб юрди. У ялангоёқ бўлиб, иштони тиззагача шимарилган, бошига оқ дурра ташланган эди. Ота шу алпозда офтобда товадек қизиган асфальт йўлдан у ёқдан бу ёққа қараб аста одимлай кетди. Одатда, бундай пайтда кўчада зоғ ҳам бўлмайди. Ҳатто уловлар ҳам онда-сонда бир ўтса ўтади, йўқса, улар ҳам кун дамининг пасайишини кутиб, терскай жойларда соялайди. Аммо ота кун тифига чиқишга мажбур. Лаънати уруш туфайли у бутун умр мана шундай азоб чекишга маҳкум. Вақт қанча илдам олға босгани сари, отанинг белию оёғидаги оғриқлар кучаяр, баъзан кечалари билан ўтириб, кўлидан келганича оёғини, тизза кўзларини уқалаб, оҳ тортиб чиқарди. Илгари бунчалар эмасди. Етти йиллик қамок, у ердаги зах отанинг оғриқларини анча-мунча зўрайтириб юборди. Нима қилсин энди, бошига тушди – тортяпти. Буни ҳаёт дейдилар! Сен шоҳмисан ёки гадо, фарқи йўқ, тақдирингга нима келса, миқ этмай сипқарасан! Сипқаришга мажбуру маҳкумсан! Ота ҳам шундай. Сипқара-сипқара мана шу асфальтга етиб келди. Майли, кўпи кетиб ози қолди. «Яна озроқ чидасам, чидаб берсам, бас! Кейин ҳаммаси тугайди, ҳаммаси! Тугаш – қандай яхши! Айниқса, у инсонни боши-кеги йўқ азоблардан халос этса! «Яшасин, ўлим!» дея хайқиргиси келади-я инсонни!..» – оқ дурранинг остидаги отанинг калласида ана шундай ўйлар ғужғон айланарди.

– Ассалому алайкум! – ҳавода таниш овоз янгради.

Ота бошидаги дуррани кўтариб, қаршисида бир неча эркак кишининг қорасини кўрди. Лекин уларнинг кимлигини бирданига аниқлай олмади. Кўзларини йириброк қараганди, не кўз билан кўрсинки, улар асақаликлар эди! Ташрифчилар нақ тўрт киши бўлиб: Ёғдунинг қартайиб, ҳассага суяниб қолган оғаси Турсун ота, унинг Бекжон ва Элбек деган ўғиллари ҳамда Ёғдунинг яна бир жияни. Пўлат ота тўртинчининг исмини эслай олмади.

– Ваалайкум ассалом!..

Совуққина сўрашишди. Ичкарилашди. Хонтахта атрофига омонатгина чўкишиб, юзларини наридан бери силашди.

– Ҳорманг энди, почча! – деди Турсун ота киноя билан.

– Саломат бўлинг, келинг! – деди жавобан Пўлат ота ўзини кинояга сезмагандек тутиб.

– Чинданам пўлатдан экансиз, шу ёшда дўзданам омон чиққанизга қараганда. Сиздан ёш синглимиз ўлди, навнихол жиянимизни эса ўлдирдийсиз. Аслида, иккисиниям сиз ўлдирдийсиз! Лекин ўзийсиз ҳалиям нафас оляпсиз-е...

Пўлат ота индамай, Турсун отанинг кўзларига қараб тураверди. «Майли гапирсин, нима бўлсаям, Севинч жияни эди, куяди-да. Майли, ичига тўлиб қолган аламларни тўкиб солсин юрагимга! Майли...» деди у ўзига ўзи.

– Энди нима қиламиз? – сўради Турсун ота Пўлат отанинг кўзларига тик қараб.

– Оллоҳимни айтганини қилиб, ўламыз энди биз ҳам, Турсун ака, ўламыз! – деди Пўлат ота аччиқланиб. – Нима қилардик бошқа. Кўрмаганимиз бир ўлим қолди. Шунини ҳам тотайлик, кейин бу дунёдаги ҳамма ишларимизни яқунлаган бўламыз. Ўлим!.. Бошқа ишимиз қолмаган.

– Бор! – деди Турсун ота. – Бор! Меники шундай, лекин сизники эмас, сизди ҳали қиладиган ишийз бор. Бўлгандаям, энг асосий ишийз!

– Қандай иш экан? Тушунмадим, – ҳайрат билан сўради Пўлат ота.

– Асосий иш! Катта иш! Уни қилмасайз, ана унда ўзим келиб сизни ўлдираман! Кучим етмайди албатта, лекин милтиқни тепкисини босишга етади! Пешонездан отиб кетмасам, Турсун отимни бошқа қўяман!

– Ота, ота!.. – деб Турсун отанинг қўлини ушлади ёнида ўтирган ўғли Бекжон. – Ота, қўйинг, ундай деманг!..

– Хўп, шу ерга кепсиз, айтинг энди нима ишим борлигини! – Пўлат ота ҳам қизиша бошлади.

– Неварайзни бориб етимхонадан оласиз!

– Неварам? – Бирданига гап нима ҳақида кетаётганини тушунмади Пўлат ота.

– Ҳа, неварайз! Севинчни ўғли! Сизди неварайз!..

Пўлат ота энди ҳаммасини тушунди. У Ёғду билан Севинчга бўлган алами ўтида ёнибди-ю, бу аламнинг сабабчиси – никоҳсиз туғилган бола ҳақида сира ўйламапти! Ҳай, Оллоҳ!.. Ахир, қандай ўйласин эди!..

– У тирикми? – шошиб сўради Пўлат ота.

– Тирик, тирик! Агар энди сиз ўлдирмасайз...

– Ота!.. – энди бошқа ёнида ўтирган ўғли Элбек Турсун отанинг қўлига қўлини босди – «Тинчланинг!» дегандек.

– Ахир, у... валади зино-ку! – хитоб қилди Пўлат ота.

– Ахир, сизам қотилсиз-ку!.. Лекин яшаяпсиз... Одамларди ичида тағин... Нега у – гўдақ яшамасин?!..

– Ота!..

– Майли, хўп, – ота ўғлига қараб қўйди. Кейин Пўлат отага юзланди. – У ёғини билмайман.

Биз ўрисди тарбиясини олган одаммиз, Пўлатжон! Сиз ҳам қариб қолганда намозу ниёзни тушуниб қолганлардансиз. Жа-а мусулмончиликни пеш қилманг энди! Кечаги ҳолийзга ҳам бир боқинг, унутманг! Валади зино деб, бир норасидадан воз кечсак, одамгарчилик қаерда қолади, одамгарчилик?!..

Ҳамма бир муддат оғир сукутга чўмди.

– Бир бола бор, етимхонада, етти ёшда, у сизди неварайз! Уни оёққа кўйиб, элга кўшиш керак! Ҳамда бу биринчи галда сизди вазифайз, бурчийз! Тамом, мен бошқа гапни билмайман!..

– Нега етимхонада? Одамгарчиликни билар экансизлар, шунча жигарлари бўла туриб, болани нега етимхонага бердинглар? – асабийлашиб сўради Пўлат ота.

– Сиз қамалгандан кейин болани туғруқхонадан Юлдуз синглимиз олди. Парваришлади, лекин опаси Ёғдудан кейин у ҳам кўп яшамади. Юлдуз қазосидан сўнг болани деб ўфиллару келинлар ўртасидан гап қочди, аҳилликларига путур етди. Уларам худди сиздек фикрлашди: «Хайрсиз бола, ҳаммани бир-бир гўрга тикяпти, ундан кутулайлик!» дейишди. Қарасам, бўлмайди. Мажбур етимхонага бердирдим. Ҳа, ҳақлисиз! Айбдормиз. Энг кўп мени айбим бор. Тонмайман! Лекин мен оиламни ушлаб турган тартиб-интизомни сақлаб қолишим керак эди. Бошқа иложим йўқ эди.

– Мен уни олмайман! У ҳар... – «ҳароми» сўзини айтолмади Пўлат ота, – у оиласиз туғилган, Турсун ака, мен уни бағримга олиб, яна бир гуноҳга ботишни истамайман. Ўзи бу ёғи ҳам етади. Зинодан бўлган болани боқиб, одамларни гуноҳига шерик бўлгим йўқ. Ҳатто ўша одамлар ўзимни хотиниму қизим бўлса ҳам! Мана, пешонам, отмоқчи бўлсайз, ҳозирок отинг! Лекин болани олиш тугул,

у ҳақда гапиришниям истамайман, – деди Пўлат бошини хиёл эгиб, манглайини Турсун отага пеш қилиб тутганча.

– Бу ёғи яна сизди мусулмончилигийзга қараб кетдим дейман, а? Одамгарчилик-чи?!.. Мусулмонликни ўрганибсизу одамликни унутибсиз-да, а? Бу ёғи қандоқ бўлди, Пўлат ота? Агар мусулмончилигийз сизди одамгарчиликдан чиқараётган бўлса, ундай мусулмончиликни ўйлаб кўринг! Тўғри мусулмончиликми у ё ғайри?.. – Турсун ота яна нималардир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, лекин айтмади, Пўлат отага қараб қўлини «ҳайф сенга гап!» дегандек қўлини бир силтадию кўзғалди, – Кетдик, боллар! – Турсун ота ёшига номувофиқ ҳаракат билан ўрнидан тез турди. Қолганлар унга эргашди... – Садқаи одам кетсин бу!.. – деди у остонада калишини оёғига иларкан, Пўлатга нафрат билан қараб.

Пўлат ота ўтирган ўрнидан то шом тушдиямки, кўзғалмади. Мук тушганча ўтираберди. Ахир, унинг невараси бор экан!.. У бу ҳақда ўйламаганди, ўйларини умр йўлдошию қизига бўлган адоқсиз нафрат тамомила банд айлаб олганди. Яна ўз қотиллиги, бўлгандаям, ўз қизига нисбатан қилинган қотиллик тўғрисида ўйлар, ўйлаб-ўйлаб, ахийри доим бир хил хулосага келар: «Бундай гуноҳни жазосиз қолдириб бўлмасди. Жазосиз қолдирсанг, қовун қовундан ранг олгани каби, одамлар ҳам жавобсиз қолган гуноҳни кўриб, гуноҳдан ҳайиқмай қўйишади. Чегара бўлиши шарт, ундан ҳеч ким ҳатлаб нариги ёққа ўтмасин! Ҳатто у ўз боланг бўлса ҳам! Шу учун ҳам Севинч ўлимга лойиқ эди. Мен ота қилиши керак бўлган ишни қилдим: гуноҳқорни жазоладим!» дегани деган эди. Етти йиллик қамоқ муддати унинг ўйларини янада кучайтирди: «Ҳа, Севинч гуноҳ қилди, уни сира ёқлаб бўлмайдди!» Лекин туриб-туриб юраги-

нинг аллақайси бир пучмоғидаги ғашликни ҳис қилиб қоларди: «Севинчни ўлдириб, қўлимни қонга ботирдим, гуноҳ ишладим. Қонни қон билан ювиб бўлмайди, деганлари шу экан-да! Йўқса, гуноҳ ҳисси нега юрагимга танда қўйиб олди? Нега?!..»

Отанинг бутун фикру зикри ана шу ўйлар билан банд бўлиб, ўзи билан ўзи қолди дегунча Яратганга илтижо қилар-да, содир этган гуноҳи – одам ўлдиргани учун афв тилар, намоз ўқир, рўза тутар ҳамда ўлим деган ўша муқаддас ҳодисани кутарди. Шундай ташвишлар билан бўлиб дунёдан буткул узилдим деганда «пак» этиб манави «невара иши» чиқиб ўтирибди-я! Пўлат ота бу «иш»ни энди икки сабабга кўра сира қабул қилолмас эди: аввало, унга «неваранг» деганлари зинонинг ҳосиласи, қолаверса, ота дунёдан қўл ювиб қўлтиғига урган, энди ҳеч бир сабаб ортидан яна дунёга қайтгиси, унинг истакларини бажариб, малайига айланишни истамайди. Сабабларнинг энг ёмони – биринчиси эди. Отанинг йўлини тўсаётгани ана шунисидир. Дунёга шунча йил хизматкор бўлиб келди, невараси учун яна андак елиб юурса, асакаси кетмасди. Аммо валади зинони парваришлаш, у билан ҳар куни одамлар орасида юриш, уларнинг сўзсиз саволларига сўзсиз жавоб қайтариш... булар ота учун жуда офир эди. Агар бу ишларга у «хўп» деса, яна Оллоҳнинг олдида гуноҳга ботадигандек туйилаверарди... Йўк, Пўлат ота буларни бўйинига олмайди, ололмайди...

– Турсун акаям катта гапираверади. Осон эканми? Ана, ўзи ҳам қочиб қолибди-ку! Энди менга идао қилади. Ўзинг эплолмаган ишни нега бировдан талаб қиласан, эй бандаи мўмин?.. Неваранг эмиш! Ҳаромику у, ҳароми!.. – деди титраб Пўлат ота. У шундай ўйлар билан шом тушдиямки, ўтирган ўрнидан кўзғалмади.

Шом билан бирга қаёқдандир кучли шамол турди. Анчадан бери қорасини кўрсатмаган шамол! У Қува томондаги икки адир орасидан чангу тўзонни айлангириб олиб келди-да, Пўлат ота кечадан бери қимирламай ўтирган айвонга урди. Отанинг кўзларига ғубор кирди. У қобокларини аччиқ юмди. Тераклар гувиллади, толлар ерга қадар эгилди, мевали дарахтларнинг меваси борлари «тап-тап» этиб тўкилди, ишқомдаги ток бутун шохлари билан силкинди, бир неча бош узум чирт-чирт этиб бандидан узилиб, ерларга сочилди, дераза рахлари кесакисига қарсиллаб қоқилди, қайдадир ойнаги ҳам жаранглаб синди. Пешайвонга ин қурган қалдирғочлар ғужур-ғужур қилиб инларининг ичига кириб калласини чиқариб ётиб олишди. Шу лаҳза «лип» этиб чироқ ўчди. Олам зулматга чўкди. Чуқур бир зулматга!..

Ҳа, бу ернинг шамоли шунақа: нақ инингга киргилиб юборади. Шу кирганингча кечалаб, кунлаб ётасан. Лекин Пўлат ота кутилмаганда кўзғалди. Шамолу зулматга, улардан-да изғиринли, улардан-да қоронғи қисматига аччиқма-аччиқ, басма-бас юрди. Пайпасланиб зинадан пастга, ҳовли саҳнасига тушди. Кўзларини ишқалаб очди. Қобокларини йириб, қучоқларини ёйиб, бошини баланд кўтариб осмонга қаради. Хира кўзлари соядан бошқа ҳеч нимани илғамади. Ҳамма нарсанинг сояси бору ўзи йўқ эди. Ана у осмоннинг сояси, мана буниси дарахтларнинг сояси, кўшни иморатининг сояси ҳам ҳув ана! Лекин уларнинг ўзи йўқ. Қани уларнинг ўзи?.. Билмасди. Назарида унинг ўзи ҳам сояга айланиб қолганди. Бутун ҳаёти соя эди: Ёғду – соя, Севинч – соя, Эрбой – соя... Мана, энди неваранг бор дейишяпти. У ҳам соя – валади зино!.. У бутун умр атрофдан,

хаётдан, одамлардан, айниқса, яқинларидан маъни излаб яшади. Бор деб яшади. Лекин у йўқ экан. Инсон ҳаёти деганлари ҳозиргина шамол турганда «лип» этиб ўчган чироқдек омонат экан. Умр шунчалар омонат бўлса, бу умр мобайнида кўнгилда туғилган севинч-истакларнинг қисмати ҳам ундан баттардир.

– Эй, Яратган Эгам! – Пўлат ота қўлларини очиб кўкка талпинди, ол энди жонимни! Ҳаммасини кўрдим: туғилдим – эркаландим, севдим – туғдирдим, нафратландим – ўлдирдим, ўлдирдим – қамоқда ўтирдим... ҳаммасини кўрдим! Энди, бас! Энди биргина истагим – ўлмоқ! Қимники, ниманики яхши кўрсам, барини олдинг, барини! Энди навбат менга, менинг жонимга! Ўтинаман, омонатингни ол! Ол омонатингни!.. – қутилмаганда Пўлат отанинг кўксини аллақандай бир ўкирик ёриб чиқди. Шу ўкраганча ўзини ерга ташлади... Шамол қутуриб гувиллар, отанинг устига токнинг меваларию шохлари, томдан эса, яна аллақандай нимарсалар келиб тушар, олам гўё дўзахнинг қаърига учиб тушгандек эди...

16

Тонгга яқин кучли шамол тинди. Ҳавода енгилгина эпкин эсиб қолди... О, табиат! Қанчалар доносан!.. Эпкин шунчалар майин, шунчалар ёқимли эсардики, худди қилгиликни қилиб қўйиб, кейин узрхоҳлик ила кўнгил олаётган одамга ўхшарди у – табиат!..

– Пўлат ота! Хов, Пўлат ота!..

Қўлида бир коса овқат билан қўшни эру хотин кириб келди.

Ота ҳамон кечаги жойида, ишқомнинг остида, асфальтни қулочкашлаганча ётарди.

– Вой ўлмасам, дадаси, қаранг! – кўзи ерда узаниб ётган отага тушиши билан аёл тақатақ тўхтаб, бир қўли билан косани маҳкам бағрига босганча, бошқа қўли билан эрининг билагини тутди.

– Ота, Пўлат ота, тузукмисиз? Сизга нима бўлди?..

Умрида бор-йўғи бир бора касалхонани чала-ярим кўрган, оёғу бел оғриғини ҳам тик оёқда енгиб келаётган пўлатдек мустаҳкам Пўлат ота ниҳоят «йиқилди» – «касалхоналик» бўлди.

– Касалхона деганлари қамоқхонанинг бир хили экан, – деди Пўлат ота кўргани келган маҳалла оқсоқолларига. Кейин сўради: – Эрбой яхшими?

Эрбой отанинг ҳам мазаси йўқ эди. Пўлат қамоқдан чиққанидан бир ойлар кейин бориб кўрганди. «Ўлимни кутяпман, Пўлат, ўлимни!» – деганди ўшанда Эрбой ота.

– Кечаги шамол олиб кетди Эрбойни...

– А-а!.. – оғзи очилиб кетди Пўлат отанинг. Кейин ўйлаб кетди: – Ҳа, Эрбой-а, ҳа, Эрбой! Бу гал сенинг ошиғинг олчи кепти-ку! Қиз талашганда меники, ўлим талашганда эса сеники пикка тушди. Биру бир бўпти, оғайни. Дуранг! Ҳеч ким голиб ҳам, мағлуб ҳам эмас. Ютган ва ютқазгани бўлмаган ўйинларни яхши кўрардим, шундай бўпти! Майли, қаддингни ур, синфдош, ётган жойинг нурга тўлсин!.. Балки менга ҳам Эгамни раҳми келару «зир» этиб ёнингга бориб қоларман. Бориб қолсам, бу ерда, дунёда қилган ишларимиз устидан роса кулсак керак ўзиям, а, нима дединг, Эрбой, роса кулсак керак?..

17

Пўлат ота ўн кунлар ётди. Дорию игналардан, шифохонанинг қайси томонига қарамасин, бўзариб бадга урадиган рангидан безор бўлиб чиқди. Чиқиб, уйига, «Юқори Роввот» маҳалласига олиб борадиган автобусга эмас, балки Асакага элтадиган Мингтепа шоҳбекатига йўл солди.

– Ассалому алайкум, Турсун ака! Биз келдик.

– Ваалайкум ассалом, Пўлатжон! – Ўрнидан кўзғалмоқчи бўлди Турсун ота.

– Ўтираверинг.

– Қаричилик. Айбга буюрмайсиз энди.

– Хижолат бўлманг.

– Омин, тинчлик-омонлик бўлсин!

– Омин!

Турсун отанинг невара ўғли – боягина Пўлат отага дарвозани очгани – елкасига сочиқ ташлаб, бир кўлида обдаста, бир кўлида чилапчин билан келди. Унинг изидан невара қизи билагида ташланган дастурхону иккита нон, бир чойнак чой, тўртта пиёла, ликопчада қаймоқ кўтариб кирди.

– Ассалому алайкум! Келинг, Пўлат ота!

– Ваалайкум ассалом! Ке, қизим, ке.

Бир пиёла чой ичилгач, Пўлат ота мақсадга кўчди.

– Етимхона манзилини берасизми?

– Ҳа, бу бошқа гап! – овозини кўйиб деди Турсун ота, – ҳамда тўғри гап! Ўғилбола гап!

– Кейини нима бўлади, Турсун ака? Сиз кўпни кўрган одамсиз? Одамлар нима дейди? – бу савол Пўлат отанинг ўзига ўзи бериб юрган саволи эди. Қасалхонада ҳам куну тун ўйлагани шу савол бўлди.

– Сиз ҳозирини ўйланг, Пўлатжон, ҳозирини. Кейини шу ҳозирдан ўсиб чиқади. Қолаверса, у ёғига Худо – пошшо, дейишган оқиллар.

– Шунақа дейсиз-у, иморатни биринчи гишти қийшиқ қўйилса, қолгани ҳам эгри бўлади-да, бир кун бориб эса, ерга ағанайди. Шу ҳозири хато бўлса-чи, Турсун ака?

– Синглимдан қолган бирдан-бир ёдгор у, Пўлатжон, ёлғиз ёдгор! Сизда ҳам бошқа илинчоқ йўқ, ахир! Бу ёғини ҳам ўйладизми? Одамлар нима дейди, дейсиз? Одамлар гапини гапириб бўлди шу чокқача. Гапириб чарчадиям. Энди нимадан кўрқасиз?

– Номимиздан, шаънимиздан, Турсун ака!.. Мендан кейин... биздан кейин ҳаромини авлодлари деган от қолишдан кўрқаман, жуда кўрқаман!.. – куйиниб, бўйин томирлари бўртиб, юзининг соқолсиз жойи қизариб деди Пўлат ота.

– Тушунаман, Пўлатжон, тушунаман... Барибир бир қарорга келиш керак. Одамлар гапирса, яна бир гапирар, икки гапирар, кейин тинчиб кетади. Ҳаммани ўз ташвиш-юки бор. Бировни ташвишини бошқа биров юк қилиб ташиб юрмайди. Шундаям, йўқ, деб оёқ тираб турволсайз, ихтиёрийз. Невара сизники, уни олиш-олмаслик ҳуқуқи ҳам сизники. Ўтган гал сал қизишиб кетиб «отаман-нетаман», дедим. Жаҳл чиққанда ақл кетади, деганларича борда! Парво қилманг! Мени одам ўлдирадиган сиёқим йўқ...

Пўлат ота «ялт» этиб Турсун отага қаради.

Турсун ота ўзи билмай қайнисининг ярасига тегиб кетганини тушундию гапни бошқа ўзанга бурворди.

– Етимхонада катта бўлганлар ҳам кунини кўриб кетишяпти. Майли, сиз ўзизга қаранг. Нима қилсайз ўзиз биласиз.

– Оти нима?

– Кимники?.. Ҳа-а, боланикими? Бундай болани оти ўзи билан туғилади-ку, Пўлатжон. Ёдгор! Онасидан, бувисидан қолган ёдгор...

Пўлат исмни эшитиб, бир энтикиб тушди. Эн-тиккани учун ўзидан норози бўлди. Ўзини қўлга олмоққа тиришди.

– У ким экан? Қаерда яшайди?..

Турсун ота гап ким ҳақида бораётганини, энди айтмаса бўлмаслигини фаҳмлаб, Пўлат отанинг юзи-га синовчан қараб турди-да, деди:

– Ўзи қайси райондан билмайман, лекин Анжанда, шаҳарда ишларкан. Севинчдан ёши анча катта одам, уям дўхтиракан. Қрим татарларидан, Факил оға деган бир одам. Ишлар манавиндақа бўлгандан кейин уй-жойини сотиб, юртига кетиб қопти, деб эшитганим бор.

– Қочиб қопти-да, аблаҳ! – Пўлат отанинг мушт-лари қаттиқ қисилди.

– Йўқ, иш сиз ўйлагандек эмас, Пўлатжон. У киши дарров кетмади. Ёдгоржонни оламан деб биз-никига икки-уч йил қатнаб юрди. У пайтлар қайни-синглийз тирик эди. Бермади. Бизга ҳам бердирма-ди. Замонлар ўзгариб, татарларга ўз юртига қайтиш мумкин бўлгандан кейин, кетди. Ўшандаям бизники-га келиб, огоҳлантириб кетди.

– Хм... – Пўлат ота бошқа ҳеч нима сўрамади. Ўйланиб қолди. Шу ўйланганча Ёдгорнинг манзили ёзилган бир парча қоғозни олиб, хайрлашиб чиқди. Чиқиб етимхонага эмас, уйига, Мингтепага қайтди. Автобусда келаркан, яктагининг чўнтагига солиб қўй-ган, манзил ёзилган ўша қоғозни чиқариб, юзига ту-тиб неча қайталаб кўз солди. Гарчи Турсун отанинг ўғил набираси бобоси айтганидек қилиб, манзилни катта-катта ҳарфлар билан ёзган бўлса-да, Пўлат отанинг хатга кўзи ўтмади. Азбаройи қизиққанидан ёнида ўтирган йигитга узатди:

– Мана бунни ўқиб бер, болам.

Йигит ўқиди.

Ота «маъкул» дегандек бошини чайқаб, қоғозни қайтиб ўша жойга – юракка яқин киссасига солиб кўйди. Бирпас атрофни томоша қилди, бўлмади: безовталанди, худди кўкси куяётгандек, дам-бадам ўнг кўли билан чап кўкрагини силай бошлади. Ахийри, яна чўнтагига бармоқ сукди – қоғозга қаради. Кўзи ўтмаса ҳам бир парча қоғозга узоқ боқиб турди. Сўнг яна кўкракка жойлаб, деразадан ташқари боқди. Асакадан Мингтепага қараб кетган узун – икки томони адирликлар, дарахтлар, гуллардан иборат йўлни томоша қилайин деди. Соғинган экан бу йўлларни. Йўл юраркан, андухлари худди унда – ҳар одимда тўкилиб-тушиб қолаётгандек бўлди. «Йўлларингга жоним қурбон бўлсин, Мингтепа!» – хаёлидан ўтди унинг. Юра-юра андак енгил тортди. Йўл унинг захмларини бир қадар аритди. Ўқчига келганда «ПАЗ» маркали автобус пишқириб оёқ илди. Пўлат отанинг ёнида ўтирган йигит тушиб, ўрнига бир қиз келиб ўтирди.

– Ассалому алайкум!

– Ваалайкум... – Пўлат ота тарадудланди, томоқ кирди, – қизим, манави хатни ўқиб бермайсанми? – деди ниҳоят.

Қиз ўқиди.

– Анжандаги бир манзил экан, бува.

– Бор бўл, қизим, умрингдан барака топ! – Пўлат отанинг кўзлари ёшланди. Лекин дархол белидаги белбоғини ечиб, бир бармоғини унинг четига тикди-да, кўзларини артди. – Бас! – деди ўзига ўзи, – бас!...

Сўнг қиз узатган қоғозни олиб киссасига авайлаб жойлади. Бу орада у минган автобус Мингтепанинг шохбекатига келиб тўхтаганди...

18

Пўлат ота уйга келди. Дарвоза эшигига қистирилган чўпни олиб четга ташлади-да, ичкарига қадам қўйди: бўсафа ёғ тушса, ялагудек порлаб турарди. Буни кўриб отанинг кўнгли тўлқинланиб кетди: «Эҳ, барибир яхши одамлар бор, барибир, бор-а! Энди ўлишга тайёр бўлганимда, ҳар лаҳза ўлимни ёд этиб, Оллоҳдан ўзингга ўлим тилаб юрганимда, бирдан улар – яхши одамлар қаршингдан чиқардилару яна яшаш истагини кўнглингга соладилар! Эҳ!..»

Ота секин юриб бориб, ишком тагига кўйилган сўрига чўкди, кўлини дуога очиб пичирлади: «Ило-йим, бор бўлинглар! Қилган яхшиликларийз мендан қайтмаса, Яратган Эгамдан ортиғи билан қайтсин, омин, Оллоҳу акбар!» Шу пайт «Пўлат ота, ҳов Пўлат ота, уйдამисиз, келдийми?» деган товушлар билан тўрт маҳалла оқсоқоллари изма-из кириб келишди. Уларнинг ортларидан эса кўни-кўшни ҳам кўринишиб, кими тўртта нон, кими дастурхонга ўроғлиқ овқат, кими қаймоғу мураббо, кими қовуну тарвуз кўтариб олганди. Хувиллаб ётган, нақ мозорга айланаёзган Пўлат отанинг ҳовлиси бирпасда одамга тўлиб, гангур-гунгур овозлардан бозорга айланаёзди. Маҳалладошлари билан алламаҳалгача гаплашиб, чойлашиб ўтираркан, Пўлат ота ҳали умри якунига етмагани, Оллоҳ ундан яна ниманидир кутаётгани ҳақида илк бор ўйлашга журъат қилди. «Агар Эгамнинг менга бирон вазифаси бўлмаганида, қамоқхонадаги адоқсиз ўйларимнинг кўллари билан бўғиб ўлдириб қўя қоларди. Тирик кўйдими, демак, У қайсидир вазифани адо этишимни кутяпти мендан... Лекин қандай вазифа? Наҳотки, у етимхонадаги бола билан боғлиқ бўлса? Ахир... ахир у... ахир у, ким нима деса деяверсин, валади зино-ку!

Қайси юз билан унга юзлашаман, қайси юз билан уни отамни уйига олиб келаман, қайси юз билан одамларни кўзига қарайман, уларга нима дейман? У-чи, бола? У нима дейди улғайгач?.. Воҳ Яратганим, мени яна қандай синовлар билан синамоқчисан? Наҳот шунча синаганинг етмаган бўлса? Ҳалиям синовларингдан ўтмадимми, ўтолмадимми? Бутун умр севинчу армон орасида яшадим. Севинчларим армонга, армонларим севинчга ўхшарди. Шундаям «миқ» этмадим, тақдиримдан нолимадим. Нимаики қилсам, Сенинг измингда, қалбим амри билан қилдим! Сенинг қазабингга дучор бўлишдан қўрқдим! Энди бу нимаси? Наҳотки, Ўзинг шуни истаяпсан: етимхонага бориб, ўша... ўша болани ота уйимга олиб келишимни хоҳлаяпсан! Йўқса, нега ўлим билан сийламайсан? Ана, Эрбой ҳам ўлди. Ўзи тенгқурларим қолмади, ҳисоб. Ҳаммасини ҳузурингга қақриб олдинг. Мен-чи, мен? Бир нарсасини унутиб қўйган одамдек сира бу ердан кетолмаяпман. Ахир, қариган, чарчаган бўлсам... Ишлатсанг, ана, ёшларни, ҳавасмандларни топиб ишлатмайсанми!?! Менда на қувват қолган бўлса ва на шунга яраша ҳавас. Лекин тирикман, ҳамон тирик... Нега?!.. »

Пўлат ота ўзига ўзи савол берарди. Айни дамда, саволининг жавобини ҳам фаҳмлаб турарди. У бу жавобдан қанчалик қочишга, бўйин товлашга ҳаракат қилмасин, барибир уни ич-ичида тан олишга мажбур бўлаётганди. Унинг тириклиги етимхонадаги ўша бола билан боғлиқ эди. У шундай деб билар, юрак-юракдан шуни ҳис қилар, бундан эса оловдан қўрққан жонивордек қўрқар, ўзини ортга ташламоққа уринарди. Ўтаётган кунлар, содир бўлаётган воқеалар – буларнинг ҳаммаси уни тўппа-тўғри ўша болага, етимхонага томон судраётган эди. Судраб-судраб, ахийри чолни таслим қилди. У ҳам икки

кўлини кўкка кўтариб, енгилганини аён этди. Ботинида туғилиб, унга куну тун тинчлик бермаётган ўша ўйга, ўша ҳисга – болага боғланиб кетган ўйу ҳисга енгилди: Андижонга йўл олди. Қўлидаги ўша бир парча қоғозни ҳали унга, ҳали бунга кўрсата-кўрсата, ахийри, етимхонани топиб борди. Ичкарига қадам босаркан, юраги бир орзиқди, бир орзиқдики, хаёлида нафаси тўхтаб қолгандек бўлди. Шунда жисмини тўхтатди. Чуқур-чуқур нафас олди. Ҳаммаси жойидагидек туйилди. Кейин яна ичкарилади.

– Отахон, манзилни тўғри топибсиз. Оти нима неварайзни? – сўради шу ернинг каттаси, ўзиям эшикдек бўлиб семириб кетган каттакон аёл. Кейин қоғоздаги ёзувни ўқиди. – Бу ерда ҳар тўрт боладан бирини оти Ёдгор. Фамилияси нима, фамилияси? – энсаси қотиб жаҳл қилди каттакон аёл.

– Эҳ, шуни сўрамапман-да, қизим.

– Сўраш керак эди, ота, сўраш керак эди. Ўзи сизи неварайзми?.. Майли, манг, топиб сўраб-суриштириб, аниғини билиб, эне келинг, – каттакон аёл тап этиб стол устига манзил ёзилган ўша бир парча қоғозни қўйди. – Ия, тўхтанг-чи, каттакон аёл қоғознинг орқа томонидаги ёзувга кўзи тушиб қолиб, уни қайта қўлига олди. – Ёдгор Ўтқир ўғли! Ана, масала ҳал, отахон! Неварайз топилди. Юлдуз! Севинч! Ким бор? Келила бу ёкқа!..

Пўлат отанинг юраги яна бир ҳаприқди: Ёдгор Ўтқир ўғли! Отасининг шарифи билан экан...

У кап-катта бўлиб қолган эди. «Бобонг келди!», дейилган сўзнинг мағзини қандай чақишни билмай ўйнаб ўтирган болалар тўпидан икки-уч одим чиқиб келди-да, рўпарасида пайдо бўлган нотаниш, умрида илгари бирон марта кўрмаган, у ҳақда ҳеч кимдан ҳеч нарса эшитмаган бегона чолга қараб, ўнг қўли-

нинг кўрсатгич бармоғини оғзига солиб шимган кўйи серрайиб туриб қолди.

– Бола... боламни боласи! – беихтиёр лаблари пичирлади Пўлат отанинг. – Болажонимни болажониси! – Унинг кўзларидан шариллаб қайноқ ёшлар қуйила кетди. Отанинг муз қотган юраги шу ерга қадар муз эди. Энди кўклам қуёшининг тифига бардош беролмай чак-чак тома бошлаган тарновдаги сумалак-муздек эримоққа тушди. У бундай ҳолга тушишга – эришга қаршилиқ қилолмай қолди. Авваллари қилар эди. Етти йил мобайнида ҳеч нарса унинг музқотган юрагига таъсир қилолмаган, у кириб олган қавагидан ташқарига чиқаролмаган эди, энди бўлса, энди у ихтиёрсиз қолди: ҳаммаси ўз-ўзидан рўй бера бошлади. Ота йиқилиб кетяпман деб ўйлаб, эшик кесақисига суяниб олди. – Неварам, ўзимни неварагинам, бормисан! Қаерларда мунча ҳаяллаб қолиб кетдинг, нега қолиб кетдинг?! Сени шунчалар узоқ кутдимки, ҳеч қачон келмайсан деб ўйлагандим. Севинчимдан қолган ёлғиз ёдгорим, Ёғдуимдан қолган ширин хотирам! – Ота аёли билан қизини илк бор шундай соғинч билан ёдга олди. Ахир, улар чол учун ўлиб бўлганди-ку! Лекин энди улар – Ёғду ҳам, Севинч ҳам ўзига қараб турган боланинг қиёфасида тирилиб келишган, ҳар бири ўз тилида унга гапирмоқчи бўлаётгандек, оғиз жуфтлаётгандек туйиларди. Ота белбоғини ечди, кўзсоққаларини ўраб, кўришга монелик қилаётган кўз ёшларини артиб олди, артиб олиб болага яна боқди: ажаб, у бир пайтнинг ўзида ҳам Ёғдуни, ҳам Севинчни эслатарди. Қаерларидир отанинг ўзига ҳам ўхшаб кетар, яна ҳаммадан алоҳида, янги бир қиёфаси ҳам бор эди. – Воҳ, Оллоҳим, шунақаси ҳам бўладими! Қараб турсам, ҳаммамизни шу жажжи палапонда жамлаб қўйибсан-ку! Ҳаммамизни-я!.. Унда отам ҳам бор, онам ҳам бор, аёлим

хам бор, қизим ҳам бор, ўзим ҳам бор, ўзи, бола-ни ўзи ҳам бор!.. – Ота кўз ёшларини яна ўша белбоғи билан артди. – Мен энди нима қиламан? Қандай йўл тутаман? Сен мени нималар қилиб қўйдинг-а, нималар қилиб қўйдинг, эй Яратган Эгам?!.. – Ота кутилмаганда ортига бурилди-ю, эшик томон гандираклаб-гандираклаб юра бошлади...

Пўлат отадан уч-тўрт кадам нарида турган Ёдгорбек аввал лабларини бурди, кейин хўрсинди, чинқириб йиғламоққа тайёр бўлганда эса, буларнинг барини кўриб турган боғча опа югуриб келиб, уни бағрига босиб олди.

– Бўлди, бўлди, бўлди... мана ҳозир яхши кўрган ўйинчоғингни овераман, – деганча Ёдгорбекни кўтариб болалар ўйнаётган кўшни хонага олиб кетди.

– Вой Худойим-эй, одамларга нималар бўляпти ўзи, боласини қидириб келиб, топдим деганда, қочиб қолдими бу чол?.. – қаердандир пайдо бўлган хўппа семиз боғча мудираси отанинг ортидан тўнғиллади.

19

Ота йўлни Асакага олди – тўппа-тўғри Турсун отанинг ҳовлисига.

– Ассалому алайкум, Турсун ака! Яна келдим.

– Ваалайкум ассалом, Пўлатжон. Келинг! Келишни билардим. Бола шунақа қипқўяди биз оталарни, ҳа! Ҳали яна келасиз. Келаверинг. Қариндошлар қовоқ-тумшуқ уйса, парво қилманг, меники очиқ. Нима қилайинки, шунақаман, бир қоп ёнғоқман. Келинг!.. – улар қўл олиб кўришишди.

Дуои саломдан кейин ота мақсадга ўтди-қўйди.

– У... уни отаси қаерда? Манзилини беринг!..

– Ёдгоржонними?.. Гаплашгандик-ку, Пўлатжон, истасам ҳам айтганларимга бирон гап қўшолмайман, – жилмайиб деди Турсун ота.

– Наҳотки, ҳеч қандай бошқа из йўқ.

– Бордир. Бўлмасдан бўладими! Қайдадир, кимдадир бордир. Лекин менда, болаларимда йўқ... Пўлат соқолини тутамлаб ўйланиб қолди.

– Сиз кутинг. Балки ўзи кепқолар. Туппа-тузук одамга ўхшаганди. Бир дараги чиқади барибир. Чик-маса, у ёғига Худо – пошшо. Мухими, Ёдгоржон бор сизда!..

– Мен уни... болани қандай... – Пўлат ота тугилиб тўхтади.

– Қандай қилиб бағримга оламан? – демокчисиз-да. Билиб турибман. Тушуниб турибман. Ҳа, энди нима қиламиз, ҳаёт экан, тақдир экан, бу ёғини ўзингиз ўйланг. Ақлли одамсиз. Маҳалла оқсоқоли бўлган сиздек одамга маслаҳат берганиям ийманади одам. Мен айтадиганимни айтиб бўлганман...

Ҳаммаси тушунарли. Қарорни Пўлат отининг ўзи бериши керак, бошқа ҳеч ким, тамом-вассалом!..

Ота ўша куни кечаси бир туш кўрди. Тушида етимхонани, Ёдгорни кўрди. Кундуз кун экан. Ўша жой, ўша ҳолат. Фақат Пўлат ота бу сафар неварасидан қочмапти, аксинча, бориб уни маҳкам қучоқлаб олипти. Невараси ҳам уни шундай қучоқлапти. Чол билан невара қучоқлашганча етимхонадан чиқишипти. Чиқиб, тўғри Турсун отанинг олдига боришиб, ундан суюнчи олишипти, кейин бобо билан бола етаклашиб Асакадан Мингтепага қатновчи автобусга ўтиришипти... Шу ерга келганда ота уйғониб кетди. Қараса, ҳаяжондан нафаси нақ бўғзига тикилаёзипти: эй, Оллоҳ!..

Ота бошқа ухлай олмади. Ўша туни ҳам, кейинги тунлар ҳам. Ўзи қарияларнинг уйқуси қушники

монанд бир чўким эмасмиди, отада шу ҳам қайгадир қочди-кетди. Фақат мизғийди. Мизғиб кетганда ўнги ва туш аро Ёдгорбек яна кўз олдида гавдаланади, гавдаланаверади...

– Ёдгор!.. Ёдгорбек!.. – деб кўрди у илк бор бу исмни тилга олиб. Исм аллақандай ширин туйилди. Худди унинг ҳар бир ҳарфига бол суриб қўйилгандек. Тағин такрорлади: – Ёдгоржон!..

Исмни такрорлар экан, Пўлат отанинг юрагига аллақандай маъно тўла бошлади. У неча замондир маънодан холи эди. Мана энди... мана энди яна унга ошно бўлмоқда. Отанинг юраги сувга ташналар бўлиб кетган қақроқ ердек эдию ёнгинасида пишқириб оқаётган дарёга қиё боқиб қўймас, ундан сув ичишни хоҳламасди. Шунинг учун ҳам сув келадиган томонни дамбалаб-тамбалаб ташлаганди. Мана, ниҳоят, қўлига бети бир қучоқ келадиган кетмонни олди-да, худди йигитлик вақтлардагидек гурсиллатиб ерга урди: дамбани очишга киришди. Унинг «Ёдгор, Ёдгорбек, Ёдгоржон!..» дея ҳар бир такрорлаши дамбага урилган биттадан кетмон зарби эдики, лахтак-лахтак бўлиб бузила бошлаган дамбадан бу томонга дарёнинг зилол суви шариллаб қуюлди. Оҳ, чанқоқ қалб билан зилол сувдан сипқариш қандай роҳат, қандай лаззат экан!.. Буни ҳис қилиш учун инсон танасининг ёш ёки қари бўлиши мутлақо шарт эмас, у чинакамига чанқаш керак экан, холос, чанқаш! Чанқаш изтиробини туймаган инсон ҳеч қачон сувнинг асл таъмини билмайди, асл қадрига етмайди, билмас экан, етмас экан! Ҳа, ўзининг ҳадди аълосига етган эҳтиёжгина нарсаларнинг чин кадр-қимматию мазмун-моҳиятини очиб бера оларкан, шундай эҳтиёжни туйган инсонгина бу ҳақда сўз сўзлашга ҳақ қозонаркан. Унинг олдида бошқа-

ларнинг гаплари худди гул водийни кўрмасдан туриб, у ҳақда ўзидан тўқиб-бичиб сўзлашига ўхшаб қоларкан-қўяркан...

Ота шу ёшга етиб ҳеч қачон бир тушни икки қайта кўрмаган эди. Энди кўрмайсизми, кўзи илиндими, эшиклари мўл-кўл узун йўлакдан унга томон журъатсизгина босиб келиб, уч-тўрт кадам қолганда тўхтаб, бармоғини оғзига солиб шимганча ийманиб турган Ёдгоржоннинг қиёфаси, ўша лаҳзалардаги илтижоли кўз қарашлари, ниманидир, қандайдир мўъжизани кутган каби киприкларини пирпиратиб туришлари, ҳамма-ҳаммаси отанинг тушларида бамисли кино лентасидек, азизу кадрдон кинонинг сарғайиб кетган лентасидек қайта ва қайта айланарди...

Тошни тешган томчидек эди бу тушлару бу ўйлар. Ниҳоят, ота таслим бўлди. Отани ўйларию тушлари енгди. Айнан улар – ичкаридагилар ташқаридаги душмандан ғолиб келди. Ташқаридагилар – одамлар, уларнинг гап-сўзлари, маъноли-маъноли, илмоқли-илмоқли қарашлари, шивир-шивир, пичир-пичир қилишлари... ҳамма-ҳаммаси бирданига, ҳеч қачон бўлмагандек бирданига кўздан йўқолди, даф бўлди. Ота хайрон қолди. Ахир, уларни деб, уларнинг қарашлари, гап-сўзларини деб, ўз қизини чавақламадими? Одамлар нима дейди, деб хотинини тушунмай, уни эшитмай, муштипар аёлни кўрқинчли ўй қаърига отиб, ташлаб кетмадими? Бирини чавақлади! Бошқасини ташлаб кетди! Кейин уларнинг иккиси ҳам ўлди. Ота қамоққа, бола бўлса, етимхонага тушди!.. Хўш, ўша одамларнинг биронтаси келиб, «Ҳолинг нечук, Пўлат?», дедими? Демади. Эрбой отага ўхшаб келгани ҳам ўз дарди билан келди, кечирим сўраб келди, оёғи гўрга яқинлашиб қолгани учун охиратини ўйлаб келди. Хўш, уни, Пўлат отани ўйлаб ким келди ўзи қамоқхонага?.. Борми бирон-

та шундай мард?!.. – Ота бир зум сукутга чўнди. Сўнг лаблари қимирлади: «Йўқ!..»

Буни қаранг, ҳеч ким йўқ экан-у, ота бор деб ўйлабди. Қани улар, қани?! Қаёққа кетишди? Нега кетишди?.. Нима бўлди ўзи?!.. Нега ота бугун ёлғиз қолди?!..

Отанинг лаблари пичирлаб саволлар берардию юраги унинг жавобларига эҳтиёж туймас эди. Зеро, у ерда тамомила ўзга ҳислар жўш урарди: оталик ҳисси, оталик бурчи, оталик... оталик!.. Кеча шуни ҳис қилолмаганди. Ахир, юраги бошқа нарсалар билан: одамлару уларнинг у ҳақдаги ўйлари билан, кин билан, аламзадалик билан, исён билан тўла эди. Бугун эса... бугун аллақандай бир меҳр келдию юракни забт этди. Энди у ерда кину адоватга, одамлару уларнинг сариқ чақага арзимайдиган гап-сўзларига жой қолмади, қолмади!.. У ота бўлгандан кейин, ўзини ота ҳис қилгандан кейин барча бошқа ҳислар чекинди. Худди Мусо пайғамбарнинг тўғри ҳассаси катта илонга айланиб бошқа барча эгри ҳас-саларни – майда илонларни ютиб юборгандек бўлди. Ҳа, ҳа, худди шундай бўлди...

Кечаси билан мижжа қоқмай ўрнида ағдарилиб чиққан ота азонда туриб таҳорат олди, бомдод намазидан кейин «бисмилло» дея кўча ҳатлаб ташқари чиқди.

У етимхонага отланган эди...

20

Ота тонг сахардаги автобусда битта ўзи борарди. Йўлда ҳеч ким уловга чиқмади. Фақат марказга етай деганда, автобус эшиги олдида серсалобат, серсоқол Ўлмас домла кўринди. Пўлат ота унинг хурматига ўрнидан туриб, салом берди. Домла ҳам алик олиб

тўғри унинг ёнига келди, отанинг елкасидан ушлаб ўриндиққа ўтқазаркан, ўзи ҳам чўкди.

– Йўл бўлсин азонда, Пўлатбой? – сўради ҳамроҳининг ҳаяжон босган юзига синовчан-синовчан боқиб домла.

– Етимхонага! – деди ота на сирини, на ҳаяжонини заррача яширмай. – Неварамни олгани кетяпман!

Ўлмас домла ҳаётда ҳам, динда ҳам ўзининг қаттиққўллиги, кескин ҳукмлар чиқариши билан шу атрофнинг «етти иқлим»ига танилган имом эди. У ёки бу масалада маслаҳат сўраб келинганда ҳам одамнинг юзи иссиқ дея муаммони хаспўшлаб, илмилик гаплар айтиб ўтирмасди, шариатда нима дейилган бўлса, шартта айтарди-қўярди. Пўлат ота буни билгани ҳолда ундан ҳайиқмади: домла бўлса ўзига, нима деса деявермайдими, дея ўйлади. Чунки оталик меҳри ҳозир ҳаммасидан, жумладан, домла айтиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳукмдан-да устун эди! Дунёнинг жамики динлари йиғилиб ҳам уни шу тобда отани боласининг боласига элтувчи йўлдан қайтара олмасди. Асло! Мабодо динлар бир овоздан: «Бундайин набирадан, валади зинодан воз кеч!» деса, ота ўйланиб ҳам ўтирмасдан ўша динларнинг баридан воз кечарди, баридан! Отани боладан, болани отадан жудо қиладиган ҳар қандай таълимот Пўлат ота учун энди йўқ эди. Шунинг учун ҳам у Ўлмас домланинг оғзини пойламади, зеро, ундан чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай сўз отани олган қароридан тондира олмас эди. Бас, Пўлат ота домланинг юзига бамайлихотир қаради: «Қани, ҳукмингни ўқисанг ўқийвер, эй серсоқол, бадқовоқ домла, энди менга барибир! Агарда инсонни инсон бўлишга қўймаса, уларни бир-бирларига бўлган меҳру муҳаббатини инкор қилса, неваранг ношаръий туғилди, дея, мени оталик туйғумга уруш очса, боламини бўлса,

мендан айириб, тирик етим қилса, мен сенинг ўша динингни ҳам, унга хизматкор бўлган ўзингни ҳам сариқ чақага олмайман!» деяётгандек қаради.

– Мана энди тўғри иш тутибсиз, Пўлатбой, отангизга балли! – деса бўладими кутилмаганда домла.

– Нима? Наҳотки?.. – Пўлат ота ҳангу манг бўлди. Бу гапни домла айтяптими? Маҳалланингни на эмас, бутун районнинг бош имоми айтяптими? Наҳотки?!.. Наҳотки, дин неварамга қарши бўлма-са? Унда одамлар нега қарши бўлди? Нима, улар бошқа динданми?.. Суф-е сенга, хомкалла, Пўлат! Хали сен одамларни гап-сўзларини дин деб, динни эса одамларни кайфияти, деб юрибсанми? Шу ёшга кириб ҳам, а! Омилик ҳам эви билан-да! Буни қара: дин қарши эмаскан-ку! Вой, ўзим ўргилай, боламини бағримга олишимга диним қарши эмаскан! Қарши эмаскан, қарши эмаскан!.. Мана, ўқимаганни оқи-бати, Пўлат! Мана, жоҳиллик!.. Дунё кўрдим, ҳаёт кўрдим деб юраверганакансан гердайиб. Мана, энди ўқимаганинг панд бериб ўтирибди... Хай, аттанг, аттанг! Шунча умр, шунча кўз ёш!..

– Ҳа, Пўлатбой, жуда тўғри қарорга келибсиз. Гўдакда нима айб? Бориб тезроқ бағрийзга олинг, ўқитиб одам қилинг, иймону эътиқодли қилиб қатор-га қўшинг! Оллоҳ сиздан рози бўлсин!

Пўлат ота домланинг хайрихоҳлигидан мой-дек эриб турганда автобус район марказига келиб пишқирганча тўхтади.

– Яхши бориб келинг, Пўлатбой, сиз тўғри йўл-дасиз! – домла яна унинг елкасига қоқиб қўйиб, ёшининг улуғлигига қарамай, енгилгина ҳаракат билан «зип» этиб темир уловдан тушди-да, одамлар орасига кириб кўздан ғойиб бўлди.

Ота ўзига келиб, кўзғалиб, ҳайдовчи йигит бўлма-сига яқинлашган кўйи унга пул узатган эди, «тушиб

кетаверинг, ота. Ўлмас домла сизгаям тўлаб кетди», деган жавобни эшитди.

– Ё тавбангдан кетай, қачон!.. – ота ҳайрон бўлиб автобусдан тушди. Туша солиб атрофга аланглади: домланинг қораси кўринмасди. – Субҳаналлох, тушимми бу ё ўнгим?!.. – ёқасини ушлади ота.

21

– Бобо, сизни чақиришяпти? – пилдираб келиб деди Ёдгорбек ҳовли томондан таҳорат олиб қайтаётган Пўлат отага.

– Ким экан?

– Билмасам, у тоғани мен аввал кўрмаганман, – бобосининг кўлидаги обдастани олди бола.

Пўлат ота, айвон устунига осиклиф сочиқни олиб артинган кўйи ташқарилади.

– Ассалому алайкум!

– Ваалайкум ассалом, меҳмон! Келинг! – Ота кўлидаги сочиқни елкасига отиб, кўришиш учун икки кўлини баравар узатди.

Меҳмон отани кўлларини гўё кўрмагандек, бағрини очиб келиб, Пўлат отани маҳкам қучоқлаб олди.

– Ота, мен ўша одамман! Мана шу неварайзни отаси! Бошизга шунча кўргиликларни солган Факил!..

Пўлат отани гўё чақмоқ урди!..

Бутун борлиғи титради, ёнди!..

Ота фақат шу титроқни, фақат шу ёнғинни ҳис қилди, холос. Бошқа нима қилишини, нима дейшини билмай серрайиб қолди. Икки кўли ҳавода, меҳмоннинг елкаларида муаллақ турарди. У ўзини маҳкам бағрига босиб: «Бошингизга шу кунларни солган одамман», деб турган нотаниш кимсага қандай жавоб беришни чиндан-да билмасди. Ахир, у

туфайли Пўлат яккаю ягона қизининг, жигарпораси – Севинчнинг кўксига пичоқ санчмадими?!.. Қисматдоши, ёстикдоши, кўнгилдоши Ёғдуни тириклайин гўрга тикмадими?!.. Ўзи етти йил қамоқда ўтирмадими?!... Манави норасида гўдакнинг номи булғанмадими?!.. Бунинг учун Пўлат неча бор хаёлида шу одамни, ҳозир ҳузурига бош эгиб келган, наинки бош эгиб келган, балки бағрига кирган худди шу одамни Севинчни чавақлагандек чавақлаб ташламади, дейсиз! Неча бор-а!.. Лекин нега жим ҳозир? Ахир, белида қайралган пичоғи ҳар доимгидек осиклик, душмани эса бағрида кўзичокдек химоясиз турибди. «Пичоқни қинидан суғур-да, ҳаммасига нуқта қўй!..» – Хаёлига келган бу буйруқдан чўчиб хушига келди ота. Ахир... ахир, бошқа томондан қараганда, худди шу одам туфайли Пўлат отанинг ёнида, ёнгинасида Ёдгорбек деган бир ширин гўдак – набира турибди, худди шу одам туфайли энди Пўлат отанинг наслу насаби давом этади, худди шу одам туфайли у тавба қилди, йўқотган, йитирган иймонига қайта қовушди, шундай эмасми?!.. Оҳ, бу қандай туйғу бўлдики, Пўлат ота бир қўли билан меҳмоннинг қаттиқ бағрига босишни, иккинчиси билан эса унинг юрагига пичоқ санчишни истамоқда!.. Қани энди шу икки ишни бир пайтнинг ўзида баравар қилиш мумкин бўлса!.. Мумкин эмас-да! Унда нега мумкин бўлмаган нарсалар одамнинг кўнглида туғилади? Нега кўнглида мумкину ҳаётда мумкин эмас?!..

Отанинг қўллари пастга тушди, ўнг қўли пайпасланиб қинни қидирди. У белбоғи бўйлаб ёнбошдан орқа томонга сурилиб кетган экан. Топди. Пичоқ дастасини тутди. Бир муддат шу алпозда тек қотиб қолди.

– Олдийзда айбдорман! Бутун бир оилайзни пароканда қилиб юбордим, мана, нима қилсайз қилинг,

ихтиёр сизда, хузурийзга бош эгиб келдим, бош эгиб!.. – дер эди меҳмон ҳали-ҳануз Пўлат отани кучовидан бўшатмай.

Ота пичоқни қинидан суғурди. Пичоқнинг ўткир тиги қуёш нурида ялтиллаб кетди. Худди бир пайтлардаги – ўша машъум ҳодиса юз берган туғруқ-хонадагидек. Бироқ буни боладан бошқа ҳеч ким кўрмади. Пичоқ отанинг қўлида айланди. Кейин... кейин ота бир ҳаракат билан уни нарига отиб юборди.

– Бобо, нимага пичоғизни отиб юбордиди? – сўради пичоқнинг кетидан чопиб кетган Ёдгорбек.

– Рост. Нега отдиди? Нега мени юрагимга жойламадиди? – сўради меҳмон ниҳоят отани бағридан бўшатиб кўзларига тикилиб қараркан. Ахир, мен шунга лойиқман-ку!..

– Ўртада никоҳ бормиди? – саволни савол билан қарши олди ота меҳмоннинг бағридан чиқиб икки одим ортга тисарилганча.

– Ҳа, бориди! Фақат элга овоза қилолмай қолдик, холос...

– Нима?!.. Нега, нимага шуни олдинроқ айтмадинглар? Нега ҳеч ким билмайди? Нима қилиб қўйдинглар, а, нималар қилиб қўйдинглар!.. – ота ортига бурилиб, икки кафти билан юзларини яширди. – Оҳ қизим-а, юзинг оппоқ бўлгани ҳолда, нега уни қора кўрсатиб кетдинг? Нега, нима учун?.. – Пўлат ота жавоб талаб қилинмайдиган оҳангда ўзига ўзи шивирлар, кўзларидан оқиб тушган ёш соқолларини ювиб ерга чак-чак томарди. Шу қўйи у елкасидаги сочиқни олиб, юз кўзларини артиб меҳмонга юзланди, сўнг аста юриб келди-да, неварасини отасини маҳкам бағрига босиб олди. – Нега розилик истаб олдимга келмадинглар? Ахир, мен ҳаммасини тушунар эдим-ку! Ҳаммасини!..

– Биз... биз...

– Бўлди, бас! Керак эмас! Бўлган иш бўлди! Энди уларни тирилтириб бўлмайди. Энди Ёғду йўқ, энди Севинч йўқ. Лекин барибир яшаш керак! Яратган шунга, ҳаётга буюради. Мана сиз бор, мана Ёдгорбек бор! Мен ўғлимизни қўлимдан келганча одам қилиб тарбиялашга уриндим. Энди навбат сизга, иним, сизларга!..

Ота меҳмонни бағридан бўшатиб, Ёдгорбекни қучоқлади, пешонасидан ўпиб, қўлидаги пичоқни олди:

– Буни менга бер ўғлим, бу мен билан кетсин! Кузатишимча, ҳаёт, янги замон сену сени авлодинг қўлига бошқа матоҳ беради. Сизлар энди ўша билан дунёга қарайсизлар!

Ота пичоқни қинига жойлади, сўнг неварасининг қўлидан тутиб, Факил офага юзланди...

22

Эй, Яратган Эгам! Менга берган ҳаётингнинг ҳам худди қизим Севинчини каби икки юзи бор экан: биттаси ғоят гўзал, сеvimли бўлса, иккинчиси эса, яна ўша қизимнинг оловда куйиб, бадбашара ҳолга келган, шу туфайли сеvimсиз, ҳатто қўрқинчли бўлиб қолган юзидек кишини ўзидан итарар, уни даҳшатга солар экан. Лекин у менинг ўз қизим, она қизим, пушти камаримдан бўлган яккаю яғонам дилбандим эди! Шундай бўлгач, мен унинг ўша хунук, ўша қўрқинчли юзини ҳам чиройли юзи каби яхши кўравераман. Менга қизимнинг икки бети бирдек азиз, бирдек қадрли. Ўйлаб қарасам, буларнинг бари худди Сен менга, аёлим Ёғдуга, қизим Севинчга, синфдошим Эрбойга... ҳамма-ҳаммамизнинг пешонамизга битган ёзуфингга чунонам ўхшар экан. У, қандай бўлишидан қатъи назар, бизники,

ўзимизники экан! Энди менга қисматимнинг икки бети ҳам, худди қизимники каби бирдек қадрдон: чиройлиси ҳам, хунуги ҳам! Мен уни шундай кўрдим, шундай билдим, шундай қабул қилдим, мана, сўнгги манзил томон ҳам шуни ҳис қилиб боряпман. Энди, ҳозирги тажрибам билан, икки қўлимни кўксимга қўйган, таъзим қилган кўйи айтаманки, қисматим айнан шундай бўлгани учун ҳам Сендан мингдан-минг розиман! Мени кечир, билиб-билмай, тушуниб-тушунмай қилган исёнлариму гуноҳларимни афву эт, Оллоҳим! Ҳаммасини энди, умрим поёнидагина англаб етгандекман. Қизимни ўлдириб, хотинимни ажалидан беш кун бурун гўрга тиқиб, яқинларимнинг юрак-бағирларини ғаму андуҳга тўлдириб бўлибгина мағзини чаққандекман. Жуда кеч, дейсанми?!.. Биламан... Кечликка кеч-у, нима қилай, мен – хом сутган эмган банда хато қилмасдан аввал тўғрини билмадим, гуноҳ қилмасдан бурун эса тавбага келмадим, келолмадим. Эҳтимол, бошқалар ҳам шундайдир. Буларнинг барини энди тушуниб етдим. Етишга етдим-у, буни бировга тушунтириб беролмаслигимни ҳам тушундим. Эҳтимол, хотиним ҳам, қизим ҳам ўз ҳаёт йўлларида тушуниб етганларини менга, бошқаларга тушунтириб беролмагандир. Ахир, сўнг бор кўрганимда хотиним ҳам, қизим ҳам ниманидир, ўта муҳим ниманидир менга айтмоқчи бўлишгандек илтижоли боқишган, кўзлари билан, кўнгиллари билан, ҳоллари билан гапиришган эдилар-да!.. Бироқ мен уларни тушунмадим, тушунишга ҳаракат ҳам қилмадим. Нигоҳлар тилини, кўнгиллар тилини, ҳоллар тилини билсам ҳам негадир бу тилда сўзлаган ўзга бир инсонни эшитмадим. Улар менинг бу ёруғ дунёдаги энг яқин одамларим бўлса-да, буни истамадим! Ўшанда ҳақсиз бўлганимни мана энди, неча-неча синовлардан ўтибгина тушуниб турибман.

Агар дунёдаги энг сўзамол воиз бўлганимда ҳам ўзим ҳозир – умрим адоғида англаб етганларимни ўзга бир кишига, ҳатто энг яқин кишимга ҳам уқтиролмаслигимни ҳам англадим. Ҳайҳот, аёлимга нақадар кийин бўлган экан! Қизимга эса... Унинг нозик аёллик елкаларига тушган юк оғирлигини тасаввур қилишга ҳам қўрқаман!.. Ёнимда юришган эди, бир оила – бир тану бир жон эдик, бироқ мен уларни тушунмадим, тушунолмадим. Энди билсам, бу мумкин ҳам эмасдек кўринади: зеро, ўша пайтда тушунишим учун улар босган йўлни улар бўлиб, аёл бўлиб, она бўлиб босиб ўтишим керак экан! Нега деганда, ҳар ким ўз хулосаларига ўз йўлидан юрибгина келиши мумкин экан. Ҳар кимнинг йўли бу – ҳар кимнинг пешонасига битилган битиги экан. Такдири азалда, лавҳул маҳфузда Сенинг амринг ила битилган битик! Шунинг учун ҳам дунё бор экан, унда хатолару гуноҳлар ҳам абадий, тавбалару савоблар ҳам!.. Майли, ўзга бировга тушунтиролмасдир, лекин инсоннинг ўзини ўзи тушуниб етиши – тавбага келиши унинг ҳаётидаги энг катта мўъжизадир!.. Мўъжизангни кўрсатганинг учун ҳам қуллуқ Сенга, Яратган Эгам!..

Агар Пўлат отанинг тили қайроқ бўлганида ана шу сўзларни ўз-ўзига пичирлаб бораётган бўларди ҳозир. Йўқ, унинг тили нўноқ бўлмагани янглиф у даражада қайроқ ҳам эмас, аммо юраги обдан қайралган унинг: ота бу юрак билан ҳаммасини, биз юқорида унинг номидан битганларимизни, ҳатто ундан ортиғини ҳис қилган, тушунган кўйи қабристон томон қадам босарди. У ерда отанинг умр йўлдоши, дўсти, суянчиғи – Ёғду бор, кўзининг оқу қораси, сулоласини давом этишига сабабчи бўлган, ҳаётига маъно-мазмун олиб кирган яккаю ягона қизи – Севинч бор. Ҳа-ҳа, бор! Энди бор! Кеча йўқ эди

улар, бугун бор! Бу қандай ажиб туйғу эканки, инсон дегани шошиб мозорга борса! Бу қандай сеҳрли ҳис эканки, яна чопиб у ердан уйга қайтса! Қабристонда ҳам, уйда ҳам кадрдонлари бўлса, борадиган жойи нақадар кўп бўлар экан инсоннинг, дунё эса нақадар кенг! Шунчалар кенгки, юриб адо қилолмайсан, киши!..

Энди ота учун икки дунё ҳам бир эди! Фақат бу бошқача «бир бўлиш» эди. Яхши маънодаги бирлик. Пўлат ота энди кечагидек ўлимга ошиқмайди, чунки уйда набираси – Ёдгори бор. Ҳаётнинг этагига ҳам ёпишиб олмайди, чунки у ёқда – қабристонда Ёғду бор, Севинч бор!.. Ох, ҳаёт ҳам шунчалар ширин бўладими! Айниқса, умр адоғида! Бир оёқ билангина эмас, иккиси билан гўрга яқинлашиб қолганда! Буни тан олиш уят бўлса-да, отанинг жисму жони мозорга кириб бораётганда қалби ҳаётнинг ширин тотини ҳис қилиб «дук-дук» урарди. Ахир, нима ҳам қилсин бечора, бир умр ҳаётда қидиргани, интилгани, айни чоғда, етолмагани ва умр поёнидагина етгани шу эмасмиди?!.. Энди кўрмайсизми, Оллоҳим ҳаммасини бирданига берди. Энди ота бир ён боқиб яшагиси, бошқа ён боқиб эса, ўлгиси келарди! Ўлимки, ҳаётга тенг: на қўркуви бор, на ҳадиги. Ўлимки, умидга чулғанган, фақат умидга!..

Ота ана шу умид билан қабристонга кириб келди...

БИТДИ

2018 – 2019 йй.

МУНДАРИЖА

«Ота»га таъзим. Умарали Норматов.....3

БИРИНЧИ ҚИСМ

Осуда осмон остида..... 5

Урушда 24

Кутиш.....59

ИККИНЧИ ҚИСМ

Яна осуда осмон остида..... 137

Адабий-бадiiй нашр

УЛУҒБЕК ҲАМДАМ

ОТА

Роман

Муҳаррир
Феруза ҚУВОНОВА

Бадiiй муҳаррир
Дилфуза САЛИХОДЖАЕВА

Саҳифаловчи
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Техник муҳаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АІ № 252, 2014 йил 02.10 да
берилган.

Босишга 10.12.2019 йилда рухсат этилди.
Бичими 84x108 1/32.

Босма табағи 6,5. Шартли босма табағи 10,92.
Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғоз.
Адади 10000 (I-завод 3000). Буюртма № 305.
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими: (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.
Маркетинг бўлими: (98) 128-78-43; (93) 397-10-87;
факс: (71) 273-00-14;
e-mail: yangiasravlodi@mail.ru
интернет дўкон: book.uz



Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссасида ўзбек оналари ҳақиқий тимсол даражасига кўтарилган бўлса, Улуғбек Ҳамдамнинг “Ота” романида ўзбек оталарини чинакам умумлашма тимсоли акс этган. Дарҳақиқат, бугунгача миллий адабиётимиздаги бирор асарда ота образи алоҳида намоён бўлмаган эди. Ниҳоят, мазкур “Ота” романида ўқувчи ҳақиқий ўзбек отаси билан яқиндан танишади. Кўплаб китобхонлар кутган китоб қўлингизда!

ОТА

УЛУҒБЕК ХАМДАМ



www.book.uz

ЯНГИ
АСР
АДАБИЁТИ

ISBN 978-9943-20-691-5



9 789943 206915